

ЮСУФ БЕРДИЕВ


АЖАБ  
САОДАТ



ЮСУФ БЕРДИЕВ

# АЖАБ САОДАТ

ёхуд Соиб Усмоновнинг  
ибратли ҳаёти  
*қиссаси*



Ўзбекистон Республикаси Фанлар  
академиясининг «Фан» нашриёти  
Тошкент – 2006

Масъул мұхаррир: **Жұманиәз Жабборов**,  
Ўзбекистон халқ шоири

Маслағатчи: **Исом Жалилов**,  
Ўзбекистонда хизмат құрсатған маданият ходими

Тақризчи: **Абдурахим Эркаев**,  
фалсафа фанлари номзоди

ISBN 5-648-03429-6

© Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси  
«Фай» изашындашылык  
2006 йил.

Бу азиз инсонни мен якындан билиб, одамийлиги, диёнатлилиги, қалби кенглиги ва бошқа күп яхши фазилатларини тан олганман, хурмат қилғанман ва эъзозлаганман. Соибжон аканинг Қашқадарё вилояти равнақи, барқарорлиги борасидаги хизматларини юксак қадрлайман.

*Ислом Каримов*

## ҲИКМАТЛИ УМР

Қашқадарё вилоятининг Ҳуррият йилларидағи муваффақиятлари ҳақида гап кетадиган бўлса, тадқиқотчилар, үлкашунослар, ҳатто бизга хайриҳоҳ чет эллик дўстларимиз «бу ютуқларнинг тамал тоши Истиқлол арафасида қўйилган эди», деган яқдил фикрни, асосли хулосани илгари суринада.

Қашқадарё ниҳоятда оғир, мушкул вазиятни бошидан ке-чираётган пайтда (1986 йилнинг декабрида) бу ерга Тошкентдан Ислом Каримов биринчи раҳбар бўлиб келди. Ислом Абдуғаниевич атиги икки ярим йил ичидаги ўзига қадар вилоятда ҳукм суреб келган адолатсизликка таг-туги билан барҳам бериш, ноҳақ жабр чекаётган минг-минглаб одамларни фаол ҳимоя қилиш баробарида Қашқадарёни инқироз ботқоғидан бутунлай халос этди. Ривожланишининг катта йўлига қайта олиб чиқди.

Ўзбекистон мустақил деб эълон қилингач, Қашқадарё Юртбоши меҳр ила чиқариб қўйган катта ривожланиш – тараққиёт йўлидан давом этди.

Чунки вилоятда Ислом Каримов яратган бошқарув мактабининг сабогини олган кадрлар пайдо бўлган эди. Улар бу мактабдан олган янги бил имлар, биринчи галда вилоят раҳбарининг иш услубини кузатиш ва ўрганиш, топшириқларини бажариш, мағзини чақиши ҳисобига ўз тажрибаларини бойитдилар, бошқарувнинг янги усувларини ўзлаштиридилар. Соиб Усмонов Қашқадарёнинг ана шундай кадрларидан бири эди. У киши юксак инсоний фазилатлари, моҳир раҳбарлиги, туғма кайвонилиги билан устозларимиз орасида биринчилардан бўлиб Юртбоши назарига тушган, иззат-хурматига, эътирофу эъзозига сазовор бўлганди.

Соиб ака катта инсоний ва раҳбарлик салоҳиятига эга эди. У киши, бир тарафдан, теран мулоҳазали, босик, муро-сагўй, ўз қарашларини фаол ҳимоя қиласиган, журъатли, қароридан қайтмайдиган, бир сўзли эди. Аммо ўз қарашларини қаттиқ туриб ҳимоя қилганида ҳам, бирор инсоннинг дилини оғритмасликка ҳаракат қиласиди. Унинг салоҳияти, эътиқоди ҳар бир фикрини ишонч билан ифодалашида, бе-радиган топшириқларини юмшоқ, аммо иккиланмасдан, қатъ-ий шаклда айтишида ҳам намоён бўларди. Соиб ака ҳам масъ-улиятли вазифада, ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Кен-гашининг кетма-кет сайланган депутати сифатида фоятда иб-ратли фаолият кўрсатиб, Қашқадарёнинг Истиқлол йилла-ридаги юксалишу ютуқларига улкан ҳисса қушди. Унинг ви-лоят муҳитини янада барқарорлаштиришдаги, уруш ва меҳ-нат фахрийларини ҳимоя қилишдаги, ёш кадрларни тарбия-лашдаги хизматлари бекиёсdir.

Президентимиз таъкидлаганидек, Соиб Усмоновнинг эл-юрт учун қилган хизматлари ҳеч қачон унугилмайди. У ки-шининг ҳавасли ҳаёти ва ибратлари ҳақида бугунги кун ёш-ларига ҳикоя қилиб бериш бизнинг вазифамиздир. Қулин-гиздаги ушбу ҳужжатли ҳисса ва хотиралар туплами худди шу эзгу мақсадда тайёрланди ва чоп этилди. Ўйлаймизки, элнинг суюкли фарзанди, юртни юрагидан севган устози-миз ҳақидаги мазкур китоб сизни ҳам асло бефарқ қолдир-майди.

*Нуриддин Зайнев,  
Қашқадарё вилояти ҳокими,  
Олий Мажлис Сенати аъзоси*

---

Бу гулшан ичра йўқдур бақо гулига сабот,  
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от.  
Алишер Навоий

## МУҚАДДИМА

Қашқадарёда меҳрибонликнинг ўзига хос тимсоли, деб дилдан ҳурмат қилинадиган етмиш уч ёшли Соиб ота май ойининг бош санаси арафасида ҳам тинч ўтиrolмади. Қаршидан анча олис тумандаги Бошчорбоғ қишлоғида яшовчи, ёшлари юзга етиб-ошиб қолган бир гуруҳ кексаларни табриклаб келишга чоғланди. Яқин дўстлари, «Нуроний» жамғармасида бирга ишловчи қадрдонлари «аввал Хотира ва қадрлаш кунини Қаршида яхшилаб ўтказиб олайлик, кейин у ёқقا бемалол бориб келарсиз, балки, биз ҳам бирга борармиз, иккинчидан, сал мазангиз бўлмай тургандек кўрина-япсиз», дейишса ҳам унамади. Ёши улуғ одамлар бироз нозик, кутувчан бўлади, айниқса, арафаларда, ҳали юзга етганларингда биласизлар, иккинчидан, соғлиғим дуппа-дуруст, деди-да, б май куни тонг саҳарда енгил машинада Дехқонободга жўнаб кетди.

Усмоновнинг Бошчорбоғга кириб келганини дарров пайкашди. Чунки хизмат машинасини, аниқроғи, унинг рангини, рақамини тоғликлар яхши билишарди. Шу боис меҳмон мўлжаллаган хонадонлардан бирисининг ҳовлисига қадам кўяр-кўймай бошчорбоғлик ёшу қари бирдай «қаршилик Соиб отамиз келди!» — дея севиниб кетди. Ҳа, уни тоғликлар оддийги на қилиб, «Соиб ота» дейишмасди, балки, доимо юрак-юракларидан меҳр ила «Соиб отамиз» деб ҳурмат қилишарди.

Соиб ота режалаштирганлари — меҳнат ва уруш фахрийларининг, ёши улуғ қарияларнинг ҳар бири билан уларнинг уйида, ётиб қолганларнинг тўшаги ёнида дийдорлашди, ҳолаҳволлашди, табрик сўзлари айтди, шароитлари билан қизиқди, сўров-таклифларини диққат билан эшилди ва ҳар бирига маҳсус байрам совгаси улашди. Улуг айём арафасидаги бундай эътиборли йўқловдан бошлари осмонга етган бош-

чорбоғлик кексалар миннатдорчиликларини «Сиз билан уйимизгагина эмас, балки, бутун қишлоғимизга нур кириб келгандай бўлди, ота!» деган чин юрак сўзлари билан бошлашди. 103 ёшни қаршилаётган отахоннинг кўзидан ҳатто ёш чиқиб кетди. У қўлни дуога очиб:

— Соибжон укам, ўз вақтида Деҳқонободда олти йил хўжалик раҳбари, туман етакчиси вазифаларида ишлаб, унинг юксалишига, обод бўлишига катта ҳисса қўшган эдингиз. Буни асло унутмаймиз. Энди деҳқонободликларнинг кўнглини чоғлик билан обод қилиб юрибсиз. Бундан ортиқ яхшилик бўладими?! Илоҳим, умрингиз Деҳқонобод чинорларининг умридай узун бўлсин! — дея фотиҳа қилди.

У қариялар билан хайрлашиб чиққач, зиёрат қилиш вақтида ўзига ҳамроҳлик қилган қишлоқ кайвонисидан аҳвол сўради, ишларини суриштириди, гапларини эшитди, унга тегишли топшириқлар, маслаҳатлар берди. Хизмат машинасига ўтираётib, агар эрта-индин Қаршига борадиган бўлсангиз, албатта менга учрашинг, ишхонамни, телефонимни биласиз, отахон сўраган ноёб дорини топиб қўйиб, олдинроқ сиздан бериб юбораман, деб тайинлади.

Машина Фузорнинг «Пачкамар» хўжалигига яқинлашганида Соиб ота бу ерда раҳбар бўлиб ишлайдиган жиянини кўргиси келди. Шофёрга, ўлимиз тушганда бир йўла Ўткиржонни ҳам кўриб кета қолайлик, идораси томон ҳайданг, деди.

Машина хўжалик бошқаруви биноси яқинига келиб тўхтагач, мен тушсан, танишлар кўп, ушланиб қоламиз, яхшиси, Ўткиржонни бу ёқقا икки дақиқага чақириб чиқа қолинг, укажон, деб илтимос қилди ҳайдовчидан.

Шофёр машинадан тушиб идора томон юриши билан куттимаганда орқа ўриндиқда ўтирган Соиб отанинг мазаси қочди. Жияни «Ассалому алайкүм!» деб машина эшигини очганда у ўриндиқча чалқанча суюнганча юрагини чанглаб, ранг-рўйи кескин ўзгарган, жим, ҳолсиз бир ҳолатда ётарди. Нима қилди, тоғажон, мазангиз бўлмаяптими, деб чаққон ёнига ўтириб, ёрдамга шошилган жигарбандининг сўзларини эшитмади. Бир оғиз «Ўткиржон, яхшимисан?» дейёлди холос.

Бир умр одамларнинг эзгу ташвиши билан яшаган, одамларга иложи борича, қулидан келганича яхшилик қилишни, меҳр улашишни, «қўнгил кўркамлиги» (Лутфий) учун курашишни умрининг асосий мазмуни деб билган, эл-халқнинг нафасисиз, дийдорисиз, даврасисиз туролмайдиган,

туман, вилоят раҳбари, қайвониси сифатида ўзидан кўра ўзгани кўпроқ ўйлайдиган инсон ҳаётининг сўнгги куни, соатлари, дақиқаларида ҳам шу улуғ эътиқодларга, фазилатларга содик қолди. Ҳатто жон таслим қилаётганда ҳам «Ёмонман», деб ўзини эмас, «Яхшимисан?» деб бошқани ўйлади!

2000 йил 6 майи оқшомида тарқалган совуқ хабардан Қарши қалқиб кетди гёё. Бу шум хабарга дастлаб ҳеч ким ишонмади: «Соппа-соғ эдилар-ку?». «Наҳотки? Эрталаб машинага чиқаётганларида ўз кўзим билан кўрган эдим». «Ё тавба! Кечагина тадбиrimизда қатнашгандилар». «Афсус, Соиб ота ҳали яшаши керак эди». «Соиб ота одамларга керак эди...»

Қарши шаҳрининг Ишчилар кўчасидаги марҳум хонадони бирпасда Соиб отанинг қадрдонлари, маҳалладошлари билан тўлиб кетди. Хонадонга бутун қаршиликлар оқиб кела бошлади. Ташириф буюраётганлар Соиб отанинг садоқатли умр йўлдоши Тошиби ая ва унинг фарзандларига ҳамдард эканликларини билдиришарди. Барча бирдай қайфуга ботган эди. Бирор иккичи бирорвга таскин улашмасди. Чунки ўзи Соиб отанинг яқини — жигарбанди ёки дўсти, қадрдони ёки шогирди, укажони ёки сингилжони сифатида далдага муҳтож эди.

Шундай оғир дамларда Тошкентдан, Президентимиз томонидан марҳум оиласига йўлланган куйидаги ҳукумат телеграммаси барчанинг кўнглига бирдай таскин улашди:

**Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Ишчилар кўчиаси, 24-үй.  
С.Усмонов оиласига**

Ҳурматли Соибжон аканинг оила аъзолари!

Биз учун қадрли бўлган Соибжон Усмоновнинг бевақт вафот этганлигидан қайгуриб, сизларга ва барча яқинларинизга чукур ҳамдардлик билдираман.

Бу азиз инсонни мен яқиндан билиб, одамийлиги, диёнатлилиги, қалби кенглиги ва бошқа кўп яхши фазилатларини тан олганман, ҳурмат қилганман ва эъзозлаганман. Соибжон аканинг вилоят равнақи, барқарорлиги борасидаги хизматларини юксак қадрлайман.

Барчамиз учун ҳурматли бўлган Соибжон аканинг элйорт учун қилган хизматлари ҳеч қачон унтуилмайди.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов  
7 май 2000 йил**

Ха, Юртбошимиз минг бора ҳақ. Соиб Усмонов мангаликка даҳлдор инсон эди. Унинг ғоятда ибратли ҳаёти саҳифалари ни варақлар эканмиз, бунга биз такрор ва такрор амин бўлдик...

---

## БИРИНЧИ БОБ

### ФУЗОР, СЕНСАН – ИЛК УСТОЗИМ

Унга падари бузрукворини күриш насиб этмади. У онаси-нинг қорнидалиги вақтида, яъни туғилишидан бир ой олдин асли самарқандлик бўлган отаси Ризокул ака бевақт вафот этди. Дунёга келганида (1927 йилнинг октябрида) ёш, кутилмаган йўқотишдан эзилиб юрган бева онаси бобо-момоларининг киндик қони тўкилган жойида туфилди, шунинг учун ўғлимга Фузор деб исм қўяйлик, деган фикрни айтди. Шунда бувиси қизининг кўнглини кўтариб, йўқ, бу кела-жакда албатта Фузорнинг, ҳамма ҳавас қиласидиган камолнинг, хислат-фазилатларнинг, баҳт-иқболнинг эгаси бўла-ди, шунинг учун неварамга Соҳиб деб исм қўямиз, деди. Бу таклиф бува-тоғаларга ҳам, амма-холаларга ҳам маъкул тушди. Кулогига аzon айтилиб бўлингач, нисбатан қувноқ, ҳазил-каш тоғаларидан бири чақалоқни эркалатиб, «отга розимисиз, Ризоқулович!» дея ҳазиллашди ҳам.

Донолар бежизга «Бўладиган бола бошидан», дейишмаган. Соҳибжон эсини таниши, оёфи чиқиб, кўчанинг ўзи тенги болакайларига қўшилиши билан ўзгаларнинг ҳам эътиборини тортди. У, энг аввало, гоятда одобли, зийрак, ўйинқароқликдан холи, беозор, айрича ҳавасманд ва кўзлари доимо меҳрли кулиб турадиган кичкинтой эди. Ўқишини ўрганиши, мактабга қатнай бошлиши билан китобга алоҳида ихлос қўйди. Китобдан, билимдан баҳт топишга барвақт ақли етди. Қизикувчан, интилувчан, тиришқоқ Соҳибжон бўш вақт топиши билан китоб варақларди. Буваси, тоғалари шаҳарга, бозорга тушаёт-тиб, қани, болалар, кимга нима опкелай, кимга майиз, кимга парварда, деб сўрашса, у менга бадиий китоб опкелинг, деб турарди. Анув куни олиб келгандим-ку, дейишса, ўқиб бўлганман, деб жавоб берарди. Унинг айрича туфма китобсеварлиги ҳақида гап кетаётганда фузорлик саксон бир ёшли Хайрулла бува ажойиб бир фикрни, мисолни айтиб қолди:

— Биласизми, Соибжон (*аввал қариндош-уруглари, дўст-биродарлари, кейинчалик кўпчилик уни шундай деб атай бошлиди —муаллиф изоҳи*) худди мана шу ибратли фазилати — китобга ўчлиги, китобнинг шарофати туфайли тўқиз ёшидаёқ бутун туманимизда назарга тушган. Яъни 1936 йили тоғ олди тумани — Фузор ташкил этилганлигининг ўн йиллигига багишлаб шеър ёзган, уни кўпчилик даврасида ўқиб берган. Илк машқини ҳатто туман газетаси ўз саҳифасида эълон қилган. Саккиз мисрадан иборат бўлса-да, нисбатан мазмунли бу шеър ҳамон эсимда. Мана, эшитинг:

Бизнинг туман Фузордир,  
Йигитлари ўзардир.  
Чўпонлари баҳорда  
Ўтовларин тузардир.  
Ўнга кирган туманим,  
Сенга равнақ бўлгай ёр.  
Чунки сенинг тепангда  
Серхосият тоғлар бор!

Фашистлар СССР (собиқ)га ҳужум бошлаган йилда Соибжон ўн тўрт ёш арафасида эди. Ўша вақтларда у яна бир бор гузорликлар эътиборини тортди. Мактабдан қайтаётганда туман марказининг қайсиdir идораси пештоқида узун алвонга битилган «Уруш сабабчилари — немислар албатта тор-мор бўла-жак!» деган ёзувни ўқиб қолди. Унга кўз юргутириб туриб, мағзини чақаётиб, бирдан ажабланди. Нега немислар? Фашистлар-ку. Бутун бир миллат ёвуз бўлмайди-ку? Немис фашистлари, дейилса ҳам майли эди. Шиор фирт хато ёзилибди!

У идорага кирмоқчи, у ердагиларга фикрини айтмоқчи бўлди. Иккиланди. Қандай киради. Ёш бола бўлса. Сўзини бирор тинглармиди. Мактабга қайтиб, фикрини муаллимга, директорга айтмоқчи бўлди. Улар эса, аллақачон кетишган. Эртага дарс олдидан ёки танаффус пайтида айта қоламан — шундай қарорга келди у.

Лекин хато шиор эрталабгача, мактабга боргунича унга тинчлик бермади. «Бутун бир миллатнинг йўқолишини исташ фирт нотўгри!» — деган фикр-хаёл миясида тинмай айланаверди.

У мактабга қадам қўйиши билан кучада кўрганини, мулоҳазаларини ўзларидан олдин келадиган синф раҳбарига айтди. Муаллим унинг сўзларини эшитиб, дарров фикрига қўшилди ва ўша ёзув қайси идора пештоқида экан, Соибжон, деб сўра-

ди. У, хаёл билан бўлиб, эътибор бермабман, узр, лекин идора қаердалигини биламан, деди. Ўқитувчи бироз ўйланиб тургач, устозга айтиб кўрай-чи, деб директор кабинетига кириб кетди. Соибжон мени катта домла ҳузурига чақиради, деб залда кутиб турди. Ундан бўлмади. Зум ўтмай, директорнинг ўзи муаллим билан унинг олдига чиқиб келди. Шиорни сиз кўрдингизми, баракалла, ўғлим, тўғри пайқабсиз, деб ундан идоранинг қаердалигини, мўлжални сўради. Сўнг, бўлмасам, синглим, сизлар дарсни бошлайверинглар, мен у ерга беш минутдан кейин албатта ўтиб келаман, шиорни ўзгартирмаса бўлмайди, деди.

Дарслар тугаб, тенгқурлари билан энди уйга қайтмоқчи бўлиб турганда синф раҳбари югуриб келиб, нимадандир мамнун ҳолда, Соибжон, сени директор чақирияпти, юр, деди. Улар мактаб раҳбари ҳузурига киришганда унинг рўпарасидағи стулда эллик беш-олтмиш ёшларда, чиройли кийинган, галстук таққан туман котиби ўтиради. У Соибжонни кўриши билан «Бизнинг хатомизни топган шу йигитчами?!» деб дарров ўрнидан туриб кетди. Унинг кўлини олиб, энгашиб, пешонасидан ўпаркан, зийраклигинг учун раҳмат, ўғлим, бизнинг ходимлар сўзнинг маъно-мантигига эътибор бермай, жиддий хатога йўл қўйишган, деди. Сўнг котиб, ҳақиқатан ҳам немисларнинг барчасини бирдай гитлерчилар ёки фашистлар деб бўлмайди, бу миллатдан қанчадан-қанча даҳолар, яъни ақэлли одамлар чиққан, ҳозир ҳам уларнинг орасида ақэлли одамлар, яъни, урушни хоҳламовчилар, қораловчилар, тинчлик тарафдорлари кўп, қолаверса, яхши-ёмон одамлар ҳамма миллатда бор, ҳозирги уруш сабабчилари немис миллати эмас, балки, немис фашистлари, деб Соибжонни астойдил қўллаб-куватлади. Айни дамда одамлари шиорни жойидан кўчириб олиб, тузатишашётганини маълум қилди.

Котиб ўрнидан тураётиб, отангга ҳам раҳмат, узр, кимнинг ўғли эканлигингни сўрамабман, деди. Жавоб олгач, э, Усмон аканинг ўғлимисан, у кишини танийман, биламан, ажойиб одам, мендан салом айт, энди, кўрганимда зиёрак, билимдан ўғилчанинг отаси, соҳиби экансиз, дейман, дея ҳазиллашиб хайрлашди.

Ўсмир Соибжон ибратли фазилати – китобга ўчлиги боис фашистлар собық Иттифоққа ҳужум қиласанда йиллари ўғиллари, суюнчлари урушга кетган жуда кўп қарияларнинг, отоналарнинг дуосини олди. Масалан, у Faфур Ғулом, Ойбек. Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода каби мумтоз шоирлар-

нинг ўксик дилларни кўтарувчи, уларга ишонч багишловчи, мардликни улуғловчи, урушни қораловчи, ёвузликни лаънатловчи, иродани мустаҳкамловчи, фалабага чорловчи машҳур шеърларини газета-журналларда эълон қилиниши билан топиб, ўқиб, ёдлаб оларди. Уларни мунтазам равишда қўни-қўшнилар ҳузурида, «Совинформбюро»нинг навбатдаги хабарларини эшитиш учун қишлоқ марказида ўрнатилган радиокарнай тагига йигиладиган одамлар даврасида тутилмасдан, ифодали, яъни чиройли ўқиб берарди. Шунда, олис фронтларда жанг қилаётган ботир фарзандларидан хат-хабар кутаётган ота-оналар беихтиёр: «Қўнглимизни кўтарганинг учун раҳмат, Соибjon, умрингдан барака топ, ота-онанг ҳузурингни, камолингни кўриб юришсин!» – дея дуога қўл очишарди.

У ана шундай давраларда севиб ўқиб берадиган шеърлар орасида маҳаллий, ҳаваскор қалам соҳибларининг ижод на-муналари ҳам бор эди. Мисол учун Жўшқин тахаллуси билан шеърлар ёзган, аммо навқирон ёшида оламдан ўтиб кетган қашқадарёлик ҳаваскор шоирнинг «Гитлерга» сарлавҳали шеъри ана шундай назм намуналаридандир. (С. Усмонов бу шеърни ҳатто 1995 йили ёддан эслаганди – муалл. изоҳи.)

Шеърни кичик таҳrir билан эътиборингизга ҳавола қила-миз:

Сен – Тинчликнинг душмани,  
Ният сенда қорадир.  
Аммо унга етмайсан,  
Сенга ўлим чорадир.

Маҳв этамиз сени, биз  
Жангда ғолиб чиқамиз.  
Фалабанинг байробин  
Томинг узра тикамиз.

Чунки бизда ўғлон ва  
Йигит отлиғ мардлар бор.  
Улар боркан, Ватанга  
Албат зафар бўлгай ёр.

Яна, фронт ортини  
Халқ қилгандир мустаҳкам.  
Шундай кучу қудратни  
Енгиб бўпсан, ақли кам!

Етти йиллик мактабни битиргач, собиқ Сталин номли жамоа хўжалигида оддий колхозчи бўлиб ишлаб, ҳам оиласига, ҳам хўжалик ёшлар ташкилотининг тарғибот-ташвиқот ишларига фаол қарашиб юрган Соибжонни 1942 йилнинг йиғим-терим мавсуми арафасида пахтачилик бригадасига табелчиликка таклиф этишди. Далабошидан бу фикрни эшитгач, бироз ўйланиб қолди ва:

— Қандай бўларкан, Назар ака, мен ҳисоб-китобни унчалик билмасам, сизни қийнаб қўйишим мумкин, — деди.

— Ҳисоб-китобни хўжаликнинг бухгалтерлари қилишади, Соибжон, — деди кулиб бригадир. — Сен ҳар кунги терилган пактани пайкал бошида тортиб олсанг бўлди. Осма тарозининг янгисидан беришган. Менинг қийналиш-қийналмаслигим табелчининг аъзолар билан муомаласига боғлиқ. Ўтган мавсумда шу ишга қўйилган укамиз мени бироз ранжитди. Сени биламан-ку. Муомаланг ҳавас қиласидан даражада. Бемалол эплаб кетасан. Буёғини сўрасанг, ўзимнинг ҳам қўнглимда бўлган бу фикрни, режимни колхоз раиси, ҳатто сени яхши танийдиган райкўм котиби кучайтирди. Энг муҳими, сени бригадам аъзолари яхши билишади ва яхши кўришади.

Бригада бошлигининг кейинги сўзларини эшитгач, у бошқа нарса демади. Яна, бироз ўйланиб тургач:

— Эътиборингиз учун раҳмат, майли, фақат бир кунга рухсат беринг, Назар ака, отам билан ҳам маслаҳатлашиб олай, — деди.

— Бўлти, гап йўқ, укажон, — деб унинг таклифини қабул қилди далабоши.

Ақлли-да, ўгай бўлса-да отасининг хурматини эсдан чиқармайди, деган фикр хаёлидан кечаркан, бригадирнинг унга бўлган меҳри, ишончи янада ортди!

У ҳали болалигига ёш бева онаси бува-момосининг, қариндош-уругларининг маслаҳати, қистовига амал қилиб, тақдирини шу ерлик Усмон ака билан боғлаганди. Унинг «ата, ота» деган сўзини эшитишга Усмон ака мұяссар бўлганди. Митти Соибжон эса, «ўғлим, полвоним» деган сўзни илк марта ундан эшитганди. Шунданми, улар ўртасида ўгайлик деган нарса умуман сезилмасди. Хаёлга ҳам келмасди. Соибжоннинг фамилияси Усмонов бўлиб кетишининг сабаби ҳам аслида шундан эди.

Усмон ака бригадирнинг таклифини эшитиб, қувониб кетди. Ўғлининг «нима дейсиз, ота, қандай маслаҳат берасиз?» деган сўзини эшитиш билан:

— Аввало сени шу ёшда шу ишга лойик күраётгандарга раҳмат айтаман, — деди хурсандчилигига давом этиб. — Иккичидан, ҳеч иккиланмай ишни бошлайверишиңгни маслаҳат бераман. Табелчиликни бемалол улддалай оласан. Биласанми, бу ишнинг ўзига хос хосияти, шарофати бор. Яъни, мунтазам равишда одамлар билан мулоқотда бўласан. Донишманлар «Ёш одам қанчалик кўп одамлар билан мулоқотда бўлса, шунчалик тез ўсади», дейишган. Ҳозир сенинг худди шундай пайтинг. Тарозибонлик қилаётган вақтда фақат хушёр бўлсанг бўлди.

Отасининг фикрларини онаси ҳам бош иргаб қўллаб-куватларкан, фақат «эҳтиёт бўлиш керак, болам» деган сўзни кўшимча қилганидан қониқмай, ҳазил шаклида давом этди:

- Ишқилиб, Соиб, бригадир юрмаса бўлди койиб.
- Йўқ, онаси, кетмаса бўлди бойиб.

Ота-онаси бараварига самимий кулиб юборишиди.

Ҳаммаси сизлар айтгандай бўлади, раҳмат, — деди Соибжон уларнинг дил сўзларидан ҳам, ҳазилларидан ҳам астойдил хурсанд бўлиб.

Соибжон табелчиликка киришиб, уни ҳеч қанақа қийналишсиз давом эттириб кетди. Чунки унда ўзига хос киришимлилик хислати мавжуд эди. Шунданми, кўпчилик билан ишлашни жуда-жуда хуш кўрарди. Ўзининг ишидан қули бўшади дегунча далага, жамоадошлари ёнига интилишни одат қилди. Ёзув-чизувлардан чарчадим, дам олай, деб «шийпон шефи» бўлиб ўтирмади. Ҳордигини ҳам далада, қадрдонлари қошида чиқарди.

У ана шундай пайларда дехқонларнинг юмушига қарашса қарашардики, лекин ҳеч қачон мен бригадада иккинчи одамман, етакчининг ёрдамчисиман, деб уларнинг ишини текшириб ёки ишнинг боришига назар ташлаб, бировга, уни бундай қилинг, буни ундей қилинг деб, ё нега узоқ ўтириб қолдингиз, нега бугун кечагидан кам тердингиз, демасди. Аксинча, тажрибали далачиларнинг, пайкал пирларининг ишларини, ҳаракатларини алоҳида ихлос билан кузатарди, ўрганарди. Тушлик, дам олиш пайларидаги гурунгларини эътибор билан тингларди. Чунки у қайсиdir газетадан дехқонлар сиртдан бўлса-да яхши биладиган, яъни, бутун мамлакатда қишлоқ хўжалигининг мумтоз билимдони ва амалиётчиси сифатида довруф таратган ҳассос эл сардори Абдужамил Матқобуловнинг: «Сиз ҳақиқий дехқонга ақл ўргатманг, унинг ишига аралашманг, унга халақит берманг. У ўз ишини сиз ўйлаган-

дан зиёд, сиз билгандан зиёд, пухта билади. Сиз унга фақат хайрихоҳ бўлинг, кутинг, қўлингиздан келса, ул ҳазратга кайфият улашинг», деган машхур ўғит-даъватини ўқиганди ва унга дил-дилидан қаттиқ амал қиласди.

— Соибжон ниҳоятда деҳқонпарвар, даладошларига ўта меҳрибон табелчи сифатида хурмат қозонганди, — дея ҳикоя қиласди етмиш саккиз ёшли Ҳўжамберди Норқобилов. — Мана, сизга бир мисол: Янги мавсум аввалида уларнинг қўл остида ишлайдиган Қизларгул деган серфарзанд аёл бир куни далага чиқиб озгина ишлагач, кутилмаганда мазам бўлмаяпти, деб қолади. Бироз дам олинг, яхши бўп қоласиз, дейишиб уни пайкал четига олиб чиқишиди. Шу пайт улар ишлаётган пайкалга бригадир билан Соибжон келиб қолишиди. Назар бригадирнинг «оталиги» тутиб кетиб, дарров «Сенлар шунаقا, ишдан, даладан боргач, уйим дейсан, болам дейсан, мол-ҳолим дейсан, аммо асло ўзларингни ўйламайсанлар, бу — энг аввали ўз вақтида овқатланмаслик, озгина бўлсаям дам олмаслик оқибати», дея носохта танбех бера бошлайди. Қизларгул қандайдир дорининг номини айтиб, ўшани ичсан ўтиб кетади, хавотирланманглар, дейди. Дорини аптекадан топиб келиш керак эди. Бригадир табелчисига қараб, аксига олиб бугун отсиз далага чиқибман, нима қиламиш, ука, дорихонагача анча йўл-ку, дейди. Соибжон қўшни бригада йигитларидан бирида от борлигини айтади. Далабоши, бўпти, бериб туришса, тез бориб кела қол дегач, қўшнилар томон югуриб кетади.

Даладошлар узоқ кутиб қолишмайди. Соибжон дорини топиб келади. Қайноқ сувни совутиб, тайёрлаб турган бригада аъзолари Қизларгулга дарров дорини ичиришиди. Лекин беморда ўзгариш бўлмайди. Аксига олиб, унинг аҳволи ёмонлаша бошлайди. Аёлни яқинроқ жойдаги тибиёт пунктига ёки туман шифохонасига олиб бормаса бўлмасди. Бригадир, «Ҳадеб сени чоптираверамни» деган хаёлга боргандай, «энди нима қиламиш?» сўзини эшитилар-эшитилмас такрорлайди табелчисига қараб айтмайди. Ўйланиб қолади. Шунда Соибжон, Назар aka, қўшни бригаданинг бизнивидан созроқ катта условини сўраб келай, дейди. Бригадир хурсанд бўлиб, яхшиям сен бор, укажон, бошқалар табелчилик тугул, менинг ўрнимда етакчи бўлганда ҳам бундай ҳозиржавобликни хоҳлашмасди, майли, бора қол, деб кулиб юборади.

Бригада бошлиғи «бошқалар» деб аёллар ёки ёши катталарнимас, томошабин бўлиб турган Соибжон тенги икки-уч бўшангроқ йигитни назарда тутади.

Соибжон от арава топиб келади. Қизларгулни олиб, унда шифокорлар ҳузурига далабошининг ўзи кетади.

Суфориш мавсуми бўлгани учун пайкаллар бригада аъзоларига тақсимлаб берилганди. Шунинг учун энди, Қизларгулнинг ерини ким сугориб туради, деган муаммо пайдо бўлади. Бирорвга қўшиб берса, кўплик, оғирлик қиласарди. Ана шундай тифиз вазиятда ҳам Соибжон ўзини кўрсатади. Ҳеч иккиланмасдан «Қизларгул опанинг пайкалини мен сугориб турман», дейди-да, шартта туфлисини ечиб, енгини шимариди, шимини юқорига кўтариб, кетмонни қўлга олади. Бемор аъзонинг ўрнида икки кун экин сугоради. Учинчи куни Қизларгулнинг турмуш ўртоғи (у болалар билан овора бўлиб қолганди) далага келиб, ундан кетмонни олади.

Энди ўзингиз ўйланг. Ҳали дори, ҳали машина топиб келиб, оддий бир дехқоннинг кунига яраган табелчининг яна ўша далачи учун тер тўкиши, тупроқ-лой кечиб, экин сугориши шартмиди? Бизнингча ва сизнингча, шарт эмасди. Лекин ўн беш ёшли Соибжон уни ўзи учун шарт деб биларди. Чунки у кутилмаганда пайкалда, иш пайтида бетоб бўлиб қолган, оғир уруш йиллари тириклигини даладан излаган дехқон аёлнинг шифохонада даволанаётib, «пайкалим аросатда қолиб кетди-да», деб ичдан эзилишини жамоадош сиғатида асло-асло хоҳламасди.

Даладошига, қўл остида ишлаётган кишига, дехқон аёлга, умуман, одамга бундан ортиқ меҳр-оқибат, садоқат бўладими?!

Ҳа, бизнинг Соибжон ёш пайтидаёқ ана шундай дехқон-парвар табелчи бўлган!

Хўжамберди отанинг тенгқур дўсти ҳақидаги бундай фахрли сўзларига ҳар қанча қўшилсак арзийди. Масалан, Соибжонда аксарият табелчиларда жуда кам кузатиладиган бир ажойиб одат бор эди. У йифим-терим пайтида бригада аъзоси орқалаб, кўтариб келган нарсани у тарозига қўйиши ёки осиши билан, ҳали тошни сурмасдан туриб, «Буниси қўпку, оғир-ку!» деб теримчини руҳлантирарди. У ҳосилни граммограммигача ўлчарди ва уни қанча бўлса шунчалигича дафтарига, тортирувчининг фамилияси тўғрисига қайд қилиб қўярди. Бу бир қарашда майда-чуйдадай туюлади. Лекин бу фактнинг замирида катта, жуда катта маъно бор эди. Соибжон дехқон тарозига нарса эмас, яшашга ҳаққи борлигининг исботини, умидиую ишончини қўяди, деб ҳисобларди. У тарозини виждан кўзгуси деб биларди.

Соибжон айни вақтда тарозини ўта зийраклик билан ҳимоя қиласарди. Шу ўринда кичик бир мисол. Ҳикоя қилишларича, ҳосил йигим-терим пайтида торттирилган (ўлчанганд) пахтани қанорларга жойлаш билан шуғулланадиган ишчи билан олдиндан тил бириктириб, келишиб қўйган шўхроқ бир йигитча Соибжонни алдамоқчи бўлади. Унинг юки осма тарозига илиниши билан ўлчагични босиб кетади. Бир нарсани сезган, хушёр Соибжон: «Ука, терган пахтангиз ҳатто тарозига оғирлик қиляпти, буни бўлиб ўлчаймиз» дейди-да, чап қўлини тарозининг илгагига, ўнг қўлини эса, гўё юкни кўтармоқчи бўлиб, фартукнинг тагига узатади. Шунда, кутилмаганда, йигитча «мен, ҳозир» дейди-да, жонҳолатда гўза пайкали томон чопиб кетади.

Соибжон қаҳ-қаҳ уриб, унинг фартуги ичидан, пахта орасидан ҳар бири уч-тўрт килограммдан ошиқ чиқадиган иккита тошни олиб хирмон четига ташлайди.

Лекин у шум боланинг бу «муваффақиятсиз операцияси» ҳақида бригада бошлиғига оғиз очмайди, бошқаларга ҳам. Фақат оқшомда, ишдан кейин йигитчанинг ўзи билан яхшилаб гаплашиб қўяди. Табелчи мардлигининг таъсириданми, ўша ўсмир мавсумнинг охирига бориб илфор ёш теримчилар қаторида тилга тушади!

Ўта ҳалол, ҳаракатчан, киришимли, жамоапарвар табелчи сифатида тилга тушган Соибжонни ғаллачилик бригадасига шу вазифага ўтказишмоқчи бўлишганида Назар далабоши «Усмонов менинг кадрим, шогирдим, ўзимда ишлайверди, йўқ, у ёқقا ўтмайди», деб туриб олади. Шунда раис, Соибжон ғаллачилик билан ҳам озроқ танишсин, бизнинг бир режа-мўлжалимиз бор, ҳар ҳолда унинг ўсишига қарши бўлмасангиз керак, ўртоқ бригадир, дейди. Бу гапни эшитгач, Назар ака, унда, майли, дея рози бўлади.

Ғаллачилик бригадасида иш бошлиши арафасида уни раис ўз хузурига чақириради.

— Соибжон ўғлим, — дейди оталарча меҳрибонлик билан хўжалик сардори, — сенинг ишиндан, ўзинг тенгилардан алоҳида ажralиб туришингдан мен ҳам хурсандман. Сени ғаллачилик бригадасига ўтказишимиzinинг иккита сабаби бор. Ўзинг яхши билсанг керак, бу жамоада ўғлини, турмуш ўртоғини урушга кузатганлар кўпроқ. Баъзилари жигарбандидан хат-хабар кутиб яшяпти. Уларнинг хавотирли дилларига ишонч улашиш, ёрлари, жигарбандлари мардлигини улуғлаш, иродаларини мустаҳкамлашга қўмаклашиш керак. Яхши

биламиз, ёш бұлсанг-да, бу борада сенинг ўзига хос ибратли тажрибанг бор. Бириңчидан, давр тақозо этаётган худди шу ажайиб ташвиқт-тарғиботчилигингни бу ерда, ғаллачилик дарасида янада фаол давом эттирасан. Иккинчидан, ғаллачилик ва ғаллачилик билан ҳам яхшилаб танишиб қўйсанг, келгусида биргалашиб бир иш қиламиз, бу – ҳозирча сир, ўғлим, – дея самимий кулиб сўзини тугатди раис.

Соибжон янги жамоа юзасидан унга савол бериб ёки «сир»ни суриштириб ўтирумади. Ишончингиз учун раҳмат, раис бува, фақат отамга бу ҳақда бир оғиз айтиб қўйсангиз бўлди, дея ўрнидан турди.

— Бүёғидан хотиржам бўл, ўғлим, Усмонжонга илтиносмас, сенинг учун раҳмат айтаман, – деди раис Соибжоннинг ақли-одобидан мамнун бўлиб. Сўнг давом этди: – Айтмоқчи, айтиб қўй, Соибжон, иккала масалада ҳам ёрдам ёки маслаҳат керак бўлиб қолса, хоҳлаган вақтда ҳеч тортинимай ўзимга мурожаат этавер.

У ғаллачилик бригадасида узоқ ишламади. Тўгри, қисқа даврда ҳам деҳқончиликнинг иккинчи муҳим соҳаси билан танишишга, у ҳақда тасаввурга эга бўлишга улгурди. Лекин унга кўпроқ янги одамлар давраси билан танишгани ёқди. Ҳар бири ўзига хос олам бўлган бу одамлардан ҳам у кўп нарса ўрганди.

Хўжалик раҳбари уни яна ҳузурига чақиртириди. «Сир»ни очиш олдидан «Қалай, Соибжон, дончилар ҳам ёқдими?» деб сўради. Шунда у «Экинлари – дон, ўzlари – кон» экан, дея кулиб жавоб берди. Раис унинг сўзининг маъно-мағзини дарров фахмлади. Шунинг учун шу заҳоти: «Тушундим, Соибжон, яхши. Соиб ақага ўхшаётганилигинг янаям яхши, ўзимизнинг Хўжаев!» – деб унинг елкасидан қучганча дилдан самимий кулиб юборди.

— Хўш, Соибжон, келгусида план-режалар қандай? – деди раис асосий мақсадга ўтиш олдидан, ундан гап олишга қизиқиб.

У хўжалик раҳбарининг нимани истаётганини бирдан тушунди.

Шу боис:

— Ёшим етгач, аввал армияга бораман, сўнг техникумда, ундан кейин институтда ўқимоқчиман, – деди дарров.

— Демак, ҳарбий хизматни биринчи ўринга қўяяпсан, яша, ўғлим, – кутилмаган жавобдан хурсанд бўлиб кетди раис. – Ҳақиқий йигит кишининг тапини айтдинг.

«Узр, устоз, манави хужжат тайёр бўлди, қўл қўйиб юборасизми», деб хонага кириб келган бош ҳисобчи уларнинг суҳбатини бўлди.

— Энди асосий муддаога ўтсам, — деди раис ҳузуридан бош ҳисобчи чиқиб кетгач, — биз ҳам ҳўжалигимизда бошқаларда аллақачон бўлган бош табелчилик штатини жорий қилмоқчимиз. Шунга мажбур бўляпмиз. Ўзинг яхши биласан, айrim бригадаларимизда кексалар ва аёллар табелчилик қилишяпти. Сен тенги баъзи йигитларимиз эса бу ишни, масалан, сендай оператив ва пухта бажара олмаяпти. Ишонаманки, йўқ демайсан, чунки сенда «йўқ»нинг үзи йўқ, — мамнун, фахрланиб жилмайди ҳўжалик раҳбари. — Сени бош табелчи қилиб тайинламоқчимиз. Вазифангнинг қамрови ҳозиргисидан анча кенгаяди. Яъни, биринчидан, ҳар куни, ҳар ҳафтада барча табелчиларнинг ишини умумлаштириб, анализ-контроль қилиб турасан. Иккинчидан, ишда баъзан улгуролмаётганларга, кечикиб қоладиган ҳамкасларингга ёрдам берасан, бўшанг ошналарингта эса тажрибангни ўргатасан. Хуллас, мисоли бош ҳосилотдай ҳаракат қиласан. Агар хоҳласанг, идорадан битта маҳсус хона ҳам ажратиб бераман.

— Доимо далада бўламан-ку, раис бува, менимча, каби нет шарт эмас.

— Унда ихтиёринг, Соибжон. Лекин нима десанг қилиб беришга тайёрман.

— Ҳўжалик территорияси кичкина эмас, бир бригада бу четида, иккинчиси у четида. Айланишга ўзим улгуролмай кечикиб қолмайманми, раис бува?

— Э-ҳа, бўёнини ўйламабман, ўғлим, — деди ҳўжалик раҳбари. Сўнг кулиб давом этди: — Раисларнинг ҳам фаросати баъзан шундай нозийрак бўлиб қоларкан-да. Биласанми, сенга шаҳардан ё битта велосипед опкелтириб бераман, ё ҳўжалик ҳисобидан битта яхши от ажратамиз. Бўладими?

— Бўлади. Менга от яхши.

— Бўлти, Соибжон, мен шу бугунок зоотехникка топшириқ бераман. Янги ишинг тўғрисида отангга бугун ўзим айтиб қўяман, — деди раис, бу борада уни яхши билгани учун. — Бўёғидан ҳам хотиржам бўл. Яна қандай таклиф ёки гапинг бор, Соибжон?

— Бўш табелчи бўлиб қолмаслигим учун назорат қилиб, ёрдам бериб турсангиз бўлди, раис бува.

Ҳамиша қувноқликка, дилкашликка, одамга кайфият улашишга интилиб турадиган ёш йигитнинг ҳазил аралаш жавобидан ҳўжалик раҳбари яна мамнун бўлиб кетди:

— Яша! Мен сени бежизга ўзимизнинг Соиб Хўжаев демагандим-да, кўзи кулиб турадиган кўзирим!

Раиснинг ҳазил тарзида, эркалатиб айтган бу чин юрак сўзи уни қанчалик шод этган бўлса, ўзига билдирилган ишонч унинг зиммасига шунчалик масъулият юклаганди. Буни дилдилидан, чуқур ҳис этган ўн етти ёшли Соибжон энг аввало ишдаги фаоллигини янада оширишга, одамлар билан мулоқотда, киришимлиликда тағин ҳам пухтароқ бўлишга интилди. Масалан, раис таъкидлаган, яъни табелчиликда бўшанглик қилаётган тенгқурларига сусткашликларини юзларига солмади. Аёл ёки кекса табелчига «Ўзингизни қийнамай, ишни топширганингиз яхши эмасми?» деган сохта меҳрибонлик қилмади. Аксинча, ўзига ишонилган, ўзидан кутилган кўмакни барчасига бирдай, қўлидан келганича кўрсатди. Далага янада барвақт борадиган бўлди. Тушлик, дам олиш вақтлари қисқарди. Баъзида уларни номигагина, «йиқилиб қолмаслик» учун ўтказди. Бош ҳосилот билан алоқаси тағин ҳам кучайди. Хўжалик ҳисобчиларидан зарурат туғилганда йўл-йўриқлар олиб туришни ўзи учун асло айб деб билмади.

Кўп ўтмай уни раис ташаббуси ва маслаҳати билан хўжалик ўшлар ташкилотининг етакчиси қилиб сайлашди.

Ўқувчилик давридан бошлаб ташвиқот-тарғибот ишларига фаол аралашиб келаётгани учун бу илк жамоатчилик иши бош табелчи Соибжонга асло ортиқчалик қилмасди. Лекин, кутилмаганда, бўшанг сифатида ном қозонган тенгқурларидан иккитаси ўшлар етакчилигини унга шундай, яъни, ортиқча деб билди, тўғрироғи, унга яна ишонч билдирилганидан фаразлари келди.

Одатдаги иш кунларидан бирида кечқурун дала шийпонида Соибжон жорий табелчилик ишлари билан қизиқаётганида уларнинг биттаси дабдурустдан:

— Нега бунча ақл ўргатасан, комсорглигингни қилавермайсанми? — деб қолди.

— «Сталин» (хўжалик)ни сотиб олдингми, шахсий томорқангми, бир қарасанг, бош табелчиман деб кelasan, бир қарасанг, комсомол қўмитасининг биринчи котибиман, деб фўддаясан, — дея иккинчиси унга қўшилди.

— Нега жаҳлинг чиқади, ёмон гапирганим йўқ-ку, Муроджон, иш юзасидан фикр билдириш айбми? — ҳайрон бўлди Соибжон.

— Идорага, раҳбарлар ёнига бориб, асосий ишни мен бажаряпман, дейиш айб, билдингми?

— Мен шунақа дебманми?  
— Сендан бошқа ким шунақа дейди?  
— Бекор айтибсан.  
— Раиснинг эркаси тугул Усмон Юсуповнинг арзандаси бўлганингда ҳам ҳовлиқма, кўзингга қараб юр, бола! — яна Муродга қўшилди ошнаси.

— Мен силарга тушунмаяпман. Мақсадларинг нима? — бироз жилмайброқ ҳайрон бўлди Соибжон.

Шунда Мурод:

— Устимиздан кулма, — деди яна жаҳұ билан. — Мақсадимиз катталигинг бизга ёқмаслигини, биз уни бир тийинга ҳам олмаслигимизни сенга яхшилаб эслатиб, тушунтириб қўйиш.

— Шунга шунчами? Ёқамдан олишларингга сал қолди-я. — Соибжон бегараз жилмайишда давом этди.

— Устимиздан яна кулганинг учун энди ёқангдан оламан! — Мурод шундай деб, ўшқириб, урмасдан қўрқитмоқчи бўлиб, унинг ёқасига тармашди.

Нарироқда, нега булар ўзидан-ўзи бақириб-чақириб қолишиди, дея, ҳеч нарсага тушунолмай турган, тортишув бундай жанжалга айланиб кетишини кутмаган шийпон қорувули «ҳай-ҳай, кўйинглар, уят бўлади», деганича чопиб келиб, уларни ажратишга тушди. Шу пайт отда бригада бошлигини қидириб келган бош ҳосилот ҳам югуриб келиб, унинг ёнига кирди. Қизиққон «бўшанг»лар Соибжоннинг кўйлаги ёқасини йиртишга улгuriшганди.

Соибжонни ҳам, уларни ҳам яхши биладиган бош ҳосилотнинг жаҳли чиқиб кетди:

— Уят-эй, одамлар сизлар учун олис фронтда жанг қилиб, жон олиб, жон бериб ётса-ю, сизлар бу ерда, тинчгина заминда ёқалашиб ўтирсаларинг. — У нима бўлганини Соибжондан билиб оламан, деган хәёлга борди-да, суриштириб ўтирмади, «зўравон»ларни дарров дала шийпонидан ҳайдали: — Тез борларинг, жўналаринг уйларингга!

Жанжалнинг бетайин сабабларини Соибжондан эшитгач, бош ҳосилотнинг жаҳли баттар чиқиб кетди.

— Хафа бўлма, ука, — деди у, — ўзи, бу болалар менга ҳам ёқмайди. Иккови ҳам негадир ўта мужмал, турқларидан эса, ичиқораликлари билиниб туради. Кўрс-кўполликлари — учинчи «хислат». Бугунги қилиқлари учун кўз қўрқитар қилиб қўймаса бўлмайди.

Соибжон бош ҳосилот кейинги гапларини шундай гапириди-қўиди, деб ўйлаганди. Лекин у айтганини қилди. Идорага қайтгач, бош табелчи ва ёшлар етакчисига асоссиз ҳужум қилган, ёқасини йиртган зўравонлар ҳақида участковой милиционерга маълум қилиб, фикрини айтди. Соибжонни яхши танийдиган ва хурмат қиласиган тартибшунос шу оқшомдаёқ Мурод ва унинг ўртоғини туман ички ишлар бўлимига олиб кетди. Лекин бундан Соибжоннинг хабари йўқ эди.

Эрталаб, энди ишга жўнайман деб турганда уйларига Муроднинг қари бева онаси йиглаб кириб келди. Соибжон болам, Муродни кеча уйдан опкетишиб, қамаб қўйиши, ошнангни ўйламасанг ҳам мени, у аҳмоқнинг ука-сингилларини ўйла, камида ўн беш сутка жазо берармиш, ўзинг бориб, кечирдим, десанг қўйиб юборишар, унинг учун мен сендан узр «сурайман», деб туриб олди. Соибжоннинг отонаси ҳеч нарсага тушунолмай ҳайрон туришарди. Ўғил уларга бу ҳақда гапирмаган, ёқаси йиртилган кўйлагини кўрсат-масликка ҳам муваффақ бўлганди. Воқеани эшитгач, отаси ҳам, онаси ҳам «ийигитчиликда баъзан бўлади-да, ўйлаб кўриб хулоса чиқарар, бор, даъвом йўқ, деб кел» дейишиб, ички ишлар бўлимига отланадиган Соибжонни маъқуллашди.

Ички хизмат ходимлари унинг сўзларини тинглаб, илтимосини ўз оғзидан эшитиб, «кечирдим, даъвом йўқ» мазмунидаги қофозни ёздириб олишгач, унда, сиз бораверинг, ука, биз «полвонлар»га сиз бизга шикоят қилмаганингизни, одамлар мурожаат этганини, сизнинг мардлигингизни айтиб, хатоларини яхшилаб тушунтириб, бундай ўйинларни яна қилмасликка ваъдаларини олиб, бир ярим-икки соат ичида уйларига қўйиб юборамиз, дейиши.

Эрталаб соат ўн бирларда уйларига келишган Мурод ва унинг ўртоғи ўша куни далага чиқишлоғади. Юзлари чидамади. Иккинчи куни ишга чиқишиганда ҳам бошларини эгиб, одамлардан уялиб юриши. Учинчи куни Соибжонни ўз даларадида кўришлари билан тез юриб келиб, ундан кечирим сўрашди!

Хайрулла буванинг ҳикоясидан:

— Оғир уруш йиллари, яъни ҳамманинг фикри-хаёли олис фронтда бўлган, аксар одамлар уруш тобора чўзилиб кетаяпти, буёғи нима бўларкан, ишқилиб, жигарбандим, турмуш ўрто-

ғим соғмикан, деган хавотир-ваҳима билан яшаётган, тӯғриғи, одамларга ортиқча гап, ортиқча ҳаракат-қилиқ ҳечам ёқмайдиган бир қалтис пайтда, раислик тугул, ҳатто бош табелчилик ва ўшларга етакчилик қилиш ҳам қийин эди. Биз, Соибжоннинг tengдошлари шунинг учун хурсанд эдикки, у одамлар билан мунтазам мулоқотда олиб бориладиган, бажариладиган иккала вазифани, ишни ҳам кўнгилдагидек, кутилганидек уддаларди. Унинг фаолиятидан мамнун бўлган раис баъзида «Ишқилиб, уруш сен ўн саккизга тўлгунча галаба билан тугасин-да, Соибжон, бўлмасам, сенинг ёрдамингдан узоклашиб қоламиз», дея чин юрақдан ҳазиллашиб, фахрланиб кўярди.

Раисимиз, бутун ҳалқимиз ният қилганидай бўлди. Иккинчи жаҳон уруши фашистларнинг шармандали мағлубияти билан тугади. Мард йигитлари билан тарихий ғалабага ҳисса қўшган, фронт ортини мустаҳкамлашда, уни эҳтиёждаги нарсалар билан таъминлашда, Россиядан юртимизга эвакуация қилинган қариялар ва болаларга меҳр-оқибат кўрсатишда алоҳида жонкуярлик намойиш этган Ўзбекистонимизнинг шаҳар ва қишлоқларида ҳам байрам бўлиб кетди. Клубларда, ҳатто дала шийпонларида «Ғалаба муборак!» мавзуида, шунингдек, фронт ортини мустаҳкамлашда ибрат кўрсатганларни тақдирлашга бағишлиланган йиғилишлар бўлди. Биласизми, ана шундай йиғилишларда Соибжоннинг ҳам номи бир неча бор тилга олинған. Шундай Ғалаба даврларидан биттасида бир отахон ундан «Соибжон, «Ғалабанинг байроғин томинг узра тикамиз!» деган машҳур шеърингни яна бир марта ўқиб бер», дея илтимос ҳам қилган.

Адашмасам, 1945 йил кузининг нояброда туман марказида «Ғалабанинг олтин пойдевори» мавзуида бир тадбир бўлган. Унда туман раҳбарлари, жангчиларнинг ота-оналари ва ўшлар иштирок этишган. Унда, жумладан, Соибжон бошчилигида бизлар ҳам қатнашганмиз. Тадбирда тарихий ғалабанинг илдизлари хусусида турли хил эзгу фикрлар билдирила бошланди. Даврани бошқариб бораётган туман ўшларининг етакчиси «Қани, ҳам бош табелчи, ҳам бизнинг номдор хўжаликдаги котибимиз сифатида фаолият кўрсатаётган дўстимиз ўртоқ Усмонов бугунги мавзу тўғрисида нима дейди?»— деганда Соибжон шартта ўрнидан туриб, минбарга чиқиб, ихчам, аммо ниҳоятда мазмунли фикр айтган. Шу-

нинг учун дўстимнинг бу сўзи ҳамон ёдимда. Соибжон: «Биз кўпроқ, тўғрироғи, энг аввало бир эътиқод ва бутун халқнинг, миллатларнинг жиспслиги туфайли ғалаба қозондик», деганда залда беихтиёр гулдурос қарсаклар янграган.

Муддаога ўтсам, ана шу йигинда иштирок этган туман раҳбарлари дарров Соибжонни кўз остиларига олишганди. Баъзилари уни аллақачон сиртдан яхши билишарди ҳам. Шу боис, кўп ўтмай, улар гапни бир ерга кўйишиб, аввал Соибжоннинг «қоғозлари»ни тўғрилашди. Кейин — 1946 йилнинг бошидан эътиборан уни туман раҳбариятининг ташкилий-нозирлик бўлимига нозир қилиб ишга олишди. Уларнинг дўстимизга қизиқиши, ишончи шунчалик кучли эдикни, ҳатто Соибжон ҳарбий хизмат ёшига етганда, энди мен ҳам йигитлик бурчимни ўтаб келай деганда, йўқ, ишлайвер, райвоенкомат ўзимизники, уларга айтиб қўямиз, сени армияга деб чақиришмайди, дейишган. Шу тариқа, яъни фирқачиларнинг «ташаббуси» билан Соибжон ҳарбий хизматга боролмаган.

Мен сизга айтсам, Соибжон туманнинг бош идорасида ҳам ўзини кўрсатди, ишончни оқлади. Шунинг учун уни икки йил ўтар-ўтмас, туман раҳбариятининг тавсияси ва маслаҳати билан фузорлик ёшлар уни ўзларининг кўмитасига биринчи котиб этиб сайлашди. Йигирма бир ёшли дўстимиз фоятда масъулиятли, мустақил ишга лойиқ кўрилганидан ниҳоятда хурсанд бўлганмиз.

Хайрулла отанинг «фоятда масъулиятли» деган сўзига ҳар қанча қўшилсак арзиди. Чунки урушдан кейинги тикланиш йилларида жонкуярлик кўрсатиш асосан Соибжон ва унинг тенгдошлари, яъни йигирманчи йилларнинг охири ва ўтизинчи йилларнинг бошларида тугилган ёшларнинг — авлоднинг зиммасига тушган эди. Негаки, фронтдан қайтган одамларнинг бир гуруҳи ногирон бўлса, иккинчи давраси уйига, оиласининг, болаларининг ҳузурига омон қайтиб, ҳали нафасини ростлаб улгурмаган, нисбатан нозик феъли булиб қолган собиқ жангчилардан иборат эди. Учинчи давраси эса ҳам фарзандини, турмуш ўртоғини кутиб, ҳам хўжалик ишларига қарашиб чарчаган фронторти фидойилари эди.

Соибжон туман ёшларининг сардори сифатида иш бошларкан, илк йигилишда фаолларининг худди шу фактга алоҳида эътибор беришларини сўради. Яъни тинчликнинг бу-

тунлай қайтариб олинишига, Фалабанинг қўлга киритилишига ўз ҳиссаларини қўшганлар учун ҳам ишлаш баробарида уларга астойдил меҳрибон бўлишни, ҳол-аҳволларидан мунтазам хабар олиб туришни, мардликларини, жасоратларини, иродаларини улуғлаб, руҳлантиришни дил-дилидан ургу бериб таъкидлади.

Шахсан ёшлар қўмитаси биринчи котибининг ташаббуси ва лойиҳаси бўйича, энг аввал, «Сиз учун ҳам ишлаймиз!» деган ҳаракат дастури ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ, туман ёшлар қўмитасининг фаоллари қайси соҳада – дехқончиликдами, чорвачиликдами, маориф-маданиятдами бўлишидан қатъи назар фақат илгор бўлишга, ўз иш жойларида иложи борича икки ҳисса натижага эришишга интилдилар. Бу ҳаракатнинг туман иқтисодий ва ижтимоий ривожига албатта ижобий таъсир қилишини сезган маҳаллий ҳокимият дарров уни маъқуллаб, маҳсус қарор чиқарди.

«Сиз ҳамиша голибсиз!» деган шарафлов дастури ҳам Соибжоннинг ёшлар етакчиси сифатидаги илк йирик ижодий ишларидан бири бўлди. Унинг ижрочилари аввал Фузордан иккинчи жаҳон урушига кетиб, турли йилларда турли фронтларда мардонавор жанг қилиб, тарихий ғалабага ҳисса қўшиб, ўз қишлоқларига омон-эсон қайтган Ватан ўғлонларини аниқлашди, уларнинг рўйхатини қилишди. Сўнг, газеталарнинг тахламлари варақланиб, улар ҳақидаги мақолалар, улар жасоратларининг эътирофларини исбот этган Фармонлар топилди. Шу ўринда кичик бир мисол:

— Ўша йилларда мен Фузор туман раҳбариятида ишлардим, — дейди қаршилик етмиш етти ёшли Карим ота. — Соибжон бир куни «Фрунзевец» газетаси силарда бор, ўтган йилги подшивкасини кўриб берай, деб ҳузуримга кириб келди. Мен газетани топиб бердим. Лекин котиба баъзи сонлар ўз вақтида келмай қолганлигини, йўқлигини айтганини ҳам билдириб қўйдим. Бир соатлардан сўнг Соибжон газета тахламини кўтариб хомуш кириб келди. Йўқ, буларни варақлаб, тополмадим, биз истаган нарса ўша Фузорга келмай қолган номерларда бўлса керак, деди. Маълум бўлишича, у ғузорлик бир жангчи ҳақидаги тошкентлик журналистнинг мақоласини қидираётган экан. Фронтовик отахоннинг ўзида йўқмикан, дедим мен. Ўзида қаердан бўлади, ўзи ҳақида мақола чиққанини ҳам мендан эшишиб, билди, деди. Мен унинг «Сиз ҳамиша голибсиз!» деган тадбиридан хабардор

эдим. Шунинг учун, топсангиз тадбириңизда жуда құл келади, дедим уни руҳлантириб, құллаб-қувватлаб.

Биласизми, бир нарсага киришса охирига етгунча құймайдиган, тинмайдиган Соибжон газетаны аввал вилоят марказидан — Қаршидан қидириб күрди. У ердан тополмагач, туманнынг биринчи раҳбаридан рухсат сұраб, поездда Тошкентта жұнаб кетди. «Фрунзевец»нинг ўша қидираёттан сонини пойтахтдан, газета таҳририятининг ўзидан топиб келди. Журналистлар хурсанд бўлишганидан ўша номердан унга бир эмас, иккита газета беришибди. Биттасини у дарров менинг гувоҳлигимда жангчига совға қилди. Ўшанда ўзи хақида мақола босилган газетанинг Тошкентдан топиб келинганини билган фронтовикнинг шодлигини кўрсангиз эди. Ўзига худди орден ёки медаль топширилгандай хурсанд бўлиб кетди. Олис юртларда, жанг майдонларида қурол туттган голиб қўлларини очиб, «Камолинг бундан-да зиёда бўлсин, ўғлим!» деба дуо қилган!

Бу бир қарашда оддий фактдек, яъни ургуга унчалик арзимайдиган нарсадек туюлади кишига. Лекин бу эътиборинтилиш замирида инсонга меҳрибонлик, айниқса, уни руҳан рағбатлантиришга, улуғлашга айрича ошиқлик, ишқибозликтек бетакрор фазилат бор эди!

Мен шуларни эслаганимда, Соибжоннинг кейинчалик машхур инсонлар, ҳатто давлатимиз раҳбари эътироф этган қимматли инсоний фазилатлари ана шу тариқа олис қирқинчи йилларнинг ўрталарида ёқ ёрқин кўзга ташланганини ўйлаб, беихтиёр фаҳрланиб кетаман!

Фузорликлар яна бир фактни ҳали-ҳануз миннатдор бўлиб эслаб юришади. Гап шундаки, иккинчи жаҳон урушининг сўнгги йилларида етишмовчилик, кун кечиришнинг тобора қийинлашиб бораётганлиги туфайли Фузорнинг баъзи қишлоқларида кутилмаганда майда ўғирликлар содир бўла бошлияди. Қўйимдан ажралиб қолдим, қўрамдан иккита эчким йўқолди, бир қоп буғдойимни ўғирлаб кетишиди, каби додвойлар тикланиш даврининг биринчи йилларида ҳам эшитилиб турарди. Халқ фикрича, ўғирликни ўсмирлар, ёшлар қилишарди.

Буни олдиндан орқаваротдан эшитиб юрган, ўз хўжалигига бундай ноҳушликлар қайд этилмаган Соибжон туман ёшларига етакчи бўлиб сайлангач, Ички ишлар бўлими ходимлари билан шу хусусда маҳсус фикрлашиб, сұхбатлашиб

олди. Тартибшунослар ўғрилар (ўсмир ва ёшлар) құлга тушса, уларни жазолашга шошилмай, аввал Ёшлар құмитаси ихтиёрига берадиган бўлишди. Құмита эса ўсмирлар, ёшлар ўртасида ўғриликка, жиноятычиликка қарши кураш мавзууда тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини кескин кучайтиришга ваъда берди.

Масалан, милиционерлар «ўлжа»ни ихтиёрига беришганида, у хато қилган ўсмир ёки ёшга дарров бақириб-чақириб, дўқ уриб ўтиrmади. Аввал унга туман Ёшлар құмитаси-нинг раҳбари сифатида ёрдам бериши мумкинлигини, ҳатто ҳимоя қилишга тайёрлигини айтиб, оиласидаги аҳвол билан қизиқди, шундай эгри ишга нима сабабдан мажбур бўлганини сўради. Ўғирликка қўл урган йигитча кутилмаган меҳро-на эътибор-муносабатдан «очилиб» кетгач, унга хатосининг нечоғли зарарли, хавфли, иснодли эканини ётиғи билан ту-шунтирди. Сўнг, кечиринг, энди бундай қилмайман, шак-лидаги тавба сўзларини эшитгач, құмитаси, шахсан ўзи уни оталиққа олишини, исталган пайтда мурожаат этса, қўмаги-ни, йўл-йўригини аямаслигини билдириди.

Тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борувчи фаолларга эса, тадбирлар вақтида мисол келтиришга эҳтиёт билан ёндашишни, яъни, афсуски, туманимизнинг баъзи қишлоқларида шундай воқеалар содир этиляпти, деган шаклда гапириб, қўлга тушган ўсмир ёки ёш йигитнинг исм-фамилиясини айтмасликни, уни сиртдан шарманда қилмасликни тайинлади.

Бундай оқилона, мардона муносабат билиб-бilmай хато қилганларнинг ўзларигагина эмас, балки уларнинг ота-онала-рига ҳам, қариндош-уруғларию тенгдошларига ҳам таъсир қилди.

— Исм-фамилиямни ёзмасангиз керак, бүёгини сўрасангиз, Соиб ака ўз вақтида тузатган ўша «щўх»лар орасида камина ҳам бўлган, — дейди гузорлик отахон қулиб. — Шунинг учун у кишидан бир умр миннатдор бўлиб яшаб келяпман. Агар Соиб ака ўшанда тўғри йўлга солиб юбормаганда, турли лавозимларни қўйинг, тўртта одам танийдиган одам бўлармидим, пачка-пачка пенсия пули олиб ўтирамидим, — қариянинг юзига яна табассум югуради. — Мен сизга айтсам, у кишининг ёрдами, бегараз танбехлари, оқилона маслаҳатлари, энг муҳими, инсонга, айниқса, ўзидан кичикларга бўлган айрича меҳрибонликла-ри туфайли ўз вақтида ўз йўлини топиб кетганлар туманимизда қўп. Буларнинг аксарияти ўттизинч-қирқинч ийларда туғилган ёшлардир. Шунинг учун биз Соиб акани ҳамиша ўзимизга

устоз деб билганмиз. Бир сўз билан айтганда, у кишининг гузорликларнинг маънавий камолидаги хизмати катта. Устоз бу ҳиссанини қирқинч йилларнинг охирида ёшларнинг ҳақиқий етакчisi сифатида бошлаган бўлса, кейинчалик, ҳатто бошқа жойларда ишлаганида ҳам ўзининг бетакрор ибрати или фаол давом эттириб турди. Бу – ҳақиқат. Буни ҳеч ким инкор этолмайди!

Гузорлик отахоннинг бу чин юрак сўзларини эшитгач, қаҳрамонимизнинг туман ёшлари етакчisi сифатидаги фаолиятига қўшимча қиломадик.

Ташаббускорлиги, ҳаракатчанлиги, ибратли ишлари билан Гузордан ташқарида ҳам назарга тушган Соиб Усмоновни ўсадиган кадр ҳисоблашиб, 1950 йилнинг охирида аввал туман, сўнг вилоят раҳбарияти ўз ҳузурига чақириб, Тошкентга, Олий мактабимизга ўқишга борасиз, тайёргарлик кўринг, дейишиди.

Худди шу мавзуда Соиб ака билан 1997 йили суҳбатлашганимда у киши шундай деганди:

— Тўғриси, мен бундай «фамхўрлик»ни кутмагандим. Иложи бўлиши билан Тошкент ёки Самарқанддаги институтлардан бирида, ҳеч бўлмаганда сиртдан ўқиб олишни режалаштириб юргандим. Раҳбарларга фикримни айтдим. Шунда улар «икки йил бўлса-да, буям олий маълумот беради, яъни оладиган дипломингнинг даражаси институтни кига тенг бўлади, ҳатто устунликлари ҳам бор», дейишиди. Бүёгини сўрасангиз, уларнинг таклифига рози бўларканман, кўпроқ ўзимнинг ҳаёт шиорим («Кўпчиликка интил, мулокот даврангни кенгайтири») га амал қилиш имконияти туғилаётганини ўйлаганман.

Омадни, ниятнинг холислигини қарангки, ўқиш даврида, Гузордан туриб интилиб, ҳавас қилиб юрадиганларим – Қашқадарёning асл фарзандлари, яъни Исом Жалилов ва Юсуф Хушвақтов билан курсдош, даврадош, сафардош бўлдим. Тўғрисини айтсам, ўқиш давридаги шаклланишимда бэъзи дарслардан кўра, Исом ака ва у кишидай одамларнинг роли, таъсири, ҳиссаси катта бўлган.

— Тошкентда ўқирканмиз, кундалик дарс-машгулотлар тугаб, аудиториядан чиқишимиз билан Соибжон «ака, энди иккинчи аудиторияни нима қиласиз, у ёқقا ҳам борамиими?» деб турарди, — дея ҳикоя қиласи табаррук саксон уч ёшли Исом ота Жалилов. — Соибжон интилиб, истаб турган «иккинчи аудитория» машҳур одамлар давраси эди. Ўзбекистонимизнинг улуғ олимлари, ёзувчилар, маданият арбоблари билан Тошкентнинг қайси бурчагида, қандай масканда

қачон ким билан учрашув бўлишини, кимнинг юбилей тан-танаси ўтказилишини Соибжон олдиндан биларди ва бизни огоҳлантириб қўярди. Тўғри, уларнинг барчасига улгурол-масдик. Лекин энг зўрларига албатта боришга ҳаракат қиласди. Соибжон:

Кўп тингласанг машҳур ҳамда донони  
Шод этасан шаксиз ота-онани, –

деган халқ ҳикматини такрорлашни хуш қўярди.

Бир гал Юсуф Хушвақтов «Бизга, бизнинг соҳамизга бутунлай бегона одамлар бўлса, боришимиз шартми?» деган. Шунда, Соибжон «Улуг одамлар ҳамманики, халқники, улар ҳеч кимга, жумладан, бизга ҳам бегона эмас. Шунинг учун боришимиз, уларнинг қуйма, ҳикматли сўзларини тинглашимиз шарт, биродар!» деб жавоб бергани ҳанузгача эсимдан чиқмайди.

Учрашувлардан қайтаётганимизда эса, у фоятда мамнун бўларди: «Ана бундай ибратли, пурмаъно гапларни, теша тегмаган фикрларни фақат Қори-Ниёзий домладан эшитиш мумкин», «Ҳақиқий Ойбекона лутф», «Инсон камолининг шартларини бундан ортиқ таърифлаб бўладими?!», «Исми Олим (Хўжаев), сўзлари эса олимона!»

Икки кичик воқеа ёдимдан қўтарилмайди. Биринчиси: Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги Мирзо Улугбек номидаги Миллий дорилфунун) да буюк мутафаккир ва шоир Ҳусрав Деҳлавийга бағишилаб ўтказиладиган тадбир «биринчи аудиториямиз»га – дарс пайтига тўғри келиб қолган. Машгулотлардан қолиб бўладими, йўқ, укам, боролмаймиз, дедим. Мени Юсуф ҳам қўллаб-кувватлади. Шунда, Соибжон: «Деҳлавийнинг ота юритдан, яъни ҳазрат Сайфиддин Маҳмудга вилоятдош бўлатуриб шундай деб ўтирибсизлар-а?» деган. Охири, биз Кеш, Шаҳрисабз тарафданмиз, университетдаги тадбиррга бормасак бўлмайди, дея домлалардан илтимос қилдик. Улар, э, ҳа, айтмоқчи, сизлар Деҳлавийнинг ота юритдан-ку, деб кулиб жавоб беришган.

Иккинчи кичик воқеа: Биз ўқиётган Олий мактабда 9 май арафасида «Буюк Фалаба – тенгсиз жасорат қўзгуси» мавзуида давра сухбати ўюнтирилди. Унда домлалар, уруш қатнашчиларидан уч-тўрт киши ва тингловчилар иштироқ этишиди. Сўзга чиққанлар фашизмга қарши қурашда эришилган Фалабанинг буюк тарихий аҳамияти, жангчиларимизнинг

кахрамонлиги, турли миллатларнинг уруш пайтида намойиш этган бетакрор жисслиги, матонати, йигирманчи аср иккинчи даври одамларининг қайтариб олинган ана шу улуғ неъмат — Тинчликни сақлаш ва уни ҳимоя қилишдаги, мустаҳкамлашдаги масъулияти, бурчлари ҳақида фахрланиб, тўлқинланиб гапиришди. Даврани бошқариб бораётган домла «Энди тингловчилардан ҳам эшитайлик», деди. Курсдошлиримиз бирин-кетин қўл кўтара бошлашди. Соибжон менга қараб, паст овозда «чиқасизми, aka?» деди. Мен у томонга юзланиб, қани, эшитиб турайлик-чи, дедим. Тўртинчи бўлиб Соибжон минбарга чиқди. Унинг «кириш сўзи» эсимда қолмаган. Лекин асосий гапи куни кеча эшигандай хотирамда муҳрланиб қолган. Мана, ўша сўз, фикр:

— Мен фақат бу ерда тез-тез такрорланган «Буюк уруши», «Улуг жанг» деган иборага мутлақо қўшилмайман. Буюк халқ, унинг буюк ғалабаси бўлиши мумкин. Лекин, биродарлар, уруш ҳеч қачон буюк бўлмайди. Уруш, бу — гирт даҳшат, гирт ваҳима!

Биласизми, Соибжоннинг бу сўзларидан кейин сокин залда беихтиёр гулдурос қарсаклар янграган. Тадбир тугагач, фронтовиклардан биттаси қўлидаги гулни Соибжонга тутқазиб, фоятда оқилона фикр айтдинг, ўғлим, дея уни бағрига босган.

Ҳа, Соибжон Тошкентдаги ўқишини битираётганда ана шундай теран фикрли, яъни кўпчилик эътиборини ўзига тортишга қодир, қолаверса, ўзи алоҳида меҳр ила «иккинчи аудитория» деб атаган улуғ одамлар даврасидан кўп нарса олишга муваффақ бўлган баркамол кадр эди!

Олий мактаб раҳбарлари диплом топширишдан беш-үн кун олдин ҳар биримизга «Қаерга ишга боришни хоҳлайсиз?» деган синов саволи беришган. Шунда Соибжон «Мени одам қилган Фузор, ўзимга ибрат бўлган, йўл-йўриқ кўрсатган ҳар бир тумандошимни устозим деб биламан. Шунинг учун мен Фузорга қайтиб бора қолай», деган. Битирувчилар орасида мустақил ишни, ҳатто туман раҳбарлигини мўлжалният қилиб, аллақачон от солиб юрганлар ҳам борлигидан хабардор домлалар, унинг ақдли жавобини эшитиб, бир овоздан «Яшанг, ука, кам бўлмайсиз», дейишган.

Шу ўринда шахсан менга армон бўлиб қолган бир фикрни айтиб ўтмоқчиман. Ўшанда пойтахт ёки вилоят раҳбари-

ятининг тавсия-ташаббуси билан Соибжон вилоят ёшлар қўмитасига ёки бирон туманга етакчи, ҳеч бўлмаганда иккинчи раҳбар этиб юборилганда, ишни bemalol уdda lab кетарди. Чунки у кадр сифатида етилиб, тайёр бўлганди. Афуски, шўровий раҳбарлар бундай қилишмади. Уни аввал вилоят раҳбари ятининг ташкилий-нозирлик бўлимида оддий нозир (бир йил), сўнг вилоят ёшлар қўмитасида оддий котиб (бир йил) сифатида гўё синааб кўришди.

1955 йилда Соиб Усмоновни тоғ тумани — Деҳқонободга иккинчи раҳбар қилиб юбориб, сал ишлатиб кўришгач эса, нега олдинроқ юбормадик, дея армон қилишган.



---

## ИККИНЧИ БОБ

### МЕН НЕЧУН СЕВАМАН ЧИНОР, ТОГЛАРНИ

Соиб Усмоновни Дехқонободда яхши билишарди. Бош табелчи бўлиб ишлаб юрган пайтларидаёқ анъанавий мавсумий ўзаро текшириш бригадаси таркибида кўшни тумандан Фузорга ташриф буюрган дехқонободликлар уни илк бора танишган. Улар Дехқонободга қайтишгач, у ҳақда ҳатто:

Фузорда бор бош табелчи,  
Биздагилар бўш табелчи, —

деган ҳазил-ҳавас сўзларини ҳам билдиришган.

У туман раҳбариятида нозирлик вазифасида ишлаётган вақтда Фузорнинг худди шундай бригадаси аъзолари билан Дехқонободда хизмат сафарида бўлган. Ўшанда, аниқроғи, текширишнинг якунларига бағишланган йигилишда, ёш бўлишига қарамай, холис фикрлар билдириб, дехқонободликларнинг эътиборини қозонган. Яъни, ўзидан олдин сўзга чиққанларнинг аксарияти ишда бўлиши мумкин бўлган, унчалик бонг уришга арзимайдиган, тезда барҳам берса бўладиган камчиликларни кўпиртириб, кўшиб-чатиб айтиб, гўё пашшадан фил ясашмоқчи бўлишган. Янаям аниқроғи, улар вилоят раҳбариятининг вакили олдида ўзларини синчков, чорвачиликни, ғаллачиликни пухта биладиган текширувчилар сифатида кўрсатишга интилишган.

Соиб Усмоновга бригада аъзоси сифатида сўз берилганда эса, у шундай деган:

— Тўгри, бу ерда айтилган, яъни дехқонободлик дўстларимиз ишларини ўрганиш жараённида аниқланган камчиликлардан кўз юмолмаймиз. Ҳақиқатан ҳам улар бор, содир этилган, биз, ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари бунга гувоҳ бўлдик. Лекин биз яна бир нарсага шоҳид бўлдик. Яъни дехқонободлик биродарларимиз, яқин қўшниларимиз тог

олди, төг таги, деб аталган, нисбатан қийин, мураккаб, истаган вақтда күчки, сел, тошқынлар хавф солиши мумкин бўлған шароитларда ҳам қўрқмай, мардона яшяяптилар. Шундай жасоратли одамларнинг биз бу ерда расман таъкидлаган камчиликларни тезда барҳам бермасликларига ким ишонади?! Ўз гўшасига, ўз ишига фоятда садоқатли шундай жасоратли дэхқонларга, чорвадорларга раҳмат айтишни ким истамайди?!

Шунда ҳамма — мезбонлар ҳам, меҳмонларнинг ўзлари ҳам чапак чалиб юборишган.

Ёш йигитнинг бу чиқишини дэхқонободлик кексалар ҳозирга қадар «ўшанда Соибжон ақлли ва мард сўз айтганди», дея эслаб юришади.

Шунинг учун ҳам унинг Дехқонободга иккинчи раҳбар этиб юборилганини эшигтан туман аҳли фоят курсанд бўлди. Шунинг учун ҳам туманнинг биринчи раҳбари Юсупов пленумдан кейин уни ўз кабинетига бошлаб кириб, келинг, Соибжон, энди бир бағримга босиб табриклаб қўяй, дея мамнунлигини билдиргач, беихтиёр ушалган ва ушаладиган орзулари хусусида гапириб кетди.

— Эсингиздами, Соибжон, — деди Юсупов, — Тошкентга, ўқишига кетишиларингиздан олдин Қарғида қўришганимизда «Ишқилиб, пойтахтда қолиб кетмангизлар», деганман.

— Адрес — Фузордан, ўзим — ўзарман, экан-да, деганингиз ҳам эсимда, — самимий кулди Соиб Усмонов.

— Йигирма тўрт ёшингида вилоятнинг шундай ишончига сазовор бўлганингизга беш кетиб шу сўзни айтганман, ука, — Юсуповнинг кўнглидаги фаҳр ҳисси янада кучайди.

— Раҳмат, устоз.

— Ўшанда мен, яъни тобора қариб бораётган туман раҳбари, сиздай ўт-олов ёш кадрлар билан ишлашни ният қилганман. Курсдошингиз Иsom Жалиловни туманларга, масалан, бизга вилоят раҳбарияти ҳеч қачон бермасди, буни билардик. Лекин Юсуф Хушвақтовдан, қўшни бўлганингиз, шароитимизни, муҳитимизни яхши билганингиз учун айниқса сиздан умид қилганмиз. Фикримни ҳатто ўқишини битиришиларингиз арафасида вилоят етакчисига айтганман. У киши, сиз чин юрақдан, астойдил кадр илтимос қиласизу, биз йўқ деймизми, ҳам деган. Бироқ негадир сизни Дехқонободга юборишмади. Ўзларига олиб қолишиди. Ҳа, майли, — Юсупов сўзини қисқароқ қилишга интилди, — ҳар ҳолда биз қўп кутмадик-ку. Ният -режамизга етдик-ку. Энди, Дех-

қоnobодни биргалиқда обод қиламиз, деган ниятимизга ет-сак бұлди, Соибжон.

Күпни күрган, тажрибали раҳбарнинг бу чин юрак сүзла-ри унинг «яхши етакчининг ёнига ишга боряпман» деган ишончини янада мустаҳкамлаган эди.

— Катта ва Кичик Үрадарёнинг сувларидай мусаффо, тоза қалбли, Бобосурхон чинорларидай бақувват одамлари, сиздай кайвониси бор экан, Дәхқонобод бу зэгу ниятга ҳам албатта мұяссар бұлади, — деди у Юсуповни құллаб-қувватлаб.

— Айтмоқчи, Соибжон, вилоят котиби хайрлашаётганды сизга «Бу ер – Фузормас», дедими?

— Шундай деди шекишли.

— Үртоғимизнинг гапига мен тушунмадым, бу нима де-гани экан?

У, мен сабаб бўлиб, гап бошқа томонга бурилиб кетма-син, Юсупов ўйланиб юрмасин, деган хаёл билан дарров жавобни топди:

— Менимча, менга «Дәхқонобод тоғлар гӯшаси, биро-дар, тоққа чиқсангиз эҳтиёт бўлинг, йиқилиб кетманг та-фин», деб ҳазиллашди.

Жавобдан кўнгли тўлган Юсупов:

— Ўзлари тоққа чиқишга қўрқади, огоҳлантиришига ўлай-ми, — деди.

Икки раҳбар яна ярим соатлар чамаси у ёқдан-бу ёқдан сухбатлашиб ўтиришди. Сўнг, иш ҳақида эртага бемалол гап-лашиб оламиз, дейишиб уйларига йўл олишди.

У Фузорга қайтаркан, вилоят котиби гапининг асл маз-муни ҳақида ўйлаб келарди.

Эллигинчи йилларнинг бошидан эътиборан Дәхқонободда «ёз-ёз» кучайган эди. Бунга, биринчидан, кетма-кет қур-ғоқчилик юз бериб, асосан лалмикор дәхқончилик билан шуғулланадиган далачиларнинг кам даромад бўлиб қолган-лиги, тўғрироғи, кун кечириш, оила тебратиш қийинлаш-ганлиги, иккинчидан, баъзи ташкилот ва хўжаликларда ошина-оғайнigarчилик, уруг-аймоқчилик, ўзибўларчилик каби сал-бий ҳолатлар кучайиб кетганлиги, учинчидан, туман яна Фузорга қўшиб юборилармиш, деган асоссиз, тутуриқсиз миш-мишларнинг дәхқонободликларнинг ўртасида тарқал-ганлиги сабаб бўлганди. Вилоят котиби шуларни назарда тутиб гапирганди. Унинг «Бу ер – Фузормас» дегани аслида «Дәхқонободда муаммолар кўп» дегани эди.

Икки кун бурун вилоятнинг биринчи раҳбари ҳузурида бўлган сухбатда у ҳам (котиб) иштирок этганди. Раҳбар Соиб

Усмоновга Дехқонободга ишга боришни айтаркан, биринчи навбатда ана шу учта долзарб муаммони алоҳида урғу бериб таъкидлади, уларни энг аввало одамлар билан тез тил топиша биладиган, одамларни тез англай оладиган, киришимли кадрнинг кўмаги билангина ҳал этиш мумкин, яхши била-мизки, сизда худди шундай қобилиятлар бор, ана шу имко-ниятларингизни дарров ишга солиб, бизга ҳам, ўртоқ Юсу-повга ҳам ёрдам беришингизни таклиф қиласиз, деди. Ви-лоят раҳбари унга оқ йўл тилаётиб, Фузорга яқин қўшни, ҳаводош, дарёдош Дехқонободни яхши билишингизга шуб-ҳа қилмайман, деган гапни ҳам айтди.

Ҳа, Соиб Усмонов 1925 йилда ташкил этилган, Қашқа-дарёнинг жануби-шарқидан ўрин олган, вилоятнинг Қама-ши, Фузор, Сурхондарёнинг Бойсун, Туркманистоннинг Кер-ки туманларига тугаш, чегарадош Дехқонобод туманини яхши билардигина эмас, севарди ҳам. Сабаб бўлди дегунча унга ин-тилиб туришини сезган, кузатган дўстлари, қадрдонлари «на-мунча у ерни ёқтирасиз?» дейишса, бирдан: «Чунки Дехқон-обод — тоғлар ва чинорлар маскани, тоғлар — баландлик, чинорлар — мустаҳкамлик рамзи, мен бир умр уларга ҳавас қилиб, интилиб яшашни яхши кўраман», дерди. Жавобдан қониқмагандай бўлиб, кўзғайверсангиз, «эзаверсангиз», «улар-га дўст бўлсангиз, бири сиздан «Пастлиқдан йироқмисан?», иккинчиси эса, «Мўрт эмасмисан ишқилиб?» деб доимо тер-габ, сўраб туради», дея кулиб, изоҳини тўлдирарди.

Бир гал бундай бамаъни, оригинал изоҳни эшитган бир таникли сўз санъаткоримиз беихтиёр «Соибжон ака, сиз ҳам бизга үшаган шоир экансиз-ку!» деган.

У Ҳисор тизмасининг фарбий тармоқлари бўлмиш Қора-сирт, Бобосурхон тоғларини, шунингдек, Оқтош, Сайфи, Кесик, Усмонтов, Тепақўтон паст тоғликларини 15-20 ёш-ларидаёқ дехқонободлик дўстлари билан кезиб чиққанди. Ҳатто Бойбичаҳон, Говхона, Одамтошлардаги ер ости бой-ликларидан, конлардан ҳам хабардор эди. Фузор дарёсининг ирмоқлари — Катта ва Кичик Ўрадарёнинг тоза, шифобахш сувларидан аллақачон тўйиб-тўйиб ичганди.

Тўғриси, у одамларни, яъни дехқонободликларни кўпроқ яхши танирди ва биларди. Ўн ёшидан бошлаб қўшни туман-нинг тўйларида, анъанавий халқ сайилларида, улоқ-кўпка-ри ва олиш-курашларида қатнашиб келаркан, у ернинг бар-ча эл суйган, элни суйган кайвонию оқсоқолларини таниш-га, билишга ултурганди. Кўплари билан ҳатто ота-боладай,

ака-уқадай қадрдон эди. Қолаверса, бундай яқинликда «Деҳқонободда ошнаю дўстим обод» деб юрадиган отаси Усмон аканинг ҳам ҳиссаси бор эди. У Деҳқонободда Сурхондарё полвонлари ва чавандозлари иштирокида бўладиган зўр олиш-кураш ва улоқ-кўпкариларга албатта борарди. Ўглини ҳам у ерга бошларкан, соврин ёки уни ким олганини билишдан кўра, шундай катта даврани кўриш муҳим, деб қўярди.

Соибонга деҳқонободлик кайвониларнинг, баковулларнинг ҳалоллиги, мардлиги, дадиллиги ва ҳукмлиги айрича ёқарди. Эл оқсоқоллари, кўпчилик билан муомала қиладиган одамларда энг аввало ҳудди шундай фазилатлар кучли бўлиши шарт, деб қўярди у уларга ҳавас қилиб.

У сайилларда қатнашаркан, халқ санъатининг, ижодининг ўзига хос намояндлари, ижрочилари сифатида вилоятдагина эмас, балки бутун республикада ажралиб турадиган деҳқонободлик истеъодларнинг чиқишлиарини, дастурларини жон-жон деб кузатарди, томоша қиларди. Азал-азалдан довруғ таратган Деҳқонобод бахшилик-достончилик мактаби вакилларининг дўмбира жўрлигидаги терма ва достонларини тинглаш эса унинг учун чинакам байрам эди. У, масалан, Ражаб бахши Нормурод ўглининг ижодини Ислом шоир, Пўлкан шоир, Фозил шоирларнидан кам билмасди. Бир гал қадрдонлари даврасида шоирнинг машхур:

Деҳқонобод — дов йигитлар қўргони,  
Жон қўшниси — она юртим Сурхони.  
Ҳов анави ўнгда мағрут турғони—  
Тоққа чиқиб зафар гаштин сурғони.

Меҳмон учун безаб қўяр уйини,  
Олиш-кураш— Деҳқонобод ўйини.  
Ўтказмайди унингсиз ҳеч тўйини,  
Бош товоққа атар ҳўқиз, қўйини, —

деган термаларини ихлос билан ёдан ўқиб берганда, дўстларидан «Зўр-ку, Усмонов, Ражаб бахшининг қўлида бўмаганмисиз?» деган самимий ҳазил ҳам эшитган.

У Деҳқонободда Ражаб бахшининг Қодир бахши деган ёш, истеъодли шогирди тобора элга танилиб келаётганидан ҳам хабардор эди.

Энг муҳими, у деҳқонободликларнинг ўзига хос феълатворларини, характерларини, яъни ғоятда содда бўлишлари

баробарида чүрткесар, дангал, бир сүз билан айтганда, ўта жайдари, лекин ниҳоятда бегараз эканликларини жуда яхши биларди.

Шунинг учун у Дәхқонободда қийналиб қолишини хаёлита ҳам келтирмаганди. Шунинг учун баъзида айримларда бўладиган «олдин у ёқ-бу ёққа қараб олай» ёки «аввал бу ерни бироз ўрганиб олай, ҳурматли бошлиқ» каби «тажриба»ларни такрорлаб ўтирумади. Расман таништирилган куннинг эртасига ёқ ишга жадал киришиб кетди.

У эскичасига ҳам, янгичасига ҳам амал қилиб, аввал туманнинг шаклланиши ва ривожига ҳисса қўшган, айни вақтда кексалик гаштини суроётган, Дәхқонобод оқсоқоллари, деб ҳурмат қилинадиган меҳнат ва уруш фахрийларини зиёрат қилиб, ҳол-аҳволлашиб чиқди. Сўнг дарров туман раҳбарининг «иккинчи котиб сифатида назорат қиладиган конкрет соҳангиз бўлса-да, тажрибангиз борлиги учун маориф, соғлиқни сақлаш ва маданиятга ҳам эътибор бериб турасиз», деган таклифига биноан мактабларга кириб чиқди.

Халқ — барибир эътиборли ва зийрак-да. Унинг ўз ишини қариялардан ва болалардан бошлаганини кўриб, сезиб, «бизнингча, чинакам раҳбарликнинг аввалида кутиладиган илк қоида ҳам, амал қилинадиган илк шарт ҳам аслида шу!» дея мамнун бўлди дәхқонободликлар.

Одамни деганни Аллоҳ сийлайди, деган ҳикмат яна бир бор ўз исботини намойиш этди. 1955 иили қурғоқчилик тақрорланмади. Табиат, бошқаларга каби, қарийб қирқ минг гектар лалмикор ерда дәхқончилик қиладиган дәхқонободликларга ҳам ҳиммат кўрсатди. Ўз вақтида инъом этилган мўл ёғин-сочиндан кўнгли тўлган дәхқонлар, бу янги раҳбаримиз (иккинчи котиб)нинг қадами қутлуғ келганидан ёрқин нишона, дея севиниши.

— Шу тариқа, энг аввал даъват этилганини, яъни биринчи муаммони ҳал қилишда бизни ичимизда «Ўзинг ёрдам бер!» деб илтижо қилганимиз — Яратган қўллаб-қувватлаган, — деганди кулиб Соиб ака, Дәхқонобод мавзуидаги суҳбатларимиздан бирида. — Чунки яхши биласиз, у даврда овоз чиқариб Худо дейиш хавфли ва жиноят эди. Ҳа, бежизга «Аллоҳ ҳар нарсани сезади, кўради, эшитади!» дейилмайди.

Бир ибратли факт: Тобора ярқираб, гуриллаб қўтарилиб келаётган Соибжон ўзларига қишлоқдош, қўрғондош эмасми, унинг зиммасига илк марта катта масъулият юкланган-

масми, туманларининг кейинги йиллардаги ривожида унинг хизмат-ҳиссаси катта бўлган масми, фузорликлар экиш мавсумида ҳам, ҳосилни йигиштириб олиш пайтида ҳам «ўзларининг Усмонов»и ва дәҳқонободликларга астойдил ёрдам беришиди.

— Биласизми, мана шу кичкина факт одамларга таъсир қилган, сизларнинг тилларингиз, ибораларингиз билан айтганда, маънавий тарбияга таъсир қилган, — дейди етмиш олти ёшли Эргаш ота Муродов.— Масалан, дәҳқонободликлар, барибир чин юракдан қилинган меҳнат, хизмат, яхшилик унунтимайди-да, ундан баҳраманд бўлганлар уни ўзларига улашган одам олдида барибир ўзларини бурчли-қарздор ҳис этадилар-да, «биз тоғ тагидамиз, сизлар қулай жойда-сизлар» демасдан, эҳтиёж туғилганда бизлар ҳам уларга шундай кўмаклашишимиз керак, умуман, икки қўшни туман ҳамнафаслигини, ҳамжиҳатлигини, ҳамкорлигини янада кучайтиришимиз лозим, деган ҳавасу холосага боришган бўлса, фузорликлар «Соибжонни ўзга тумандан, барибир кетадиган одам, демасдан, ўз жигаргўшасидай, aka-укасидай қўришяпти, ўзи, айримларда баъзан кузатиладиган маҳаллийчилик деган соҳта қусур бўлмагур нарса-да», дея қалбларида ҳам мамнунлик, ҳам масъулият ҳис этдилар.

Шу ўринда, бу ерда сизга сал расмийроқ бўлиб эшитилса ҳам, бир фикримни урғу бериб айтиб ўтмоқчиман. Соиб Усмонов қўшни туманда иш бошлаган илк куниданоқ Дәҳқонобод ва Фузор аҳолиси ўртасида азалдан бор ва ривожланниб келган алоқа, дўстлик ва ҳамкорликни янада кучайтиришни, мустаҳкамлашни ҳам ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган эди!

Эргаш ота биз билган ва бизнинг «нишонимиз» бўлган мавзууни «қўзгаб» юборган эди. Гап шундаки, 1925 йилда ташкил этилган Дәҳқонобод тумани шўровий раҳбарларнинг «сантиқа» сабаблари билан 1930 йилга келиб Фузорга қўшиб юборилган эди. Орадан беш йил ўтгач, улар хатоларини тушунишди. Дәҳқонобод яна мустақил туман сифатида қайта тузилди. Худди мана шу қўшиш-ажратиш «ўйинлари» пайтида одамларда, айниқса, дәҳқонободликларда нотўғри тушунчалар пайдо бўлди. Уларнинг баъзилари ҳатто «Бу ташаббус Фузордан бўляпти, у бизнинг туманнинг имкониятларига кўз тикияпти», деган нотўғри фикрларга ҳам боришли. Қўп ўтмай, халқ қўшиш-ажратишнинг ҳақиқий ташаббускори ким

эканлигини, бу иш нима мақсадда қилинганинг сабабларини билди. Нотұғри фикрга борганлар ҳижолат бұлиб қолишиди. Лекин, минг афсуски, тор үйловчилар, ваҳимачилар тарқатишига ултурған ғаразли гапларнинг асорати қолган эди. Ана шу асорат излари орадан ўн саккиз-ўн түққиз йил үтиб, Дәхқонободда миш-миш шаклида билина, яна бүй күрсата бошлаганда Соиб Усмонов бу ерга иккинчи раҳбар бұлиб келганди.

Меңнат фахрийсінинг чин юрак сүзи, аслида, бизнинг қаҳрамон олдига вилоят раҳбари қўйган учинчи вазифанинг дадил бажарилаётгани тасдиғи эди.

\* \* \*

Ишлаётганинг тўртинчи ойи бошларида, аппарат ходимлари, хўжаликлар ва ташкилотларнинг етакчилари билан бўладиган анъанавий кичик йиғилишдан сўнг Юсупов унга «беш минутга қолинг, Соибжон», деди ва жиринглаётган телефони гўшагини кўтарди. Ўзини истаган одам билан гаплашиб бўлиб, телефон гўшагини жойига қўяркан:

— Хўш, Соибжон, бир квартал чопиб-елиб ишладингиз, чарчаб қолмадингизми? — деди самимий кулиб.

— Шу ёшда, атиги уч ой ишлаб, чарчадиммас, сал чарчадим, дейиш ҳам бизга уят-ку, устоз, — фақат ўзига яратадиган табассум билан жавоб қилди у ҳам.

— Чунки, кўряпсиз, Дәхқонободда баланд-пастликлар кўп. Баъзан одамлар билан хабарлашаман деб, тепага, қирадирларга чиқиб-тушишнинг ўзи ҳам чарчатади-да.

Раҳбар бу сўзларни тўғри маънода айтди. Ўринбосари эса кичик лавраларига руҳ бағишиламоқчи бўлиб, гапни ҳазилга бурди:

— Лекин, мен ҳали пастлиқдан йироқ юрибман-да, aka! Ўртада самимий кулгу янгради.

— Тошкент даврасини кўрган йигитсиз-да, ука. Ҳисобни бирдан биру ноль қилиб, сиз очдингиз.

Самимий кулгу яна такрорланди.

— Раҳмат, Соибжон, сизнинг топиб айтган бир сўзингиз сабаб бўлиб, сал дам ҳам олдик, — Юсупов, етади дегандек, бирдан жиддий гапира бошлади. — Соибжон, сиз билан ҳаётда aka-ука, устоз-шогирд, ишда бошлиқ-ўринбосарлармиз. Мақсадимиз битта. Ўртамизда бир-биrimиздан яширадиган ҳеч

қандай сир-синоат йўқ. Бир-биrimизни тузатиб, тўлдириб юришимиз лозим. Чунки менга сиз кераксиз, ўйлайманки, сизга — мен. Ё нотўғрими?

— Мутлақо тўғри, устоз.

— Яхши, унда, Соибжон, сиздан бир илтимосим бор. Айтинг-чи, ўтган уч ой мобайнида менинг характеримда, ишмада тузатилиши, ёзувчилар тили билан айтганда, таҳрир қилиниши, — Юсупов майин жилмайди, — шарт бўлган камчиликлар кузатдингизми? Агар кузатган бўлсангиз, ҳозир ўзимга билдирсангиз, жон деб, раҳмат айтиб қабул қиласман.

Усмонов оғир-босик, камгап, аммо ниҳоятда мард, тўгрисуз бу одамнинг дабдурустдан ўзи ҳақида фикр сўраб қолганидан ажабланмади. Чунки Юсуповнинг ўзини (Соибжонни) ўзидан ҳам ортиқ яхши кўришини, унга ўзидан ҳам зиёда ишонишини яхши биларди. Шунинг учун «яхши бўлди, ўзлари гап очиб қолди» деган хаёл билан аввал дил сўзини, сўнг кўнглида туғиб юрган таклифини айтди:

— Устоз, ишончингиз учун чексиз миннатдорман. Тўгри айтдингиз, мен сизни демасам, сиз мени демасангиз, эзгу ниятларимизга ҳеч қачон эриша олмаймиз. Менинг битта таклифим бор. Бу ерда, раҳбариятда ўтказиладиган одатий, анъанавий йиғилишларни камайтирасак. Уларни иложи борича жойларда ўтказсак. Чунки нотекис шароитда фаолларимиз, айниқса, хўжалик етакчиларининг бу ерга келиб-кетишиларида қийинчилик яққол сезиларкан. Баъзилари техникадан қийналаркан. Агар шу камчилик бўлса, иккаламизга ҳам тегишли.

— Йўқ, бу менини. Сизникини ҳали айтаман, — самимий кулди раҳбар. — Хўш, яна қандай таклифингиз бор?

— Бўлди, устоз, кузатгандарим ҳозирча шу. Яна уч ой ўтсин-чи, кўрамиз, — Усмонов ҳам самимий жилмайди.

— Раҳмат, Соибжон. Сизнинг кузатганингиз, тан оламан, камчилик. Буни ўз вақтида эслатганингиз учун сизга яна бир бор ташаккур айтаман. Ҳақиқатан ҳам тоғли, қирадирли туманда мажлисбозлик қилиб ўтиришимиз мутлақо нотўғри. Керакли одамларни бу ерга ойда бир марта йифса ҳам бўлади. Ҳафталиқ, ўн беш кунлик йиғилишларни сиз айтгандай хўжаликларнинг ўзида ўтказамиз. Техникамиз гинглаб турган бўлса.

— Сизникини ҳали айтаман, дегандингиз. Энди сиздан эшиштаман, — Усмонов қулимсираб раҳбарга тикилди.

— Ҳа, айтмоқчи, бир чўпонимиз ўксиниб қолди. Ҳузурига отда борибсиз-ку. Машинангиз бузилиб қолганмиди?

— Йўқ. Жума ака отарини адирнинг тепасида ҳайдаб юрган экан. «Виллис» бўлса ҳам техника-ку, қийнаб нима қиламан, деб паstdан биттасининг, чўпон шогирдининг отини миниб кетдим.

— Чўпон халқи содда ва кўнгли нозик бўлади, Соибжон. Масалан, Жумавой: «Райкўмнинг иккинчи котиби бўла туриб, Усмонов акамиз менинг олдимга эшакдай бир отда чиқиб борди. Бундан ҳузуримга туманнинг иккинчи раҳбари келгани билинадими? Машинаси бор-ку? Бизлар ҳам одам. Дўст бор, душман бор. Сени ким йўқлади-йўқламади деб четдан кузатиб туришади», дейди.

— Бу ростданам, камчилик, устоз. Мен чўпон аҳлини ҳали унчалик билмас эканман, — деди Соиб Усмонов. Сўнг дарров давом этди: — Умир бахши бежизга улар ҳақида қуидагиларни ёзмаган экан:

Яйлов кезар уззукун,  
Ташвишлари кам эмас.  
Лек, ўзини ҳеч қачон  
Бировлардан кам демас.

— Ҳа, балли...

Бир-бирини ўзаро «тахрир» қилиб олган раҳбарлар бир-биридан мамнун бўлиб, ўринларидан туришди.

Эллигинчи йилларнинг иккинчи ярмида тоғли туман — Деҳқонободда юз бера бошлаган ижобий ўзгаришларнинг бош илдизи икки асосий раҳбарнинг (бошқаларда, бошқа ерларда кам кузатиладиган) мана шундай яқинлиги ва яқдиллигига эди!

Усмонов туман раҳбариятида асосий иши — сиёсий-ташкилий ва кадрлар масаласи билан шугулланаркан, маҳаллий кадрлар ва уларнинг камоли учун алоҳида жонкуярлик кўрсатди. Масалан, у ўз соҳасида, топширилган лавозимида қониқарли фаолият кўрсата олмаётган етакчилар ва мутахассислар аниқланганда, баъзи вазифадошларига ўхшаб бирдан уларнинг баҳридан ўтишимиз керак, деган ташаббус билан чиқмади. Аввал, у шу ернинг фарзанди, бола-чақали одам, умид билан яшаяпти, балки ўзи ўзгариши, биз ўзгартиришимиз мумкин бўлар, деган мулоҳазалар билан уларни кузатди,

ўрганди. Кадр атрофидаги одамлар, яъни жамоасининг кўзга кўринган вакиллари билан сухбатлашиб кўрди, ҳатто оиласи, турмуш шароити билан танишди.

Ана шу ўрганиш жараёнида битта иши юришмаётган кадрига аламзада «собиқ» халақит бераётган бўлса, иккинчисига оиласидаги муттасил нотинчлик, учинчисига иш шароитининг ниҳоятда аборг-ночорлиги таъсир қилганди. Буларни эса дарров кескин хulosа-қарорга келмасдан, иккинчи одамнинг, яъни раҳбарнинг аралашуви ёрдами билан бемалол ҳал қилса бўларди. Усмонов худди ана шундай йўл тутди. Юсуповни безовта қилиб ёки йиғилишда бонг уриб ўтирамасдан, буларни иккинчи раҳбар сифатидаги имкониятларидан фойдаланиб, ўзи ҳал қилиб юбораверди.

Тўртинчи, бешинчи, олтинчи кадрлар эса олий ёки ўрта маҳсус маълумоти бўлса-да, касб малакалари етарли бўлмагани боис ўз ишларини кўнгилдагидек, талаб қилинганидек бажара олмаётгандилар. Усмонов уларни вилоятда ва республикада ишлаб турган, ихтисослаштирилган малака ошириш курслари ва институтларига юбориш ташабbusи билан чиқди. Унинг фикрини Юсупов ҳам, вилоят мутасаддилари ҳам бир овоздан маъқуллашди.

— Соиб аканинг ана шу жонкуярлиги, ҳаракати, ташабbusи туфайли бизнинг ўнлаб ҳамкасларимиз шаҳарларга йўл олиб, ўз малакаларини ошириб келган, — дейди таникли зоотехник Эшбой Шукуров. — Натижада Дехқонобод чорвачилигига ўзгаришлар янада кучайган. Соҳамиз чинакам профессионал чорвачилик сифатида ўзини кўрсата бошлаган. Мен сизга айтсан, кейинчалик Ўзбекистондагина эмас, балки собиқ иттифоқда довруғ таратиб, тилга тушган, Мехнат Қаҳрамони унвони ва Олтин Ўлдуз билан тақдирланган Мамат Абдумуродов, Амирали Эшбоев каби устоз чўпонларимизнинг муваффақиятларига Соиб аканинг, у киши ёрдамида малакаларини ошириб келган мутахассисларнинг ҳиссалари катта бўлган.

Тажрибали зоотехник ҳақ гапни айтганди. Ҳақиқатан ҳам Дехқонободнинг илк Мехнат Қаҳрамонлари бўлган икки машҳур чўпоннинг, яйлов баҳодирининг эл-юртга танилишида, жайдари тил билан айтганда, юзага чиқишида Соиб аканинг хизматлари катта. Буни ҳозиргача дехқонободлик кексалар, хусусан, чорвадорлар фахр билан, миннатдорчлик билан эътироф этишади.

Масалан, ўша вақтда «Биринчи май» деб аталағынан (сүнг «Деҳқонобод») хўжаликнинг Отқамар қишлоғида яшовчи оддий чўпон Мамат Абдумуродовни у биринчи учрашувданоқ ёқтириб қолди. Бунга, биринчидан, аллақачон қишлоғида, хўжалигида, қолаверса, туманда ўзига хос яйлов баҳодири сифатида тилга тушган инсоннинг ўта камтарлиги, ўз ишини пухта билиши, касбдошларига айрича ҳурмат билан ёндашуви, иккинчидан, уруш йилларида машхур чўпон сифатида ном қозонган, туманда биринчилардан бўлиб даврнинг энг олий нишонларига сазовор бўлган отасининг касбини муносаби даражада давом этираётганлиги, энг муҳими, «чорвадорлар сулоласи» деган номнинг бардавом этаётганлиги сабаб бўлди. Шунинг учун Усмонов биринчи танишувдаёқ адирига мос алпқоматли чўпоннинг чопон устидан боғланган қалин белбоғини ушлаб:

— Демак, сиз отқамарлик ўткамарсиз, — деб ҳазиллашди. Абдумуродов соддалигига борди:  
— Йўқ, катта бува, менинг ота-онам қўйган исмим бор, Маматман, — деди дарров.  
— Унда, узр, исмингизни ўзгартириб бўлмас экан, Мұхаммаджон, — самимий кулиб қўйди Усмонов.  
Содда чўпон ажабланди:  
— Ўзингиз ўзгартиряпсиз-ку, Соиб ака?  
— Чунки ота-онангиз сизга от танлашаётганда фоятда эзгу ният билан, яъни доимо Ўзи қўллаб юрсин деб, Пайғамбаримизнинг табаррук исмларни қўйишган, асл ўзбек тилида Мамат деган от йўқ, бу болаликда қисқартириб, эркалатиб айтилганидан қолиб кетган исм, Мұхаммадим! — Усмонов шундай деб, чўпоннинг белидан маҳкам қучди.

Туманинг иккинчи раҳбаридан бундай қалбона муносабат, чинакам жигаридаи, оғасидай эркалатиш, иззат-ҳурмат кутмаган Абдумуродов ҳаяжонланиб қолди:

— Соиб ака, сизни ҳам доимо Яратганнинг ўзи қўлласин! — деёлди холос.

Усмоновнинг ҳамроҳлари (туман қишлоқ хўжалик бошқармасининг вакили ва совхоз директори) дан бири унинг ҳали яйлов кийимини алмаштиришга ултурмаган чўпонни бағрига босишидан ҳайратланса, иккинчиси унинг илк бор кўраётган одамига дарров, гўё азалдан дийдорлашиб юргандек меҳр билан муносабатда бўлишига ҳавас қилди!

У Отқамарга иккинчи бор келганида ҳам ёнида ўша вакил ва совхоз директори бор эди. Чўпоннинг турмуш ўртоғи

Зарҳал опа ёзган дастурхон устида, бир пиёла чой ичаётганды Соиб ака:

— Орден-медаллардан ҳам олгансиз-а, Мұхаммаджон? — деб сүради.

— Қаерда, битта фахрий ёрлиқ бор, холос, — дея тұғри-сини айтди мезбон.

— Наҳотки? — Усмонов кутилмаган жавобдан қаттиқ ажабланиб, тұғрими, дегандек хұжалик раҳбарига қаради.

— Тұғри, Соиб ака, — деди совхоз директори, — бир гал, аникроғи, икки йил бурун бу кишини «Республикада хизмат күрсатған чорвадор» унвонига тавсия этсак, вилоятдан, отаси бир әмас, иккита орден олган экан, дейишиб қолдириб юборишиган.

— Қарийб йигирма йиллик чұпонлық стажингиз бор, тұғрими?

— Шундай. Ўн ёшдан ҳисобланса, келгуси йили шунча бұлади, — деди чұпон.

— Бир неча йилдан бери ҳар мавсумда ҳар юз бош совлиқдан үртача 120 — 125 тадан құзи олиб, 3, 5 — 4 килограммдан жун топшириб келаётганды бұлсанғиз. Давлатга, бизга, — Усмонов аввал хұжалик раҳбарига, сұнг қишлоқ хұжалик бошқармасининг вакилига қаради, — яна қандай натижа керак? Энди, Мұхаммаджон, давлатдан, биздан сизға, сизнинг меңнатингизга муносиб натижа — баҳо лозим. Тұғрими, биродарлар? — у яна ҳамроҳларига юзланди.

— Тұғри, Соиб ака. Үнда, бизда үша икки йил бурун «Республикада хизмат күрсатған чорвадор» унвони учун тай-еरланған тавсиянинг асл нұсхаси сақланған бұлса керак. Үшани, янги күрсаткичларни құшиб, қайта тайёрлаймиз, — деди совхоз директори.

— Йүқ, — деди дарров туманнинг иккінчи раҳбари, — үртоқ директор. Энди тавсияни Мәхнат Қаҳрамони унвони учун зүр қилиб, бу киши билан, — у қишлоқ хұжалик бошқармасининг вакилини күрсатди, — бутунлай қайта тайёрлайсиз, қайта ёзасизлар. Тайёр бұлғач, шахсан үзим құраман. Абдуғуродов Дәхқонободнинг биринчи Қаҳрамони бұлади! Нега Дәхқонободдан Қаҳрамон чиқмаслиги керак?

Тұман иккінчи раҳбарининг чин юракдан, армон билан айтилған кейинги гапи вакил ва директорни сергаклантириб юборди.

— Қизық-а. Ҳақиқатан ҳам бизнинг тумандан ҳозирға қадар биронта Қаҳрамон чиқмаган, — деди бири иккінчисига қараб.

Улар Усмоновнинг зийраклигига, юрган йўлида ҳам Дехқонобод ва дехқонободликларни ўйлаб юришига яна бир бор амин бўлишганди.

Соиб Усмонов, анъанасига содиқ қолиб, ўзига «армондош» бўлиб қўшилган ҳамроҳларига, ўзи Отқамарнинг Ўткамари деб таърифлаган ялов баҳодирига дарров ёқимли кайфият улашди:

— Туманимиздан албатта Меҳнат Қаҳрамони чиқади! Чунки олий унвонга номзодлар танланаётганда адолат мезонига амал қилинса, яъни у қаҳрамонона, бунёдкорона меҳнат мардларига бериладиган бўлса, Дехқонобод — мардга обод! — деди алоҳида гуур билин.

\* \* \*

Одамларга кайфият-руҳ баҳш этишга ана шундай айрича ошиқманд Соиб Усмонов уларни ранжитишни, хафа қилишни астойдил хоҳламасди.

Иккинчи раҳбар бўлиб ишларкан, ўзига топширилган вазифани умуман уddyалай олмаган, ишда, уни бошқариша, одамлар, қўл остидагилар билан муомалада жиддий хатоларга йўл қўйган қўйи етакчилар ва мутахассисларни кўп бор муҳокама қилишга, чоралар кўришга, лавозимидан четлашибга мажбур бўлди. Лекин уларнинг биронтасини бошқа вазифадошларига ўхшаб қўполлик билан, бақириб-чақириб, сўкиниб, йўқол, дея столни муштлаб ўтказмасди. Ёки, сени партиядан ўчираман, қаматаман, деб дағдаға қилмасди. Аксинча, ишни, обрўни буткул бой берган одамга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиб, уни тамоман эзиб ташлашга, ўлганинг устига чиқиб тепган бўлишга асло интилмасди.

Буям Яратганинг хом сут эмган бир бандаси, бутунлай бадном бўлиб қолмаслиги керак, айбини, хатоларини тушунса, бугун бўлмаса эртага тузалар, деган эзгу ўй билан иш тутарди. Яъни унга аввал камчиликларини, муваффақиятсизлигининг илдизларини асло шошилмай, ётиғи билан, ўзи ҳам чин юракдан афсус чекаётганлигини айтиб тушунтиради. Якуний хуласада кўпинча шундай дерди: «Укажон, биз, туман раҳбарияти шундай қарорга келишга мажбурмиз. Чунки, биринчидан, ўз вақтида шундай қилмасак, сизнинг хатоларингиз янада авж олиб кетниши, охир-оқибатда сизни бутунлай қийнаб қўйиши мумкин. Буни кўриб, кўрмасликка олишга эса бизнинг ҳаққимиз

йўқ. Иккинчидан, сизнинг мисолингизда қайд этилаётган камчиликларни биздан ҳам олдин кўпчилик, эл кўриб, билиб туриди. Биз чора кўрмасак, улар, демак, мумкин экан, деган фикрга боришиди ва хатолар бошқаларда ҳам тақрорланишига замин яратилади. Тузатилаётган камчиликларнинг оммавий тус олиб кетишига йўл қўйишга ҳам бизнинг ҳаққимиз йўқ. Мен сизнинг бошқа ишда ўзингизни оқлашингизга, хатоларни ювишингизга асло шубҳа қилмайман. Вақти келиб, яна бизнинг ишончга сазовор булишингизга ишонаман».

— Шўро даврининг раҳбарлари муҳокама қилаётганда наҳотки шундай дейишган, шундай меҳрибон булишган бўлса, деб баъзилар, ҳозиргилар ишонмаслиги, ажабланиши мумкин, лекин бу бор гап, ҳақиқат, азизлар, — дейди деҳқонободлик етмиш саккиз ёшли Жўра бува. — Чунки мен кўп бор бунга гувоҳ бўлганман. Қолаверса, менинг ўзим ҳам топширилган вазифани барбод бериб, шундай муҳокамага ўзим сабаб бўлиб, оёғим вақтинча узангидан узилаётганига қарамай, шундай меҳрибонликка мұяссар бўлганман.

Ҳа, Соиб ака ҳақиқатан ҳам меҳрибонликда бетакрор инсон ва мард раҳбар эди. У кишидан, масалан, биз, деҳқонободликлар бирон марта «партиядан ўчираман!» деган дўқ-пўписани, дағдағани эшитмаганмиз. Ҳолбуки, кўпчиликка маълум, бу сўз шўро даврида ўта «фаол» эди. Иккинчидан, Соиб ака расмийликдан, сохталиқдан бутунлай йироқ одам эди. У киши ўзгаларнинг исми ва отасининг отини айтиб мурожаат қилаётганда «вич», «бек», «полвон» қўшимчаларини ишлатиши хуш кўрмасди. Ўзидан катта ёшдагилар ва тенгдошларига «хон» (мас. акахон, Сафархон ака, Тўрахон) и билан, ўзидан кичикларга эса, «жон» (мас. Муроджон, укажон) и билан мурожаат этарди. Бежизга деҳқонободликлар ҳамон «Соиб ака бу ерда ишлаганда бизни хон қилган, бизга жон улашган», деб эслаб юришмайди-да!

Асосий мақсад-муддаомни айтсам, ўзи сабаб бўлиб, Усмоновнинг муҳокамасига тушган, уни чора кўришга мажбур этганларнинг баъзилари кўп ўтмай, айримлари кейинчалик бутунлай тузалган, Деҳқонободнинг қобилиятли кадрлари сафига қўшилишган. Жумладан, менинг ўзим ҳам. Чунки биз доимо одамни ҳар нарсадан устун қўядиган меҳрибон устознинг диққат-эътиборида, назоратида бўлганмиз-да!

Жўра ота сўзларининг якунидаги «Одамни ҳар нарсадан устун қўядиган устоз» деган ибора-таърифга эътибор бердингизми? Биз, деҳқонободликлар деб бутун туман аҳли

номидан гапирган меҳнат фаҳрийсининг бу дил эътирофида жуда катта маъно ва ҳақиқат бор.

Гап шундаки, Соиб Усмонов Дехқонободда фаолият кўрсатар экан, бошқа вазифадошларидан фарқ қилди. Ҳамкаслари «умумий қўмандон» (биринчи раҳбар), қишлоқ хўжалик бошқармаси, унинг боз етакчилари ва хўжаликларнинг етакчилари бўла туриб, гектар, центнер, тонна, боз (қорамол, қўй-қўзилар) кетидан қувиб юрган бўлса, у, энг аввало одамларга интилди, уларнинг турмуш шароитларини, руҳ-кайфиятларини, туман муҳитини ўлади. Дехқонободликлар эса, туманнинг иккинчи раҳбари биринчи навбатда ҳалқни, бизни ўйлаётган, бизга талпинаётган, бизни астойдил ўзига яқин тутаётган, бизнинг ғамимизни еяётган, биз учун курашаётган экан, биз нега бунинг қадрига етишга шошилмаймиз, нега у кишига ҳаммаслак бўлмаймиз, Соиб аканинг айтганларига, даъватларига амал қилиш барчамизнинг бурчимиздир, дейишиди дилдан. Дехқонободда бир вақтлар кўзга ташланган баъзи ҳолатлар (уруг-аймоқчилик, ошна-оғайнингарчилик, миш-мишчилик) нинг қисқа муддатда барҳам топишида буйруқ, қарор ёки чора эмас, мана шундай ўзаро тушунув ва яқинлик асосий роль ўйнади.

Одамлар ўртасидаги ўзаро муносабат кескин яхшиланди. Улар бир-бирларига ҳасад кўзи биланмас, ҳавас билан қарайдиган бўлишди. Извогарликнинг томири бутунлай қирқилди, ҳамжиҳатлик ошди. Қишлоқдошлиқ, жамоадошлиқ деган масъулият янада кучайди. Ватан ичра Ватан бўлган туманнинг шаъни-шавкати учун кураш мажбурияти чинакам бурч сифатида ҳис этила бошланди. Энг муҳими, 1956 йилнинг охирига келиб, энг аввало чорвадорлар ва галлакорларнинг шарофати илиа иқтисодий ривожланишнинг ойдин йўлида дадил давом этаётган Дехқонобод фоятда соғлом, ибратли, шоирона тил билан айтганда, муҳаббатли муҳити билан ҳам эътироф этилди. Буни кўпчилик: «Бу биринчи навбатда юқсан инсоний фазилатлар соҳибининг, дехқонободликларнинг бирини «хон», иккинчисини «жон» деб сийлаган Соиб Усмоновнинг хизмати шарофати, самараси», деб билди ва адашмади.

\* \* \*

1957 йилнинг бошида тумандаги «Дехқонобод» совхозига ким директор бўлиб боради, деган муаммо пайдо бўлди. Тайинланиши мўлжалланган илк номзод касалман деб дарров шифохонага ётиб олди. Қишлоқ хўжалик бошқармасидан

юборилмоқчи бўлган кадр (бошлиқ муовини) эса у ерда аввал менинг амаким ишлаган, душманлари бор, улар менинг яхши ишлаб кетишинга йўл қўйишмайди, бормайман, деб туриб олди. Нима қилиш керак? Учинчи, тўртингич кадрларнинг эплаб кетиши қийин. Йирик совхоз бўлса. Вилоятдан «Деҳқонобод» совхозига одам қўйдингларми, деб тез-тез сўраб туришибди.

Қаршидан яна қўнғироқ қилишди. Бу гал вилоятнинг иккинчи раҳбари Усмоновнинг рақамини терган эди.

Қисқа саломлашишдан сўнг, у телефонда дарров:

— Соиб Усмонович, битта хўжаликка директор топиш шунчалик қийинми? — деди.

— Осон деёлмайман, лекин иложи бўлмаяпти-да, сизларга айтдик-ку, олдин-кетин мўлжал қилинганинг иккови ҳам узрини айтиб ўтирибди. Ҳозирча бош ҳосилот ишлаб турсин-чи, кейин...

— Нега «кейин?» — вилоят раҳбарининг овози қаттиқроқ эшитилди.— Кейин кеч бўлади, биродар. Ҳозир йилнинг бошилигини биласизми?

— Унда нима қил дейсиз? — Усмонов «ўзининг чегарасидан» чиқиб сал баландроқ гапириди.

— Биринчингиз билан гаплашинг. Одам топинглар. Икки кун муҳлат. Топилмаса, кадр масаласига масъул сифатида у ерга ўзингиз борасиз. Ё кўрқасизми?

— Нега қўрқаман. Кадр топилмаса, сизлар лозим топсаларингиз мен совхозга жон деб бораман.

— Топилсин илойим,—сўзлашув аппаратидан вилоят раҳбарининг кулгани эшитилди. — Сиз бизга кераксиз, Соиб Усмонович.

— Раҳмат, — Усмонов телефон трубкасини жойига қўйди.

Шу пайт кутиб тургандай, кабинети эшиги очилиб, Юсуповнинг котибаси кўринди ва :

— Домла, хўжайн келди, сизни сўраяптилар, — деди.

У биринчи раҳбарнинг ўзига айтмоқчи бўлган гапини эшитгач, Қаршидан иккинчи котиб телефон қилганини, директор масаласини суриштирганини, масала икки кунда ҳал қилинмаса, ҳатто ўзингиз борасиз, деб шарт қўйганини айтди. Буни эшитиб Юсупов ўйланиб қолди. Сўнг:

— Уларнинг шошилаётгани ҳам тўғри, — деди.— Янги йил, янги мавсум совхозда ўз эгаси билан бошлансан, дейишаётган-да. — Юсупов яна бироз жим қолди. Кейин бирдан

давом этди:— Нима қиласиз, Соибжон, бошқармадаги анув йигитни юбораверамизми? Нима дейсиз?

Усмонов туман қишлоқ хұжалик бошқармасыда етакчи мутахассис бұлиб ишләтгән бу ёш кадрни, унинг даражаси ва имконияттарини яхши биларди. Шунинг учун дарров:

— Юборсак, хұжалиқдан күра, унинг үзини қийнаб қўйишмиз мүмкін, устоз. Чунки одамлар, қўпчилик билан олиб бориладиган бундай масъулиятли ишга у ҳали тайёр эмас, ундан ҳозирча мутахассис сифатида фойдаланиб турганимиз маъқул.

— Унда эрталабгача яна бир ўйлашиб кўрайлик, — деди Юсупов.

Кабинетига қайтиб кираётганда ҳам, уйига йўл олаётганда ҳам Усмоновнинг хаёлига вилоят иккинчи раҳбарининг «Ё қўрқасизми?» деган сўзи бот-бот келди. Ва дарров «Нега қўрқаман, жон деб бораман!» деб дадил жавоб берганини эслаб, ўзидан мамнун бўлиб қўйди.

У мустақил раҳбарликнинг илк босқичи саналадиган хұжалик етакчилигига доимо қизиқиши, ҳурмат билан қарап, аникрофи одамлар билан, эл билан мулоқотда унинг айрича қимматли имконияттарини юксак қадрларди. Шунинг учун баъзида дўст-қадрдонлари даврасида «бош табелчилик ва комсоргликдан бирдан туманга сакраб кетганим нотўғри бўлган, хұжалик раҳбарияти деган погонани албатта босиб ўтишим кера эди. Шунда ишим янада зўр бўларди», деб кулиб қўярди.

Соиб Усмонов ана шундай «армон»ига барҳам бергиси келдими, дил-дилидан севиб қолган Дехқонободни унинг ўзига хос юраги ҳисобланмиш хұжаликда ишлаб, яна тагин ҳам пухтароқ кашф қилишга аҳд қилдими ёки вилоят раҳбариятига шиори ҳеч қачон мансаб эмаслигини эслатиб қўйишни хоҳладими, эртасига эрталаб ишга келиши билан Юсуповнинг хузурига кириб, «Дехқонобод» совхозига ўзим бора қоламан, деган фикри айтди.

Юсупов ўринбосарининг сўзларини эшитгач, ўйланиб ёки «нима, бу ерда қийналдингизми?» ёки «вилоят раҳбариядан, кадр топа олмадинг, энди у ерга ўзинг борасан, деган дағдаға қилишади, деб қўрқдингизми?» деб, ортиқча гапириб ўтирамди. Таклифнинг астойдиллиги билиниб турибди. Шунинг учун у бирдан:

— Соибжон, мардлигингизга тасанно айтаман, — деди. Сўнг дарров самимий кулиб давом этди: — Лекин эшик-дошлиқдан узоқлашишимдан армон ҳам қиласиз.

— Ундей қилмаймиз, устоз, — ҳазилни кучайтирмоқчи бўлди иккинчи раҳбар, — яъни сиз билан бир эшиқдан кириб чиқаверамиз, совхоз бу ердан олисмас-ку, ишни шу ердан туриб олиб боравераман.

Ўртада самимий кулгу янгради.

— Тўғри айтасиз, Соибжон, нега бўлмас экан, одамлар ҳатто Москвадан туриб, ўн беш республикали улкан бир мамлакатни бошқаряпти-ку!

Самимий кулгу яна такрорланди...

Усмоновнинг қўллаб-қувватланган таклифини ва туман раҳбариyтининг қарорини шу бугуноқ Қаршига Юсуповнинг ўзи етказадиган бўлди. Совхозга сизни таниширишга эса эртага бирга ўтамиз, деди биринчи раҳбар.

Қаҳрамонимизнинг таржимаи ҳолида унинг янги ишга ўтиши 1957 йилнинг охирида деб кўрсатилган. Аммо Соиб ака «Мен янги йилдан бошлаб «Деҳқонобод» совхозиники бўлганман», дерди. Яъни яқунланаётган йил ҳисоб-китобларини ўз вақтида тугаллаш, янги мавсумга, янги йилга пухта тайёргарлик кўриш жараёнидаги хизмат-ҳиссаларини аввалги вазифаси бўйича қилинган деб ҳисобларди.

Усмоновнинг совхозга директор бўлиб ўтганидан бошқалардан кўра Мамат Абдумуродов кўпроқ хурсанд бўлган эди.

— Ишонасизми, ўшанда Соиб аканинг хўжалигимизга раҳбар бўлиб келганидан бошим осмонга етганди гўё, — деганди машхур чўпон 1976 йилда қилган илк суҳбатимизда. — Негаки, мен бироз вақт аввал у кишининг «Мамат Абдумуродовнинг хужжатларини Меҳнат Қаҳрамони унвонига тайёрланг, у Деҳқонободнинг биринчи Қаҳрамони бўлади», деган табаррук сўзларини эшитишга мусассар бўлгандим. Буни бир умр унутмайман. Шунинг учун агар москвалик катталар адолатсизлик қилиб, менга шу унвонни беришмаганда ҳам ўзимни кўкрагимда Олтин Юлдуз ярқираб тургандай ҳис қилиб юрадим.

Шу ажойиб одам бизга бевосита раҳбар бўлиб келгандан кейин қувончим икки ҳисса ошди-да, биродар! Ниятнинг холислигини, юракларнинг яқинлигини қарангки, мен Меҳнат Қаҳрамони унвонига 1958 йилда, яъни Соиб Усмонов бизда директор бўлиб ишлаётган вақтда сазовор бўлдим. Хушхабарни биринчи бўлиб эшитган ҳам, мени биринчи бўлиб бағрига қаттиқ босиб табриклаган ҳам, ҳатто илк хурсандчилик дастурхони учун мендан олдин қўчқор атаган ҳам Соиб

ака бўлган. Буни унтиб бўладими?! У киши баъзан: «Сиз унвонни эллик еттинчи йили олишингиз керак эди, негадир бир йил кечикди, мен совхозга ўз вақтида директор бўлиб келмасам, яна орқага сурилавераркан ёки умуман берилмасдан қолиб кетаверар экан-да», деб дилдан самимий ҳазиллашиб қўярди. Шунда мен «тўғри, ака, унвонга сиз ташаббускор бўлгансиз, унинг олинишига ҳам сиз сабабчи бўлдингиз, совхозга ва менга сизнинг пойқадамингиз ёқди» дердим чексиз ҳурмат ила фахрланиб.

Соиб ака бизнинг совхозда директор бўлиб атиги уч йил фаолият кўрсатди. Лекин ана шу қисқа даврда ҳам баъзилар (хўжалик раҳбарлари) беш-үн йилда амалга ошириши ёки ошира олмаслиги мумкин бўлган ажойиб ишларни бажариб кетишга муваффақ бўлди. Буни ҳеч ким ҳеч қачон инкор этолмайди. Шу боисдан ҳам ҳозир улкан ташкилот — «Қаршикурилиш» бирлашмасининг раҳбарларидан бири сифатида фаолият кўрсатаётган Соиб Усмоновдан доимо миннатдормиз ва у кишининг қўл остида, бошчилигига ишлаганимиздан ҳамиша фахрланамиз.

Хўш, машхур чўпон Мамат Абдумуродов таъкидлаган, яъни қаҳрамонимиз «Деҳқонобод» хўжалигида директор сифатида амалга оширган ажойиб ишлар асосан нималардан иборат эди?

Соиб Усмонов бу ерда ҳам ўз анъанасига содик қолди, яъни биринчи ўринга одамни, элни қўйди. Масалан, аввал уларга доимо ҳамнафас, ҳамдала бош мутахассислар ва мутахассислар билан обдан фикрлашиб олди, ҳар бирининг ўзи мансуб, масъул соҳани янада яхшилаш юзасидан фикрларини, таклифларини эшилди. Сўнг фаллакорлар ва чорвадорларнинг етакчилари — ферма бошлиқлари ва бригадирлар билан мулоқот ўтказди. Уларга ҳам ишни, соҳани тағин ҳам яхшилаш, ривожлантириш учун, сизнингча, яна нима қилишимиз керак, деган савол бериб кўрди. Жавобларни, мулоҳазаларни, қандай бўлишидан қатъи назар жон қулоги билан эшилди. Биронтасига дарров «йўқ, фикрингиз нотўғри, ундей эмас, бундай» ёки «унда нега кўрсаткич-натижалар ҳозиргидан зиёда бўлмаган?» демади. Деҳқонлар, чорвадорлар ва мутахассислардан баъзилари «бизни ҳам ўзи истаб, бизнинг ўйларимизни ҳис қилиб эшигадиган раҳбар бор эканку!» деб хурсанд бўлишган бўлса, айримлари «янги директор ишни шундай бамаслаҳат бошлаётган экан, бунинг қадрига

етишимиз, биринчи навбатда, вазифамизга янада масъулият билан ёндашишимиз шарт», деган эзгу холосага боришди.

Усмонов эса мулоктдан сүнг деярли ҳаммаси ўз ишини пухта биларкан, фақат дирекциядан куттиладиган қўллаб-кувватлов, ёрдам ўз вақтида билдирилса, уюштирилса, турмуш шароитларини янада яхшилаш, маънан-руҳан рағбатлантириш эсдан чиқарилмаса бўлди экан, деган тұхтамга келди.

Йил бошида режалар белгиланаётганда, мажбуриятлар қабул қилинаётганда директор ўзидан ҳеч нарса қўшмади. Баш мутахассислар ва соҳа етакчилари хўжалик манфаатлари ва имкониятларидан келиб чиқиб тавсия этган чамалар қандай бўлса, шундайлигича қабул қилинди. Бу, шубҳасиз, фолларга ишонч исботи эди. Улар буни дарров қалбдан ҳис этдилар.

Ана шундай якдиллик ва ибратли тушунув ила янги директор бошчилигида, кейинчалик «Деҳқонобод» совхози тарихида бурилиш, ўзгариш, кўтарилиш даври деб эътироф этилган йилларнинг биринчисига қадам қўйилди.

Хўжалик аҳолиси асосан қудуқ ва булоқ сувларидан истемол қиласарди. Дириектор одамларнинг турмуш шароитини яхшилашга киришаркан, энг аввал шаҳардан, маҳсус ташкилотдан мутахассисларни чақириб, таклиф қилиб, ана шу оби ҳаёт қурилмаларининг барчасини текширириб, тозалатиб, таъмирлатиб олди. Айримларидаги қурилмаларни бутунлай янгилатди. Сувдан узоқ баъзи яшаш жойларига, оби ҳаёт қурилмаси озлик қилаётган баъзи қишлоқларга, овулларга қудуқ қаздириб, қурдириб берди. Тиббиётчиларнинг санитария-гигиена гуруҳига эса булоқларни бир сидра кўздан ўтказтириди. Қишлоқ оқсоқолларига ҳар бир булоққа битта одамни масъул қилиб қўйишни тайинлади.

Йирик хўжалик ҳисобланса-да, «Деҳқонобод»да электр чироғи етмаган, мойчироқ, фонус билан тун ўтказаётган масканлар, хонадонлар ҳам бор эди. Усмонов туман, қолаверса, вилоят мутасаддиларининг ёрдами билан ана шу гўшалар ҳамда оиласарга ҳам арzon ва кам ташвишли нур етказиб берилишига муваффақ бўлди.

Лекин у қишлоқларни совхоз дирекцияси билан боғлайдиган, туман марказига чиқадиган йўлларни тартибга келтиришда анча қийналди. Тоғли Деҳқонободга хос паст-баланд, ўнқир-чўнқир, Қия, эгри-қийшиқ, ҳатто хавфли, ёзда туп-

роқ, қишида лой йўлларни эпақага келтиришда гузорлик ва қаршилиқ йўлсозларнинг кўмагидан фойдаланилди.

Директорнинг иш бошлаши билан ўзларининг биринчи галдаги эҳтиёжлари учун астайдил жон куйдираётганини кўрган, қолаверса, ҳар куни бўлмаса ҳам, кунора унинг юзмайоз туриб дилдан айтилган «Ҳорманг!»идан, ўз вақтида муҳаъиे қилинган ёрдамидан муттасил баҳраманд бўлаётган галлакорлар ва чорвадорлар кундалик ишда файрат кўрсатиб, унумдорликка эришиб, якунда юксак марраларни кўзламасдан туриша олармиди?! Йўқ, асло! Лалмикор ерларда деҳқончилик қилган ғаллакорлар совхоз тарихида илк бор ҳар гектар ердан 58 центнердан дон йигиштириб олдилар. Чорвадорлар ҳам қўзи олиш, жун топширишда салмоқли натижаларга эришдилар. Давлатга 91 фоиз биринчи нав қоракўл тери топширилди. Масалан, моҳир чўпон Мамат Абдумуродов ҳар юз совлиқ ҳисобига 118 тадан соғлом қўзи, ҳар қўйдан 2,5 килограммдан жун қирқиб олишга эришди. Икки етакчи соҳа бўйича эришилган умумий даромад аввалги йилга нисбатан қарийб бир ярим ҳиссага ошди.

Моҳир чўпон Эшқўл Абдиевнинг сўзидан:

— Соиб ака совхозга ўтганда одамлар ҳавас билан: «Деҳқонободнинг «Деҳқонобод»ига кун туғди», дейишган. Бу фикр дарров, бир йил ўтар-ўтмас исботланди: хўжалик барча соҳалар бўйича туманда илфорликни қўлга олди. Бошқасини, яни залворли раҳамларни, ибратли кўрсаткичларни қўйинг, туманда биринчи бўлиб ўз Қаҳрамонига эга бўлди! Менинг дўстим, ҳамкасбим Мамат Абдумуродов Мехнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлиб, кўксида Олтин Юлдуз ярқиради. Кун туғиш бундан ортиқ бўладими?! Шарофат, қадами қутлуглик яна қандай бўлади?!

Мен сизга айтсам, Соиб ака асло «менга фақат ишинг керак, ишдан гапир, чоп, топ» дейдиган раҳбарларнинг хидиданмасди. У киши аввал бажарувчини эътиборда тутарди, унинг ишга тайёр-тайёрмаслигига жиддий қаарарди, «Қорни очга гап ёқадими» ҳикматига амал қилгандай, ишловчида бирор нарсага эҳтиёжлик сезилиб турган бўлса, энг олдин ўшани ҳал этиш чораларини кўрарди. Яхши ишлаётганини иш бошида —далада, фермада, яйловда «баракалла, укажон!», «яшанг, онажон!» (ёш аёллар ва қизларни) деган чин юрак сўzlари билан хурсанд этишни, руҳан рағбатлантиришни айрича ёқтиарди. Ишловчи бундай эътирофга яна сазовор

бўлаверса, сенинг ибратингни албатта муносиб тақдирлата-  
миз, деб қўярди. Ва, айтганинг устидан чиқарди. Масалан,  
Соиб ака даврида хўжаликнинг юзлаб одамлари қимматбаҳо  
совғалар, вилоят, республиканинг фахрий ёрлиқлари, ўнлаб  
фидойилари эса орден-медаллар билан тақдирланган. Барча-  
сининг ташаббускори ва охирига етказгани биринчи навбат-  
да директор бўлган. Бу факт. Совхоз аҳли илгари бундай меҳ-  
натчи парварликка, маънан-руҳан олқишиловга, рағбаланти-  
ришга камдан-кам мушарраф бўлганлиги ҳам факт. Ҳа, дех-  
қонободликларга кун туққани, яъни давраларига ажойиб раҳ-  
бар ташриф буюргани рост эди!

Яна бир фактни алоҳида таъкидлашни истайман. Била-  
сизми, Соиб акага қадар «Дехқонобод»га раҳбарлик қилган  
акаларимизнинг қўпчилиги оддий одамларнинг тўй-маъра-  
каларига умуман ташриф буюришмасди. Фақат фаолларнинг  
шундай давраларида меҳмон бўлишарди. Бу киши эса ҳатто  
оддий аравакашу чўпон-чўлиқларнинг тўйларига ҳам борар-  
ди. Тантана соҳибини дилдан табрикларди. Тўёна, совға-са-  
лом улашишни асло унумтасди.

Бирорлар, бундай эътибор, иззат-хурматдан кейин қан-  
дай фаросати бор эл янада баракали ишлашни хоҳламайди  
ёки раҳбарнинг кўрсатмасини, назоратини кутиб ўтиради?!

Эшқул ака тўғри гапни айтди. Усмонов, эл одатда ишни,  
тўғрироги, ишга халақит бермасликни ўйлаб, пишиқчилик  
палласида эмас, ер сал нафас ростлаётган кузнинг охирида,  
қишида ўтказиладиган тўйларга, унинг соҳибларига алоҳида  
хурмат билан қаарди. Бу вақтда — бемалол-да, директор  
бува, деган халққа, аникроғи, унинг фаҳм-фаросатига, ўзи-  
нимас, кўпроқ бизни, умумни ўйлаб, шундай дейиши ва  
шундай қилишига беш кетардим, қойил қолардим, яна биз  
уни «оддий эл» деймиз-а, дея бир гал фаҳрини журналист-  
лар билан ўртоқлашганди Соиб ака.

Директор фақат тўйга боришни ўз бурчим деб билмасди.  
Масалан, унинг топширигига биноан ўринбосари йил боши-  
да ёки ўрим-ийғим тугаши билан тўй қилмоқчи бўлганлар-  
нинг рўйхатини қилиб қўярди. Тўй мавсуми яқинлашганда  
эса шахсан директорнинг ўзи қўли калтароқ бўлажак тўйбо-  
шиларни навбати билан ҳузурига таклиф этиб, қандай му-  
аммо борлигини, дирекция нимадан ёрдам бериши керакли-  
гини сўрарди. Илтимос қилинган нарсани, кўмакни дарров  
ташкиллаштириб берарди. Ҳар бир тўйга фаолларидан албат-

та масъул тайинланган бўларди. Таъзияларга (айниқса, кутмилмаганларига) ҳам худди шундай эътибор берарди.

Яхши кунида ҳам, ҳатто ёмон кунида ҳам үзига ана шундай жонкуяр, фаол ҳамнафас ва ҳамжиҳат бошчидан мамнун халқ эса далада ва яйловларда навбатдаги меҳнат зафарлари-га замин яратарди. 1959 йил «Деҳқонобод» совхози учун янада самарали, янада муваффақиятли бўлди. Галлакорлар ҳосилдорлик бўйича вилоятда етакчилар сафига қўшилишди. Кўйчи-лар Қаҳрамон чўпоннинг муносиб яйловдошлари эканлик-ларини исботладилар. Натижада хўжаликда кўксидা юксак эътироф рамзи бўлган нишонлар ярқираган деҳқонлар ва чорвадорлар сафи янада кенгайди.

Аммо совхоз аҳли 1960 йилни Соиб Усмонов раҳбарли-гига якунлай олмади. Юқори раҳбарларнинг «йўлла ва синаб кўр» деган кадрлар сиёсати қаҳрамонимизни ҳам четглаб ўтмади. У тўрт йилда тўртта лавозим билан «саломлашиб» (*Соиб ака-нинг ибораси – муал. изоҳи*) ўтишга мажбур бўлди. Уни аввал Фузор тумани раҳбарининг ўринбосари қилиб юбориши. Кўп ўтмай, унга худди шу туман ижроия қўмитасининг раисли-гини раво қўришди. Учинчи йили Қарши туманига раҳбар бўласиз, дейишди. Ва тўртинчи йили, яъни Фузор, Деҳқон-обод, Кўкбулоқ туманлари бирлаштирилиб, туманларни йи-риклаштириш сиёсати амалга оширилган (1963 йилнинг охири) да эса аввал Қарши, сўнг Тошкентга чақиришиб, яна Фузор туман ижроия қўмитасининг раислигига борасиз дей-ишди.

Нихоят, «синовчилар» унинг бир ерда, бир вазифада сал нафас ростлаб, яъни йирикроқ нималарнидир қилишга ургуриб ишлашига рози бўлишди. У 1964 йилнинг аввалидан эътиборан Қашқадарё вилояти ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари сифатида фаолият кўрсата бошлади.



---

## УЧИНЧИ БОБ

### ҚУЧОҚ ОЧИБ КЕЛДИМ СИЗГА

— «Синов» давом этавериши мумкин эди, — деганди сұхбатларимиздан бирида, ўша йилларни эслаб Соиб ака. — Яхшиямки, «Катта устозлар» ўзларининг кам ўйлаган ийриклаштириш сиёсати нотұғри эканлигига, у кутилганидек натижа бермаётгандыктың ақыллари етиб, тұрт йил бурун Сурхондарёга құшиб юборилган вилояттимизни ажратиб, уни яна қайта ташкил этиш ҳақида қарор чиқардилар. Шу тариқа, бизларга (мендан бошқа дүстларимга ҳам) бир ерда сал нафас ростраб, яъни бирор нарсани режалаштириб, мұлжаллаб ишлаш имконияти туғилди.

Соиб акани илк бора у киши вилоят ижроия құмитаси раисининг ўринбосари бўлиб ишлай бошлаган йилда қўрганман.

Мен саккизинчи синфда үқирдим. Биз таълим олаётган Калинин (собиқ) номли мактаб Эсат қишлоғида, Китоб — Қарши автойўлининг шундоқ ёқасида жойлашган эди. Эрта баҳор кунларининг бирида, мактабнинг стадионсифат майдонида жисмоний тарбия дарсини ұтаётганимизда «Мактабимизга облисполком раиси муовини келди!» деб қолишиди. Синфимизга дарс ұтаётган Сайнов домла дарров «Ўзларинга қаранглар, майка-трусиқларингни тўғриланглар» деб тайинлади. Мен синфком эдим ва сал бетоб бўлганлигим учун ўша пайтда дўхтирнинг олдидан келиб, майдон четида машгулотларни кузатиб ўтиргандим.

Кўп ўтмай муовин бува директоримиз Мирзаев ва хўжалик раиси ҳамроҳлигидага машгулот майдонимизга кириб келди. Аввал синфдошларим томон юриб, уларнинг саломига алик олди. Муовин бува синфдошларимнинг бирдан жўр овоз билан салом беришганидан хурсанд бўлди шекилли, дарров:

— Баракалла, Эсатнинг эсли болалари, — деди.

Шунда доимо шўхлиги билан ажралиб турадиган Абду-  
салим деган синфдошимиз:

— Ҳаммамиз Эсатданмасмиз, раис бува, — деди кутил-  
маганда.

— Ҳўш, унда сен қайси қишлоқдан, ўғлим? — деди меҳ-  
мон самимий кулиб

— Ўғинданман, — деди Абдусалим.

— О, Усмон Кудратовнинг (*машхур пахтакор, бригада  
бошлиги – муал.изоҳи*) қишлоғиданмисан, — меҳмон синф-  
дошимнинг дадиллигини рағбатлантирмоқчи бўлиб, унинг  
қўлини ушлади, сўнг давом этди.— Унда, изоҳ бериб қўяй,  
мен раисмасман, муовинман, Ўгиннинг ўғлони!

Соиб аканинг ўзи ҳам, ёнидагилар ҳам кулиб қўйиши. Синфдошим эса «ўғлон» сўзини эшитгач, бир погона ўсиб  
кетди!

Муовин бува «домла, сиз bemalol...» деди-да, стадион  
атрофи бўйлаб юрди. Футбол ўйини дарвозасини бориб кўрди.  
Айланиб чиққач, майдондан мактаб томон чиқиш жойида  
тўхтаб, хулосаларини айтди:

— Каттабой Ашурев (хўжаликнинг собиқ машхур раи-  
си)нинг отасига раҳмат. Сизларга замонавий мактаб куриб  
бериш билан бирга унга муносиб ўйин майдонини ҳам унту-  
маган экан. Менимча, бунаقا кенг жойни эгаллаган мактаб  
майдони бу атрофда йўқ. Ё нотўғрими?

— Тўғри, — дейиши бир овоздан раис ва директор.

— Лекин сизлар сал эътиборсизлик қилибсизлар, — жид-  
дий гапира бошлади Соиб ака. — Наҳотки болаларимиз ало-  
ҳида талпиниб келадиган севимли масканларининг футбол  
дарвозасини яхшилаб қўйишга дурустроқ ёғоч топилмаса?  
Иккинчидан, майдоннинг нариги ёнидан йўл ўтаркан. У то-  
мон эса тўсилмаган. Болалар футбол ўйнашаётганда, тўпнинг  
орқасидан қувиб, йўлга чиқиб кетишса нима бўлади? У ер-  
дан машиналар ўтиб, ҳаракат давом этиб турибди-ку? Ё тех-  
ника воситалари у ердан умуман юрмайдими?

— Тўғри, Соиб ака, ҳаракат тўхтаганда ҳам, у ерда йўл  
бор экан, албатта тўсиқ бўлиши шарт, — дея хатоларини тан  
олиши мезбонлар.

— Чунки, болаларга билим бериш баробарида, уларнинг  
хавфсизлигига ҳам жавобгармиз.

Муовин бува, тушуниши, етарли дегандек, стадионга  
тегишли гапларини шу ерда тугатиб, мактаб томон қадам

ташлади. Ҳам қизиққаним, ҳам бўшлигим боис, мен ҳам секин, яқинлашиб кетмасдан, уларнинг ортидан юрдим.

Соиб ака мактабимиз ичкарисига киргач, «кутубхонангиз чиройли бўлса керак-а, домла, уни кўриб кетайлик», деб директоримиздан кутубхонага бошлашни сўради.

Кутубхонамиз ёмонмасди.

Муовин бува чиройли тахлаб қўйилган мўл-кўл китобларни кўриб, ўз оти билан ҳақиқий зиёхонага ўхшайди, деди дарров. Сўнг кутубхоначимиздан:

— Янги бадиий китоблардан ҳам олиб турасизми? — деб сўради.

Бу борада мактабимиз унчалик мақтана олмасди. Кутубхонамизга йилда бир марта янги китоблар беришарди. Шунинг учун кутубхоначимиз баралла, яъни хурсанд жавоб беролмасди.

— Ҳа, баъзан олиб турамиз, — деди у.

Соиб ака бир нарсани пайқагандай:

— Масалан, ўтган йили буюк шоиримиз Fafur Fуломнинг 60 йиллиги нишонланди. Шу муносабат билан у кишининг янги китоблари, ҳатто «Танланган асарлари» босилиб чиқди. Ўша китоблардан сизга ҳам келдими? — деб сўради.

Кутубхоначи дарров «сир»ни ошкор қилмасдан, ҳам хурмат юзасидан номига бўлса ҳам «Fafur Fулом» картотекасини бироз қарагач:

— Йўқ, у китоблардан ҳали беришмабди, — деб тўғрисини айтди.

Кутилмаган жавобдан кейин «нега беришмаган?» ёки «нега олмагансизлар?» дея меҳмоннинг жаҳли чиқиб кетмади. Аксинча, кутубхоначининг ҳеч қандай айби йўқлигини билгани учун:

— Яхши. Янги китоблардан ҳам яқинда албатта оласиз, синглим, — деб у ердан чиқди.

Ижроқўм раиси муовини хайрлашаётib:

— Кутубхонага қаравиши масаласини мен шу бугуноқ ўртоқ Мейлиев (туман ҳалқ маорифи бўлимининг мудири) ва «Облкитобсавдо» раҳбарларига айтаман, тайинлайман, албатта ёрдам беришади. Стадионни яхшилаш масаласини эса сизларга, икковларингизга ишондим, — деди-да хизмат машинасига ўтирди.

— Энди вилоятимиз маданияти, тиббиёти ва маорифи,

сизлар ҳақиқий раҳбардан ёлчийсизлар, Соиб Усмонов зўр раҳбар, – деди давра кўрган, Қашқадарё кадрларини яхши биладиган хўжалик етакчиси директоримизга қараб.

Бир ҳафта ўтар-ўтмас раис бува фахрланиб эътироф этган «зўр»лик ўз исботини намоён этди. Мактабимизнинг жисмоний тарбия машғулотлари майдони маҳсус тўсиқлар билан ўралиб, янги дарвозалар ўрнатилиб, қалин ўтлари ўрилиб, ҳақиқий стадион ҳолатига келтирилди. Кутубхонамиз эса ҳатто Ўзбекистоннинг турли нашриётларида чоп этилган энг янги китоблар билан бойиди!

Шундай, Яккабоғдаги бизнинг мактаб Соиб Усмонов назарига тушган, унинг ғамхўрликларидан, ёрдамларидан баҳраманд бўлган таълим масканни эди. У киши мактабимизда кейин ҳам бўлганди. Домлаларимизни яхши танирди. Ҳатто туманда бўлган бир катта йиғилишда мактабимизни алоҳида мақтаб, «чунки бу масканда, бу жамоада Үлжа Мейлиев, Содик Саодатов, Раҳмон Эшқувватов, Абдухолиқ Саинов каби таълим фидойилари меҳнат қилишади» деган.

Мен бу ерда вилоят ижроқўми раисининг ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий ишлар бўйича янги муовини фаолиятининг илк давриданоқ таълим соҳасига алоҳида эътибор берганлигини конкрет бир мактаб мисолида таъкидлаб ўтдим. Ҳолбуки, у кишининг зиммасида яна шундай олти юздан ортиқ (вилоят бўйича) умумий таълим масканининг масъулияти туради. Соиб Усмоновни яхши билган вилоят раҳбарияти, қолаверса, республика маорифининг мутасаддилари эса унинг ана шундай масъулиятни шараф билан оқлашига, яъни таълим соҳасига айрича аҳамият беришига дил-дилларидан ишонишарди.

\* \* \*

Халқимизда азал-азалдан:

Эзгу бўлса сенда мақсад ҳамда ният  
Вафо қиласенга турли имконият, –

деган ажойиб мақол-ҳикмат бор. Муваффақият ҳамиша йўлдоши бўладиган эл кайвонилари, бошчилари, раҳбарлари, энг аввало, ана шундай эзгу мақсадли инсонлардир. Эл-юрга муносиб хизмат қилиш йўлида улар астойдил интиладилар,

изланадилар, тиним билмайдилар. Бу жараёнда улар турли имкониятлардан фойдаланадилар. Яхши ниятда қилингани учун бу ҳаракатни ҳеч ким ҳачон инкор этмайди.

Таниқли журналист Самад Қодиров ҳикоясидан:

— Олтмиш тўртингчи йилнинг баҳор кунларидан бирода Тошкентда, таҳририятдаги торгина хонамда ишлаб ўтирасам, очиқ эшигимдан Соиб ака кириб келяпти, — дея ҳикоя қилганди раҳматли устозим. — Келинг, ака, дея ўрнимдан отилиб турдим. Мендан олдин у киши қучоини очди. Стулга ўтиргач:

— Самад Қодирович, аввало безовта қилганим, журналистларнинг хаёлини бузганим учун узр, иккинчидан, фақат Амир Темур (Темур Мирзаев — хўжалик раҳбари, Қодировнинг амаки акаси) данмас, ота масканингиз — бутун Қашқадарёдан фоятда соғинчли салом! — деди.

Мен, яна бир бор янги лавозимингиз билан табриклайман, пойтахтга хуш келибсиз, дедим.

— Ана шу янги лавозим ташвишлари билан олдингизга келдим, дўстим, — деди меҳмон.

Мен у кишига яқин бўлганим учун:

— Нима деяпсиз, сиз ташвишларнинг тўшини ҳам янчиб ташлайсиз, Соиб ака, — дея ҳазиллашдим.

— Йўқ, қадрдон, бунақа ташвишларни фақат ижодкорларнинг, сиздай моҳир журналистнинг ёрдами билангина ҳал қилишимиз мумкин, — деди Соиб ака жиддий оҳангда.

— Нима, таҳририятдан текширишга юборилган шикоят хати юзасидан келдингизми, овора бўлмай, телефонда айтсангиз ҳам ҳал қиласардик, ака, — деб юборибман газетачилигим тутиб.

Соиб ака бирдан қаҳ-қаҳ уриб кулди. Сўнг:

— Ҳамкасб дўстингиз билиб айтган:

Бизнинг ака Самад Қодир,  
Эзгу ишга доим қодир, —

деди. Энди у кишининг «илҳоми» тутиб кетганди. — Лекин ҳозир бизнинг вилоят шикоятбозликтан йирокда, биродар!

Соиб ака шундай дегач, мени қийнашни истамади шекилли, гапни чўзмай дарров изоҳ-муддаога ўтди:

— Яхши биласиз, Самад Қодирович, бу йил вилояти-мизнинг қирқ йиллигини нишонлаймиз. Вилоят раҳбарияти-

нинг ташаббуси билан юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш кўмитасини туздик. Штаб иш бошлади. Мен бу ерга, сизнинг олдингизга ана шу штабнинг масъулларидан бири сифатида бир илтимос билан келдим. Бизга юбилейни туманларда ва Қаршида ўтказища дастуруламал бўладиган иккита сценарий, ҳеч бўлмагандага иккита лойиҳа керак. Театримиз бош режиссёри билан маслаҳатлашсан, ана шу қўлланмаларни, иложи бўлса тошкентлик ёзувчи-журналистларга ёздириш мақсадга мувофиқ, деди. Бу фикр шахсан менга ёқди. Қашқадарёнинг содиқ фарзанди, Қашқадарё ва қашқадарёликларни яхши биладиган ижодкор сифатида ана шу сценарий-лойиҳанинг биттасини сиз ёзиб берасиз.

Соиб ака илтимосини охирги сўzlари билан қашқадарёча ибора билан айтганда, «михлаб» қўйганди. Шунинг учун сал рўйхуш бергандай бўлиб:

— Буни аввал Жуманиёз Жабборовга айтиш керак эдид. У киши бунаقا ишларнинг пири, яъни профессионал драматург, — дедим.

— Мен сизга айтсам, бу ерга келишдан олдин Жуманиёзжонни суриштиридим. Аксига олиб, у узоқда дам олишда экан. 18-20 кун ҳадемай ўтиб кетади. Келиб қолар. Ундан ҳам илтимос қиласиз. Балки у асосийсининг — Қаршида бўладиганинг сценарийсини ёзиб берар.

Дилкаш одам дил билар, дегандай Соиб ака менинг кўнглимдагини сезган эди. Шу боис «чўзилиб» ўтирмай, дарров фикримни айтдим:

— Акахон, шунча олис ердан мени деб, Қашқадарёни деб овора бўлиб келибсиз, майли, бўпти, режиссёрлар «ҳаваскор драматург ёзибди» дейишиша ҳам тумайларда ўтадиганинг сценарийсини ёки лойиҳасини мен тайёrlаб бераман.

— Ана бу бошқа гап, биродар, — Соиб ака қувониб кетди ва бирдан ўрнидан даст туриб, самимий кулиб қўлимни оларкан, давом этди: — Раҳмат, оғайни. Темур аканинг чинакам укаси эканлигинги зингизга энди ишондим.

Соиб ака яна бир бор юракдан қаҳ-қаҳ уриб кулди...

Баъзида «Соиб ака ўшанда тумайнингмас, вилоятнинг ижроия кўмитаси раиси ўринбосари эди, мен эса оддий журналист эдим. У киши мени қидириб, овора бўлиб юрмай, «Тошкент» меҳмонхонасидан туриб, «Земляк Қодиров, мен Усмоновман, беш минутга бу ерга келиб кетасизми, гап бор эди» деса ҳам бўларди-ку. Борардим-ку!» деб ўйланиб қола-

ман. Ва ўзимга ўзим жавоб бераман: «Йўқ, тугма камтар Соиб ака бундай талабдан буткул йироқ раҳбар эди, яъни баъзилардай, «субординация ҳимоячиси» эмасди. Иккинчидан, маданият деб юриб, маданиятсизлик қилишни асло хоҳламасди. Қолаверса, ўзим билган ва ҳамиша ҳавасим келадиган «Одам эрсанг интил одамга» деган фоятда ибратли шиорга ҳар қадамда фаол амал қиласди!»

\* \* \*

Тошкентдан хурсанд бўлиб қайтган Соиб Усмонов сафари натижасини вилоят котиби билан ўртоқлашди. У илтимосларининг биттаси таникли ижодкор томонидан қабул қилинганини эшишиб, хурсанд бўлиб кетди. Ҳатто:

— Соиб ака, олдиндан билардим, ишонардим, сиз Москвага борсангиз ҳам бу масалани ҳал қилмай келмасдингиз, яшанг, — деди беихтиёр.

— Энди буёгини жадаллаштиришимиз керак, — деди ижрокўм раисининг муовини.

— Буёгини энди режиссёрга айтамиз, вақт bemalol, ўзи тайёргарлик кўраверади, — деди котиб.

Соиб ака фикрига изоҳ беришга мажбур бўлди:

— Биродар, мен режиссёрнимас, тадбирлар ўтказиладиган масканларни назарда тутяпман. Кузгача уларни ҳозирлашимиз керак. Баъзиларини таъмирлатиш лозим бўлади. Айрим жойларда шундай масканлар бунёд этишимиз зарур.

— Бу ҳақда тайёргарлик қўмитасининг режасида айтилган-ку?

— Лекин унда қаерда нима қилиш кераклиги кўрсатилмаган-да.

— Хўш, унда нима қилишимиз керак?

— Туманларни айланиб, ўшандай жойларни аниқлаймиз.

— Менга, масалан, Катта (вилоятнинг биринчи котиби) аллақачон, экинлар парвариши пайтида деҳқонларга кўрсатиладиган маданий-маиший хизматларнинг барчасига ўзингиз раҳбарлик қиласиз, деган. Топшириқни инкор этиб бўлмаслигини ўзингиз яхши биласиз.

— Тўғри, каттанинг гапи — гап. Ҳали, балки менга ҳам шундай топшириқ берар. Чунки, биродар, бундай олиб қараганда, аслида иккаламизнинг иш функциямиз бир-ку. Шунинг учун менга ҳам, экин парваришига қарашинг, деб

қолмасдан Каттанинг олдига маҳсус кириб, бу долзарб ва-зиға ҳам бор, икковимиздан биттамиз, масалан, Усмонов шунинг билан шугулланмаса бўлмайди, деб эслатасизми. Чунки у кишининг иши кўп. Хаёлидан кўтарилиши мумкин.

Котиб бу сўзларни эшитиб, бироз ўйланиб қолди: Кейин:

— Фикрингизга қўшиламан, Соиб Усмонович, — деди, — бу ишни тезроқ Каттанинг ёдига солишимиз керак. Лекин у кишининг олдига мен кирмайман, ўзингиз кирасиз, биродар. Сабаби, биринчидан, менга аллақачон ўз топширигини айтган, иккинчидан, сизни қаттиқ ҳурмат қиласди, ёқтиради, — котиб сал жилмайди.

— Унда, яххиси, Исом Жалилович (вилоят ижроия қўмитасининг раиси)га кириб айта қоламан. Иккита Катта бирорини тез тушунади ва тез қўллаб-қувватлади.

— Бўлади. Исом акани сиздан ҳам ортиқ яхши кўради.

Котиб ва муовин самимий кулиб юборишиди.

Вилоят ижроия қўмитасининг раиси Исом Жалилов сиёсий жиҳатдан баркамол, фоятда маданиятпарвар, ўз кадрларини яхши биладиган, одамни тез англайдиган ва тушунадиган раҳбар эди. Соиб Усмоновнинг Тошкентга бориб келиш ҳақидаги фикрини ҳам энг аввал у киши маъқуллаганди. Раис ўринбосарининг соҳадош котиб билан гаплашиб олганини эшитгач:

— Тўғри, Соиб Усмонович, экин парвариши пайтида сизлардан битталарингиз фаол қарашмасаларингиз бўлмайди, лекин юбилейга тайёргарликка ҳеч қачон бир мавсум етмайди, — деди. — Камида икки мавсум — олти ой керак. Шунинг учун ҳозир сиздан кўпроқ бу ишда фойдаланишимиз шарт. Мен буни шу бугуноқ Биринчига айтаман. Ўзимиз келишиб оламиз. Эртага эрталаб такрор олдимга кирасиз.

— Мен сизга айтсан, бу ишга жадал киришишимга битта асосий мақсад ва унинг аниқ қўллаб-қувватлови сабаб бўлган, — деганди Соиб ака суҳбатларимиздан бирида. — Асосий муддаом саналар баҳонасида, яъни имкониятдан фойдаланиб, ўзим бевосита масъул бўлган халқ турмуш тарзи, таълим ва маданият соҳаларини янада яхшилаб олиш эди. Вилоят ижроқўмининг бошида Исом ака тургани учун шундай эзгу муродни кўнглимга тукканман. Чунки, билсангиз керак, у киши ижодкор одам. Иккинчидан, айрича маданиятпарвар, қадриятпарвар раҳбар эди. Ўз вақтида бошланган тараффудда, уни давом эттиришда, энг муҳими, юбилей баҳонасида бутун вилоятда маданий ва

маиший ишларни янада яхшилаб олишда Иsom Жалиловнинг ҳиссаси кутиганидек катта бўлган. Тўғриси, ижроқўмдаги, агар айтиш мумкин бўлса, муваффақиятли иш фаолиятимни ана шу устознинг ёрдамисиз тасаввур қилолмайман.

Ҳа, ижроқўм раисининг муовини бўлиб ишлаётганда Соиб Усмоновга ўзига хайриҳоҳ, ҳамфикр, ҳаммаслак инсонлардан ҳам Аллоҳ қарашганди. Раҳбарлик салоҳияти бор, вилоятда аллақачон ўз ўрнига, обрў-эътиборга эга бўлган, ўз ишини пухта биладиган, яъни чинакам профессионал бу одамларнинг ҳар бири уни қўллаб-қувватларди. Масалан, унинг аввал пухта ўйланиб, сўнг ижтимоий-маиший ва маданий-маърифий масалаларга бағишлиланган анжуманларда айтган, билдирган бирон фикр-таклифи эътиборсиз қолмасди. Бундан эса барча туманларнинг раҳбарлари хабардор эдилар.

Шунинг учун у туманларда бўлиб, эзгу мақсадидан сўз очганда юарров қўллаб-қувватловга мусассар бўлди. Масалан, бир туман етакчиси «қанийди, устоз, биз ҳам шу баҳонада маданият масканларимизни ҳеч бўлмагандан яна бир-иккитага кўпайтириб олсак, жуда яхши ўйлабсизлар, лойиҳа берсаларингиз, облмолия пул ажратса, маҳсус қурувчилар керакмас, клуб ва кинотеатрни айтилган муддатда ўзимизнинг кучимиз билан қуриб оламиз» дея фикрига қўшилган бўлса, иккинчиси «сизга кўрсатиб, кайфиятингизни бузиб нима қиласман, бўлди, ўша айтган муддатингизга стадионни яхшилаб таъмирлатиб, жиҳозларини янгилатиб, сизга доложит қиласман», деб ваъда берди. Учинчиси эса «кўрдингиз, маданият муассасаларимиз етарли, уларнинг ҳолати ҳам яхши, бизга фақат тураржойла-римизни, қишлоқларимизни ободонлаштиришда ёрдам берсан-гиз бўлди, масалан, ҳисобимиизда етарли пул бор, лекин ундан ўз вақтида кераклисини ололмаймиз, беришмайди, ўшаларга бир оғиз командангиз керак, ака», деган илтимосини айтди. Тўртинчиси, давлатнинг таълим, маданият, соғлиқни сақлаш ва спортга ажратадиган маблағи етарли эмаслигини, уни янада кўпайтириш лозимлигини, буни алокадор давраларда масъул мутасаддиларга етказиш кераклигини илтимос қилди.

Соҳага ҳар йили ажратиладиган маблағ ҳақиқатан ҳам эҳтиёждагидан кам эди. Шунинг учун у бу масалани аввал ижроқўм раиси билан маслаҳатлашиб, сўнг халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдаги жорий сессиясида ноиблар орқали дангал ўртага қўйди. Йиғилиш аҳли бу эзгу таклифни бир овоздан қўллаб-қувватлади.

Шу тариқа, 1964 йилдан эътиборан вилоятдаги маданий-оқартув ва таълим муассасалари сони орта бошлади. Шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, ҳалқ турмуш тарзини янада яхшилашга бўлган эътибор кескин кучайди. Масалан, вилоятдаги клублар кўпайиб, уларнинг сони 244 тага етди, кутубхоналар эса 400 тадан ошиб кетди. Худди шу даврга келиб жойларда ҳалққа 312 та киноқурилма хизмат кўрсата бошлади. Энг эҳтиёждаги маскан – фельдшер-акушерлик пунктлари қарийб 500 тага етди. Деярли барча туман ўзининг болалар спорт мактабига эга бўлди. Ёзда чанг-тупроқ, қишида лой йўллар тартибга келтирилди, асфальтлаштирилди. Шаҳар ва қишлоқларнинг қиёфаси ўзгарди.

— Чунки вилоятимизда ижтимоий масалаларга, хусусан, маданиятга, таълим ва тиббиётга муносабат кескин ўзгарган эди, — дейди Касби туманидаги Алишер Навоий номли ширкат хўжалиги раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисадчи Зикриё Асроров. — Негаки, вилоятимизда биринчি котиб ва ижроқум раиси раҳбарлигида бу соҳанинг Соиб Усмоновдай куюнчаги, фидойиси бор эди!

Мен ўша йиллари Косон тумани раҳбариятида ишлардим. Мендан роппа-роса ўн ёш катта бўлган Соиб ака биз тенгилардай елиб-югуриб, чарчашиб нималигини билмасдан, тинмай ишларди. Ва тумандагиларни ҳам, айниқса, ўзининг соҳаси одамларини тинчитмасди. Ҳали бирон мактаб ташвиши билан ташриф буорарди, ҳали пенсионерларни йўқлаб келарди, ҳали болалар спорт мактаби курилишининг боришини текшириб кетарди... Баъзан ҳазиллашиб, устоз, бу ернинг, туманинг ҳам ўз Соиб акаси бор-ку, нега бунча чопасиз, десам, аввал: «Чунки у Усмоновмас», дея кулиб жавоб қайтарарди. Сўнг, фоятда самимий табассум билан: «Тўғриси, мен ўша «ўзим»ни кўролмасам туролмайман», деб давом этиб кўярди.

Соиб ака лавозимдор бўлса-да, ана шундай дилкаш, яъни одамларга ниҳоятда яқин, расмиятчиликдан эса йироқ, ўз ишига ҳавас қиласиган даражада садоқатли, тиниб-тинчи мас инсон ва раҳбар эди. Вилоят ижроқуми раисининг муовини сифатидаги муваффақиятининг асосий илдизлари худди мана шу фактда. Бу хулосамга кўпчилик кўшилса керак.

Машхур раиснинг «Хулосамга кўпчилик кўшилса керак» деган дил сўзига шак келтирмаган ҳолда, яъни унга дилдилимдан ишониб, Соиб Усмонов вилоят ижроия қўмитаси раисининг муовини бўлиб ишлаган йиллари у киши назорат

қилган соҳанинг фаоллари бўлган айрим кишиларниң фикр-мулоҳазалари билан қизиқдим.

Масалан, вилоят тиббиёти ривожи ва равнақига қимматли хисса қўшган, эл ўртасида ҳам амалиётчи, ҳам илмиётчи (тиббиёт фанлари доктори, профессор) сифатида танилган Ўзбекистонда хизмат қўрсатган шифокор Баҳодир Аминов шундай дейди:

— Ўша вақтларда мен вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида раҳбар эдим. Соиб ака ҳар куни бўлмаса ҳам, кунора бир марта маҳсус телефон қилиб, аввал аҳволимизни, сўнг ишларимизни суриштиради. Баъзиларга ўхшаб, дарров «нима дардингиз, илтимосингиз бор» демасди. Сўрашиб бўлгач, ўта майнинлик билан «бизга топшириқлар борми, укажон?» деб сўрарди. Ҳафтада бир марта (ўзига, ишхонасига чақириб ўтирасди) бошқармамизга келарди-да, қани, тиббиётимизнинг Баҳодири, кетдик, бирорта шифохонангизни айланаб, дўхтирларингиз билан хабарлашиб келайлик, деб машинасига таклиф қиласди.

У киши «касалхона» сўзини мутлақо ёқтирасди. Тасоди-фан бирон иш қофозимизда ёки муассасаларимиз атрофида шундоқ иборани куриб, учратиб қолса дарров: «Демак, у ерда дўхтирлар умуман бўлмас экан-да, тузатинг», дея кулиб қўярди. Сўнг ёнимизда янги одам бўлса, bemorга масканларингизнинг эшигидан кириши билан «илиқ сўз» деган шифо улашилади-ку, нега касалхона бўларкан, деган изоҳ беришни ҳам унутмасди. Дўхтир аёлларга, ҳамширларга ҳаммавақт айрича меҳр билан «Онажон!» деб мурожаат этарди.

Шахсан Соиб аканинг ёрдами билан ўнлаб йирик поликлиникалар ва шифохоналарниң тиббий жиҳозларини янгилаб, кўпайтириб олганмиз. Туман ва шаҳарлар шифохоналаридағи ўринлар сонини ошириб олишга муваффақ бўлинди. Қишлоқлардаги фельдшерлик-акушерлик пунктларининг сони ҳам ортган. Тошкент билан, яъни республика Соғлиқни сақлаш вазирлигимиз билан боғлиқ бирон муаммо юз берадиган бўлса, уни ҳам кўпинча Соиб аканинг маслаҳатлари, ёрдами билан ҳал қилиб олардик. Яна бир нарсани алоҳида таъкидлашим керак. Москвадан, Тошкентдан бошқаларни каби, вилоятимиз вакилларини ҳам мукофотлаш имконияти туғилса, Соиб ака номзодлар орасида шифокорлардан албатта бўлиши, иложи бўлса кўпроқ бўлиши керак деб турарди. У кишининг ана шундай астойдил эътибори, ғамхўрлиги

туфайли кўплаб фидойи тиббиётчиларимиз ўз вақтида муносиб унвон, орден, медаль ва нишонларга сазовор бўлишган. Бир сўз билан айтадиган бўлсам, вилоятда соғлиқни сақлаш ишларининг, тиббиётнинг чинакамига юксалиши, гуллаб-яшнаши худди шу даврда, яъни Соиб aka билан ишланган йилларимизда юз берган!

Абдулла Паттоев (раҳматли) — Қашқадарёда таълим-тарбиянинг юксалишига катта ҳисса қўшган ажойиб инсон. Бир неча йил вилоят ёшлар кечки ўрта мактабини, сўнг вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтини муваффақиятли бошқарган устоз шундай ҳикоя қилганди:

— Аввало мен бир фаҳрланарли фактни алоҳида таъкидлаб ўтишни истайман. Биласизми, Қашқадарё таълим-тарбия соҳасида республикада етакчи саналадиган вилоятлардан асло кам эмас. Масалан, кашибиётлар, илмий изланишлари билан бутун дунёни ўзига қаратган, Патондай даҳо алломанинг меҳрини қозонган академик Асқар Холмуродов, академик Карим Шониёзов, академик Тўлқин Бекмуродов, Ўзбекистон халқ шоирлари — Абдулла Орипов, Жуманиёз Жабборов, Нормурод Нарзуллаев, Ўзбекистон халқ артистлари — Икрома Болтаева, Фарогат Раҳматова, Мұхтарама Носирова, Омон Беганжиев, Ўзбекистон халқ ҳофизлари — Ўлмас Сайджонов, Бекназар Дўстмуродовлар, хушвот хонанда Тоқиддин Муродов, шунингдек, кўплаб фан докторлари, профессорлар, жаҳон чемпионлари, спорт усталари, энг аввало, Қашқадарё таълим-тарбиясининг маҳсуллари, муаллиmlарининг шогирдларидир. Улар билан қашқадарёликларгина эмас, балки бутун Ўзбекистонимиз, миллатимиз фаҳрланади.

Соиб Усмонов эл-юртга ана шундай шавкатли фарзандлар тайёрлаб берган ва бераётган таълим-тарбия соҳасига беш йил ғоятда самарали раҳбарлик (вилоят ижроқўми раисининг муовини сифатида, албатта) қилди.

Бу зот бўлажак кадрлар ва кадрлар камолининг бетакрор жонкуяри эди. Кўпчиликнинг ёдида бср. У ўша йиллари вилоят раҳбариятининг кўрсатмасига мувофиқ, олий ўқув юртларига ўқишга кириш мавсуми бошланиши билан мафкура ишлари бўйича котиб ҳамроҳлигида пойтахтга — Тошкентга йўл оларди. Мақсад вилоятдан у ерга эзгу ният билан борган абитуриентларга ёрдам бериш (йўл-йўриқлар кўрсатиш, ётоқхоналарга жойлаштириш, моддий кўмакка эҳтиёжи борларга

қаравишиш) ва иложи борича күпроқ ёшларимизнинг олий ўқув юртларига киришларига эришиш эди. Соиб Усмонов Тошкент имкониятларининг барчасидан, яъни маҳсус йўлланма билан киришлардан, бошқа шаҳарлар (собиқ Иттифоқнинг) институтларининг таклифидан, ҳатто абитуриентнинг кириш бали озгина етмай қолганда, вазир ёки ректорнинг расмий ёрдамидан унумли фойдаланаарди. Баъзан ўқишига кириш мавсуми тугагунича уйига келмасди. Ўз ишига, ўзгаларга бундан ортиқ фидойилик бўладими?!

Шунинг учун ҳам 1964 – 68 йилларда Тошкент олий ўқув юртларига киришга муяссар бўлганларнинг аксарияти «биз биринчи навбатда вилоят раҳбариятининг, Соиб Усмоновнинг кадрларимиз», дейишади. Уларнинг орасидан кўплаб таникли, эл суйган, унвонли кишилар етишиб чиқсани ҳам факт.

Соиб Усмонов тез-тез мактабларнинг, умуман, таълимтарбия масканларининг ҳавосини олиб турмасам, кўзи чақнаб турган болажонлар ва ёшларга шириңсуз улашмай қолсам, дарров безовта бўламан, дерди. У олис тоғ қишлоқларидан, зингиган чўлларда жойлашган мактабларни ҳам асло назардан қочирмасди. Байрам арафаларида биринчи навбатда уларни йўқлаттиради. Биттасига ўзи борса, бошқаларига вилоят ва туман халқ таълими бўлнимининг раҳбарларини, вакилларини юбортиради.

Мактабларга борганда энг аввал кутубхона ва стадион билан қизиқарди. Таъмирталаб масканга кўзи тушиши билан унга ёрдам ўюштириш чораларини изларди. Муаллимлар билан мулоқотни айрича хуш кўрарди. Булажак ўқитувчилар фақат кундузи ўқишлари керак, тиббиётдагидай, бу соҳада ҳам сиртдан ўқиши бўлмаганлиги маъқул, дерди юрагидаги ни яширмай. Вилоят ва туман-شاҳар халқ таълимининг етакчилари Соиб Усмоновни кўришса яйраб кетишарди. Ижроқўм раиси муовини ва маориф етакчилари даврасидан «илтимос» деган сўзлар кам эшитиларди. Аксинча, «раҳмат, устоз!» деган сўз кўпроқ қулоққа чалиниб қоларди. Бундан таълимтарбия соҳасига масъул Соиб Усмоновнинг ўз ишини тўлақонли улдалаётганлигини илғаш қийин эмасди.

У кишининг вилоят ёшлар кечки ўрта мактабига ҳам хурмати зўр эди. Бир гал ўкувчиларимиз билан мулоқотда: «Тўғри, мактабларинг «кечки» деб аталади. Лекин унинг ичida кундуз – нур, қуёш, яъни сизлар ишдан кейин айрича интилиб,

талпиниб келадиган зиё бор. Ана шу офтобга ошно экансизлар, сизлар ҳам асло кам бўлмайсизлар, укаларим!» деган. Бу чин юрак сўзлари ҳозиргача собиқ шогирдларим тугул, ҳатто мен, кекса устознинг ҳам ёдидан кўтарилимайди.

Ҳа, қадрдоним, тумандошим Соиб Усмоновнинг ёшларнинг маънавий камолотидаги хизмати ибратли эди<sup>1</sup>.

Қаҳрамонимиз хурмат қиласиган қашқадарёлик ижодкорлардан бири таниқли радиожурналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Курбон Эгамбердиев эди. Бир гал Қаршидаги радио уйи (вилоятлар ичидаги биринчи бўлиб ишга туширилган)нинг асосий ташаббускори бўлган бу киши ҳақида гап кетганда Соиб ака: «Эгамбердиев, агар радио уйини куриш масаласи орқага сурилаверса, унинг учун жонини ҳам қурбон қилишга тайёр бўлган», деганди алоҳида фарх билан. Курбон ака Соиб Усмоновнинг оммавий-ахборот воситаларигагина эмас, балки умуман маданиятга бўлган айрича эътибор ва муносабатидан яхши хабардор эди. Шунинг учун моҳир радиожурналист мурожаатимизни катта мамнуният билан қабул қиларкан:

— О, Соиб аканинг ижодга, ижодкорларга бўлган муносабати ҳақида соатлаб гапириш мумкин, биродар, — деб юборди беихтиёр мамнун бўлиб. — Бу муносабатга, айниқса, унинг вазифадошлари фақат ҳавас қилишлари мумкин эди.

Сиз ҳам яхши билсангиз керак, Соиб ака қалам ушлаб, қофоз бўяб ёзувчилик, журналистлик қилмаса ҳам, сўзда, лутфда ўзига хос ижодкор эди, яъни кўпинча шоирона гапиради. Масалан, (ҳозир кекса одамман, мақтаниш бўлиб туюлса айбга буюрмайсиз) энди ижодим билан элга танила бошлаган йиллари у киши: «Курбонжон, бу қобилиятни сенга Эгам берган, шунинг учун ҳали кўп муваффақиятга эришсан, изланишдан чарчамасанг бўлди», деган бироз ҳазил, кўпроқ жиддий оҳангда. Бу адибона чин юрак сўзларини мен ўшанда ҳам рағбат, ҳам даъват деб қабул қилганман ва ҳозиргача унутмайман.

Соиб ака ижроқўмга ишга келгунча ҳам радиожурналистларнинг, газетачиларнинг, тележурналистларнинг муҳлиси, хайриҳоҳи ва дўсти эди. Вилоят ижроқўми раисининг муовини бўлиб кўтарилгач, бу яқинлик янада кучайди, ҳақиқий

<sup>1</sup> Афсуски, А. Паттоевга қадрлони ҳақидаги ўз дил сўзларини ушбу китобда кўриш насиб этмади, бевақт вафот этди. Охиратлари обод бўлсин.

ҳаммаслакликка айланди. Вилоятда юз бераётган янгиликлар, ўзгаришлар, муваффақиятлар ҳақида газеталарда, радио ва телевидениеда ўз вақтида, яъни ҳозиржавоблик билан хабарлар, репортажлар, мақолалар берилса, Соиб ака беҳад хурсанд бўлиб кетарди. Иложи борича, муаллифни, телефонда бўлсаям, топиб раҳмат деб қўйишга интиларди. Ўшандай пайтларда баъзан «ютуқлар соясида, атрофида камчиликлар ҳам бўлиши мумкин, буниям назардан қочирманг, укажон», дейишни ҳам унутмасди. Бир куни менга шундай деганда, Соиб ака, қўпчилик акахонларимиз биздан камчиликни кўрмаслигимизни исташади, ҳатто ошкора талаб қилишади, сиз эса... десам, «улар, афсуски, ўзлари билмаган ҳолда навбатдаги камчилик содир бўлишини, яъни у қўпайишини хоҳлашади, биз эса камчилик юз берган бўлса, у газак олиб кетмай, ўз вақтида тузалишининг, охир-оқибат у ҳам ютуққа айланишининг тарафдоримиз» деган. Мана сизга ҳалолликка ўғрилган чинакам раҳбарликнинг исботи!

У киши ижодкорларнинг ҳимоячиси ҳам эди. Бир йили (ўша олтмишинчى йилларнинг охирида) Республика газеталарининг вилоят мухбирларидан бири ўз нашрида танқидий мақола билан чиқиб қолди. Мақола аниқ фактларга асосланиб, пухта ўрганилиб, яъни тажрибали журналист томонидан михлаб ёзилган эди. Лекин унга «объект» бўлган ташкилот мақолани нотўғри қабул қилди. Бу – маҳсус уюштирилган нарса, туҳмат, бизда бундай камчиликлар йўқ, деб «бонг» урилди. Ташкилот раҳбарининг сўзларига вилоятнинг биринчи раҳбари ишониб, мухбирни ўз хузурига чақириб, адабини бериб қўймоқчи бўлган. Шунда бундан хабар топиб қолган Соиб ака шартта «Биринчи»нинг олдига кириб, унга журналистнинг ҳақлигини айтган, яхшилаб тушунтирган. Катта раҳбар, бўғти, номига бўлса ҳам ўзингиз бош бўлиб, гўё текшириш ўтказинг, шу билан «дод»чидан кутуламиз, деган. Дарров текшириш ўтказилган. Ўнинг натижаси вилоят раҳбариятида мухокама этилган. Газетанинг танқидий чиқиши тўғри, деб хуносага келинган. Биласизми, ўшанда Соиб аканинг қатъийлиги, ҳалоллиги ва ўз позициясида содиқлиги боис, қолаверса, талаби билан газета мухбирини асоссиз равища «туҳматчи» деб ҳақорат қилган «чиновник» қўпчилик олдида ҳамкасбимиздан кечирим сўраган.

Усмонов Самад Қодиров, Самар Нуров, Орол Мўминов каби журналистларни қаттиқ хурмат қиласарди. Уларнинг Қаш-

қадар ё мавзуидаги аксарият мақолаларини, очеркларини ўз газеталарида эълон қилиниши билан вилоят газетасида қайта чоп эттиради. Биз, радиожурналистларнинг ишига ҳам худди шундай муносабатда бўларди. Яъни республика радиосидан берилган характерли эшиттиришлар вилоят радиосидан дарров яна бир бор тақрорланарди. Баъзида ҳазиллашиб (тўғриси, мамнун бўлиб) «Устоз, шу «кўчириш» ёки «тақрорлаш» шартгми?» десам шу заҳоти «уқажон, шарт!» деб жавоб берарди. Сўнг давом этарди: «Элни, айниқса, ишлаётганларни маънан-руҳан бойитишга, рафбатлантиришга ўз вақтида хизмат қилиш менинг ҳам, сизнинг ҳам, ҳамкасларингизнинг ҳам асосий вазифамиз!»

Соиб ака матбуотчилар ва телерадиочиларнинг ижодинигина кузатиб бормасди. Уларнинг асбоб-жиҳозларини янгилаш, иш, ҳатто турмуш шароитларини яхшилашга кўмаклашишни ҳам ўз бурчи деб биларди. Масалан, у киши муовин вақтида бир нечта туман газетаси таҳририятлари босмахона масаласида вилоят ижроқўмининг қўллаб-куватловига, конкрет ёрдамига мушарраф бўлган. Қўллаб эҳтиёжманд газетачилар тураржой билан таъминланган. Устознинг биз журналистларни эркалатиб, сийлаб айтадиган бир ажойиб ҳазили бор эди: «Матбуотчиларни мот қилиб бўлмайди, радиочиларни эса рад қилиб». Бу чин юрак сўзларини эшитганимизда, тўғриси, теримизга сифмай кетардик.

Мен вилоят радиосининг масъули сифатида Соиб аканинг «қучоқ очиб ҳалқ ичига борайлик» дея туманларга қилган сафарларига кўп марта ҳамроҳ бўлганман. Ана шу сафарлар вақтидаги кузатганларимга асосланиб барага айта оламанки, ижроқўм раиси ўринбосари Усмонов маданиятнинг ҳам ҳақиқий жонкуяри эди. Мисол учун, хўжаликларга ташриф буюрганда, далани айланиб чиққаҷ, раис-директорга ёки бригадирга юмшоқ қараб, энди ишловчилар дам оладиган, ҳордиқ чиқарадиган жойни кўрамизми, дерди. Хўжалик марказига қайтгач эса албатта, клуб, кутубхона ва кинотеатрлар билан қизиқарди. Аҳвол ёмон ёки маданият муассасалари бобида муаммолар бўлса, айримларга ўшаб жойнинг ўзидаёқ жаҳли чиқиб, дўқ уриб ўтирасди. Имконияти кўтарса, маҳаллий раҳбарлар ва етакчиларга аҳволни тезлиқда яхшилашни тайинларди. Кўттармаса, шу ерда ўзига ҳамроҳ туман ижроқўми раиси муовинига дарров ёрдам уюштириш (Қарши билан албатта) чоралари кўришни уқтиради.

Муовиннинг фоятда эзгу, ибратли «таъкиди» бор эди. Масалан, туманга, вилоятга кам таниш бирон хўжалик кутил-

маганда қишлоқ хўжалиги бўйича режаларини кетма-кет ба-  
жараверса, дарров у ҳақда республика газетаси, радиоси ма-  
қола ёки эшилтириш бермай туришини уқтиради. Яъни ҳозирча  
рапорт тўғрисидаги хабар, ахборот етади, чунки у ерда мада-  
ният, турмуш тарзи ҳали унчалик яхшимас, бу томонни ҳам  
ўрнига қўйиб олсин, ундан кейин республикага қўз-қўз қил-  
сак ярашади, дерди. Ва ижроқўм раиси муовини сифатида  
талашиб «энди бу томони (соҳа) муносиб бўлиши шарт» дея  
дарров «рапортдор»ларнинг олдига ҳам қўярди.

Тўғри, Соиб акага қадар вилоят ижроқўмида бу лаво-  
зимда бошқа ўринбосарлар ҳам ишлаган. Улар ҳам асло ёмон  
одамлар эмасди. Биронтаси, вазифасини уddyалай олмади, де-  
ган сабаб билан ишдан кетмаган. Лекин таълим, соғлиқни  
сақлаш ва маданият, умуман барча ижтимоий масалаларнинг  
ҳақиқий гуркираши, юксалиши, ҳеч иккиланмай айтиш мум-  
кини, Соиб ака Усмонов даврига келиб юз берди. Чунки у  
киши бу соҳаларнинг чинакам билимдони ва фидойиси эди!

Қашқадарёда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият  
ходими» унвонининг соҳиблари кўп эмас. Курбон Эгамбер-  
диев ана шундай юксак эътирофга сазовор бўлган устозлар-  
дан биридир. Шундай экан, сўз юритилган мавзуда у киши-  
дан ошириб ҳам, у кишини инкор этиб ҳам бўлмайди. Фақат  
қўшимча қилиш мумкин.

Қўшимча шуки, ижроқўм раисининг муовини Соиб Ус-  
монов бадиий маданиятнинг, хусусан, М.Т. Тошмуҳамедов  
номидаги вилоят театрининг ҳам қадрдени, жонкуяри эди.  
Сафида Мұхтарама Носирова, Мұхиддин Мажидов, Карим  
Йўлдошев, Ҳайит Мустафокулов, Тожиддин Муродов, Ёқуб  
Ражабов каби элга таникли, элга суюкли санъаткорлари бор  
жамоани дил-дилидан хурмат қиласади. Масалан, Қашқадарё-  
да биринчи бўлиб, «Ўзбекистон халқ артисти» унвони билан  
тақдирланган, вилоят аҳлиниң маънавий камолига катта  
ҳисса қўшган Носировани алоҳида эъзоз илиа «Мукаррама  
Мұхтарама» дерди. Тожиддин Муродовни эса «Қашқадарё (ўзи-  
мизнинг) булбули» деб атарди. Театрнинг туманларга қила-  
диган ижодий сафарларига, гастролларига алоҳида эътибор  
билан қарапади. Жамоани моддий жиҳатдан қўллаб-қувват-  
лашни уюштириб туришни асло эсдан чиқармасди. Ҳатто  
санъаткорларнинг хурсанд бўлишини ўйлаб, янги спектакль  
премьеरаларига вилоят раҳбариятидан иложи борича қўпчи-  
лик бўлиб боришни ташкил этарди. Соиб ака жонажон теат-  
рига бир умр содик раҳбар эди.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. 1995 йилда у киши Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг депутати сифатида Тошкентга келди. Меҳмонхонада Фармон Омонов (жойлари жаннатда бўлсин) иккаласи билан кўришиб, сўрашиб, беш-үн минутча сухбатлашиб бўлгач, сизлар чарчаб келгансизлар, таклиф қилганим билан барибир бормайсизлар, дам оласизлар, менинг театрга билетим бор эди, узр деб ўрнимдан турдим. Шунда Соиб ака «қайсинасига» деб қўлимдан чиптани олди. Билетдаги илк сўзлар – «ГАБТ им. Наваи»ни ўқигач, – «О, Государственный Академический Большой театр, яхши, Муяссар булбулни кўрарканлиз-да!» деди. Сўнг чиптани қўлимга бераётуб, хайрлашаётуб: «Қаршига борганингизда бизнинг КАБТ (ҳазиллашиб «Каршинский Академический большой театр» деяпти) га ҳам тушинг, укажон, яхши, янги спектакллар қўйишган» деди самимий қулиб.

Театрга йўл оларканман, шундай ажойиб, маданиятпарвар одамга, кайвонига юртдош, қадрдон бўлганлигим билан яна бир бор фаҳрланиб қўйдим.

Ана шундай раҳбарнинг гуриллаб турган пайтида – қирқ бир ёшида қадимий қадриятнинг, маданиятнинг бетакорр кўзгуси бўлган Шахрисабзга, унинг туманига етакчи қилиб юборилиши ҳар томонлама тўғри эди. 1968 йили Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг сессияси бўлди. Унда ташкилий масала қўрилиб, шу вақтга қадар Шахрисабз туманига раҳбарлик қилиб келган З. Сирожиддинов вилоят ижроия қўмитасининг раиси этиб сайланди. Унинг ўрнига эса республика ва вилоят раҳбарияти Соиб Усмоновни тавсия қилиш тўғрисида яқдил қарорга келишди.





Соиб Усмонов. 1999 йил.



Падари бузруквор Усмон ота ва волидаи муҳтарама  
Ҳайитой она.



1971 йил ноябрь. Шахрисабз. Ота-она, жуфти ҳалол  
ва фарзандлар билан.



Қадрдонлик қалбан бұлғанда!  
(Президент Ислом Каримов ва Соиб Усмонов).



«Күп йиллик қурдошим Иsom Жалилов»  
1987 йил.



«Қарши чүлларида кечган йилларимиз эсдан чиқмайди а, Соиб aka!» (1978-81 йиллари «Қаршиқурилиш» бошқармасига раҳбарлик қилған Эркин Турсунов).



Уларни дүстлари «Қарши құшчинори» деб эъзозлашарди.  
(Соиб Усмонов ва Фармон Омонов).



Ҳиндистон парламенти аъзоси Батя хоним хузурида.  
1995 йил. Дехли.



Қалин дўстлар. Чапдан ўнгга: Файзи Раҳмонов, Абдулла  
Паттоев, Сафар Омонов, Абдураҳмон Худойназаров,  
Соиб Усмонов, Исом Жалилов.



Машхур адаб Вадим Кожевников чүлни айланмоқда.  
Үргада: «Каршикурилиш» бошқармаси бошлиғи  
Ҳабибулла Шогазатов. 1973 йил.



Космонавт Владимир Жонибеков мөхмона. Чапдан ўнгга: Султон Чегибоев, Муродилла Саидов ва Эркин Турсунов.



1999 йилнинг Наврўз кунлари қадрдонлар даврасида.



Унинг билан бўладиган учрашувларда вилоят зиёлилари ана шундай фаол иштирок этишарди.



Деҳқонобод туманида ишлаган йиллардан эсдалик.



1982 йил. Кисловодск.  
Икки яқин оила  
бирга дам олишда.



«Эллик уч йил мени меҳру муҳаббати билан ардоклаган  
Тошибиби хоним!»



«Оиласвий сафарда бўлишга нима етсин!»  
1964 йил. Санкт-Петербург.



Қарши чўлларида жавлон  
урган йиллардан эсдалик.



Чапдан ўнгга: 1-қатор. Куёв Неъматхон, тўнгич фарзанд  
Аминабону. 2-қатор. Кичик ўғил Собиржон, келин  
Дилафрўзбону ва невара Жамшидjon.



«Шавкатим» деб суйган катта ўғил билан.



Бахтларини топиб, ўзларидан тиниб ва  
күпайиб кетган меҳрибон қизлар.



«Биз – Соиб отанинг невара ва эвараларимиз!»



Эвара: «Менинг исмим – Соибжон!»

## ТҮРТИНЧИ БОБ

### ШАҲРИСАБЗ ЙИЛЛАРИ

Унинг омади қулиб бокқанди. Шунинг учун Тошкентдаги, республика раҳбариятидаги сұхбатда ҳам ўйланиб ёки сохта мулозамат қилиб үтирмади. «Сизлар мunoсиб күрсала-рингиз, бўпти, Шаҳрисабз туманига бораман», деб дарров ўз фикрини айтди. Биринчи котиб хурсанд бўлиб, унга янги ишда оқ ўйл тилади.

У Қаршига қайтиб, вилоят раҳбарининг хузурига кирди. Телефон орқали ҳамма гапдан, яъни сұхбат муваффақиятли ўтганидан, таассурот ҳам яхши бўлганидан аллақачон хабар топган вилоят раҳбари уни Тошкент «Маъқул» билан табриклагач, қисқа мулоқотдан сўнг «бўпти, энди пленумга тайёрланинг», деди.

Соиб Усмонов биринчи раҳбар қабулхонасидан чиқаётганда котибдан «сизни пастда, хонангизда Фармон Омонович кутиб турган эмиш», деган сўзни эшитди.

Ўзи ҳам дўстим, ҳам укам деб ҳурмат қиласидиган, вилоят расмийларидан бўлган Фармон Омонович уни кўриши билан ўрнидан отилиб турди. Устози ҳаётида бўлаётган янгиликдан унинг ҳам хабари бор эди. Шунинг учун тез юриб келиб:

— Аввал сизни бағримга босай, Соиб Усмонович, кейин кўлингизни ушлайман, — дея уни қаттиқ қучоқлаб табриклиди.

Қадрдонининг зийраклигидан, иззат-эътиборидан беҳад хурсанд бўлиб кетган Соиб Усмонов:

— Укам, табрикка бироз шошилдингиз, ҳали олдинда пленум бор, бордию у мени тасдиқламаса нима бўлади, қутловни қайтариб олишга тўғри келади-ку? — дея самимий кулди.

— Мен яхши биламан, устоз, у туманда сизни раҳбарликка тасдиқламаймиз деган «мард» чиқмайди. Иккинчидан, у киши шогирдининг қутлови ҳеч қачон ерда қолмайди.

Ўртада самимий кулгу янгради.

— Бириңчи сабабингизни билмайману, лекин иккинчи-сига мен ҳам құшиламан.

Самимий күлгү тақрорланди.

— Бұлар иш бұлды-ю, бироқ Соиб Усмонович, менимча, Шахрисабзга бораётганингиз бироз нотұғри бүляпти, — дея жиддий оқанғда гапира бошлади Фармон Омонов. У, аслида ўта меҳрибон ва айни вақтда ўта содда устозига бошқача шаклда ҳазил қилиб, уни синааб күрмоқчи эди. — Биласиз, Шахрисабз Қамаши ёки Яккабог әмас, юқори зонанинг маркази, әнг йирик тумани ҳисобланади, вилоятдаги әнг катта, яъни иккинчи шаҳар ҳам унга қарайди. Иккинчидан, у ерда әнди вилоятнинг иккинчи раҳбари бұлиб күтарилган Зокир Сирожиддиновдай одам ишлади. У киши тұққыз йил давомида туманни ривожлантириб, уни юксалишнинг ойдин йүлиға олиб чиқди. Шундай, ниҳоятда тоши оғир туманни, масъулиятли вазифанı мұносиб бошқарыб, үддалаб кетиш... қийин бұлмасмикан?

— Нега қийин бұлади? — Қадрдонининг ҳазиллашаёттанини хаёлиға келтирмаган Соиб Усмонов ҳам жиддий гапира бошлади. — Ҳеч қағон қийин бұлмайди. Бириңчидан, укам, мен осмондан түшганим, яъни ўзға юртлардан келганим йўқ, шу ернинг одамиман, Шахрисабз ва шахрисабзликларни яхши биламан. Улар ҳам мени яхши билишмасаям, ҳар ҳолда яхши танишса керак. Иккинчидан, ўртоқ Сирожиддинов узоқ кетгани йўқ-ку. Шу ерда-ку. Бошқа туманларга каби Шахрисабзга ҳам масъул-ку, вилоят ижрокүмининг раиси-ку. У киши қараб, томошабин бұлиб турмаса керак. Учинчидан, сизларчи? Сизларни, расмий даврада ўрни бор яқин дүст-қадрдонларимни ҳам мен асло кузатувчи деб ўйламайман. Тұртингчидан, Шахрисабз халқи — ниҳоятда меҳнаткаш халқ. Бригадир, мутахассис, раис ва директорлари әса фоятда тажрибали ва ўз ишига садоқатли кишилардир. Шунинг учун аввалги уч имкониятга шукр қилиб, тұртингчи имкониятга таяниб, ишлаганимда ҳам менга қийин бұлмайди, ўртоқ Омонов.

— Яшанг, устоз, — Фармон aka кулиб тан берди ва «сир»-ни очди: — Тұғриси, ҳаддим сикқанидан сизни бир синааб күрмоқчи бұлиб ҳазиллашувдим.

— Ҳазилингиз синдими?

— Йўқ, тинди.

— Бу қозоқча (Ф.Омонов туғилған Қарши туманидаги Қозоқ қишлоғига ҳам ишора) жавобми?

Устоз ва шогирд бараварига қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборишиди...

Ҳа, кўп ўтмай Шаҳрисабз туманинг биринчи раҳбари сифатида иш бошлаган Соиб Усмонов шогирди билан бўлган мулоқотда тўртинчи дейилган, аслида, ўзи ҳам, бошқалар ҳам биринчи ва энг асосий деб билган имкониятга астойдил ишонарди. Чунки азал-азалдан айрича ишсеварлиги, меҳнаткашлиги ва аҳиллиги билан танилган Шаҳрисабз халқининг бу ажойиб хислатлари кейинги саккиз-тўқиз йил ичидা, аниқроғи, туманга ажойиб инсон ва моҳир раҳбар Зокир Сирожиддинов етакчилик қилган даврда янада кучайган эди. Қишлоқ хўжалигига, хусусан, пахтачилик ва фаллачиликда ўзига хос янги деҳқончилик мактаблари яратилганди. Натижада бир вақтлари йилига ўртacha қирқ минг тонна пахта, беш минг тонна фалла етиштириб келган туман олтмишинчи йилларнинг иккинчи ярмига келиб давлатга 50 минг тонна пахта, 7 минг тонна фалла сотадиган туманга айланганди. Чорвачилик, сабзавотчилик, пиллачилик соҳалари ҳам кескин ривожланганди. Туман маркази ҳақиқий саноат шаҳри сифатида эътироф этилди.

Ана шундай ютуқлар, иқтисодий ривожланишлар ижодкорларининг бошида эса Фани Бобоёров, Қурбон Ҳақбердиев, Қурбон Ярашев, Шароф Ашуроллардай эл-юртга таниқли кайвонилар – раислар, Парда Шербобоев, Ҳолиқул Муҳаммадиев, Ҳайит Маҳмудов, Зайнаб Ҳушимова, Арзимурод Абдураҳмонов каби ўнлаб машхур далабошилар, пайкал пирлари тураган эди. Шаҳрисабз барча соҳалар бўйича етук, малакали мутахассисларга эга туман сифатида тилга тушганди. Энг муҳими, бу ерда, туманда ҳавас қиласидаган даражада соғлом, ишчан муҳит яратилганди. Буни эса вилоят ижроия қўмитаси раисининг собиқ муовини Соиб Усмонов яқиндан яхши биларди. Қолаверса, у Шаҳрисабзнинг чинакам сиймолари сифатида вилоятда, республикада ном қозонган, эътироф этилган кишиларнинг деярли барчаси билан яқиндан таниш ва қадрдон эди.

Шунинг учун Соиб Усмонов Шаҳрисабзда қийналиб қоламан, деган фикрдан йироқ эди. У шаҳрисабзликларга астойдил ишонарди.

— Шаҳрисабзликлар эса ўз навбатида Соиб Усмоновга худди шундай ишонишарди, — дейди қаҳрамонимиз билан у ерда бир неча йил бирга ишлаган, ҳозирда «Нуроний» жам-

ғармасининг туман бўлумини бошқараётган Боқижон Эргашев. — Чунки тумандошларимиз у кишини, айниқса, вилоят ижроқуми раиси муовини бўлиб ишлай бошлаган кезлардан яхши таниган ва билганди. Соиб ака ана шу вазифада ишлаш жараёнида туманимизга кўп ёрдам берган. Сирожиддинов билан яхши муносабатда эди. Уларнинг ўхшаш томонларини кўп кузатганмиз.

Масалан, Соиб акада ҳам оддий одамларга, меҳнатчиларга эътибор, меҳрибончилик, ҳалқقا, унинг турмуш тарзини яхшилашга интилиш, киришимлилик хислатлари айрича кучли эди. Буларга шаҳрисабзликлар такрор ва такрор гувоҳ бўлиш баробарида, улардан кўп бор баҳраманд ҳам бўлишганди. Шу боис, биласизми, Зокир Сирожиддинов биздан кетса, ўрнига ким келаркан, деб ўйланиб турган ҳалқимиз Соиб аканинг Шаҳрисабзга келаётгани ҳақидаги эзгу «миш-миш»ни эшлиши билан қувониб кетган. Биттаси, раҳбарлар у кишини бу ерга юборишса муносиб кадр танланган бўлишади, дея хурсандчилигини билдирган бўлса, иккинчиси Соиб Усмонов худди Зокир Сирожиддиновдай раҳбар деган ишонч билан, учинчиси, шу киши келса, туманимиз яна раҳбарга ёлчиди, деб кўпчиликнинг фикрини ифодалаган.

Шунинг учун ҳам Соиб Усмонов туман пленумида бир овоздан, айтиш мумкинки, катта мамнуният билан Шаҳрисабзимизнинг биринчи раҳбари этиб сайланган.

\* \* \*

Журналист аҳли, айниқса, мухбирлар воқеа, ўзгариш юз бериши билан ҳозиржавоблик кўрсатишга интиладилар. Шаҳрисабзда ҳам худди шундай бўлди. Соиб Усмонов бу ерда расман иш бошлаб, навбати билан хўжаликлар ва ташкилотларни айланиб юрган кунларнинг бирида хузурига республика радиосининг вилоят мухбири ташриф буюрди. Ижодкорларни, оммавий аҳборот воситалари ходимларини айрича ҳурмат қиласиган одаммасми, Соиб ака унинг илтимос-таклифига йўқ деёлмади. Фақат энди янги жойда ўз фаолиятини бошлаган раҳбар сифатида ғапиришини сўради. Бу фикр мухбирга ҳам маъқул келди ва у саволларини шунга мослаб беришини айтди. Унда, мулоқотга мен тайёрман, деди туман раҳбари. Мухбир ҳам, тажрибали экан шекилли, дарров қу-

йидаги биринчи саволни берди:

— Шаҳрисабз вилоятда, қолаверса, бутун республикада номдор, йирик туманлардан ҳисобланади. Йиккинчидан, сизгача сизнинг ўрнингизда ишлаган раҳбар бу ерда анча ишларни амалга оширган. Мана шундай фоятда маъсуллиятли лавозимга сайланайтганингизда иккиланмадингизми?

Соиб ака, узр, дея муҳбирнинг микрофонини кафти билан бекитган ҳолда «ука, худди шу мавзудаги саволни сизгача бир ноижодкор шогирдимдан ҳам эшитгандим», деди кулиб. Сўнг, кафтини микрофондан олиб, жиддий гапира бошлади:

— Тўғриси, иккиланганим йўқ. Сабаби: Шаҳрисабз мен энг яхши кўрадиган ва биладиган туман. Кейинги беш йил ичида, яъни вилоят ижроия қўмитаси раисининг муовини вазифасида ишлаган давримда бир оёғим деярли шу ерда бўлган. Бу ернинг халқи ажойиб халқ. Бу ерда ўнлабмас, балки юзлаб қадрдонларим бор.

— Айрим раҳбарлар каттароқ лавозимга ўтишлари билан ўзларининг «командаси»ни яратиш ҳаракатида бўлишади. Буни баъзида, кўпчилик, масалан, туман манфаатини ўйлаб қилинаётгани учун оқлаши ҳам мумкин. Шаҳрисабзни азалдан яқиндан яхши билган вилоят раҳбарларидан бири сифатида айтинг-чи, бу ерда кадрларни янгилаб олишга зарурат туғиладими?

— Мен сизга айтсан, ҳозир бизда, менда бунга хоҳиш ҳам, эҳтиёж ҳам йўқ. Чунки туман раҳбариятида барқарор жамоа (аппарат) шакллантирилган. Ҳаммаси ўз ишини, йўналишини пухта биладиган ва унга садоқатли, етук, тажрибали, обрўли кадрлардир. Масалан, туман ижроия қўмитасининг раиси бўлиб ишлаётган Мавлон Муҳаммадиевни вилоятимиздагина эмас, ҳатто Тошкентда ҳам билишади. У Китоб тумани раҳбариятида муваффақиятли ишлаган, тумани мизнинг халқ назорати бўлимини моҳирона бошқарган. Махаллий ҳокимият ишини, олий маълумотли агроном сифатида қишлоқ ҳўжалигини малакали билади. Одамлар билан муомалада, ташкилотчиликда, ҳозиржавоблиқда алоҳида ажралиб туради.

Котиблар вазифасида ишлаётган кадрларимиз тўғрисида ҳам шундай илиқ сўзларни айтиш мумкин. Кўп йиллардан бери туман қишлоқ ҳўжалик бошқармасини муваффақиятли бошқариб келаётган С. Аметов эса, ўзбекча айтганда, ўз иши-

нинг чинакам пиридир. Бу ерда унинг ўнлаб шогирдлари бор. Мен, масалан, туман қишлоқ хўжалигини унинг билимдон етакчисиз тасаввур қилолмайман.

Шундай тажрибали, билимдон, халқ билан ишлашни яхши биладиган етакчи кадрларсиз янги ишда муваффақиятларни кўзлаб бўладими?!

— Ишлаб чиқаришда, аникрофи, қишлоқ хўжалигидаги ўтган йиллардагидан ҳам зиёда натижа-кўрсаткичларга эришиш учун нималарга қўпроқ эътибор бериш керак, деб ўйлайсиз?

— Энг аввало фаннинг, хусусан, қишлоқ хўжалиги илмиётининг энг сўнгти — янги тавсияларига, хулосаларига, мамлакат, дунё миқёсида эътироф этилган илгор тажрибаларга асосланиб, таяниб ишлашни, экин навларини яхшилаб боришни янада кучайтиromoғимиз лозим. Бу эса, ўз навбатида туманимизнинг республика илмий-тадқиқот институтларининг минтақавий филиаллари, бўлимлари билан бўлган ҳамкорлигини тағин ҳам кучайтиришни тақозо этади. Дехқонларимизнинг, айниқса, мутахассисларнинг касб малакасини мунтазам ошириб бориш, сабзавотчиликка механизацияни фаоллик билан жорий этиш, экинларни иложи борича хўжаликлар бўйича ихтисослаштириш, тармоққа ихтисослашган звено ва бригадалар ташкил этиш ҳам дехқончиликда янги, янада салмоқдор натижаларга эришишда қимматли роль ўйнашига астойдил ишонаман.

— Туманинг вилоят, ҳатто республика миқёсида маълум ўзига хос дехқончилик мактаблари бор. Ана шундай мактабларнинг хизматини сиз туман раҳбари сифатида қандай баҳолайсиз?

— Бир сўз билан айтсам, уларни чин юракдан олқишлийман Чунки туманинг ҳозирги даражага етишувида, иқтисадий қувватининг ошиб боришида уларнинг ҳиссаси катта. Бундай дехқончилик мактаблари Шаҳрисабзда битта-иккита эмас, бир нечта. Фани Бобоёров, Курбон Ярашев, Курбон Ҳақбердиев каби хўжалик раҳбарлари, Парда Шербобоев, Жуман Маҳмудов, Холиқул Муҳаммадиев, Зайнаб Ҳушимова, Арзимурод Абдураҳмонов, Ўроқ Иброҳимов, Оққўзи Бўтаев сингари дала дарғалари, пайкал пирлари ана шундай мактабларнинг асосчилариdir. Биринчи навбатда худди шу фидойиларнинг жонкуярлиги туфайли туманда дехқончилик маданияти кескин юксалди, десам бутун шаҳрисабзлик-

ларнинг дилидаги гапни айтган бўламан. Чунки уларнинг ҳар бири янгиликка интилувчи, ташаббускор, тиниб-тинчимас, изланувчан дәхқонлардир.

Мисол учун Парда Шербобоевни олайлик. У пахтачиликда «шарбат» усулини биринчилардан бўлиб қўллаган, ҳосилдорликни 30 центнердан 45 – 50 центнергача етказган бободеҳқондир. Шунинг учун ҳам мағрут кўксидаги қаҳрамонликнинг Олтин Юлдузи ярқираб турибди. Йигирма олти йиллик бригадирлик стажига эга бўлган Оққўзи Бўтаевни туманда пахтачилик илм-амалиётининг ҳалқ ичидан чиққан академиги дейишади. Унинг ибратли тажрибаларини ҳатто қўшни вилоятлардан келиб ўрганишганига ижроқўм раиси муовини пайтимда ўзим ҳам бир неча бор гувоҳ бўлганман. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Ўроқ Иброҳимов эса маккажӯхоричилик амалиётида ҳам янгиликлар яратган устоз дәхқондир.

Бундай пайкал пирлари билан фаҳрланмай, улар яратган дәхқончилик мактабларининг хизматини юксак қадрламай, улардан, уларнинг шогирдларидан яна янгиликлар ва янги зафарлар кутмай, уларни ёш дәхқонларга намуна қилиб кўрсатмай, уларнинг ёрдамига ишонмай бўладими?!

Ўз саволларига фойтда мазмунли жавоблар олган радио мухбири Соиб Усмоновга раҳмат айтиб хайрлашаркан, хурсандчилигини «Бу мулоқотни тезроқ эфирга узатмасдан бўладими?!» деб билдириди.

Соиб Усмоновнинг Шаҳрисабз туманига раҳбарлик қилган йилларидағи фаолияти, муваффақиятлари билан қизиқ-қанимизда, у ўзи бу ердан ишга киришиш аввалида, радиожурналист билан бўлган мулоқотида алоҳида таъкидлаган уч муҳим шартга — фан ютуқлари, салоҳиятли кадрлар ва дәхқончилик мактаблари тимсолидаги илфор амалиётга қатъий таяниб иш юритгани ва ютуқларга эришганига амин бўлдик. У ижтимоий ҳаётдаги, меҳнат жараёнидаги илфор инсонни, айниқса, ишбошини имкониятлар хазинаси деб биларди. Шунинг учун у хўжалик ишининг, қишлоқ хўжалигининг, қолаверса, эл кайвоничилигининг тугма намояндалари билан бамаслаҳат иш олиб боришдан тортинмади, уларнинг имкониятларидан иложи борича кўпроқ фойдаланишга интилди.

— Усмонов билан ишлаш барибир бошқача эди, — деганди суҳбатларимиздан бирида менинг қаҳрамоним, Олтин

Юлдуз соҳиби Жуман Маҳмудов 1994 йили. – У кишида одамни тез илгаш, англаш қобилияти кучли. У сизни илк калимангиздан тушунади. Ҳеч қачон мен сиздан юқорироқ раҳбар, номдорроқ одамман, мен сиздан олдин гапиришим керак, деган хәёлга бормайди. Сўзингизни ҳам бўлмайди. Тўғриси, у аввал сизни эшитишни, сўзингиз ибратли бўлса, ундан завқланишни хуш кўради. Сўзингиз бамаъни маслаҳат бўлиб туюлса, сиз унинг учун азиз инсонга айланасиз. Шахсий ҳаётингизда, иш фаолиятингизда янгилик, ютуқ содир бўлганидан хабар топса, шу заҳоти сизни айрича меҳр билан табриклишга, маънан рағбатлантиришга ошиқади. Арзимаган камчилик – хатони юзга солиш, дарров хulosага бориш – унинг учун бутунлай ёт. У иш одамининг имкониятини ҳам тез пайқайди ва ундан фақат шунга яраша натижа кутади.

Шундай ажойиб етакчи раҳбарлигига ўтган туман янада илгариламай, ютуқларга янада кўпроқ эш бўлмай қолармиди?!

Жуман ота ўзининг ҳам баракали ҳиссаси борлиги учунми ёки журналистлар ҳам билишса керак, деб ўладими Соиб Усмонов Шаҳрисабзда иш бошлаган 1968 йилдаги муваффақиятли кўрсаткичларни такрорламади.

Шаҳрисабз тумани чиндан ҳам ўша йили янада кўпроқ ютуқларга эш бўлганди. Яъни туман тарихида биринчи марта 54 минг 177 тонна пахта хирмони уюлди. Бу – йиллик режага нисбатан 7200 тонна кўп дегани эди. Ўн бир хўжаликнинг барчаси йиллик режани шараф билан уддалади. 138 бригадада ҳар гектар ердан 30 центнердан ошириб ҳосил йиғишишиб олинди. Баъзи бригадаларда ҳосилдорлик 35-42 центнерданни ташкил этди. Бошқа соҳалар ҳам самарали бўлди. Масалан, давлатга 7000 тоннадан ортиқ фалла сотилди.

Лекин Соиб Усмонов бу ютуқларни бальзи раҳбарларга ўхшаб, келасолиб мен кашф қилдим, деб ўлламади ёки демади.

У янги йилга, янги мавсумга тайёргарлик бошланиши арафасида айрим вазифадошларига ўхшаб бутун туман фаоллини йиғиб ўтирамади. Фақат туман ижроия қўмитаси раиси ҳамроҳлигига қишлоқ хўжалик бошқармасининг мутахассислари, хўжаликларнинг етакчилари ва энг номдор далабошлилар билан гаплашиб олди. Уларга «бу йил қандай бўлмасин шундай натижаларга эришишимиз шарт», «бу ҳаракатга қўшилмасликка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ», «қўлимдан келмайди, деювчилар бўлса, очиқ-ошкор айтсин» каби ортиқча сўзларни гапириб ўтирамади. Аксинча, асосий яратувчилар сизлар, сиз-

лар нима десаларингиз – шу, биз, туман раҳбарияти уларни бажонидил эшитамиз, таклифлар бўлса, bemalol, xар қандай ёрдамни уюштириб беришга тайёрмиз, дея кўпроқ йигилганларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитди. Ҳатто бир таникли дехқоннинг «Соиб ака, уполномачилардан тўйиб кетдик, иложи бўлса уларни камайтириш лозим, иложи бўлмаса дехқонларга, уларнинг ишига халақит бермасликка ўргатиш керак», леган дангал таклифини менинг кўнглимдаги гапни айтдингиз, биродар, деганча катта мамнуният билан қабул қилди. Расмият учун уюштириладиган ўзаро текшириш бригадаларининг ташриф вақтини ўйлаб қўриш керак, деган мулоҳаза ҳам унинг учун айни муддао бўлди.

Туман раҳбари амалиётчилардан ўзи кутганидан ҳам зиёда фойдали фикр-мулоҳазалар, аниқ таклифлар эшитди. Шу боис барчасига дил-дилидан ижобий муносабат билдириб, уларни умумлаштираркан, барча хўжаликларда тупроқ унумдорлигини оширишнинг ҳамма чораларини қўриш лозимлигини, пахта-беда алмашлаб экишни, ирригация-мелиорация тадбирларини амалга оширишни, эрозияга қарши курашишни, тупроқ картограммасига аҳамият беришни ҳар қачонгидан ҳам зиёда кучайтиришимиз зарур, деб таъкидлади. Айни вақтда, у баъзи хўжаликлар ҳали мукаммал картограммага эга эмаслигини афсус билан қайд этди. Бу муҳим тадбир изчилик билан қўлланилса, пайкалларда ҳосилдорлик гектар бошига янада ошишини, пахта эрта пишишини, нав юқори бўлишини бошқа туманлар тажрибасида кўрганини яққол мисол сифатида эслаб ўтди.

Кишлоқ хўжалик бошқармасининг мулоқотда иштирок этган ёш мутахассиси залдан чиқиб келаркан, ёнидаги ўтра ёш ходимдан:

— Туман раҳбаримиз қайси селхўзда ўқиган, Тошкентдами, Самарқанддами? — деб суради.

Устозидан Соиб Усмонов таълим олган даргоҳни эшитгач:

— Қойил! — деди бирдан. — Бутунлай бошқа соҳанинг одами... Лекин қишлоқ хўжалигини чинакам профессионаллардай таҳлил қиляпти.

— Шунинг учун мулоқот зўр бўлди-да, укам, — деди етакчи мутахассис фахрланиб.

Орадан кўп ўтмай, Соиб Усмонов ноқишлоқ хўжалик фаолларини, яъни янги ҳосил мавсуми пайтида хўжалик-

ларга туман раҳбарияти томонидан биринчириб қўйиладиган «уполномачи» ташкилот ва идораларнинг раҳбарлари билан қисқача сұхbatлашиб олди. Уларга қишлоқ хўжалик ишларига мутлақо аралашмасликларини тайинлади, вакил сифатидаги асосий вазифалари далачиларнинг, чорвадорларнинг иш ва дам олиш шароитларини назорат қилиш, яхшилашга кўмаклашиш эканлигини яна бир бор қаттиқ уқтириди. Деҳқонлар, галлакорлар, сабзавоткорлар ва чорвадорлар билан бевосита ҳамкорликда ишлайдиган корхоналар (пахта тозалаш, консерва, сут-ёғ, пилла қурти уруги заводлари) раҳбарларидан эса уларга ўз вақтида мўл-кўл маҳсулот етказиб берадиган таъминотчиларга доимо ҳурмат билан муносабатда бўлишларини алоҳида илтимос қилди.

Азиз ўқувчи! Сизлар биласизларми-йўқми, донишмандларнинг «Руҳан рағбат—минг бир раҳмат» деган ажойиб ҳикмати бор. Соиб aka бу ўгитга қаттиқ амал қиласди. Чунки унинг (рағбатнинг) кучига астойдил ишонади.

Мисол. Соиб Усмонов вилоят ижроия қўмитаси раисининг муовини вақтида республика телевидениесида бир чиқиши қилди. Унда мұхбирнинг унумдор меҳнат ва ҳалқ турмуш тарзи мавзуидаги саволига жавоб берәтиб, ибратли мисол сифатида Шахрисабз туманидаги ҳозирги F.Бобоёров номли жамоа хўжалигини тилга олди. Буни телэкрандан томоша қилган, эшитган хўжалик раҳбарлари ва меҳнатчилалининг хурсандчилигини кўрсангиз эди. «Вилоят ижроқўми раисининг муовини бизни бутун республикага, мамлакатга танитирди!» дей беҳад руҳланган деҳқонлар, чорвадорлар ва сабзавотчилар олтмишинчи йилларнинг охирига келиб, жонажон хўжаликларининг янада юксалишига, янгидан-янги муваффақиятлар соҳибиага айланишига замин яратдилар.

Масалан, бир вақтлари ҳар гектар ер ҳисобига 30-31 центнердан пахта етишириб келган хўжалик 1970 йили 1500 гектар ерда деҳқончилик қилиб, ҳар гектар ердан 37,5 центнердан ҳосил йиғишириб олди. Хўжалик ҳар йили она-Ватанга режага қўшимча равишда 1500-1700 тонна «оқ олтин» армуғон этадиган бўлди. 19 пахтачилик бригадасининг бештаси комплекс механизациялашган. Уларга механизатор кадрлар бошчилик қиласди. Мисол учун Г.Қиёмова етакчилик қилаётган комплекс механизациялашган бригадада 40 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 42 центнердан пахта хирмони кўтарилди. Бригадирнинг ўзи машинада 100 тонна «оқ

олтин» терди. Т.Шербобоев бошлиқ комплекс механизациялашган бригадада ҳам 44 центнердан ҳосил олинди. Етакчи эса 150 тонна пахтани бункерлардан түкди. Ш.Дүстов, Ш. Ҳамроев, О.Бозоров бригадалари ҳам шундай муваффақиятли натижаларга эришди.

Чорвачиликда ҳам катта силжиш юз берди. 1966 йилда 220 тонна сут, 73 тонна гүшт тайёрланган бўлса, 1970 йилга келиб 330 тонна сут, 130 тонна гүшт тайёрлашга муваффақ бўлинди. Фермалар тўла хўжалик ҳисобида ишлашга ўтди.

Хўжалик асосан уруғчилик хўжалиги, бошқа пахтакор колхоз, совхозларга уруғлик чигит етказиб беради. Баъзан уруғчилик хўжаликларида теримни машиналаштириш мақсадга мувофиқ эмас, деган гаплар эшитилиб қоларди. Бу фикрга F.Бобоёров шогирдлари мутлақо қўшилмадилар. Улар уруғчилик хўжаликларида ҳам теримни машиналаштириш мумкинлигини исботладилар ва лозим деган фикрни барадла айтдилар.

1970 йили машиналарда 1800 тонна пахта терилди. Бункерлардан тўкилган бу пахтанинг ҳаммаси уруғликка қабул қилинди. Машина теримидан 84 минг сўм фойда кўрилган бўлса, давлатга уруғлик пахта сотишдан 200 минг сўмга яқин фойда олинди. 1970 йили фақат навнинг яхшиланиши, биринчи нав пахтанинг кўпайтирилишидан 148 минг сўм даромадга эришилди.

Деҳқончилик маданиятини юксак поғонага кўтариш туфайли хўжаликнинг пул даромади йилдан-йилга кўтарилиб борди. Натижада бўлинмас фонддаги маблағ ҳам тобора ортди. Масалан, 1966 йилда умумий даромад хўжалик бўйича 2 миллион 370 минг сўм бўлган эди. 1970 йилда хўжаликка келган пул даромади 3 миллион 400 минг сўмга етди. Бўлинмас фонддаги маблағ 600-700 минг сўмни ташкил этди. Хўжалик қишлоқларини шаҳар типида қайта қуришга киришилган эди. Бу иш ўз вақтида уddeланди. Ибратли изланишлар, илҳомланиш ёр бўлган деҳқонлар ва чорвадорлар турмуш тарзи эса янада чирой очди.

Идрок этса бошчи сенинг ибратингни,  
Янги ишга сарф этасан қудратингни.

— Ушбу ажойиб сатрлар ёдимга келганида энг аввал унинг муаллифи Чархий домлага, кейин Соиб ақага қойил қола-

ман, — деганди раис Фани Бобоёров сұхбатларимиздан бирида (1973 йил).— Шоир барибир шоир-да, закий-да, бу ердағоятда пурмаňно фикрни шеърга солған. Уни Усмонов үқиганми-йўқми, бундан хабарим йўқ, лекин бошқа нарсани яхши биламан: Соиб ака бетакрор идрокли одам, ибратни тез илғовчи, ибратдан айрича илҳомланувчи инсон. Биласизми, у кишининг республика телевидениесидан минглабмас, миллионлаб одамларга биз ҳақимизда алоҳида фахрланиб гапиргани, қолаверса, 1968 йили туманимизга раҳбар бўлгач, хўжалигимизга ташриф буюриб, Шаҳрисабзда сизларнинг хўжаликдай хўжалик, сизлардай ўз ишининг усталари борлиги учун ҳам мен бу ерга ҳеч иккиланмай ишга келдим, деган чин юрак сўзлари бизни ниҳоятда руҳлантирган, кучимизга куч, халқ шоири таъбири билан айтганда, қудрат қўшган.

Мен сизга айтсан, Соиб Усмонов фақат бизнингина эмас, бошқаларнинг ҳам ибратини ўз вақтида илғар, эътироф этар ва илҳомлантирарди. Ҳақиқий туман раҳбарига, Усмоновга хос бу хислат эса, Шаҳрисабз муваффақиятларига ўзига хос замин яратарди.

Энг аввало кўрсаткичлар — центнер, тонна, минг, миллионларнинг, режаларнинг асосий ижодкори бўлган халқнинг рух-кайфиятини, қўнглини, шароитини ўйлаб иш тутишга одатланган, муҳит соғломлиги учун курашни доимо муқаддас билган Соиб Усмонов эртани ҳам асло ёддан чиқармасди. Шу мақсадда туманда аввал узунлиги 25 км.дан иборат Седарак, Ўнг қырғоқ, Танхас, Пистахон каналлари қазилиб, бетонлаштирилди. Сўнг узунлиги 15 км бўлган Дўлана, Посбон, Қум, Хўжамурод бахши каналлари қазилди ва бетонлаштирилди. Иккита хўжалик (собиқ «Коммунизм» ва «Қизил ўлдуз»)да йирик сув шохобчалари барпо этилди.

1970 йил умуман туман тарихида алоҳида йил бўлиб қолади. Негаки, шу йили барча соҳалар бўйича бирдай залворли натижаларга эришилди. Шаҳрисабз дехқончилик маданияти юксалган туман сифатида яна бир бор ўзини кўрсатди. Масалан, паҳтакорлар неча йиллардан бўён орзу қилиниб келинаётган 55 минг тонналиқ улкан хирмон уюшга муваффақ бўлишди. Ҳар гектар ер ҳисобига йиғишириб олинган ҳосил 33 центнердан ошиб кетди. Галлакорлар ҳам паҳтакор дўстларидан қолишмади. Улар биринчи марта 8900 тонна сара дон йиғишириб олишди. Давлат омборларига 4500 тонна сабзавот, 1500 тонна полиз маҳсулотлари, 1850 тонна мева, 1500

тонна узум топширилди. Чорвадорларнинг изланишлари аввалги йилдагидан натижадор бўлди. Мисол учун гўшт етиширишда 1425 тонналиқ, сут тайёрлашда 4000 тонналиқ курсаткичга эришилди. Азал-азалдан умуман вилоятнинг юқори зонасида довруғ таратган туман пиллакорлари эса давлатга қарийб 350 тонна сара ҳосил сотдилар.

Етмишинчи йилларга келиб машхур Шаҳрисабз деҳқончилик мактабларининг чинакам давомчилари, шогирдлари сифатида майдонга чиққан Республика олий кенгаши депутатлари — Х.Холмўниова, М.Гуломова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакорлар — Ж.Жабборов, Т.Жўраев, шунингдек, П.Шербобоев, К.Рўзиев, Н.Раҳимов, И.Файзиевлар бош бўлган бригадаларда ҳар гектар ердан ўртacha 40-45 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Энг муҳими, бу далабошилар устозлари изидан бориб, ўзларини ишнинг кўзини биладиган, қийинчиликларни усталик билан енгиш қўлидан келадиган омилкор деҳқон сифатида намойиш этдилар. Уларнинг ҳар бири режа белгилаб, мажбурият олишдан олдин ички имкониятларни ҳисоблаб чиқадиган, фан-техника ютуқлари, илгор тажрибаларни ҳаётга татбиқ этишнинг чораларини кўришга қодир етакчи эди. Улар оз меҳнат ва маблағ сарфлаб, кўп маҳсулот олиш тадбирларини дадил амалга оширидилар ва машхур устозларидай, уларга муносиб натижаларга эришдилар.

Биз ана шу давр донгдорларининг бальзилари билан учрашиб, 1968 – 72 йилларда Шаҳрисабз тумани эришган ютуқларнинг, юксалишларнинг асосий илдизларини сиз қандай изоҳлайсиз, деб сўраганимизда, деярли бир хил мазмундаги жавоблар эшитдик ва бундан, тўғриси, хурсанд бўлдик.

Масалан, улардан бири «ҳеч ким инкор этолмайди, муваффақиятнинг биринчи сабабчилари, юзага чиқарувчилар шак-шубҳасиз энг қуйидаги масъуллар — ишловчилар, меҳнатчилардир, лекин бу зафарларда туман раҳбариятининг, хусусан, Соиб Усмоновнинг ҳам ҳиссаси катта», деган бўлса, иккинчиси, «туман раҳбаримиз – халққа, айниқса, оддий одамларга ниҳоятда яқин, меҳрибон етакчи, мен ютуқларнинг энг биринчи омилини шу деб биламан», деди қатъийлик билан. Учинчиси — ёши улуғроқ, давра кўрган Парда ака эса «Соиб Усмонов ўз атрофидаги, яъни ўзидан кейинги раҳбарлар, бош, етакчи мутахассислар билан foятда қалин эди ва уларнинг имкониятларидан оқилона фойдаланаарди,

мен муваффақиятнинг асосий илдизини энг аввало мана шу фактда кўраман ва биламан», деган фикрни айтди.

Кўпчиликнинг дилидаги гапни ифодалаган бу эътирофларга қўшилмасдан иложимиз йўқ эди. Чунки улар мамнуният или таъкидлаган фактларга биз ҳам гувоҳ бўлганмиз. Мисол учун Соиб ака Хоной Холмўминова бригадасига ташриф буюрса, ўзидан беш ёш катта бўлган дала маликасига «Хон опа – даласига жон опа!» деб мурожаат қиласади. Собиқ «Социализм» хўжалигининг бригадири Кўзи Рўзиевни доимо Кўчкорвой деб эркалаторди. Ўз даласида деҳқончилик мактаби яратган машҳур пахтакорни эса «Укам Шербобоев Парда, сизга доим зафар ёр-да!» деб руҳлантиради.

Хўжалик етакчисиданмас, балки туман раҳбаридан бундай яқинлик кўриб турганидан кейин ҳар қандай меҳнатчи ҳам бажараётган юмушидан афсус-армон қилмайди-да. Аксинча, демак, яхши ишлаётганим рост экан, бундан ҳам яхшироқ ишлашим керак, деган холосага боради, яъни ўз ишидан қониқади. Қаҳрамонимиз Соиб Усмонов эса мана шундай эзгу холосаларнинг ашаддий ишқибози, тарафдори эди.

У туман ижроия қўмитасининг раиси билан ҳам фақат иш юзасидан, расман гаплашиб юришни хуш кўрмасди. Ўз ишини пухта биладиган ва уддалаётган Мавлон Муҳаммадиевга баъзан дўстона ҳазиллашиб ҳам турарди. Шундай ҳазиллашувларнинг бирида унга ҳатто ютқазган...

Ўзидан бир ёш катта М.Муҳаммадиев асли Китоб туманининг Ўрис қишлоғидан эди. С.Усмонов эса Фузорнинг Эскибоғ қишлоғида туғилганди. Шунинг учун туман раҳбари баъзида ижроқўм раиси билан кўришиб, сўрашаркан:

— Мавлон Муҳаммадиевич, хўш, Москвада нима гаплар? — деб кулиб қўярди.

Шундай ҳазил такрорланиши мумкин бўлган кунларнинг бирида ижроқўм раисининг эсига Соиб Усмоновнинг туғилган қишлоғи келиб қолди.

Кутинганидек, сўрашиб бўлингач, қадрдони:

— Хўш, Мавлон Муҳаммадиевич, Москвада (қишлоқ номига ишора) нима гаплар? — деди табассум ила.

Ижроқўм раиси дарров:

— Соиб Усмонович, афсус, Эски боғлар қўпорилиб ташланибди, —деди.

Шунда туман раҳбари дилдан қаҳ-қаҳлаганича ўрнидан туриб, дўстининг қўлини оларкан:

— Ана бу бошқа гап, Мавлонжон ака, —дея тан берган.

Парда дәхқон фоятда ҳақ гапни айтган эди. Усмонов давридаги муваффақият, бу энг аввало, туман раҳбари асосий кадрларнинг имкониятларидан тўғри ва кенгроқ фойдаланганинг, қолаверса, янги имкониятларни (ишбошилар ва мутахассислардан) юзага чиқарганинг, кашф этганинг қувончли самараси эди. Иккинчидан, бу серзафар ўзгаришлар Усмоновга хос бўлган иш услубининг, яъни фанга, хусусан, қишлоқ хўжалиги илмиётига астойдил интилиб, унинг тавсиялари ва хulosаларидан фаол фойдаланиб, илғор тажрибаларга таяниб, қолаверса, ихтисослашган илмий-тадқиқот институтларининг минтақавий филиаллари ва бўлимлари билан чинакамига ҳамкорлик қилиб ишлашнинг конкрет натижаларидир.

Учинчи омил эса, туман раҳбарининг ўзига хос бошқарувчилик маҳорати, образли қилиб айтганда, раҳбарлик санъати эди. Аслида ташкилотчилик мана шу қобилиятдан бошланади. Бу салоҳият эса, Яратгандан берилган бўлади. Усмоновда Худо берган ана шу кайвоничилик иқтидори кучли эди. Бу истеъодод эса, ўзгалардан фарқли ўлароқ, кўпроқ меҳр билан йўғрилганди. Соиб ака Шахрисабз туманини неча йил бошқарган бўлса, халқ тили билан айтганда, биронта одамнинг бурнини қонатмади. Аксинча, қўл остидагиларни, тумандошларини илиқ сўз билан сийлади, яхши гап билан олқишлиди, энг муҳими, меҳрли муносабат билан мамнун этди. Бетабассумлик унинг учун бутунлай ёт эди. Яхши ишлаганини, ишлаётганни ўз вақтида маънан-руҳан рағбатлантирмаса туролмасди.

Ўзига, ўзининг имкониятларига боғлиқ бўлмаган ҳолда ёки бошқа бирон сабаб билан ёмон фаолият кўрсатиб қўйган одамни, айниқса, дәхқонни, оддий меҳнатчини учратганда эса асли койиниб, жаҳли чиқиб ўтирмасди, бошқа вазифадошларига, раҳбарларга ўхшаб, уни дарров қўпчилик олдида изза қилмасди. Билмаганга олиб ёки «ҳечқиси йўқ, мен бу одамнинг яхши ишларини ҳам биламан» деб ўтиб кетаверарди. Туман раҳбарининг ана шу биргина чин дил сўзи ўзини билган, фаҳм-фаросатли одамга ҳам сабоқ, ҳам рағбат бўларди.

Соиб ака далабошиларни, чорвачилик етакчиларини, бош мутахассисларни хўжалик раҳбарларидан кўра зиёда хурмат қиларди, яхши қўрарди, ҳимоя қиларди. Масалан, у далага ташриф буюрса, энг аввал бригадирни йўқларди.

Унинг халққа янада яқинлашишга бўлган интилишини исботловчи бир факт: Усмонов ўзи ҳузурига бораётган жамоа, учрашиши керак бўлган одамларнинг ишида, шахсий ҳаётида янгилик юз берган бўлса, уни албатта билган ҳолда келарди. Туманнинг биринчи раҳбаридан эшитган одам эса бундан беҳад шод бўлиб, бир қоп семириб кетарди. Бу факт баъзиларга бир арзимас нарсадек, майда-чуйдадай туюлади. Лекин бу Соиб aka учун катта ва керак нарса эди. Чунки у юқорида таъкидлаганимиздек, инсоннинг маънавий эҳтиёжини, рағбатини ҳар нарсадан юқори қўядиган, биладиган ва эъзозлайдиган раҳбарлардан эди!

Одамларга бўлган бундай эътибор, фамхўрликни муваффақиятнинг асосий омилларидан бири демасдан бўладими?!

Бир-биридан шарофатли омиллар туфайли 1971 йил ҳам Шаҳрисабз учун муваффақиятли бўлди. Барча соҳалар бўйича олдинги йилдагидан асло кам бўлмаган, айримларида ҳатто зиёда кўрсаткичларга эришилди. Даромад ҳам шунга яраша мўл-кўл бўлди. Натижада халқ турмуш тарзини, маданий-маиший ҳаётни, соғлиқни сақлашни янада яхшилашга қаратилган ишларни кескин кучайтиришга имконият туғилди. Масалан, 12 миллион 745 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етказилди. 4500 квадрат метр уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги иншоотлар — 1976 нафар ўқувчига мўлжалланган мактаб, 460 ўринли кинотеатр, 240 нафар кичкинтойларни ўз бағрига сифдирадиган болалар боғчаси, 400 киши bemalol ҳордиқ чиқарадиган дам олиш (Мироқида) уйлари туман ҳуснига ҳусн бўлиб қўшилди. Замонавий, қулайликларга эга бўлган дала шийпонлари кўпайтирилди.

Агар 1966 йилда соғлиқни сақлаш ишларига хўжалик ҳисобидан 256,5 минг сўм сарфланган бўлса, 1971 йилда ана шу мақсадлар учун 838 минг сўм маблағ ажратилди. 1968 – 71 йилларда «Қизил юлдуз» (собиқ) жамоа хўжалигида шифохона, Филон, Қизилэмчак, Оммағон қишлоқларида шифохона филиаллари, «Пахтакор», «К.Маркс», «Комсомол 50 йиллиги» (собиқ) хўжаликларида эса тутруқхоналар ишга туширилди. Чоршанбе ва бошқа бир қатор участка шифохоналарида ўринлар сони оширилди. Бир неча қишлоқда эса фельдшер-акушерлик пунктлари очилди.

Шаҳрисабзликлар бир фактни ҳеч эсдан чиқармайдилар. Гап шундаки, Соиб Усмоновнинг ташаббуси билан бу ерда

ҳатто заводлар кўпайтирилди. Танхас дарёси бўйида барпо этилган қум-шагал саралаш, шунингдек, асфальт заводлари етмишинчи йилларнинг ўрталаридан эътиборан бутун вилоятга хизмат қила бошлади. Деҳқон аёллар учун қулайлик яратиш мақсадида Ленин номли (собиқ) хўжаликда қурилиб, ишга туширилган, 160 нафар кичкингойга мўлжалланган болалар комбинати ҳам Соиб Усмоновнинг фаол қўллаб-куватлови ва ёрдами билан бунёд этилганди.

Одамларга, уларнинг ҳаётига, турмуш тарзига шундай диққат-эътиборли ва ғамхўр етакчининг тумани кўп қатори ёки ўртамиёна ишлаши мумкинми?! Йўқ! Шунинг учун ҳам туман олтмишинчи йилларнинг охири ва етмишинчи йилларнинг аввалига келиб, барча соҳалар бўйича шу вақтгача эришмаган юксак натижаларга – довонларга мусассар бўлди. Вилоят, республика миқёсида ўтказилган йиғилишларда энг илфор, энг олди, янада юксалган ва даромаддор туман сифатида тилга олинди.

Лекин Соиб Усмонов, юқорида таъкидланганидек, факат ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги деб қолган эмас, у саноат, тибиёт, маданият ва таълим-тарбия ишларининг ривожига, уларнинг халқقا хизмат даражасини мунтазам ошириб, яхшилаб боришга ҳам алоҳида эътибор берди.

— Худди биз каби, туман марказида жойлашган баъзи фабрикалар мисолида бир нарсанни яхши билардик, – дея ҳикоя қилганди Шахрисабздаги машҳур «Хўжум» бадиий буюмлар фабрикасининг ташкилотчиларидан бўлган, уни қирқ йил шон-шараф билан бошқарган Моҳинисо Жалолова (1994 йили). – Айрим туман етакчилари саноатнинг ўз мутасаддилари, эгалари, қолаверса, унга масъул шаҳар раҳбарияти бор, мен қишлоқ хўжалиги учун жавоб бераман, деб фабрикаларга умуман эътибор бермасди. Бергандаямномига, расмий бўларди. Соиб aka эса асло ундан раҳбарлар сирасига кирмасди. Биз «хўжум»чиларга ҳам алоҳида ҳурмат билан қарабарди. Фабрикамизга ташриф буюрса, «Хўжум»ни бутун мамлакат, қолаверса, ундан ташқарида ҳам билишади, шундай довруғли корхона билан хабарлашиш-аҳволлашиш, қўлдан келса ёрдамлашиш бизга шараф-ку, опажон, дея кўнглилизни кўтариарди. У кишининг қўллаб-куватлаши, конкрет кўмаги билан ўз даврида бир қатор муаммоларни ҳал қилиб олганмиз.

Тўғри, ўша вақтларда шаҳар раҳбариятининг бизга бўлган эътибор-муносабатлари яхши эди. Лекин Соиб аканинг дарь-

вати, ибрати билан бу эътибор-муносабат кескин кучайгандылыги ҳам факт. У киши ҳатто Қарши, Тошкент билан боғлиқ баязи муаммоларимизни ечишда бизга ёрдам берган. Шунинг учун фабрикамизнинг олтмишинчи йилларнинг охирине ва етмишинчи йилларнинг бошларидаги мұваффақиятида ажайиб инсон ва раҳбар Соиб Усмоновнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини ҳеч қачон инкор этмаймиз. Буни таъкидлашдан фаҳранамиз.

Ўзбекистон Республикасида хизмат күрсатған ўқитувчи Абдураҳим Жалилов Шаҳрисабзда халқ маорифи ва касб-хунар таълим мининг ривожига катта ҳисса күшгандын устоздир. У киши Соиб Усмонов туманга раҳбарлик қилған йиллари халқ таълими бўлимини бошқаради.

— Соиб аканинг ўта таълим парвар раҳбар эканига у киши ҳали вилоят ижроия қўмитаси раисининг муовини вақтидаёқ амин бўлғанман, — деда ҳикоя қиласи кекса мураббий.

— Шу боис устознинг туманимизга етакчи бўлиб келганидан бошқалардан кўра биз, маорифчилар чексиз хурсанд бўлғанмиз. Кўшни туманлардаги вазифадошу ҳамкаслари миз эса сизларга таълимни айрича севадиган ва қадрлайдиган раҳбар борди, деб бизга ҳавас қилишган.

Биз ўлагандай, кутилганидай, Соиб ака илк қунлариданоқ таълим-тарбия масалаларига алоҳида эътибор қаратган. Ҳеч ёдимдан чиқмайди. У киши туман раҳбари сифатида ўтказган дастлабки катта йиғилишларидан бирида ўз идораси, ижроқўм масъулларига, ҳўжаликлар ва ташкилотларнинг етакчиларига қараб: «Халқ маорифи бўлимидан, Абдураҳим Жалиловдан хабар олиб туриш, ёрдамлашиш ҳар биримизнинг бурчимиз, чунки улар бизнинг, сизларнинг болаларингиз тарбияси, камоли йўлида меҳнат қилишяпти», деган. Йиғилишдан сўнг эса мени ўз ҳузурига таклиф этиб, жиҳозларини янгилаш, кенгайтириш зарур бўлған мактабларни сўраган. Уларнинг маълумотини мендан олгач, дарров ижроқўмга ва бошқа тегишли расмий кишиларга топшириқ берган.

Орадан кўп ўтмай, яъни бу ишлар буткул амалга оширилиб бўлингач, мени яна кабинетига таклиф этиб, Абдураҳимжон, янгилаш лозим бўлған таълим даргоҳларининг рўйхатини, шунингдек, мактаб қуриш шарт бўлған жойларнинг манзилларини беринг, деган галини айтди. Бошим осмонга этиб, ўзимда йўқ қувониб, эртаси куниёқ рўйхат ва манзилларни етказдим. Бизда шу тариқа, кейинчалик «Янги мактаблар турку-

ми» деб номланган қурилиш бошланиб кетган. Биласизми, ана шу таълим масканлари қурилаётганда деярли ҳар биридан туман котиблари ва ижроқўм раиси мувовини қаторида Усмоновнинг ўзи ҳам хабар олиб турган. Биронта мактаб муддатидан кечикиб ишга тушмаган. Кўпининг очилишида у киши бевосита қатнашган ва белгиланган вақтда замонавий билим масканларини бунёд этиб, бизни, болаларни, уларнинг отоналарини, қолаверса, ўзини хурсанд этган қурувчиларга совғалар улашиб, миннатдорчилик билдирган.

У кишида бошқа вазифадошларида кам кузатиладиган бир ибрат бор эди: Бирон мактабга ташриф буюrsa, энг аввало синфхоналарга кириб, албатта, доска ва парталарни кўздан кечирарди. Ўзаро кўришганимизда эса кўпинча «бош муаллим, доска ва парталарнинг эскиргани кўзга ташланмаяптими?» деб сўраб кўярди. Бир гал менга шундай деётганда ёнимизда турган учинчи киши кутилмагандан: «Соиб Усмонович, шунга ҳам ташвиш чекяпсизми, болаларга янги партами, эскисими — барibir, уларга кўпи билан уч-тўрт соат ўтириб, сунниб кетадиган бир нарса бўлса бўлди-да», деди. Биласизми, ўшанда Соиб аканинг сал жаҳли чиққанини биринчи марта кўрганман. Устоз ҳалиги кишига дарров: «Биродар, кечирасиз, бола зийрак бўлади, у индамай кетиши, сиз эса буни барибирликка йўйишингиз мумкин. Лекин бола митти, губордан бутунлай йироқ кўнглида «эскирган, синик, майиб-мажруҳ партада ўтириб ўқидим» деган ўқинчни туоб кетса нима дейсиз? Менинг ҳам, Жалиловнинг ҳам, қолаверса, сизнинг ҳам эртамиз эгаси бўладиган болани ўқинтиришга асло ҳаққимиз йўқ. У фақат яйраб ўсиши ва ўқиши керак!» — деб жавоб берган.

Усмонов ўқувчиларнинггина эмас, балки ўқитувчиларнинг ҳам ғамхўри эди. Бирон муаллимнинг юбилейи бўладиган бўлса, у яқинда пенсияга чиққан устозми ёки оддий ўқитувчими, бундан қатъи назар, таклиф қилсан, котибини ёнига олиб ўзи ташриф буюради, ўзи келолмаса, котибини юборарди. Шу тариқа юбилияримиз туман раҳбариятининг иззатбахш, ширин сўзига, кутловига мусассар бўларди. Унинг ҳамкасларига ҳам қувонч улашиларди. Йил якунлари ёки бирон тарихий сана, воқеа муносабати билан республикадан, вилоятдан мукофотлар берилиши ҳақида олдиндан эшитса, аппарат ходимларига бошқа соҳаларнинг илфорлари қаторида энг яхши, хизмати катта маорифчиларнинг ҳужжатларини ҳам албатта тайёрлашни, рўйхатга кўшишни буюради.

Масалан, у кишининг ана шундай жонкуярлиги ва фаол қўллаб-қувватлаши билан туманимизда халқ таълимини ри-вожлантиришга, юксалтиришга улкан ҳисса қўшган устоз мураббийлар – Маҳмуд Каримов ва Шоим Худойбердиев «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ўқитувчи» деган улуф эътирофга сазовор бўлишганди.

Хулоса шуки, туманимизда етмишинчи йилларнинг бошида 66 мактаб фаолият кўрсатарди. Уларда 33 мингдан ортиқ бола таълим оларди. Ана шундай катта даврали Шаҳрисабз туманининг халқ таълими бўлими вилоятда етакчилардан ҳисобланарди. Бунда эса таълимпарвар раҳбар, муаллимлар меҳрибони Соиб Усмоновнинг ҳисссаси катта эди.

Шаҳрисабз аҳли, айниқса, ёши катталар бир фактни ҳамон алоҳида миннатдорчилик ва фаҳр билан эслашади. Соиб Усмонов бу ерда ишлаган даврда, атиги уч йил ичидага туманда 16 та кинотеатр қурилиб, ишга туширилган. Бундай маданиятпарварликни ёдламай ёки ундан гуурланмай бўладими?!

Мироқи, Фilon, Дукчи, Чорбог, Нушкент, Шаматон, Новқат, Оммағон, Синабоғ, Қорасув қишлоқларини шаҳрисабзликлар фахрланиб, «бизнинг минишаҳарчалар» дейишади. Ана шу гавжум гўшаларнинг янада ободонлашиши ва ўзгача чирой касб этишида туман раҳбари Соиб Усмоновнинг хизмати таъкиду таҳсинга лойиқ эди.

— Бунга туман ижроқўмининг ўша пайтдаги раҳбарларидан бири сифатида мен гувоҳ бўлганман, — дейди «Нуроний» жамғармаси бўлимининг етакчиси Боқижон Эргашев. — Устознинг фаровонликка эришиш, ободонлаштириш ва одамларнинг иш шароитларини яхшилаш борасидаги ибратларига яна иккита мисол: машҳур Эскиянҳор каналининг Шаҳрисабз туманидан ўтадиган қисмини бир ойда қуриб, битказиш режалаштирилганди. Ана шу тоғтда муҳим, долзарб иш Соиб аканинг бевосита раҳбарлигига 15 кун ичидаги ниҳоясига етказилган. 183 та дала шийпонининг шароитлари яхшилашиши жараённада уларнинг ҳар бирида шахсан устознинг ташаббуси, кўрсатмасига биноан маҳсус «Қизлар хонаси» ташкил этилган. Тушлик пайтида шийпонларда ўша даврда машҳур, сифатли «Саратов» унидан фойдаланиш шарт қилиб қўйилган.

Ҳа, илгари туманда деҳқончилик маданияти чинакамига юксалган бўлса, Соиб Усмонов даврида деҳқонларга хизмат кўрсатиш, ғамхўрлик қилиш маданияти ҳам янада гуркира-

ган эди. Шунинг учун ҳам биз устознинг таржимаи ҳолида «Шаҳрисабз йиллари» сифатида қайд этилган даврни ҳамиша мамнунлик билан, миннатдорчилик ила ёдга оламиз.

Азиз ўқувчи! Қаҳрамонимиз ана шундай ишбилармон, ташкилотчи, чинакам дехқонпарвар булиш баробарида ҳақиқатгўй, адолатпарвар ва принципial киши эди. Ўз позициясини ҳар қандай катта раҳбар олдида ҳам кўрқмасдан, баралла ҳимоя эта оларди. Хулосамизнинг исботи сифатида эътиборингизга худди шу даврда, Шаҳрисабз йилларида қайд этилган бир воқеани ҳавола қиласиз:

Республика пахта далаларида дефолиация қизгин давом этаётган пайтда туманга Тошкентдан катта раҳбарлардан бири ташриф буюради. Шунда, у, дала айланәётганда муҳим дехқончилик тадбири – дефолиацияга Шаҳрисабзда ҳанузгача киришилмаганини кўриб, сабабини суриштирмасдан, жаҳли чиқиб кетади, бизга қаршимисиз ҳали, бу ишнинг моҳиятини, пахтачиликни билмайсизми, мазмунида қўпол муомала қиласиди, ҳатто туман раҳбарининг изоҳини эшлишини хоҳламайди. Шунда, Соиб Усмонов:

—Ака, онам мени далада, пайкалда туққан, дехқончиликка асло бегонамасман! — дейди-да, дефолиацияга киришилмай турилганининг конкрет сабабини, ҳозир киришилса, охир-оқибат фойдамас, балки зарар кўришларини, буни эса, туман раҳбари сифатида асло истамаслигини айтади.

Тошкентлик катта раҳбарнинг муомаласи кескин ўзгаради. У ичидан жойлардаги аҳволдан бехабар эканлигини тан олган эди.

Лекин, афсуски, Соиб Усмоновнинг беғараз дадиллиги унга оғир ботганди...



---

## БЕШИНЧИ БОБ

### ЭЙ ЧҮЛ, СЕНИНГ ТУРФА ГУЛИНГДАН...

Ҳеч кутылмаганда, 1972 йилнинг 25 февраль куни кеч-курун Қаршидан вилоят раҳбари ятининг масъули С. Усмоновга телефон қилиб, эртага туманингизда пленум ўтказамиз, тайёргарлик кўринг, одамларга хабар қилиб кўйинг, деди.

— Қанақа пленум? У ҳақда мен энди эшитаётган бўлсанм, маъруза тайёрлашим керак, унга улгуриб бўладими? — ажабланди туман раҳбари.

— Улгурасиз, биродар, бу маъруза қилинмайдиган пленум бўлади. — Қаршилик масъул шундай деб сўзлашгич гўшагини кўйиб кўйди.

Кутылмаган бу хабардан у ҳайрон бўлиб қолганди. «Туман тинч бўлса. Эски йилда барча соҳалар муваффақиятли якунланиб, янги йилга тайёргарлик аллақачон, ўз вақтида бошлаб юборилган бўлса. Одамларга йиллик даромадларни улашишда ҳеч қандай кечикиш, камчилик юз бергани йўқ. Қиши пайтида шаҳарда ҳам, қишлоқларда ҳам қийинчилик сезилмади. Умуман, ҳалқда ҳеч қандай шикоят йўқ. Нега пленум ўтказиш шарт бўлиб қолди? Унга нима сабаб бўлиши мумкин?»

У ўйланиб-ўйланиб, охири вилоятнинг биринчи раҳбариға сим қоқди. Унинг қўнгироқ қилишдан муддаосини, саволини эшитган вилоят раҳбари аввал:

— Соиб Усмонович, сизни кўтармоқчимиз, Тошкентга сўрашяпти сизни, — деди. Унинг сўзларидан сохта кулгуси, пичинги сезилиб турарди.

— Унақа бўладиган бўлса мени олдин пойтахтга, маҳсус сухбатга чақиришарди-ку, номига бўлсаям, розилигимни сўрашарди-ку? — ҳайронликда давом этди у.

Вилоят раҳбари гапнинг чўзилиб кетишини хоҳламай, «дўқ» этган жавоб қилди:

— Ўртоқ Соиб Усмонович, пленум чақириш фикри Тошкентдан, шахсан «Катта»дан чиққан, унинг қандай мақсадда ўтказилаётганини ҳам у киши билади. Бошқа гапларни эртага Шаҳрисабзга борганимда, кўришганимизда айтаман. Хайр, омон бўлинг.

Эртаси куни, яъни пленум бошланишига саноқли дақиқалар қолганда туманга етиб келган вилоят раҳбари яна ихчам изоҳ берди:

— Икки кун бурун шахсан «Катта»нинг ўзи менга қўнфироқ қилиб, «Қаршиқурилиш» бошқармасида сиёсий-тарбиявий ва маданий-маърифий ишларни кучайтиришимиз, унга ёрдам беришимиз керак, у ерга сиздан фақат Соиб Усмонов муносиб, деган фикрни айтди. Бу менгаям, сизгаям — топшириқ. Сўзсиз бажаришга мажбурмиз.

У «топшириқ»нимас, «Қаршиқурилиш»га ёрдам беришимиз керак», деган сўзни эшитиб, жим қолди.

Пленумда уни «бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан» туман раҳбарлигидан озод қилишди.

Вилоят раҳбари Шаҳрисабзнинг янги етакчисини яна бир бор табриклаб, янги ишда муваффақият тилаб, хайрлашаркан: «Бекмуроджон, бу ер — машҳур жой, бу ерга ҳамма — хорижликлар ҳам, Соиб Усмонович яхши билади, ҳатто тошкентлик катта раҳбарлар ҳам келишга ошиқишиади. Барчаси бирдай илиқ таассурот билан, яъни «эли бой<sup>1</sup> экан» деб кетса — бўлди», — деб ҳазиллашди.

Вилоят раҳбарини кузатганларнинг деярли барчаси ушбу ҳазил билан «маст» бўлиб қолган эди. Унинг хаёлини эса, дабдурустдан айтилган «Соиб Усмонович яхши билади» деган сўзлар беихтиёр қамраб олганди.

«Тушунарли, — ўйлади у. — Вилоят раҳбари бу сўзни ё билмасдан гапириб юборди, ё шу баҳона атайн, менга тегдириб эслаб ўтди. Чунки ўшанда бу ерга ташриф буюрган пойтахтлик раҳбарнинг аҳвол билмасдан, суриштирмасдан қилган дағал муомаласига берган жавобим меҳмонга ёқмаганди, у киши (вилоят раҳбари) гўё хижолат бўлганди. Ҳатто меҳмонни кузатгач, эртасига мени Қаршига, ҳузурига маҳсус чақириб, Соиб Усмонович, кеча «катта» нинг олдида сиз ҳам бироз катта кетдингиз, фикрингизга мен ҳам қўшиламан, лекин у устозга ёқмади. Шунинг учун, илтимос, юқори

<sup>1</sup>Туманнинг янги раҳбари Бекмурод Элбоев эди.

раҳбарлар қўйидан бўладиган дадилликни ёқтирмасликлари-ни доимо ҳисобга олинг, деганди. Кейин, мийигида кулиб, дадиллик бизнинг давримизда фақат «катта»ларга хослиги-ни ва уларга мумкинлигини асло унутманг, биродар, дея ўз сўзини тугатганди».

Унинг дадиллиги кутилмаганда, негадир «катта гаплик», «манманлик» дея қабул қилинганди. Шунинг учун Тошкентга қайтиш билан бунга жавоб қайтариш хақида ўйдана бошланди. Ҳатто, бошқалар ҳам «ҳисса» қўшиши натижасида, Соиб Усмонов тўғрисидаги яхши тасаввурлар, хulosаларга дарз кетказишга муваффақ бўлинди. Охир-оқибат, унинг биринчи раҳбар сифатида мустақил ишлаши мақсадга муво-фиқ эмас, деган нотўғри хulosага ҳам келинди. «Кўпроқ дадил ва озроқ содда» (дўстлари таърифи) Соиб Усмонов буни кейинчалик, баъзи давралардан эшишиб, англаб, тушу-ниб етди.

Лекин Соиб Усмонов «Қаршиқурилиш» бошқармасига ишга ўтганидан асло афсус қиласади. Аксинча, курсанд бўлди. Чунки бу ерда ўн йил бурун бошланган фоятда кенг ҳажмли, шарофатли, тарихий ишга шу юртнинг фарзанди сифатида бошқалар қатори мен ҳам барибир ҳисса қўшишим керак, деган эзгу фикр кўнглида бор эди. Иккинчидан, чўлкуварларга етакчилик қилаётгандарнинг аксарияти билан aka-ука-дай қадрдон, қалин дўст эди. Баъзилари ўзини устоз деб ҳисоблашларини ҳам яхши биларди. Бундай яқинлик вилоят ижроия қўмитаси раисининг муовини вақтида кучайганди. Учинчидан, энг муҳими, «Қаршиқурилиш» бошқармасининг бошлиғи — ажойиб инсон, моҳир мутахассис ва изланувчан раҳбар Ҳабибулла Шоғазатовни яхши билар эди. Шунинг учун бу ерда ишни бошлаётганида ундан кўра Ҳабибулла Абдумажидович курсанд бўлиб кетди.

— Ҳажми тобора ошиб бораётган шундай масъулиятли ишни, давраси кундан-кунга катталашиб, кенгайиб бораётган жамоани эплаб кетишида қийналиб қолмасмиканман, деб аввал қўрқсан бўлсам ҳам, энди асло қўрқмайман, негаки ёнимда сиз бор, Соиб Усмонович, —дея дарров юрагидагини тўкиб солди бошлиқ.

Улар бошлиқ котибаси дамлаб кирган кўк чой устида суҳбатлашиб ўтиришди.

Донишмандлар айтганидай, кўнгил дафтари фақат чин дўстга ёйилади-ёрилади, шунга муюссар бўлинганида, ёйил

маса-ёрилмаса, у ёниб кетади. Соиб Усмонов ҳам биринчи гурунгдаёқ дўстига дилини ёрди – Шаҳрисабздан «кўтарилиш»га туртки бўлган воқеани гапириб берди. Уни дикқат билан эшитган Ҳабибулла Шоғазатов:

— Соиб Усмонович, ўзингиз ҳам юқори зонада туриб, янада юқорилаб, гуриллаб кетувдингиз-да, – деди самимий кулиб. Сўнг жиддий оҳангда давом этди: – Сизнинг баъзиларга «катта гаплик» бўлиб кўринган, туюлган ўша дадиллигинги ҳеч қачон айб, камчилик эмас. Аксинча, ютуқ, ибрат. Унинг бошқаларда сустлиги, баъзиларида умуман йўқлиги – айб ва хато. Бир таниқли ёзувчимиз: «Ғанимларимга раҳмат, мени сергаклантирди», деб ёзганидай, бу «тарих» бизга – сизнинг дўстларингизга ҳам ўзига хос сабоқдир.

Бошлиқ ўзига сиёсий-тарбиявий ва маданий-маърифий ишлар бўйича масъул – муовин этиб тайинланган Соиб Усмоновдан биринчи навбатда бошқарма ҳудудидаги соғлом муҳитнинг барқарорлигини таъминлашни, чўлқуварларнинг иш ва яшаш шароитларини янада яхшилашни, кадрлар камоли масалаларига алоҳида эътибор беришни илтимос қилди.

Қирқ беш ёшли янги муовиннинг бу соҳада айниқса, вилоят ижроқўмида ишлаганида бой тажриба тұплаганлиги, қолаверса, у ана шу катта идора масъули вазифасида фаолият кўрсатаётганда Қарши чўли шаҳарчалари ва қишлоқларини яқиндан билишга улгурғанлиги қўл келди. Масалан, у энг аввало беш йил бурун «Қаршиқурилиш» бошқармаси ҳудудида халқ турмуши ва ободонлаштириш бўйича бошланган ишлар қаерда, қандай якунлангани ва давом этаётгани билан обдан танишиб чиқди. Нишон шаҳарчасида курилаётган кўп қаватли уйлар ўз вақтида фойдаланишга топширилганидан, «Дўстлик» шаҳарчасида йирик шаҳарларницидан қолишмайдиган улкан, чиройли магазин аллақачон иш бошлаганидан қувониб кетди.

Қарши – Бишкент йўлининг чап томонида жадал қурилаётган тураржойларни, Касби туманининг маркази Муғлон шаҳар типидаги қўрғончага айланганини, аниқроғи, бу ерда Пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг вилоят филиали, олтита кўп қаватли, 39 та икки квартирали, 140 ўринли болалар бօғчаси, 240 кичкинтойга мўлжалланган болалар комбинати, ҳунар-техника билим юрти бинолари бунёд этилганини кўрганда эса бир таниқли шоирнинг иборасини эслаб, хурсанд бўлганидан ҳамроҳига қараб: «Йўлдошjon, яқин

келажакда Қарши чўли тамоман экинзорларга, бофу роғларга айланишига ким ишонмайди?!» деб юборди беихтиёр.

У илк айланиши вақтида баъзи жойларда қурувчилар обьектларни ўз вақтида топширишга шошилиб, сифатсизликка йўл қўйишганинг ҳам гувоҳи бўлди. Лекин бу бинокорлар кимлигини аниқлашга ёки улар таниш бўлса дарров навбатдаги иш жойларига бориб, сифатсиз иш бажариб кетибсизлар, деб танбеҳ беришга шошилмади. Янги обьект манзили ва у ерда ишлаган бригадани ён дафтарчасига қайд қилиб қўйди, холос.

Соиб Усмонов қаерда ишламасин, оналаримиз ва бўлаҗак оналаримиз, дея эъзозлайдиган хотин-қизлар ва уларнинг иш, яшаш шароитларига алоҳида эътибор берарди. Чўлда ҳам худди шу одатига, ибратли анъанасига содик қолди.

Етмишинчи йилларнинг бошида Қарши чўлида меҳнат қилаётган 14 мингдан ортиқ ишчи, хизматчи, муҳандис-техник ходимлар сафида 3 мингдан ортиқ хотин-қиз фаолият кўрсатарди. Уларнинг орасида ҳатто участкаларнинг бўлим бошлиқлари, мастерлар ва бригадирлар бор эди. Чўл маликаларининг қарийб ярми қурилишда тер тўкарди. Қолганлари эса транспорт ва саноат корхоналарида меҳнат қилишарди. Уларнинг сафида Вера Герасимова, Людмила Резникова, Александра Куликова, Марья Дидочкина, Нина Глазкова, Зинаида Радченко, Нина Циганкова каби номлари чўлкуварлар даврасида ҳурмат билан тилга олинадиган қиз-жуонлар ҳам бор эди.

Ҳам уй-рўзғор ташвишларига, ҳам умум ишига фаол камарбаста бу аёлларга «рўзғор ташвиши — уй маликалиқ вазифаси, кўпчилик қатори ишлаётган бўлса, маошини ўз вақтида олаётган бўлса бўлди-да, уларга яна нима керак?» дея муносабатда бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ эди. Чунки уларнинг кўпи ўзга юрглардан, яъни ўз юргларини тарк этиб, бу ерга, чўлга келиб, эркаклар, йигитлар қаторида, қийинчиликларга қарамай, умумхалқ ишида жонкуярлик кўрсатаётган жасур хотин-қизлар эди. Негаки, уларнинг, ҳатто чўлкуварларнинг рафиқалари сифатида ишламаётганларининг бошқарма ҳудудидаги соғлом муҳитга қўшаётган ҳиссасини ҳеч ким инкор эта олмасди.

Буни Соиб Усмонов яхши биларди ва тушунарди. Шунинг учун уларнинг иш шароитларидан тортиб, дам олиш пайтларида ўқишлиари мумкин бўлган газета-журналларгача

қизиқди. Масалан, Шаҳрисабзда бошлаган ташаббусини давом эттириб, йирик иш участкаларида, чўл шийпонларида маҳсус «Хотин-қизлар хонаси» жорий эттириди. Ҳар бир шаҳарчада аёллар сартарошхонаси булишига алоҳида эътибор қаратди. Рус тилида чиқадиган «Работница» каби даврий нашрларга трестлар ҳисобидан доимий обуна йўлга қўйилди.

Шу ўринда республика телевидениесининг бир кўрсатувини беихтиёр эсладим. Ўша даврда тележурналистлар хотин-қизларнинг анъанавий байрами кунлари студияларида илгор замондош аёллар билан мулоқот уюштиришганди. Даврага «Қаршиқурилиш» бошқармаси вакиласи сифатида таклиф этилган пардозловчи Марья Дидочкина телебошловчининг «Чўл — ўз оти билан чўл, шундай экан, унда қийинчиликлар булиши табиий, тўғрими?» деган саволига қуидагича жавоб берганди:

— Саволингизнинг биринчи қисми тўғри, чинданам биз чўл деган поёнсиз гўшада яшаяпмиз ва ишляяпмиз. Лекин саволингизнинг иккинчи қисмидаги фикрингизга қўшилмайман. Чунки биз, чўл аёллари қийинчиликдан деярли йироқмиз. Иш ва турмуш шароитларимизнинг яхшилигидан фақат мақтанишимиз мумкин. Биласизми, биз чўлда яшаб, ишлаб, ҳатто маникюр хизматидан ҳам бебаҳра эмасмиз. Кечирасизу, қийинчилик — сизларнинг бизнинг қадрдон чўлни ҳамон машаққатлар майдони, деб билишларингизда, чўлдан узоқликларингизда.

Пардозловчи аёлнинг ана шу дўстона, ҳазил эътиrozла-ридан сўнг телевидениеда Қарши чўлидан бир нечта репортаж берилган. Ушбу туркум кўрсатувларнинг бирида «Қаршиқурилиш» бошқармаси раҳбарларидан бири сифатида интервью берган Соид Усмонов эса, чўлнинг чинакам маликалари — илгор хотин-қизлари ҳақида гапира туриб, жумладан, шундай деганди:

— Серофтоб Қарши чўли бугун ўзининг ойларига ҳам эга. Паҳтакор Тўлғаной Норбўтаева ана шуларнинг ёрқин тимсоли. Чўлни ўзлаштиришда эркаклар, йигитлар қаторида ўзини кўрсатган бу синглимизга элимиз юксак ишонч билдирганди. У — Олий Кенгаш депутати. Энди биз, «Қаршиқурилиш» бошқармаси раҳбари этиб тайинланди. Қарши магистрал канали орқали Амударёдан сув оладиган унинг хўжалиги бу йил (1974 йил) 3000 гектар майдонга чигит экишни кўзлаяпти.

Бундай ибратли, жасоратли аёлларимиз билан фаҳрланмай, уларга ёрдам бермай, улар учун курашмай бўладими?!

Мен Тўлғаной Норбўтаева билан учрашганимда, опага аввал Соиб аканинг ана шу телечиқишини эслатдим.

— Биласизми, — дея бирдан хотирасини бошлаб юборди машхур чўлқувар пахтакор, — устозни телевизорда кўриб, сўзини эшитгач, кўзимдан беихтиёр ёш чиқиб кетган. Ҳа, Соиб ака мисли ёзувчилардай сўзга уста эди. Шунинг учун бир қалин дўсти шоир Усмон Носирга ҳавас қилиб, у кишини «Бизнинг Соиб Усмон» деганига ўзим гувоҳ бўлганман. Ҳақиқатан ҳам устоз биз, чўл аёллари учун курашарди. Бошқаларни кўйиб, ўзим мисолида гапира қолай.

Тўгри, мени сал олдинроқ ажойиб инсон ва раҳбар Ҳабибулла Шоғазатов ҳамда унинг шогирдлари хўжалик раҳбарлигига тавсия этган эдилар. Лекин менинг ҳақиқий хўжалик бошлиғи сифатида, айниқса, дунёқарашим кенгайишида, сиёсий жиҳатдан шаклланишимда Соиб аканинг ҳиссаси жуда катта бўлган. Кечаги қишлоқи бир аёлнинг Иттифоқ (собиқ) Олий Кенгашига депутатлигининг масъулиятини ўйлаб, тасаввур қилиб кўринг! Ана шундай масъулият менга насиб қилган дамларда кунимга энг аввало устоз яраган. Тўғриси, депутатликнинг бутун маъно-мағзини (хукуқ, бурчларини, имкониятларини, имтиёзларини) Соиб аканинг ёрдами билан мукаммал билиб олганман. Олий кенгаш сессияларига, сайловчилар билан учрашувга тайёрланишда ҳам асосан у кишининг маслаҳат ва йўл-йўриқларига таянардим. Сессиялардаги бўлажак русча сўзимни ҳам устознинг кўрсатмалари асосида, кўмаги билан олдиндан ҳозирлаб кетардим. Соиб ака Москвада сўзлаганда биринчи навбатда ўзбекистонлик чўлқуварларнинг, ўзбек аёлларининг вакили эканлигимни кўпроқ билдириб, иложи бўлса, ургу бериб гапиришимни алоҳида уқтиради. Сессияларда жўяли фикр сифатида эътироф этилган таклиф-мулоҳазаларни олдиндан пишишиб, тинқлаштириб олишимда у киши ҳам раҳбар, ҳам устоз сифатида доимо жонкуярлик кўрсатган.

Шу боисдан хўжалик раҳбари ва депутат сифатидаги фалиятимни меҳрибон устоз Соиб Усмоновнинг ёрдамисиз тасаввур қилмаганман ва буни ҳозир ҳам миннатдорчилик ҳамда фаҳр ила таъкидлайман.

Соиб ака шогирдларининг сиёсий жиҳатдан шаклланиши, камоли учунгина эмас, балки умуман уларнинг, қўл

остидағиларнинг тақдири учун ҳам фаол курашарди. Масалан, эру хотиннинг арзимаган уриш-жанжаллари, хафагарчилиги сабабли бузилиб, бутунлай парчаланиб кетиш ёқасига келиб қолган қанчадан-қанча оиласар у кишининг чинакам кайвониларча қылган жонкуярлиги туфайли сақланиб, қайта изга тушириб юборилмаган дейсиз. Бошқа қавмдан, бошқа миллатдан, деган сохта баҳоналар билан бир-бирига етишолмай юрган күплаб бұлажак келин-куёвлар устоз шарофати билан баҳтли бўлишган, десам асло лоф деб ўйламанг. Шўхлик қилиб, алданиб ёки жаҳл устида илк бор айб қилиб, жиноят содир этиб қўлга тушган, жазоланса, бутунлай бадном бўлиб кетиши мумкин бўлган бир неча ёш Соиб аканинг аралашуви билан, тўғрироғи, кафилликка олиши билан сақлаб қолиниб, тузатиб юборилган.

Устознинг ёшларга бўлган алоҳида эътибори, меҳрибонлиги ва фамхўрлиги хусусида эса соатлаб гапириш мумкин.

1973 йилга келиб, чўлқуварларнинг сони 15 мингдан ортган бўлса, уларнинг олтмиш фоизини ёшлар ташкил этарди. Улар чўлдаги 80 дан ортиқ қурилиш ташкилотларида фаолият қўрсатишарди. Ёшларнинг орасида Тошкент Политехника, Кишлоқ ҳўжалигини механизациялаш ва муҳандислик институтларини муваффақиятли битирган Неъмат Шукров, Иброҳим Бердиев, Омон Суяров каби моҳир мутахассислар, таниқли чўлқуварлар бор эди. Қурилишдаги ёш мутахассислар тобора кўпайиб борарди. 1971 йилда олий маълумотли 70 мутахассис, ўрта маҳсус маълумотли 427 мутахассис ишлаган бўлса, 1972 йили бу рақам икки бараварга ошганди. Маҳаллий ёшлар сафига Болтиқбўйи, Кавказорти, Қозогистон Республикаларидан, ҳозирги Санкт-Петербург, Нурек, Красноярск ва бошқа шаҳарлардан 300 дан ортиқ ёшлар ўйлланма билан чўлга келишганди.

Ана шундай кенг даврали, турли миллат вакиллари уюшган, ҳатто ўз илфорлари, машъаллари бўлган «армия»нинг етакчиси — Ёшлар қўмитасига раҳбарлик қилиш, қўмаклашиш ҳам Соиб Усмонов ва унинг командасининг зиммасида эди.

У, бошқарма кадрлар бўлими ва барча қурилиш ташкилотларининг ишчилар қўмитасини ўз мақсадига янада фаолроқ хайриҳоҳ, ҳамфикр қылган ҳолда, биринчи навбатда ёш кадрларни танлаш ва тарбиялаш, уларни жойлаштириш масалаларига алоҳида эътибор берди. Мисол учун, Қарши чўлида-

ги объектлардаги ёшлар бригадалари (75 та)нинг сони тағин ҳам оширилди. Кечаю кундуз тиним билмай иш олиб борадиган мазкур жамоаларнинг пешқадамлари — Ниёз Тоштимиров, Анвар Жалилов каби ёшлар бригадаларининг ибрати, тажрибалари бошқаларга намуна қилиб кўрсатилди, маҳсус варақалар чиқарилиб, ташвиқ этилди.

«Қаршикурилиш» бошқармаси кадрлар тайёрлаш бўйича ўзининг базасига эга эди. Қарши шаҳридаги политехникум, Шаҳрисабздаги қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш техникуми, вилоят марказидаги малакали ишчилар тайёрлайдиган ўқув комбинатлари ана шу базани ташкил этарди. Ушбу масканлар ҳар йили юзлаб кадрлар тайёрлаб, уларни чўлқуварлар сафига қўшиб бораради. Соиб Усмонов ташаббуси билан техникумлар ва ўқув комбинатига эътибор ҳар қачонгидан кучайтирилди. Билим даргоҳлари янги ўқув жиҳозлари билан таъминланиб, устоз ва талаба-ўқувчиларнинг яшаш шароитлари янада яхшиланди. Бўлажак кадрларнинг бу ердан кутилганидай, чинакам мутахассисликка эга бўлиб чиқишилари маҳсус назоратга олинди. Яъни дарс ва машгулотларнинг сифатли, юксак савияда олиб борилиши қатъий қилиб қўйилди. Ҳатто Соиб Усмоновнинг таклиф-ташаббуси билан техникумларда тошкентлик таниқли домлаларнинг (Политехника, Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтлари вакилларининг) келишилган вақтда ўтадиган «Сафар сабоқлари» ташкил этилди.

Ҳозир кексалик гаштини сураётган собиқ чўлқуварлар билан учрашиб, сұхбатлашсангиз, «Қаршикурилиш» ёшларининг Таллимаржон шаҳридаги Маданият саройида уюштирилган (1973 йил охирида) йиғилишини алоҳида ургу бериб таъкидлашади. Ушбу анжуман Соиб Усмоновнинг ташаббуси билан ташкил этилганди.

— Ўшанда шу вақтгача ишдаги ибратлари, муваффақиятлари юзасидан фақат бригадирлари ва трестлари етакчилалининг «балли!» ларидан баҳраманд бўлиб юрган пешқадам ёшларнинг бошқарма бошлигининг ўзлари ҳақида билдириган чин юрак сўзларини, эътирофларини, олқишиларини эшитгандан кейинги кувончларини кўрсангиз эди, — деганди Миришкор канали қурилишида иккинчи участка ёшларига етакчилик қилган Эркин Мирзаев. — Тұғриси, мен ўшанда тәңгдошларимни кузатиб ўтириб, дилдан миннатдор бўлиб айтилган «Баракалла!», «Сизлардан мамнунмиз», «Сизларга

ишонамиз» каби сўзлар ўз эгаларига ўз вақтида, ўз жойида етказилса, нечоғлик қиммат касб этишига, аниқроғи, инсонга айрича маънан-руҳан куч багиашлашига гувоҳ бўлганман. Менимча, «Қаршиқурилиш» муваффақиятининг илдизларидан бири худди мана шунда эди. Яъни чўлқуварлар моддий томондангина эмас, балки маънавий жиҳатдан ҳам доимо фаол қўллаб-кувватловга, фамхўрликка муссар эдилар. Бундай эътибор, айниқса, Соиб Усмонов масъуллиги пайтида ниҳоятда кучайган.

Чўлқувар ёшлар етакчисининг сўзига тасдиқ-илова: Қарши магистрал каналининг бош қисми ва Миришкор каналининг ишга туширилиши муносабати билан бошқарманинг бир гурӯҳ илфорларига давлат мукофотлари — унвон ва республика Фахрий ёрлиги берилмоқчи бўлингандада бу ишга, яъни тавсияга бевосита масъул Соиб Усмонов уларнинг иложи борича кўпроқ кишига, биринчи навбатда оддий меҳнатчиларга, жумладан, ёшларга ҳам насиб қилиши учун интилган.

Ана шу эзгу ҳаракат, бошқарма раҳбариятининг қўллаб-кувватлови натижасида бульдозерчилар — Олимов, Мармуқанисиён, Худойбердиев, кончи Тошевлар «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган механизатор», мастер Муродов «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган энергетик», муҳандис Тушин «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор» унвонларига, бир гурӯҳ чўлқуварлар эса Республика Олий Кенгашининг Фахрий ёрлиғига сазовор бўлишган.

Етмишинчи йилларнинг иккинчи ярмига келиб, Соиб Усмонов раҳбарлигидаги сиёсий-тарбиявий ва маънавий-маърифий ишлар қўмитаси кадрларни танлаш ҳамда жой-жойига қўйиш борасида бошқарманинг ҳақиқий таянчига айланди. Ички интизомни мустаҳкамлашга янада кўпроқ эътибор қаратилди. Қурилиш ташкилотлари, транспорт, алоқа ва саноат корхоналарини асосан ўз соҳасининг чинакам билимдони бўлган кишилар бошқаришига эришилди.

«Сувқурилиш» трестининг етакчи ташкилотларидан бири ҳисобланган тўққизинчи қурилиш-монтаж бошқармаси кутилмаганда қолоқликка юз тутиб қолди. Бу қолоқликнинг сабаблари ўрганилиб, унга ишбилармон мутахассис Н. Власов бошлиқ қилиб юборилди. Орадан кўп ўтмай, мазкур ташкилот қаддини ростлаб олди. «Зовурқурилиш» трестида ҳам кадрлар таркиби анча яхшиланди.

Курилиш ташкилотлари, транспорт ва саноат корхоналари маъмурияти олий маълумотли ишбилармон мутахассислар билан мустаҳкамланди. Соиб Усмонов қўмитасининг таклифи билан қарийб 90 нафар кадр ташкилотларга раҳбарлик ишларига қўйилди. Масалан, тажрибали муҳандис И.Бердиеv «Сувқурилиш» трестининг саккизинчи қурилиш-монтаж бошқармасига бошлиқ қилиб юборилди. У бориши билан ишда ўзгариш юз берди. Йиллик режа ортиги билан бажарилди. Олтинчи насос станциясининг биринчи навбати ишлари тугалланди.

Ишчан кадрлар сонининг кўпайиши билан бирга чўлкуварлар ўртасида уларнинг обрўйи ҳам ошиб борди. «Зовуркурилиш» трестига қарашли ўнинчи механизациялашган ишлар бошқармаси бошлиғи Ҳ.Эгамбердиеv, «Қаршисаноат уйжой қурилиши» трестининг сардори Б.Чаркин, тўртинчи автотранспорт корхонасининг раҳбари Н.Хайруллаев, «Сувқурилиш» трестига қарашли ўн биринчи механизациялашган ишлар бошқармаси бошлиғи О.Суяров, шу трестга қарашли еттинчи қурилиш-монтаж бошқармаси етакчиси П.Паклар ана шундай обрў-эътиборли чўлкувар раҳбарлардан эди. Уларнинг аксарияти ўзини Соиб Усмоновнинг шогирди деб биларди. Мисол учун П.Пак («Чўл ўлкаси» газетасида босилган мақоласида (1975 йил, январь) у кишини алоҳида эҳтиром билан «менинг чинакам раҳбар сифатида шаклланишимда катта ҳиссаси бор устоз» деб қайд этади.

Лекин Соиб Усмонов етакчилигидаги қўмита раҳбар кадрларга нисбатан талабчанликни асло сусайтирган эмас. Маъмурият томонидан ишониб топширилган масъулиятли ишни, қолаверса, ўзининг обрў-нуфузини барбод берган вазифадорлар хусусида раҳбариятга вақтида ўз хулосасини айтди. Масалан, «Совхозқурилиш» трестига қарашли олтинчи механизациялашган кўчма колонна бошлиғи Р.Елисеев ўз имкониятларидан тўғри фойдалана олмаганилиги, ўзига ортиқча баҳо бериб, бошқалар фикри билан ҳисоблашмай қўйгани учун лавозимидан озод этилди.

Худди шундай талабчанлик туфайли бошқарма ҳузуридаги сиёсий маориф уида ишлар кескин кучайтирилди. Уни малакали бошқариш ва бу ердаги ишларни тўғри йўлга қўйгани ҳолда давом эттиришда мудир Б.Ботировнинг ҳиссаси ва хизмати катта бўлди.

Сиёсий-тарбиявий ва маданий-маърифий ишлар қўмитаси асосий эътиборни турли миллат вакилларидан иборат чўлку-

варлар даврасидаги дүстликни янада мустаҳкамлашга, уларнинг сиёсий, маънавий, ҳуқуқий тушунчаларини бойитиб боришга, касаба уюшмалари ва ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорликда иш куришга қаратган ҳолда фаолият юритди, бу меҳнат жамоаларида беллашиб ишлашни ўз вақтида рағбатлантириш, ишда уюшқоқликни таъминлаш, ҳамманинг аниқ ва ягона мақсадга интилиб ишлаш имкониятини вужудга келтирди. Худди шунинг учун ҳам «Қаршиқурилиш» бошқармаси 1975 йилни қуттілганидан зиёда кўрсаткичлар билан якунлади. Яъни жамоа бир йилда қарийб 138 миллион сўмлик ҳажмда қурилиш-монтаж ишларини бажариб, йиллик режани 25 декабргача уддалади. 35 минг гектар янги ер ўзлаштирилди. 1072 ўринли мактаб, 750 ўринли клуб, 420 кичкентойга аталган болалар боғчаси, 126,5 минг квадрат метр тураржой ишга туширилди.

Умумий ғалабада, юксалишда бундай фаолликнинг, ўз ишига содикликнинг, ташкилотчиликнинг ҳиссаси кам ёки ўргамиёна деб бўладими?! Ҳа, етмишинчи йилларнинг биринчи ярмида «Қаршиқурилиш» бошқармаси эришган улкан ютуқларда Соиб Усмоновнинг, у бошлиқ сиёсий-тарбиявий ва маданий-маърифий ишлар жонкуярларининг ёрдами, ҳиссаси катта бўлган.

\* \* \*

1976 йилнинг бошида Ҳ.Шоғазатов бошқа ишга ўтганилиги муносабати билан унинг ўрнига С.Р.Муродов «Қаршиқурилиш» бошқармасининг бошлифи этиб тайинланди.

Янги бошлиқ йифилишнинг эртаси куни хузурига Усмоновни таклиф қилди. У Соиб акани азалдан яхши танирди ва биларди. Унинг дилкаш ва ҳазилни яхши кўрувчи инсон эканлигидан ҳам хабари бор эди. Шу боис, сўрашиб бўлингач, асосий муддаога ўтишдан аввал:

— Соиб Усмонович, анув куни Қаршида сиз турадиган Ишчилар кўчасидан ўтаётганимда ҳовлингизга кўзим тушди. Ҳалиям ўша-ўша миниҳовли. Пасқамгина қурилган уй. Неча йилдан бери «Қаршиқурилиш»да жон куйдириб ишляпсизу, ўзингизга бир дурустроқ уй қуриб ололмабсиз. «Патриотлик» ҳам ўнча бўладими? — дея самимий кулди раҳбар.

— Сулаймон Рустамович, бунинг ҳеч иложи йўқ-да,— деди дарров Соиб aka ҳам жилмайиб.

Бундай жавобни кутмаган бошлиқ жиддийлашиб, ҳайрон бўлди:

— Нега?

— Чунки янги уй қурсам ёки кенгайтирсам, «бу одам қурилиш бошқармасининг раҳбарларидан бири-да, қаранг, дарров турадиган жойини дангиллама қилиб олди» дейдиган «патриотлар» ҳам чиқиб қолиши мумкин-да.

— Унда, бу ерга, «Қаршиқурилиш»га келмасдан шу ишни бажарип олиш керак эди-да, биродар!

Үртада самимий кулгу янгради.

— Майли ҳазил — ўз йўлига, лекин унга сабаб бўлган ҳақиқатдан кўз юмманг, биродар, — деди яна жиддийликка қайтиб раҳбар. — Уйни ҳеч бўлмаганда ўзингизга, оиласизга муносиб қилиб кенгайтириб, яхшилаб олинг. Дўст бор, душман бор. Ва, имкониятингиз ҳам бор. Қўлингиз калталик қилса, биз ёрдам берамиз.

— Миннатдорман, Сулаймон Рустамович. Ўзи шундай қилмасак ҳам бўлмайди, саккизта қиздан сўнг Худо бизга иккинчи ўғилни ҳам берган.

Бошлиқнинг юзига табассум югурди:

— Унда таклифга қўшилмасликка ҳеч ҳаққингиз йўқ экан, Соиб Усмонович.

Раҳбар асосий муддаога ўтиб, Соиб Усмонов маъзуллигидаги ишларнинг аҳволи юзасидан ундан ихчам маълумот олди. Сўнг:

— Ишларингиз яхшилигига шубҳа қилмасдим, хўш, менга қандай гапларингиз бор, таклифлар энди — сиздан, — деди.

Соиб Усмонов, янги ишда сизга муваффақият тилайман, каби расмий, яъни аллақачон айтилган гапларни такрорлаб ёки ўйланиб ўтирмади. Дарров кўнглида тушиб юрган фикрни айтди:

— Иккита таклиф бор. Биринчиси, меҳнат таътили пайтларида одамларимиз фойдаланаётган санаторий йўлланмалирини кўпайтириб олиш учун бизга ёрдамингиз керак. Тўғри, ушбу иш билан бевосита шуғулланадиган касабақўм бор. Унинг назорати эса бизнинг қўмитага топширилган. Шунинг учун...

— Бу масала облсовпроф, Узсовпрофлар орқали ҳал қилинади-да?

— Шундай.

— Уларга бу масалада илгари ҳам мурожаат қилинганми?

— Йўқ.

— Яхши, демак, бундан умид қилса бўлади. Хўш, иккинчи таклиф нима?

— Бошқарма аппарати билан ҳамкорликда ўтказилиб келинаётган «Энг яхши мутахассис», «Энг яхши мураббий» деган танловларимиз бор. Уларнинг самараси фоятда яхши бўляпти. Биз ўйлаб кўриб, уларни «Энг яхши чўлқувар аёл», «Энг яхши шогирд» номинациялари билан кенгайтириб, иложи бўлса, голибларга бериладиган моддий рағбатлантиришлар миқдорини бироз кўпайтирсакмикан, деган фикрга келдик. Шунга сиз нима дейсиз?

— Бу янада ажойиб таклиф. Танловнинг кенгайгани яхши. Маблагини ҳам албатта оширамиз. Ишқилиб, ўзингиз «Энг яхши мураббий» голиблигини олганмисиз? — мамнун бўлганидан яна жилмайди бошлиқ.

Бошлиқ ўрнидан туриб маълумотлари ва таклифлари учун миннатдорчилик билдириб, кузатиб қўяркан:

— Соиб Усмонович, менга кирмоқчи бўлганингизда кутиб ёки котиба орқали рухсат сўраб ўтирунган, эшигим сиз учун доимо очиқ,— деди.

\* \* \*

Соиб Усмонов жойларда бўлганида, оддий чўлқуварлар билан учрашганида улардан «машҳур ёзувчиларни, тирик мумтозларни кўпроқ кўришни хоҳлаймиз» деган, ҳатто исстаётганларининг исм-шарифлари аниқ билдирилган таклифларни эшишиб туради. Худди шундай таклиф билан бир вақтлари бу ерга «учиб» келган, Тошкентга қайтиши билан «Қарши қўшиғи» деган мумтоз назмий асар ёзган ва уни дарров, такрор бу ерга келиб ўқиб берган улуғ шоир Абдула Ориповнинг чўлқуварларга ёд бўлиб кетган:

Мен-ку шеър ёзмасам ҳам сахроларга сув чиқиб,  
Шу буюк мамлакатим обод бўлиши тайин.  
Лекин она халқимнинг ўтмишига кўз тикиб,  
Келажаги ҳақида ўй сургум келар майин, —

каби ноёб, қўйма мисраларини ўзи ҳам яхши биларди.

У 1977 йил ёзида яна бир эзгу мақсадига эришди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов билан Тошкентда учрашганида, буюк прозаик унинг таклифини қабул қилди. Кўп ўтмай, яъни шу йилнинг ноябрь ойида адид бир гуруҳ дўстлари билан Қарши чўлига бир неча кунга ташриф буюрди. Соиб Усмонов сўз санъатининг бетакрор устаси ва унинг

қаламдошларини Таллимаржон шаҳри билан танишиди. Қарши магистрал канали бўйларида сайдир қилдиди. Қарши, Нишон, Усмон Юсупов (собиқ), Касби туманларининг меҳнат аҳли билан учрашиди.

Машхур ёзувчи билан Таллимаржон шаҳридаги Маданият саройида бўлган учрашув ниҳоятда завқли бўлди. Чўлга Одил Ёкубов келармиш, деган хушхабарни олдиндан эшигтан ашаддий китобхонлар, адабнинг муҳлислари, адабиёт ихлосмандларининг кўпига «севимли ёзувчимизнинг олдида уялиб қолмайлик», деб бу ерга маҳсус тайёрланиб келганди. Уларнинг орасида сўзга айрича чечанлари — Фарғона водийсидан Қарши чўлига келиб ишлаётганлар ҳам анчагина эди.

Учрашув расман очилиб, танишириув қилиниб, ёзувчининг сўзи ва ижодий режалари эшитилгач, исталганидай, кутилганидай дилкаш мулоқот бошланди. Адибнинг халқقا ниҳоятда яқинлиги, яъни ҳикоя, қисса ва романлари алла-қачон ўқувчиларнинг қалбидан муқим жой олганлиги, ҳатто ёд бўлиб кетганлиги боис, учрашув сўнгига бир шоирсифат муҳлиснинг ташаббуси билан адаб асарлари пайрови бошлиниб кетди. Тўғриси, пайровга ёзувчининг ўзи сабаб бўлди. У охирги саволлардан бирида жавоб бера туриб, чўлқувар бўлиш учун одамдан аввал «Юрак ёнмоги керак» деди. Шунда, ҳалиги шоирсифат китобхон:

— Одил ака, бир саволим бор, «Айтсан тилим, айтсан дилим куяди», — деб қолди.

Залда бирдан самимий кулгу янгради.

— Бажонидил эшитаман, — деб адабнинг юзига табасум югорди.

— Бизнинг ҳузуримизга кузда келдингиз. Айтинг-чи, бажорда — «Олма гуллаганда» нега келмадингиз?

Кулгуга қарсаклар уланиб кетди.

Ёзувчи ҳам бўш келмади:

— Уқажон, «Дилбарим» рухсат бермади.

Кулгу яна гуриллади.

— У кишининг исмлари «Матлуба» масми?

— Йўқ, мен биламан, «Муқаддас», — деди сўзга чечанлардан бири адабнинг ўрнига.

Яна зални қарсаклар тутиб кетди.

— Одил ака, муҳлисларингизнинг кутилмаган ҳазилидан «Ларза»га келдингиз-а?

Ёзувчи яна бўш келмади:

—На илож, «Эр бошига иш тушса...»

Зал қарсакларнинг гулдуросидан қалқиб кетди гүё.

— Тошкентга қайтгач, «Бир фельетон қиссаси»ни «Бир мuloқot қиссаси» деб ўзгартирмайсизми ишқилиб?

Яна кулгу ва чапаклар янгради.

— Йўқ, энди «Таллимаржон хазинаси»ни ёзаман!

Залга йигилганлар беихтиёр ўринларидан туриб, янада гулдурос қарсаклар ила севимли адибни олқишлий бошлашди...

Ана шу унугилмас учрашувда иштирок этган ажойиб инсон, раҳматли Фармон Омонов шундай деганди:

— Адиб ва шоирлар билан бўлган кўпгина учрашувларнинг гувоҳи бўлганман. Тўғри, машхур юртдошимиз, ҳар бир қашқадарёликнинг фаҳри Абдулла Орипов билан бўлган учрашув-мuloқotлар доимо бирдай завқли, мазмунли, foятда дилкаш бўлади. Лекин, тўғриси, прозаик адибимиз билан бўладиган учрашув бунчалик самимий, қизиқарли бўлади деб ўйлагандик. Мен ўшанда, ҳақиқий, бетакрор истеъодод ва унинг маҳсулини одамлар нечоғлик билиб, ўқиб, дилларида асрабавайлашларига, кўзларига суртишларига, қадрлашларига такрор ва такрор амин бўлганман. Айни вақтда инсонларга, айниқса, жисмоний меҳнат кишиларига маънан-руҳан куч баҳш этиш нақадар керак ва савоб эканлигини яна бир бор дилдилимдан чуқур ҳис этганман. Қарши чўлида етмишинчи ва саксонинчي йилларда бўлган бундай ўзига хос табаррук тадбирларнинг тепасида қадрдоним, устозим Соиб Усмонов тургани эса менга ўзгача фаҳр улашарди!

Чўлқувварларнинг Соиб Усмоновнинг «Тошкентнинг Марказ-27» даҳасидан қидиртириб, топиб борган қадрдони» — Ўзбекистон халқ шоири Пўлат Мўмин билан бўлган учрашуви эса бошланмасдан туриб қизиқарли тус олган.

«Ўнлабмас, юзлаб қўшиқларини радиодан, телевизор экранларидан эшитиб юрамиз, илтимос, шу шоирнинг ўзини ҳам бир кўрайлик, юзма-юз туриб, сўзларини ҳам эшитайлик», деган таклиф шахсан ўзига етказилгач, сўз устаси хурсанд бўлиб, чўлга иккита таниқли ҳофиз билан ташриф буюрди. Соиб ака аввал меҳмонларни Қарши чўлида юз берган ва бераётган ўзгаришлар, янгиликлар билан танишитирди. Сўнг уларни учрашувга бошлаб келди.

Маданият саройи олдида гуллар билан ўзига пешвоз чиқкан муҳлисларни кўрган шоир қувониб кетганидан:

— Соиб ака, Пўлат Мўминни чўлга олиб келмасангиз бўлмайди, деганлар шуларми? — деди.

У саволига жавоб олмасидан:

— Сиз севимли шоиримиз Пўлат Мўминми? — деган сўзни эшилтиди.

— Ҳа, менман, укажонлар, сингилжонлар, — деди шоир айрича меҳрибонлик билан.

Улашилаётган гулларга қарсаклар ҳам қўшилди. Шунда сўзга чечанроқ муҳлислардан бири дарров:

— Пўлат ака, унда эсадалик учун кички... бўлсаям битта янги шеър эшигтайлик, — деди.

Учрашувларда бундай саволга бир неча бор дуч келган, яъни тажрибаси бор шоир шошилиб ёки узоқ ўйланиб ўтирамди.

— Шеър бўлсин, десанглар — шеър-да, ўзи, мана бу гулларингиз мени беҳад илҳомлантириб турувди, — дедида, шоир бирдан давом этди:

Эй чўл, сенинг турфа гулингдан  
Ҳайратланиб, завқ олмаган ким!  
Кумлоқ еринг ўрнида бугун  
Боғу гулзор барпо этган ким?!

Муҳлислар беихтиёр:

— Қойил! Раҳмат! — дея чапак чалиб юборишиди...

\* \* \*

Қарши чўлига ишга келаётган маҳаллий ёшларнинг сони ёмонмасди. Лекин унчалик яхши ҳам эмасди. Буни ҳар йили маҳсус ўрганиб, ҳисоб-китоб қилиб бораётган Соиб Усмонов: «Сабаблардан бири — илгор чўлқувварларни ўз вақтида муносиб тарғиб қилолмаётганимизда, биз фақат чўл ва ундаги шароитларни ташвиқ этиш билан кифояланиб қоляпмиз», деган хulosага келди.

Чинданам, етмишинчи-саксонинчи йилларда асосан раҳбарлар, расмий идоралар томонидан, баъзи-баъзизда эса оммавий ахборот воситаларида чўлқувварликнинг ўзига хос тимсоллари сифатида эътироф этилган Ниёз Тоштемиров, Адолат Носирова, Аъзам Азимхонов, Тоҳир Боймуродов, Шокир Сайфиддиновларни кўпчилик, айниқса, уларнинг издошлари

бұлиши мүмкін бұлған ўсмирлар ва ёшлар унчалик билиш-масди. Ҳолбуки, уларнинг ҳар бири ўз иш жойида доимо қаҳрамонона мәхнат қиласырды. Жасорат намуналарини намойиш этарды. Масалан, биринчиси, ўз еkipажи билан бир йилда 1 миллион 450 минг куб метр тупроқ қазиб, иккى йиллик мөйерни бажараётган Фарҳодсифат экскаваторчи бұлса, иккінчиси олис қишлоқдан чүлга күчиб келган, 100 гектар ерда муваффақиятли дәхқончилик қилиб, давлатта 400 тоннадан ошириб «оқ олтин» топшираётган моҳир пахтакор эди. Уларни вакти-вакти билан ўсмирлар, ёшлар, талабалар даврасига таклиф қилиб туриш иккى томонға ҳам, қолаверса, учинчи томон — бошқармaga ҳам фойдалы-ку?

Соид Усмонов ана шундай хәёллар билан аввал бұлажак туркум учрашув-мулоқотларни шартли равища «Карши чүлин чин фарзанди» деб номлади, илк учрашув-мулоқотларга таклиф этиладиганларнинг рўйхатини қилди. Сўнг фикрини маслаҳатлашиб олиш учун С.Муродов ҳузурига кирди.

Бошлиқ таклиф-мулоҳазани эшитгач, рўйхат билан танишгач, хурсанд бўлиб кетди.

— Мутлақо тўғри ўлабсиз, — деди у шу заҳоти, — таклифингизга кўшиламан. Буни дарров уюштириш керак, номини яхши топибсиз. Унинг биринчи мәҳмонлари ҳам маъқул. Тўғриси, шундай учрашув-мулоқотларга таклиф этиб турмасак, бу фидойиларимиз дам олишни, ҳатто бироз нафас ростлашни ҳам унутиб қўйишади, — фахрланиб жилмайди бошлиқ. — Уларни унутишга эса бизнинг ҳаққимиз йўқ. Таклифингиз худди шу маънода янада қимматли, Соид Усмонович.

У бошлиқнинг «Уларни унутишга эса бизнинг ҳаққимиз йўқ!» дея мақсад-муддаосини дарров тўғри англағанидан ва қўллаб-қувватлаганидан хурсанд бўлди. Кабинетига қайтиши билан ходимларидан бирини ўз ҳузурига чақириб, янги тадбирни ташкил этишдан асосий мақсад, унинг номи, давраси ҳақида гапириб, кўрсатмалар берди. Биринчи учрашувни иложи бўлса, шу ҳафтанинг шанба кунида ўтказишни тайинлади. Баҳсли ёки раҳбарлар билан боғлиқ бирон муаммо-масала чиқиб қолса, ўзимга айтинг, деди.

Қўмита ходими илк учрашув-мулоқотни ташкил этишда ҳеч қандай муаммога дуч келмади. Мўлжал қилиб боргани — Қарши политехникуми ва вилоят ўқув комбинати дирек-

торларининг иккаласи ҳам «талаба, ўқувчилар учун бу жуда керак, яхши ўйлабсизлар», дея тадбир мезбонлари бўлишга розилик билдиришди. Фақат биттаси «иложи бўлса, учрашув меҳмонининг таржимаи ҳолини олдинроқ етказиб берсангиз», деб илтимос қилди.

Ходимидан тадбирга тайёргарликнинг биринчи қисми ҳақида маълумот олган Соиб ака Ниёз Тоштемировни ҳузурига чақириб, ишдан қолдириб, овора қилиб ўтирамади. Унинг иш жойига, ҳузурига ўзи борди.

Ўзини йўқлаб келган Соиб акадан меҳрли, яқинлик сўзларини эшитган моҳир экскаваторчи ўзида йўқ қувониб кетди. Шунинг учун у мақсадни эшитгач, бирдан:

— Устоз, ҳатто Қоровулбозорга учрашувга борасан, десангиз ҳам йўқ демайман, жон деб бораман, — деб таклифни қабул қилди.

— Соиб ака, Ниёз бежизга бирдан Қоровулбозор деб қолмади, — деди кутилмаганды экскаваторчининг ҳамроҳлаидан бири.

— Хўш?

— Ошнамиз Бухорода қолиб кетган биринчи муҳаббатини кўмсаяпти.

Ниёзнинг дўстлари ҳам, ўзи ҳам кулиб юборди.

— Устоз, буларга гап бўлса бўлди, ўзлари муҳаббатнинг биринчиси тугул, иккинчисини ҳам эплашолмайди.

Ҳамкасб дўстларнинг кулгуси такрорланди.

Тоштемиров Соиб аканинг «кетмоқчийдим» деганига дарров тушунди. Уни ўзининг «кўчма кабинети»га таклиф этди.

Соиб ака бир пиёла чой устида тадбирнинг қачон кимлар билан ўтишини айтиб, унинг номига, расмият учун ўтказиладиган учрашув бўлмаслигини, аксинча, билим даргоҳларини тутатаётган ёшлар билан «Қарши чўлида шундай одамлар бор» мавзуида ишchan, дилкаш мулоқот бўлишини таъкидларкан, ундан кўп нарса кутилмаслигини, чўлда ишлаб кам бўлмадим, мазмунида икки оғиз гапиришини, вазифаси асосан ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб беришдан иборат бўлишини уқтириди.

Қаршининг «биринчи рақамли» Маданият саройи деб эътироф этилган масканда машхур экскаваторчи чўлқувар Ниёз Тоштемиров билан бўладиган учрашувга, (1980 или) шаҳардаги Политехникум талabalari ва ўкув комбинатининг

тингловчилари таклиф этилганди. Учрашувни Соиб аканинг ўзи очишга чоғланди. У ўрнидан туриб, аввал қадрдони — шаҳрисабзлик шоир Шарофжон Орифийнинг:

Қаршининг фарзанди, чўлкуварман мен,  
Ватан — она, деган элсеварман мен,  
Чўлга сув чиқариб, яшнатиб уни,  
Боғлару гулзорда гулсеварман мен! —

деган шеърий сатрларини ўқиди. Сўнг залга, йифилганларга янада ўқтамроқ боқиб:

— Укажонлар, сингилжонлар, мен сўзимнинг аввалида бу шеърни бежизга тақорламадим. Чунки даврангизга, сизнинг хузурингизга Қарши чўлининг чин фарзанди — чинакам чўлкувар ва элсевар Ниёз Тоштемиров ташриф буюрди! — деди.

Залда беихтиёр гулдурос қарсаклар янгради. Мехмон ўрнидан туриб, қўлини кўксига қўйиб, олқишига миннатдорчилик билдириди. Ёшлар Соиб акадай инсоннинг ажойиб таърифига сазовор бўлган машҳур чўлкуварга ҳавас билан боқишарди. Ниёз Тоштемировнинг дили эса фаҳрдан тўлиб борарди. Соиб ака буни дарров ҳис этди. Унга биринчи навбатда худди шундай ҳавасланиш ва хulosса керак эди!

Кутиганидай фоятда жонли, самимий, савол-жавобларга бой ўтган учрашув-мулоқотнинг ниҳоясида ушбу ҳавасла-ниш ва хulosанинг аҳдга айланганини сезганида, кўрганида эса Соиб аканинг кўнглида фурур ва ишонч пайдо бўлди. Бу навбатдаги — бўлажак учрашув-мулоқотларда ҳам худди шундай дил қарорига эришилишига, яъни мезбонлар чўлкувар бўлишга, меҳмонлар эса, ўз ишларини янада юксалтиришга, улуглашга бирдай аҳд қилишларига ишонч эди!

— Устоз янгишмаган эди, — дейди «Қаршиқурилиш» бошқармасининг ёшлар қўмитасига бир неча йил етакчилик қилган Ойбек Эгамбердиев. — Агар саксонинчي йилларнинг бошига келиб чўлкуварларнинг умумий сони 30 мингдан ошиб кетган, маҳаллий ёшларнинг давраси янада кенгайган бўлса, бунда Соиб Усмонов раҳбарлигидаги ана шундай эзгу тарғибот-ташвиқот ишларининг ҳиссаси катта эди. Кенгайган ёшлар даврасида эса, қисқа муддатда даврнинг ҳақиқий илғорлари, қаҳрамонлари ярқираб кўзга ташлангани ҳам факт. Масалан, пахтакорлар — Адолат Носирова ва Саломат Пар-

даева, «Сувқурилиш» трести ёшлар бригадасининг етакчиси Фарҳод Ирисов, Қарши тажриба-ремонт механика заводининг бригадири Йўлдош Рӯзиев, 4-механизациялашган кўчма колонна бинокорларининг сардори Рӯзи Мустафокулов, шунингдек, бир қатор рационализатор ёшлар шулар жумласидан эди. Улар чўл шароитида юқори ҳосилдорликка эришиб, уч йиллик режаларни икки йилда бажариб, ихтиrolар кашф этиб, вилоятдагина эмас, балки бутун республикада довруғ таратганди.

\* \* \*

1980 йилнинг баҳорида Ўзбекистонда ўтаётган Адабиёт кунлари қатнашчиларидан бир гурӯҳи Қарши чўлига ташриф буюрди. Машхур қабардин-болқор шоири, Иттифоқ (соғиқ) Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг котиби Алим Кешоков раҳбарлигидаги делегация таркибида Москвадан, шунингдек, барча республикалардан вакиллар бор эди.

Меҳмонларни аввал вилоятнинг биринчи раҳбари қабул қилди. Сўнг улар «Қаршикурилиш» бошқармасида кутиб олинди. Бу ердаги мулоқотда сиёсий-тарбиявий ва маданий-маърифий ишлар бўйича муовин Соиб Усмонов сўз санъати на moyндадарига Қарши чўлида амалга оширилган, оширилаётган ишлар тўғрисида гапириб берди.

Адабиёт кунлари иштирокчилари Таллимаржонда жойлашган Олтинчи насос станциясига етиб келишганида уларни туман меҳнаткашларининг вакиллари нон-туз билан тантанали кутиб олишди. Меҳмонлар ва уларга ҳамроҳ бўлган кишилар насос станциясини кириб кўришди. Қарши магистрал канали ва насос станцияларини эксплуатация қилиш бошқармаси бошлиги И. Дуденко адабиёт арбобларини насос станцияларини эксплуатация қилишда жамоа амалга ошираётган ишлар билан таништириди. Шундан сўнг, меҳмонлар Еттинчи насос станцияси ва ўз бағрига 1,5 миллиард куб метр сувни сифдира оладиган дengиз – Таллимаржон сувомборини томоша қилдилар.

Меҳмонлар Нишон туманидаги Чўли Бегимқулов номли хўжаликка ҳам ташриф буюришди. Ўзбек тилини сал-пал биладиган Алим Кешоков сафардошларига «Чўли» сўзининг таржимасини, яъни маъно- мазмунини айтиб, тушунтириб, Бегимқулов ўзига нотаниш эмаслигини, бу машхур раисни

Иттифоқ (собиқ) Олий Кенгашы сессияларыда күрганини, ҳатто суҳбатлашганини мамнуният билан қўшимча қилди. Шунда, Чўли ота ҳақида ҳали тўла маълумот олишга ултурмаган меҳмонлардан бири:

— Бегимқулов асли қаерлик, қаерда туғилган? — деб сўраб қолди мезбонлардан.

— Худди шу ерда, мана шу турган жойимизда туғилган, — дея дарров жавоб берди Соиб ака.

— Яъни Даشت қишлоғида, — деб қўшимча қилди туман раҳбари Ж. Хушназаров.

— Даشت дегани — нима? — деди делегация етакчиси.

— Даشت сўзининг таржимаси ҳам — чўл, яъни степь, — деб кулиб изоҳ берди Соиб ака.

— Қойил! — ҳайратини яшиrolмади А. Кешоков. — Илк чўлқувар Чўли Бегимқулов чўл қишлоғида туғилган!

— Алим Пшемахович, нима, илк чўлқувар ҳам биздан, Марказдан бўлиши керакмиди?! — деди шу заҳоти меҳмонлардан бири ҳазиллашиб.

Меҳмонлар ҳам, мезбонлар ҳам бараварига кулиб юборишиди.

Таллимаржон туманидаги «Туркманистон» хўжалигининг дала шийпонида эса меҳмонлар билан бир пиёла чой устида суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида сўз санъати усталари Қарши чўлида кўрганлари ажойиб мұъжиза эканлигини, чўлқуварлар қўли билан бунёд этилган ирригация иншоотлари ҳам аслида ҳақиқий ижодкорлик самараси сифатида эътироф этилишини алоҳида таъкидладилар.

Вилоят марказига қайтиш олдидан, Алим Кешоков таас-суротларини Соиб ака билан қисқача ўртоқлашаркан, сизнинг, сизларнинг шарофатингиз билан биз ҳатто қардош республикада ҳам бўлдик, — деди кулиб, миннатдор бўлиб. Сўнг сўзида давом этиб, фикрини «Туркманистон» мавзуига ҳамоҳанг тарзда тутатди:

— Бу ерда халқлар дўстлигига ҳам алоҳида эътибор беришаркан. Бу — жуда ибратли. Бизнингча, кўп миллатли «Қаршикурилиш» бошқармасининг муваффақиятларида ана шу дўстлик деган, сизлар айрича эъзозлаётган буюк кучнинг, қолаверса, мазмунини турли миллат ва элат вакилларининг аҳил-иноқлиги белгилайдиган соғлом, бетакрор мухитнинг ҳам ҳиссаси катта. Буни биз ҳали, қайтгач, Қаршида ҳам, Тошкентда ҳам барадла таъкидлаймиз.

Соиб ака, меҳмонлар кузатиб қўйилгач, сўз усталари барibir ўта зийрак, яъни foят сезувчан бўлишади-да, дея фаҳрланиб қўйди...

Ҳақиқатан ҳам «Қаршиқурилиш» бошқармаси кўп миллатли, тўғрироги, байналмилал жамоа эди. Унинг таркибида 40 дан ортиқ миллат ва элатларнинг вакиллари бир отонанинг фарзандларидек, яъни, меҳрибон ака-укалардек, опасингиллардек аҳил-иноқ меҳнат қилишарди. Масалан, бош муҳандис Н. Каменев – рус, бошқарма бошлифи ўринbosари Ф. Мусин – татар, Еттинчи қурилиш-механизациялашган бошқарма бошлифи П. Пак – корейс, Тўртингчи йўл қурилиш бошқармаси етакчиси В. Степаненко – украин, «Сувқурилиш» трести молия бўлимининг бошлифи У. Янида – грек, шу трестнинг моддий-техника таъминоти бўлими раҳбари Б. Жумабеков – қозоқ, шартнома ва лойиҳалаш бўлими бошлифи Г. Эльянзан – арман, Еттинчи қурилиш-механизациялашган бошқарма прораби В. Рижиситский – латиш, Саккизинчи қурилиш-механизациялашган бошқарма бухгалтери Д. Ухина – литвалик, бошқарманинг ишлаб чиқариш ва технология раҳбари М. Бешток – немис эди.

Улар ўртасидаги дўстлик, биродарлик, ҳамфирлилик машҳур қабардин-болқор шоири илгаган, эътироф этган муваффақиятлардагина эмас, балки умуман, Қарши чўлини ўзлаштиришда қимматли роль ўйнаётганди. Ана шу яқинлик, яқдиллик туфайли чўлни ўзлаштириш ўз вақтида ҳақиқий умумхалқ ишига айлана борди ва у етмишинчи-саксонинчи йилларда янада кучайди. Бунда бошқарма сиёсий-тарбиявий ва маданий-маърифий ишлар қўмитасининг етакчиси Соиб аканинг хизмат-ҳиссаси катта эди.

Соиб Усмонов учун «Қаршиқурилиш»га алоқадор ҳамма – у қайси миллат ва элатдан бўлишидан, лавозимидан қатъи назар – бирдай teng ва ҳурматли эди. Шунинг учун у бошқарманинг нашри бўлган, ўзбек ва рус тилларида чиқадиган «Чўл ўлкаси» газетаси таҳририятига бошқа миллатлар билан боғлиқ қадриятлар ва тарихий саналарни ҳам асло эсдан чиқармасликни, шу мавзуларда ўз вақтида мақолалар бериб боришни тайинлаб қўйганди ва буни шахсан ўзи назорат қилиб борарди. Ўзга миллат ва элатга мансуб илгор чўлкувар, хизмат кўрсатган кишилардан биронтаси эллик, олтмиш ёшларни қаршилаётган бўлса, газета у ҳақда албатта ўз саҳифасида мақола ёки унга қутлов эълон қиласади.

Соиб Усмонов бошқа миллат ва элат вакилларининг тўю маъракаларига алоҳида эътибор билан қарапди. Таклиф этишса ёки хабар топса, биронтасиникига бормасдан қолмасди. Баъзиларини ҳатто ўзи бошида туриб ўтказиб берарди. Қўли калталик сезилса ёки бошқа бирон қўллаб-қувватлашга зарурат тугилса, шу заҳоти ёрдамни ташкил қиласди. Оила қурмоқчи бўлган ёшлар базм ўтказиладиган жой ёки озроқ моддий кўмак масаласида мурожаат этишса, энг аввал уларнинг ўз квартиralари бор-йўклиги билан қизиқарди. Ҳозирча отана билан яшаб турамиз, деювчиларга иложи борича қисқароқ вақтда янги қурилаётган уйлардан квартира тўғрилаб беришга интиларди.

Ҳозир Тошкентда яшаётган пенсионер, собиқ чўлкувар Д. Игонин Соиб Усмонов ўша йиллари чўлкувар адабиёт мухлисларига ёрдам бериш, аниқроғи, ёзилиш нисбатан қийин бўлган, Москвада чоп этилаётган машҳур «ЖЗЛ» («Ажойиб кишилар ҳаёти») туркумидаги китобларнинг обунасига (100дан ортиқ киши) эришиш учун Тошкентга ўз ходимини маҳсус юборганини ҳануз фахр билан эслайди ва таъкидлайди. Саксонинчи йилларнинг ўрталарида Украинанинг машҳур «Коломийко» халқ рақс ансамбли Соиб Усмоновнинг жонкуярлиги, ёрдами туфайли илк бор Қарши чўлига ташриф буюргани ва концертлар бергани ҳам факт.

Шу боисдан бошқа миллат ва элат вакиллари Усмоновга мурожаат этганларида ёки у киши ҳақида гапиргандарида «Саиб Усманович», «наш Саиб Усманович» сўзларини алоҳида меҳр-эҳтиром ва ҳурмат ила тилга олишарди!

\* \* \*

1993 йили, яъни Қарши чўлини ўзлаштиришга киришилганига 30 йил тўлган кунларда, «Қашқадарё Қаҳрамонлари» китобимга материал йиғиб юрган пайтимда Соиб Усмонов билан журналист сифатида қилган бир сұхбатим ҳам куни кечагидай ёдимда. Ӯшанда мен устозни «қўзғаш» учун илк саволимни, ҳазиллашиб:

— Қарши чўли мавзуида гап кетса, сиз кўпинча мен ундан миннатдорман, дейсиз. Ҳолбуки, у ерда ишлаган пайтингизда сизга Қаҳрамонлик унвони тугул, «доҳий»нинг сурати акс эттирилган орден ҳам насиб қилмаган? — шаклида бердим.

— Укажон, мен Қарши чўлида мұяссар бўлган нарсалар ҳар қандай унвон ёки нишондан зиёд бўлса зиёдdir, лекин асло кам эмас, — деди дарров Соиб aka ва мен изоҳ сурашимга улгурмай, сўзида давом этди: — Ўзингиз ўйлаб кўринг. 40 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари уюшган, 30 мингдан ошиқ аъзоси бор, ўз олдига ўнлаб асрлар оша қақшаб, ёниб келган чўлни ўзлаштиришдек буюк тарихий вазифани қўйган улкан жамоа билан ҳамнафас, ҳамқадам ва ҳаммаслак бўлишни ким ютуқ санамайди?! Чунки бу ерда етмишинчи йиллардаёқ турли ўлкалардан, турли юртлардан Қарши чўлини ўзлаштиришда иштирок этамиз, деган эзгу ният билан келгандарнинг ажойиб давраси яратилганди. Давранинг ташаббускори, асосий мезбони ва пешвоси ўзбек халқи, Ўзбекистон эди!

Шундай ўзига хос табаррук давранинг хосиятлари кам бўладими?! Қирқ беш ёшимда бу даврага қўшилган бўлсам ҳам, мен ундан кўп нарса ўргандим. Энг муҳими, ҳар бири — бир олам, дея таърифланадиган одамларни кўпроқ билишга улгурдим. Ўзим тан олган ва ҳавас қилган инсонларнинг ибратини ўзига хос сабоқ сифатида қабул қилдим. Давранинг шарофати билан давраларим (дўсту қадрдонларим демоқчи) кенгайди. У боис, ҳатто Халқаро давраларда (анжуманларда) иштирок этишга муваффақ бўлдим. Ўзга миллат ва элатлар ҳақидаги тасаввурларим янада бойиганини айтмайсизми?!

Шундай экан, Қарши чўлидан миннатдорман, демасликка ҳаққим борми?!

— Қарши чўлининг ўзлаштирилишини, тўғрироғи, унинг тарихий аҳамиятини бу ерда роппа-роса ўн беш йил тер тўккан етакчилардан бири сифатида қандай баҳолайсиз?

— Ўзлаштирилган Қарши чўлининг тарихий аҳамиятини аллақачон давлат арбоблари, жаҳонга машхур инсонлар, ҳатто Халқаро жамоатчилик юксак баҳолаган. Халқимиз бундан хабардор ва буни яхши билади. Шунинг учун мен бу ерда ўзлаштирилган Қарши чўлининг шарофатлари ҳақида тўхталиб ўтишни хоҳлайман.

Билсангиз керак, Қарши чўлини ўзлаштиришнинг биринчи босқичи 1990 йилда расман тугалланди. Ушбу ҳал қилувчи биринчи босқичнинг муваффақиятли якунланишида 1987 — 89 йилларда вилоятимизга раҳбарлик қилган Ислом Каримовнинг ҳиссаси бекиёсдир. У киши оқилона йўл ўриклиари, таҳлиллари, фаол қўллаб-қувватлови билан илк

маррага яқынлашаётган «Қаршиқурилиш» бошқармасига катта ёрдам берганди.

Қарши чүли ўзлаштирилгач, бу ерда битта-иккитамас, олтита туман ташкил этилганлиги фактининг ўзиёқ унинг аҳамиятига бериладиган баҳонинг нечоғлик баланд эканлигини күрсатиб, исботлаб турибди. Олтита туман – энг аввали, ўн минглаб одамларнинг уйли-жойли, ишли бўлгани демак. Унинг минглаб гектар ерлари боғу гулзорга айланди дегани. Чунки инсон тураржойи атрофини боғу гулзор қилмаса яшай олмайди. Унинг ва унга елқадош чўлқуварларнинг фарзандлари учун янги туманларда 14 минг 540 ўринли болалар боғчалари, замонавий услубда 56 минг 750 ўринли мактаблар қурилган эди. Унинг ва унга елқадошларнинг соғлигини ҳимоя этишга, мустаҳкамлашга 8540 беморни бемалол қабул қила оладиган ва уларга тиббий муолажа улашадиган поликлиникалар, 1718 касал ётиб даволанадиган шифохоналар хизмат қиласиди. Қарийб 20 минг ўринли клублар ва бошқа кўплаб маданий-маишӣ бинолар ҳам чўлқуварлар ихтиёрига ҳавола этилган эди.

Масалан, куни кеча вилоят матбуотида 1980 – 93 йиллар давомида чўлда 247 минг 335 гектар янги ер ўзлаштирилиб, экинзорларга айлантирилганлиги ҳақидаги маълумотни ўқидим. Худди шу мақолада Қарши чўли базасида ташкил топган қўриқ туманлар ҳозир вилоят бўйича пахтанинг 46 фоизини етказиб бераётгани, чўлда деҳқончиликка киришилгандан буён жами 3 миллион тоннадан зиёдроқ чўл «оқ олтини» тайёрлангани ва давлатга сотилгани таъкидланибди. Булар – рақамлар, яъни ўзлаштирилган Қарши чўлида юз берган иқтисодий юксалишлар кўрсаткичлари.

Ўзлаштирилган Қарши чўлининг маънавий юксалишларга қўшган ҳиссаси эса айрича эътиборга молик.

Асрлар оша қақшаб, ёниб келган Қарши чўлининг ўзлаштирилиши, унга фақат орзуда бўлган Амударё сувининг олиб келиниши инсон, кўпчилик аҳд қиласа, нималарга қодир эканлигини, аникроғи, инсон қудратининг бекиёслигини яна бир бор мардона намойиш этди. Бу эса, биринчи навбатда вилоятдошларимизнинг, айникса, ўшларнинг маънавий тарбиясига бетакрор таъсир кўрсатди. Вилоятдошларимизда чўлқуварлик, умум ишига, умумхалқ ишига камарбасталик, яратувчанлик, бунёдкорлик хислатлари янада кучайди. Қарши чўли бир-бидан узоқ турли миллат ва элатларни ўзаро таништирди,

яқинлаштириди. Яқинларни эса янада мустаҳкамлади, ака-ука, опа-сингилдай ахил-иноқ ва қалин қилди.

Қарши чўли минглаб одамларни чинакам жасорат ва матонат соҳиблари, илғор, етакчи, раҳбар, кайвони сифатида юзага чиқарди, кашф қилди. Юзлаб инсонларнинг кўксидаги фахрий унвон нишонлари, орден ва медаллар ярқирашига сабаб бўлди. Яъни ибратли инсоннинг муносиб шарафланишига буюк ҳисса қўшди. Энг муҳими, Қарши чўлининг ўзлаштирилиши натижасида илгари деярли фақат аграр вилоят бўлган ва шундай деб ҳисобланган Қашқадарё 90-йилларга келиб, чинакам аграр-индустрiali ўлкага айланди!

Тўғриси, умримнинг энг қайноқ дамларини шу ерда ўтказганим учун Қарши чўлинни ўзлаштиришнинг тарихий аҳамиятини баҳолашга ожизлик қиласман. Фақат фахрланаман.

— Сизни Қарши чўли етакчилари орасида шогирди кўп устозлардан бири дейишади. Бу — факт. Бунга биз ҳам гувоҳмиз ва ҳавас қиласми. Хўш, чўлкувар шогирдларингиздан кимларни алоҳида таъкидлашни истайсиз?

— Сершогирд чўлкувар бўлганимдан, тўғриси, баҳтиёрман. Бунга ҳамиша шукр қиласман. Ҳақиқатан ҳам шогирдларим кўп. Улар беш-ўнтамас, анчагина. Шунинг учун бу ерда улардан икки-учтасини мисол сифатида келтириб ўтиш билан кифояланаман.

Масалан, Омон Суяровни журналистлар, яъни сизнинг ҳамкасларингиз профессионал чўлкуварликнинг ўзига хос тимсолларидан бири сифатида эътироф этишган. Бу баҳога, таърифга мен ҳам қўшиласман. Асли қамашилик Омонжон 1962 йили Тошкентдаги Ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини яхши битиргани, ўқиш даврида ўзини кўрсатгани учун ректорат уни олий мактабда қолиб, илмий иш билан шуғулланишга даъват этади, аспирантурага қолдиради. Кўп ўтмай, у ота юртида Қарши чўлинни ўзлаштириш бошланганини эшитгач, ўзини чўлга юборишиларини сўраб, институт раҳбариятига мурожаат этади. Ёш муҳандиснинг илтимоси қондирилиб, Қарши чўлкуварлари сафига юборилади.

У дастлаб «Қаршиқурилиш»нинг механизациялашган бошқармасида прораб бўлиб ишлайди. Яхши муҳандис ва қурилишнинг жонкуяр ташкилотчиси сифатида ўзини кўрсатгач, бошқарма раҳбарияти уни аввал (1966 й.) участка бошлиғи, кейинроқ (1970 й.) эса, Ўнинчи механизациялашган ишлар бошқар-

масига бош муҳандис этиб тайинлайди. У шу йилнинг ўзида навбатдаги буйруқ билан янги ташкил этилган Ўн биринчи механизациялашган ишлар бошқармасини бошқара бошлайди.

Баъзан ўйлаб қоламан: «Ректоратнинг қарори билан институтда қолдирилган қобилиятли, илмий салоҳияти ёрқин сезилиб турган Омонжон ўз вақтида — уч йил ичидаги номзодлик ишини муваффақиятли ёқлаши, расман олим сифатида танилиши мумкин эди-ку? Кейинчалик докторлик иши билан шуғулланиб, уни ниҳоясига етказиб, профессор бўлишига ҳам устозлари асло шубҳа қилмасди». Лекин у бундай қилмади. Эл-юрга амалиётда кўпроқ фойдам тегар, деб ўйлади. Киндик қони тўкилган юртда бошланган умумхалқ ишидан ўзини четда ҳис қилолмади. Яъни бу тарихий ҳаракатга ўз вақтида қўшилишни истади.

Шундай ватанпарвар йигит чўлқуварлиқда илфор бўлмасдан қолиши мумкинмиди?! Илмиётда профессор бўлиши кутилган Омон Суяров амалиётда ҳам худди шундай унвонга эришмасдан қолмасди. Худди шундай бўлди. Уни дўстлари, ҳамкаслари, «Қаршиқурилиш» жамоаси чўлқуварликнинг — амалиётнинг профессори сифатида тан олишди. «Сувқурилиш» трестининг бош муҳандиси бўлиб ишлаётганида Таллимаржон сув омборини ўз вақтида қуриб тугаллашга жуда катта ҳисса қўшди. Шу боис, кўп ўтмай унга янада масъулиятлироқ вазифалар ҳам ҳеч иккilanмай ишониб топширилди. Кейинчалик, у «Қаршиқурилиш»нинг асосий сиймоларидан бири сифатида эътироф этилди. Мен шогирдим Суяров билан ҳамиша фахрланаман. Чунки у энг аввало элеевар ва юртсевардир!

Тоҳир Эргашев ҳам Омонжондай қишлоқдан чиққан. Тўғрироғи, у улуғ инсон ва бетакрор эл кайвониси Чули Бегимкуловнинг маҳалладоши. Ҳатто у мактабни битираётганида Чули отадан «Ирригаторликни танлаб, тўғри қилибсан. Бизга шу соҳа кишилари керак. Албатта институтга кириб ўқи. Яша, ўғлим!» — дея оқ фотиҳа олишга ҳам мусассар бўлган.

У ҳам институтни айло тугатиб, аспирантурага қолиш тўғрисида таклиф олган. Лекин у ҳам аспирантурада қолишдан қишлоғига келиб, амалий иш билан шуғулланишни лозим топган.

Эзгу нияти эш бўлган, яъни йигирма икки ёшидаёқ қўлига институтнинг муҳандис гидротехник дипломини олган

Тоҳиржон иш фаолиятини Эски Анҳор каналида оддий муҳандисликдан бошлаган. Кўп ўтмай уни вилоят сув хўжалиги ташкилотига катта муҳандисликка таклиф этишади. Шу тариқа Тоҳиржон иш фаолиятининг дастлабки ўн йили вилоятдаги биринчи сув иншоотлари қурилишида ўтди. Меҳнат фаолиятининг асосий қисми – йигирма олти йили эса бевосита Қарши чўлини ўзлаштириш ва сугоришдек фоятда кенг қамровли мураккаб ишлар билан боғлиқ ҳолда кечди. У чўлнинг иккинчи навбат қисмини ўзлаштириш муносабати билан ташкил этилган «Қаршисуғоришқўриққурилиш» бирлашмасида қисқа муддат бош муҳандис сифатида фаолият кўрсатгач, вилоят раҳбариятининг таклифи ва тавсияси билан «Қаршиқурилиш» ҳудудий бирлашмасининг бош муҳандиси этиб тайинланди. Тоҳиржон бу масъулиятли вазифада 1981 йилдан ҳозирга қадар самарали меҳнат қилиб келяпти. Бу орада Қарши чўлида унинг бевосита раҳбарлиги остида қанчадан-қанча мураккаб муҳандислик ишлари муваффақиятли амалга оширилмади дейсиз.

Ҳа, Эргашев чўлқуварларнинг ҳамиша ютуққа йўлдош етакчиларидан бири сифатида ном қозонган. Чунки ўз ишини ўзгалар ҳавас қиласидиган даражада пухта билади, одамларни ва уларнинг имкониятларини тез англайди. Ҳалоллик, босиквазминлик, фикрчанлик, фидойилик, ташаббускорлик уни айрича безаб туридиган сифат ва хислатлардир. Ўз ишининг устаси эканлигини унга берилган «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор» унвони исботлади.

Насослар бўйича йирик мутахассис Рустам Очиловни сиз ҳам яхши билишингизга шубҳа қилмайман. Негаки, у олим чўлқувар, техника фанлари номзоди, ўтизга яқин ихтиrolарнинг муаллифи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган рационализатор ва ихтироидир. Чунки у айни вақтда ўзига хос, яхшигина шоир ҳам. Кўплаб китоблари чоп этилган. Бир сўз билан айтганда, мен Рустамжондай ҳам илмиётчи-амалиётчи, ҳам ижодкор кадрларни Қарши чўлининг баҳти деб биламан.

Қарши чўлида эришган ютуқларимни ўз ишининг чинакам билимдони, олими сифатида эътироф этилган ана шундай шогирдларимнинг ҳиссасисиз ва илҳомисиз тасаввур этолмайман.

Ҳурматли китобхон! Мен қаҳрамонимга «Чўлдаги муваффақиятларга силлиққина эришмаган бўлсангиз керак?» —

деган савол ҳам беришим мумкин эди. Лекин ундаи қилмадим. Сабаби, сиз юқорида сездингизми-йўқми, Усмонов ўта талабчан, принципиал, расмиятчиликни унчалик ёқтирилмайдиган, сўзидан қайтмайдиган, ўзига ҳам, бошқаларга ҳам иш юзасидан тинчлик бермайдиган, фидойи инсон эди. Соиб аканинг ютуқларини энг аввало худди шу ибратли фазилатларнинг самараси деб билмоқ керак.

Масалан, бир гал анъанавий бир маъруза юзасидан «Қаршиқурилиш» бошқармаси бошлиғи Султон Чегибоев билан роса тортишган. Бошлиқ муовинга «маърузангизда энг аввали бошқарма бўйича капитал маблағ ўзлаштирилиши, курилиш-монтаж ишларининг бажарилиши ва қўриқ ер ўзлаштирилишининг боришини (*ижсобий қўрсаткичларни албатта – муаллиф изоҳи*) батафсил таҳлил қилиб берасиз» деган талаб қўяди. У эса, «йўқ, бу гал, айтганларингиз бўйича қўпчиликка маълум факт-рақамларни таъкидлаган ҳолда, чўлқуварларнинг, ишчиларнинг турмуш тарзи ва шарт-шароитлари қандайлигини атрофлича таҳлил қилиб бераман», деб туриб олади. Натижада, ўз нуқтаи назаридан қайтмаган ҳолда, танлаган таҳлилига қўшимчалар киритаверган Усмоновнинг талабига бошлиқ рози бўлади.

Ҳа, Соиб aka умум манфаати юзасидан конфликтга боришдан ҳам қўрқмасди!



---

## ОЛТИНЧИ БОБ

### «НУР» ИСМЛИ ДАВРА БУ

Қашқадарёликлар 1986 йилнинг 27 декабрини ҳеч қачон унутмайдилар. Бу сана жанубий вилоят тарихида абадий муҳрланиб қолади!

Ўша куни, кейинги уч-тўрт йил ичидаги ҳар томонлама орқага кетган, сабиқ Иттифоқда «пахта иши», уюшган жиноятчилик каби бутун Ўзбекистонни қамраб олган салбий ҳолатлар аслида мана шу воҳдан бошланган, деган сохта ва мудҳиш бир тасаввур уйғотилган, шу боис вилоятга ўгай кўз билан қараш авжига чиққан бир пайтда Қаршига Ислом Каримов Қашқадарёнинг биринчи раҳбари бўлиб ишга келди. Янги раҳбар жанубий гўшага қадам қўйиши билан вилоятни ана шундай чукур инқироздан чиқаришни, бунинг учун эса, энг аввало, бу ерда ҳукм сураётган адолатсизликка барҳам беришни, ноҳақ жабр чекаётган минг-минглаб одамларни ҳимоя қилишни ўзининг биринчи галдаги вазифаси деб билди. Юрак-бағри эзилган, фурури топталган инсонлар қалбидаги эртанги кунга умид уйғотмасдан, уларнинг адолатга бўлган ишончини тикламасдан туриб ҳеч нарсага эришиб бўлмаслиги кундек равшан эди. Бундай ўта мушкул вазиятда фақат халқقا, унинг иродасига суюниб ишлаш мумкинлигини ҳам у яхши биларди.

«Дастлаб қилган ишларимдан бири – оқсоқолларни йиғиб, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган мўътабар кишилар билан яқиндан танишдим, сухбатлашдим, – деб эслайди кейинчалик Ислом Каримов. – Ким қаерда униб-ўсган, илдизи қаерга, кимга бориб туташади, энг муҳими, палаги тозами, ўз ортида қандай яхши из қолдирган?

Мен бу ҳақиқатни билиш учун одамлар билан бир эмас, бир неча маротаба учрашдим, сухбатлашдим. Ҳамиша маслаҳат билан иш тутдим. Айтиш керакки, биринчи навбатда

генохсиз бұла туриб қамоқ азоби, зулм-зұравонлик ва ситеттегіндеңдегі жағдайдан үтказған жабрдийдаларга алоҳида эътибор қаратдим. Мен бу одамларнинг уйларига бордим, бағриқон бұлган оила аъзоларидан күнгил сүрадим, уларнинг оғирини енгиллатиш учун құллимдан нима ёрдам келса, барчасини қылдым.

Одамлар билан яқинлашиш, уларнинг ташвиш ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб иш юритиш фаолиятимнинг асосига айланды. Шунинг учун ҳам улар менга бағрини очди, доимо құллаб-қувватлашды».

Ислом Каримовнинг хузурида бұлган ilk сұхбатда вилюят қишлоқ хұжалик бошқармасыда етакчи мутахассис булиб ишләётган Соиб Усмонов ҳам бор эди.

— Биласизми, — деганды у киши сұхбатларимиздан биріда, — ўша ёруғ кунлар арағасыда қисқа муддатда вилюят раҳбарининг уч муовини, саккиз нафар бұлым мудири, шаҳар ва туман раҳбариятларининг қарийб 30 нафар котиби, вилюят ижроия құмитасининг раиси, унинг 4 нафар үринбосари, маstryл котиби, шаҳар ва туман ижроқұмларининг 12 нафар раиси, вилюят миқёсидаги йирик ташқилотларнинг 27 нафар раҳбари, колхоз ва совхозларнинг 100дан ортиқ раис ва директорлари ишдан олинганды ва уларнинг аксарият құпчилиги жиной жавобгарликка тортилғанды. «Десантчи-лар»нинг бундай антиқа «ўйинлари»дан бизнинг «Қаршикурилиш» бошқармаси ҳам «қуруқ» қолмаганды...

Бахтимизгаadolat қүёши бутунлай сұнмаган, Ислом Каримовдай элим-миллатим деган, юртим деган мард, жасоратли раҳбарлар ҳам бор экан. У киши, сизларни бежизга «сурешмаган» демади, аксинча, бизни ёнларига олди, күнглизни күтарди, фикр-мулоҳазаларимиз билан қызиқди.

— Бу ерга йиғилишдан мақсад битта — шу вилюятни оёққа турғазиш. Қани, кимнинг дилида нима гапи бұлса, айтсин. Құпчилик булиб ҳар қандай муаммони ҳал этамиз, — деди Ислом Абдуғаниевич сұхбатда гапни лұнда қилиб.

Биз күпдан бүён барчамизни қийнаб юрган масалаларни күндаланг қўйдик.

Ислом Абдуғаниевич биз айтган фикрларни умумлаштириб, ҳақиқатан ҳам вилюятда ахвол ниҳоятда оғир эканини таъкидләди.

— Қиладиган ишлар күп, — деди у киши. — Аммо буларнинг ичида энг муҳими — ҳозир авж олган адолатсизликка

барҳам беришдан иборат. Вилоятда 3000 нафардан зиёд киши жиной жавобгарликка тортилган. Уларнинг кўпчилиги терговсиз, суд ҳукмисиз қамоқда ётибди. Ҳибсга олинган ҳар бир кишига боғлиқ равишда яна 20-30 одам сўроқ беряпти, қариндош-урувлари сарсон-саргардон бўляпти. Бу кулфатга чек қўйиш, ноҳақ қамалганларни озодликка чиқариш даркор. Фақат ҳамжиҳатлик билан бу муаммоларни ҳал этиш, ишда ижобий силжишга эришиш мумкин, деб ўйлайман.

Ислом Абдуғаниевич адолатни тиклаш борасида, ўша давр нуқтаи назаридан, жуда қалтис ишни ўз зиммасига олди. Собиқ иттифоқ ва республика прокуратураларига талабномалар ёзди, Тошкентга, Москвага кўп бор қатнади, у ердаги амалдорлар билан талашиб-тортишди, хуллас, ўз фикрини ўтказди. Мен бу воқеаларга шахсан гувоҳ бўлганман.

Бугун бу тўғрида хотиржам гапириш осон, аммо ўша пайтда бундай қилишга ҳар кимнинг ҳам юраги бетламас эди. Чунки арзимаган бир айб топиб, ҳар қандай одамни партиядан ўчириш, ишдан олиб, қатағон этиш Москва учун ҳеч гап эмас эди. Буни Ислом Абдуғаниевич жуда яхши бильарди. Лекин шунга қарамасдан, халқ учун, адолатнинг қарор топиши учун ўзида куч топди, бор масъулиятни бўйнига олиб, буюк инсоний фазилатларини намоён этди.

Бу жасорат ҳеч қачон унуптилмайди. Чунки мана шу ҳаракат наинки Қашқадарё, балки бутун ўзбек халқи ҳақидаги уйдирма тасаввурларни ҳам яхши томонга ўзгартириб юборди. Бу вилоятда бағрикенг, заҳматкаш, эзгу мақсад йўлида жонини беришга ҳам тайёр бўлган одамлар яшаётгани амалда ўз тасдифини топди. Шунинг учун ҳам қашқадарёликлар Ислом Абдуғаниевич сиймоси олдида доимо хурмат билан бош эгадилар ва у кишини ўзларининг халоскори сифатида ардоқлайдилар.

Мен ўша вақтда вилоят қишлоқ ҳўжалик бошқармасида ишлаганим, ўзим гувоҳ бўлганим учун бир фактдан айрича фахрланиб юраман. Гап шундаки, Ислом Каримов вилояти-мизда иш бошларкан, ишлаб чиқаришдаги, иқтисодиётдаги тангликнинг туб илдизларини жиддий ўрганиб чиқишига киришди. Бу ҳолатни чуқур таҳлил этиш, қишлоқ ҳўжалиги ва чорвачиликдаги оқсоқликдан тегишли хulosалар чиқариш керак эди, албатта. Шу мақсадда у бошқарманинг деярли ҳар бир вакили билан алоҳида суҳбатлашди, ўтган уч йилга таал-луқли хужжатларни синчиклаб кўздан кечириб чиқди. Чун-

ки янги раҳбар ҳеч бир муаммо тасодифан пайдо бўлмаслигини яхши биларди.

Дадиллик билан янгиликларга қўл урди. Масалан, шахсан у кишининг ташаббуси билан Янги йилнинг бошидаёқ вилоят раҳбарияти қошида қишлоқ хўжалигида илфор тажрибаларни таргиб қилиш ва амалиётга татбиқ этиш бўйича маҳсус кенгаш тузилди. Барча агротехник тадбирларни ўз вақтида тез ва соз назорат қилиш СоюзНИХИ вилоят филиалининг мутахассислари зиммасига юклатилди. Баъзилар 1987 йил қишлоқ хўжалигидаги муваффақиятларни йил яхши келганлиги, яъни февраль серёғин бўлганлиги билан боялашади. Аммо яна бир нарсани таъкидлаш керак: вилоятимизга Ислом Каримовнинг қадами ёққанди. Иккинчидан, ютуқлар, энг аввало, бошқарувдаги янгиликларнинг, оқилона изланиш ва ташабbusларнинг самараси эди.

Бундай хосиятли қадам, шарофатли интилиш соҳибининг, куончак раҳбарнинг ёнида номигагина ёки нофаол ишлаб бўлармиди?!

Кўп ўтмай, яъни 1988 йилнинг бошида вилоят раҳбариятининг тавсияси, бошқа мутасаддиларнинг қўллаб-куватлови билан Соиб Усмонов қашқадарёлик уруш ва меҳнат фахрийларининг сардори этиб сайланди.

Тўғриси, яна Соиб Усмоновнинг омади чопганди. Чунки у шундай жамоатчилик ишини азалдан дил-дилидан яхши кўрар ва қадрларди. Негаки, уруш ва меҳнат фахрийлари қўмитасининг деярли барча фаоллари унинг қадрдонлари эди. Чунки, қашқадарёлик барча нуронийлар ўзларига аввалги раис Исом Жалиловга ўшшаган, яъни айнан Соиб Усмоновдай одам етакчилик қилишини хоҳлашарди. Негаки, уларнинг аксарияти Соиб Усмоновни тувишган aka-укасидай яқин биларди. Шу боис уруш ва меҳнат фахрийлари Ислом Каримовдан жуда миннатдор бўлишди.

Фахрийларни, айниқса, уруш ва меҳнат фахрийларини, ногиронларни эъзозлаш, уларга зарур моддий, маънавий, тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўришда фаол қатнашиш, фахрийларнинг ҳақ-хукуқ ва манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилиш қўмитанинг низомида ёзиб қўйилган асосий мақсади эди. Соиб Усмоновнинг ташаббуси ва даъвати билан давр талабларидан келиб чиқиб, вилоят янги раҳбарининг барча эзгу ишларида унга фаол қўмаклашиш, тушунтирув ишларида бирдай яқдил иштирок этиш

ҳам қўмита ва унинг аъзоларининг асосий мақсади, долзарб вазифаси деб белгиланди. Бу ишда биринчи навбатда қўмитанинг туман ва шаҳарлардаги бўлимлари етакчиларининг алоҳида ибрат қўрсатиши шарт қилиб қўйилди.

Соиб Усмоновнинг вилоят раҳбарининг талабларига мос эзгу ҳаракатларини, режаларини қўмитанинг тажрибали, давра кўрган фаоллари астойдил қўллаб-кувватлашди. Фаоллар орасида турли йилларда вилоят миқёсидаги идораларда, ташкилотларда муваффақиятли ишлаган, туман ва шаҳарларга раҳбарлик қилган, энг муҳими, Қашқадарёнинг ижтиомий ва иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшган Исом Жалилов, Бекмурод Элбоев, Файзулла Набиев, Эркин Жалолов, Худойқул Исмоилов, Маннон Самадов, Қарол Маҳмудов, Нарзинисо Акромова, Абдулла Паттоев, Муртазо Шарипов каби таниқли кишилар бор эди.

Меҳнат Қаҳрамони Нурмамат Рустамов ҳикоясидан:

— Соиб Усмоновнинг уруш ва меҳнат фахрийлари қўмитасининг раиси сифатидаги илк сафарларидан бири Баҳористон (собик) туманига, мен раҳбарлик қилаётган «Ўзбекистон» жамоа хўжалигига бўлган. У кишининг хўжалик фаоллари ва меҳнат фахрийлари билан бўлган учрашув-йиғилишда айтган қўйидаги сўzlари ҳеч ёдимдан чиқмайди.

«Азизлар, биз ҳар қанча шукр қилсан арзийди, — деганди ӯшанда Соиб aka, — чунки ниҳоятда оғир аҳволга тушиб қолган вилоятимизга foятда салоҳиятли, ҳар қандай муаммони ечишга қодир, айрича шиҳоатли, кўрқмас инсон раҳбар бўлиб келди. Ислом Каримовнинг мақсади ниҳоятда улуг, яъни вилоятимизни тезроқ инқироздан халос этиш, оёққа турғазиш, бу ерда илдиз отган адолатсизликка бутунлай барҳам бериш, одамлар қалбida эртанги кунга умид уйғотишдир. Шунинг учун биз — ҳар бир қашқадарёлик, ёшимиз, вазифамиз, мансабимиздан қатъи назар у кишининг атрофига қаттиқ жисплашишимиз, ҳар бир кўрсатма ва дъяватига пухта амал қилишимиз, вилоятни ўнглашга ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини асло унутмаслигимиз керак. Бошқаларни ҳам шундай бўлишга ундашимиз, чорлашимиз лозим. Мен кексаман, хизматимни қилиб кўйганман ёки қани ўзгаришлар бошланаверсин-чи, деб шошилмасликка, кузатувчи-томушабин бўлиб ўтиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки Ислом Абдуғаниевич Тошкентдан, ўзининг иссиқ жойидан бу ерга, чўлга бизни деб, сизни

деб, Қашқадарёни деб келган. Буни асло ёддан чиқармайлик, азизлар!»

Соиб Усмонов ўзига топширилган вазифа (лавозим) нисбатан мураккаб бўлса-да, вилоятда янги раҳбар бошчилигида кундан-кунга кучайтирилаётган эзгу ҳаракатлар — мақсад ва режаларнинг муваффақиятида алоҳида аҳамият касб этишини жуда яхши биларди. Шунинг учун унинг ташабbusи билан вилоятда уруш ва меҳнат фахрийларини, ногиронларни эъзозлаш, уларга моддий, маънавий ва тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича янада кучайтирилган маҳсус дастур ишлаб чиқилди. Унинг талабига мувоғик, бу ишда вилоят ва туман, шаҳар қўмиталари етакчиларининг масъуллиги, аникрофи, энг асосий ижрочи сифатидаги бурч-мажбуриятлари янада оширилди. Сусткашлик, номигагина иш юритиш, боқимандалик каби кўринишлар юз бермаслигига алоҳида даъват этилди. Айни вақтда қўмиталарнинг, биринчи навбатда маҳаллий ҳокимиятлар, қолаверса, етакчи, нуфузли, иқтисодий бақувват ташкилотлар билан алоқасини, ҳамкорлигини янада яхшилаш, кучайтириш шарт қилиб қўйилди.

Ўз вақтида турли вазифа-лавозимларда муваффақиятли фаолият кўрсатиб, эл ўртасида обрў-хурматга сазовор бўлган, лекин пенсияга чиққач, эътиборсизлик, бошқа айрим сабаблар билан уйда «ўймалашиб» қолган баъзи кексалар дадиллик билан фаоллар даврасига таклиф этилди. Уруш ва меҳнат фахрийлари билан ишлаш борасида фаоллик, изланувчанлик намойиш этиб келаётган қўмиталарнинг тажрибалари намуна қилиб кўрсатилди ва тарғиб этилди. Шахсан вилоят қўмитаси раисининг топшириғига биноан ўз вақтида фахрий унвон ва юксак нишонларга мушарраф бўлган, кексалик гаштини сураётган отахон ва онахонларнинг рўйхати тузилди. Учрашганда, «неча сўм пенсия оласиз?» деб сўралганда «яралар»ини янгиламаслик учун ижтимоий таъминот бўлимларидан улар ҳар бирининг нафақаси тўғрисида маълумотлар олинди. Иложи борича уларнинг ҳар бири билан аввал ўзим учрашиб, аҳволлашаман, деган эзгу режани қўнглига тугди Соиб Усмонов.

Меҳнат фахрийси, китоблик онахон Момохол Мелиева ҳикоя қиласиди:

— Қарийб эллик йил далада оддий деҳқон бўлиб ишланман. Пахтачиликда звено бошлиги бўлиб ишлаётганимда юқори ҳосилдорликка эришганим учун Олтин Юлдуз билан

тақдирлашган. Қишлоқдошларим, хұжалигимиз аҳли, тумандашларим мени ҳозиргача «Қаҳрамон опа», «Қаҳрамон она» деб ҳурмат қилишади. Шунинг учун тақдиримдан нолишга, ношукурчилик қилишга ҳаққым йүқ. Лекин, афсуски, үтган аср саксонинчى йилларининг ўрталаридан республикамизда бошланған эгасизлик, бошбошдоқлик, адолатсизлик туфайли биз ҳам озгина вақт деярли назардан қолғанмиз. Яхшиямки, бахтимизга Ислом Каримовдай халқпарвар, курашчан раҳбар бор экан. У кишининг кадрларидан, фаолларидан бўлган Соиб Усмонов ҳақида ҳар қанча гапирсак арзиди.

Чунки, бизга вилоят раҳбарининг саломини етказиб, кўнглимизни кўтарган ҳам, зарур ёрдамни дарров уюштириб берган ҳам, пенсиямизнинг меҳнат-хизматга муносиб бўлишига кўмаклашган ҳам — худди шу киши. Вилоят фахрийларининг илгари ишлаган сардорлари ҳам ёмон одамлар масди. Лекин тўғрисини айтиш керак, кўмитага Соибжон aka раис бўлиши билан у чинакам жамоат ташкилотига айланна бошлаган. Соибжон aka фахрийлар учун жонини ҳам беришга тайёр, уларнинг ташвишлари билан чарчамайдиган ажойиб раҳбар эди. У кишининг чин дилдан, алоҳида меҳр билан айтадиган бир оғиз «опажон» деган сўзи ҳар қандай одамга ҳар қандай рағбатдан кам туюлмасди.

Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Саксонинчى йилларининг охирида вилоят газетасида бизнинг Китоб тумани ҳақида янги мақола босилди. Газетанинг ўша сонини, обуна бўлганимиз учун, кўп қатори мен ҳам ўқидим. Унинг Китобнинг машхур, унвондор кишилар тўғрисида сўз юритилган қисмида ўзимнинг исм-шарифим йўқлигидан беихтиёр ажабландим. Ёнимда ўтириб мақола билан танишган, мендан ҳам зийрак набирам ҳатто «ие, моможон, бу ерда сиз йўқсиз-ку, ё сиз китоблик эмасмисиз?» деган савол ҳам берди. Ёш бола нотўри фикрга бормасин, деган ўй билан «эркатой, Китобда бошқа машхур одамлар ҳам бор, момонгни улар билан газетанинг кейинги сонида беришса керак», дедим. Унга билдирмаган ҳолда, нимагадир, ичимдан эзилиб қўйдим. Лекин бу ҳақда бирорга гап очмадим.

Ўша куннинг эртасига уйимга Соибжон aka кириб келди. Ёнида туман раҳбариятидан вакил ҳам бор эди. У киши саломлашиб, сўрашишгача:

— Опажон, иш билан туманингизга йўлим тушувди, — деди.— Бу ерга, хонадонингизга келганимнинг эса иккита

сабаби бор. Биринчиси, сизни соғингандим. Кўриб, зиёрат қилиб кетай дедим. Иккинчиси, вилоят газетасининг сешанба кунги сонида Китоб туманига бағишланган мақолада битта хато кетибди. Яъни сизнинг мухбир ёзган текстда бўлган исм-шарифингиз корректорнинг айби билан саҳифадан тушиб қолибди. Шуни кўнглингизга олмасангиз, деб келдим. Чунки, газетачиликда баъзан бундай ҳолатлар учраб туради. Бу ёғини сўрасангиз, бир йили битта газетада менинг фамилиям Усмоновмас, Осмонов бўлиб чиқиб кетган.

Соibжон акага қўшилиб, туман раҳбариятининг вакили ҳам кулиб юборди. Мен эса қандай эътиборли, ғамхўр қўми тамиз раиси бор-а, дуб хурсанд бўлиб кетдим.

Тўғри, мен ўшанда мухбир газета учун ёзган матнда исм-шарифим борми-йўқлигини, хато ростданам корректорга тегишли ёки тегишли эмаслигини билмаганман. Лекин Соib Усмоновни яна бир бор ўз ищига ғоятда садоқатли, ҳақиқий фахрийпарвар, зукко, зийрак инсон, кайвони сифатида билганман ва бунга юрак-юрагимдан амин бўлганман.

\* \* \*

1989 йилнинг баҳорида «Ўзбекистон овози»да ишлаётганимда Қашқадарёга, ота юртимга ижодий сафар билан бордим. Қаршига қадам қўйишим билан энг аввало устоз қадрдонларим — Фармон Омонов ва Соib Усмонов билан саломлашардим. Бу гал Фармон aka Қаршида йўқ эди, ўша вақтда у киши Шаҳрисабз туманинг биринчي раҳбари бўлиб ишларди. Шунинг учун Соib аканинг ўзини зиёрат қилиб, кейин Яккабоғга ўтиб кетмоқчи бўлдим.

Уруш ва меҳнат фахрийларининг вилоят қўмитаси жойлашган бинога яқинлашишим билан қўзим фойеда машина кутиб турган Соib акага тушди. Тез юриб бориб салом бердим.

— Қашқадарёлик тошкентликларга қойил! — дея одатдагидай кучоғини очди Соib aka.

— Тинчликми, устоз,—дедим сўрашаётганда ҳам хурсанд бўлиб, ҳам қизиқиб.

— Яккабоғга кетаётгандим, жигарларингиздан «Юсуфжон сизлардан неча ойда бир хабар олади?» деб сўрамоқчидим, билибсиз-да, а? — деди кулиб Соib aka.

— Йўқ, бундан мутлақо бехабарман. Мени Худо бир марта сақлабди-да!

Соиб ака саволига муносиб жавоб олганидан дилдан қаҳ-  
қаҳ уриб кулди.

Ҳазилимиз тұхтагач, у киши мени бино ичкарисига, хо-  
наларига бошламоқчи бўлди.

— Бирон жойга отланиб турган экансиз, қайтиб кириб  
үтирумайлик,— дедим.

— «Бирон жой» ҳам сиз томонга, Яккабоғга, ундан ўтиб,  
Чироқчига,— деди мезбон яна меҳрли табассум ила.

— Унда, Ўзи яна бир марта қўллаётган экан, кетдик,—  
дедим мен ҳам хурсанд бўлиб.

Қўмитанинг енгил хизмат машинасига чиқдик.

Қаршидан чиқаётганимизда Соиб ака аввал: «Пойтахтга  
бормаганимизга ҳам анча бўлиб қолди. Тошкентда нима гап-  
лар?» — деди-да, Абдулла Орипов, Жуманиёз Жабборов, Нор-  
мурод Нарзуллаевларни сўради. Сўнг асосий мақсадга ўтиб,  
шундай деди:

— Ҳар ҳолда яккабоғлик муаллим Маҳмуд Хидировни  
яхши билсангиз керак. Шу одам бу йил 75 ёшга тўлаётган  
екан. Қаршилик бир ҳамкасбидан эшитиб қолдим. Чироқчи-  
га ўтаётиб, домлани бир кўриб, аҳволлашиб, туғилган кун-  
ларини билиб, туман бўлимимизга топшириқ берib кетмоқ-  
чиман. Иложи бўлса, юбилейларини вилоят миқёсида ни-  
шонламоқчимиз. Бундай, яъни «Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвонига сазовор бўлган, ҳамон  
бой тажрибалари, маслаҳатлари, насиҳатлари билан шогирд-  
ларига, ёш ҳамкасларига ёрдам берib турган устоз муал-  
лимлар вилоятимизда кўп эмас, саноқли.

Тўғриси, ҳаммамиз ҳам шундай инсонлар — касбини  
шарафлаган домлалар туфайли ўқиб, вояга етганимиз, одам  
бўлганмиз. Маҳмуд ака роппа-роса эллик йил ўқитувчи бўлиб  
ишлади. Бир соҳада, битта касбда ярим аср ишлаш ҳазилмас.  
Бу ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди ёки ҳар ким ҳам  
бунга мусассар бўлавермайди. Тарбиячиликка, ўқитувчилик-  
ка бутун умрини, онгли ҳаётини бағишилаган шундай устоз  
муаллимларнинг табаррук ёшини нишонламасдан бўладими?!  
Қолаверса, бизнинг уруш ва меҳнат фаҳрийлари деган дав-  
рамизга файз берib турганлар энг аввало Маҳмуд акадай  
кишилар-ку.

Соиб ака «Маҳмуд Хидировни яхши биламангина эмас,  
яхши қўраман, чунки мен у кишидан таҳсил олганман» де-  
ган сўзларимни эшитгач, янада жўшиб кетди.

— Мана, биз, фахрийлар ёш бир жойга бориб қолганлиги учун сустроқмиз десак, сизлар ҳам бизлардан кам эмас экансизлар, —самимий кулди оқсоқол. Сүнг дарров давом этди.— Нега Маҳмуд ака тұғрисида «Менинг шундай устозим бор» деган мақола ёки очерк ёзмайсиз? Үзини үқитган, қишлоқдоши бұлған мualлим ҳақида ёзибди, дейишади дейсиз. Дейишса дейишаверсин. Машхур мualлим бир боланимас, минглаб, ўн минглаб ўқувчиларни үқитади, шаклланыб, вояга етиб, одам бұлишига ҳисса құшади.

Менинг армоним шуки, биз керакли, эл-юртта хизматиди қилиб қўйган одамларга керакли гапни керакли вақтда айтмаймиз. Яъни бирор тұхтатмаса ҳам, негадир тийиламиз, торгинамиз, боя айтганимдай, ҳатто сохта андишага борамиз. Керакли гапни эса кўпинча ўша одам биздан бутунлай узоқлашганда айтишга ошиқамиз. Бундан кимга фойда? Керакли одамга нафи тегиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкинмас, буни у қабул ҳам қилмайди. Ҳолбуки, қаердадир ўқигандим, одам ўзи тан олган инсон ҳақида барча яхши гапларини иложи борича у тирик чоғида айтиши керак, шундай қилинганда унинг умрининг узайишига сабаб бўлиш мумкин экан.

Яккабоғга яқинлашганимизни сезган Соиб ака сўзини якунлашга интиларкан:

— Баъзида кўзга ташланиб қоладиган бундай номукаммалликларда аслида биз, фахрийларнинг ҳам, сиз, ижодкорларнинг ҳам айби бор,— деди самимий кулиб.— Шунинг учун ўзаро алоқаларимизни, ҳамкорлигимизни янада кучайтиришимиз, бир-биримизни мунтазам эшитиб, тўлдириб туришимиз керак.

Жийда қишлоғида яшайдиган Маҳмуд домла ўзини Соиб Усмонов, уруш ва меҳнат фахрийларининг вилоят бўлими раиси йўқлаб келганидан боши осмонга етиб кетди. Ҳатто «Обиджон, тез қурадан битта семизини олиб чиқиб, ағдар» деб юборди ўғлига. Соиб ака унамади. Қўчқор семирашверсин, юбилейингизда сўйдирасиз, деди. Бу гапни эшитиб, Маҳмуд Хидиров яна хурсанд бўлиб кетди.

— Ҳали юбилейимдан ҳам хабарингиз борми, Соибжон?— деди.

— Ноҳабарликка ҳаққимиз йўқ, домла. Чунки сиз меҳнат фахрийси сифатида ҳам, хизмат кўрсатган таълимчи сифатида ҳам қўмитамизниң эътибор-эъзозига арзийдиган инсонсиз. Насиб бўлса, тўйингизни халқ таълимидағи

дўстларимиз билан ўзимиз яхшилаб ўтказиб берамиз. Сизни олдинроқ истаб келганимнинг сабаби, биздан қандай ёрдам зарурлигини билиб кетмоқчиман. Масалан, уй шароитингизни яхшилашга эҳтиёж бўлса, юбилейгача санаторийда дам олмоқчи бўлсангиз, бажонидил кўмаклашамиз.

— Минг раҳмат, Соибжон. Махсус йўқлаб келганингизнинг ўзи мен учун ҳар қандай ёрдамдан баланд туради. Сиз вилоят ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари бўлиб ишлаётганингизда биз, маорифчиларга, мен ишлаган ҳозирги Каттабой Ашуров номли мактабга қандай ёрдамлар берганлиз. Буни фақат мен эмас, балки бутун яккабоғлик, қашқадарёлик ўқитувчилар ҳозиргача унтишмайди. Вилоятимиз сиздай ажойиб фарзандлари, жонкуярлари билан фахрланса арзийди. Сизларга ҳозир ҳеч қандай илтимосим ёки бирон заруриятим йўқ. Қўриб турибсиз, уй-оилавий шароитим яхши. Болалар ишляпти. Камчиликдан йироқмиз. Ўн кун бурун Самарқандда санаторийда дам олиб келдим.

— Йўлланмани халқ таълимидан беришдими?

— Йўқ, бу гал бир шогирдим ҳиммат кўрсатди.

— Ўзингдан қўймасин, шогирдим, экан-да, — ҳавас билан кулди Соиб ака.

— Ҳа, барака топишсин улар. Ишқилиб, шогирдларнинг бори яхши экан-да. Бири бўлмаса, бири эслаб туради.

— Бердиев ҳам қишлоғига келганда сиз билан ҳабарлашиб кетадими?

— Бўлмасам-чи. Юсуфжонга гап йўқ. «Менинг ўкувчим, шогирдим «Ўзбекистон овози»да ишляпти!» деган фаҳр кам йўқловни ҳам кўп қилиб, ўринини босиб кетади.

— Тушунарли, — деб, менга қараб самимий жилмайди Соиб ака. Сўнг бирдан давом этди: — Бу кишига сиз ҳақингизда «Менинг шундай устозим бор» номи билан мақола ёки очерк ёзиш керак, деган таклифни айтдик.

— Қандай бўларкин, одамлар ўзининг қари домласини мақтабди, дейишмасмикан?

— Дейишса, дейишаверсин, Маҳмуд ака. Тўғриси, сиздай одам ҳақида китоб ёса ҳам арзийди. — Соиб ака шундай деб, йўлдаги гапим эсингизга тушдими, журналистларгина эмас, уларнинг бўлажак қаҳрамонлари ҳам «андишли» бўларкан-ку, дегандай мийифида жилмайиб, менга қараб қўйди.

Соиб ака «Узр, энди бизлар турамиз, домла. Чироқчидаги мени кутишяпти», деб рухсат сўради. Маҳмуд ота сохта мулозаматни қўйиб, қўл очиб, дуо қилди.

Машинага чиқиши олдидан, хайрлашаётіб, Соиб ака:

— Демак, Маҳмуд ака, келишдик, сана аниқ, туман халқ таълими бўлими билади, мен ҳозир бу ердаги вакилимизга тайинлаб кетаман, сиз билан хабарлашиб туради, бирон таклиф ёки биз эслатгандай эҳтиёж-зарурат бўлиб қолса, шу заҳоти ҳеч иккиланмай, у орқали бизга етказасиз, дарров ҳал қиласиз, юбилейингизни ўзимиз бош бўлиб ўтказиб берамиз, — деди.

— Эътиборингиз, иззат-хурматингиз учун отангизга раҳмат, Соибжон. — Хидиров домла шундай деб Усмоновни бағрига босди.

Келишганимизга мувофиқ, мен бирозга Жийдада қолдим.

Соиб аканинг машинаси катта йўл томон юриб кетиши билан Маҳмуд домла менга:

— Юсуфжон, сен омадли йигитсан, — деди. Сўнг дарров фикрини изоҳлади: — Соиб Усмонов вилоятимизнинг энг зўр, энг обрули ва энг барқарор кайвониларидан биттаси. Шундай инсон билан ака-ука, устоз-шогирд экансан, асло кам бўлмайсан. Насиҳатим: бундай устозларга янада яқин бўл!

Ўша куни Маҳмуд домланинг ҳузуридан қайтаётганимда: «Соиб ака ҳам, аслида Соиб ота, яъни Пайғамбар ёшилаги қария бўлса, Қарши билан Яккабоғнинг ораси ҳам олтмиш километрдан ошадиган узоқ йўл бўлса, унинг устига у кишини Чироқчида асосий иш, одамлар кутиб туришган бўлишса, Жийда қишлоғига ўзи кириши шартмиди? У ерга туман вакилини юборса ҳам бўларди-ку? Фахрийнинг, муаллимнинг юбилейи ҳали олдинда бўлса?» дея ўйланиб қолдим. Сўнг, хаёлимда тақрорланган саволларга, Соиб ака ҳақидаги «кекса» хulosаларим, кузатмаларимга асосланган ҳолда, пичирлаб, овоз чиқариб, ўзим жавоб бердим: «Одамийликнинг ўзига хос тимсоли бўлган Соиб ака ўзи эътироф этган одамни ўйлаётганда бошқа нарсани асло хаёлига келтирмайди. Бугун ҳам шундай одатига содиқ қолди. Яъни ўзининг кексалигини ҳам, йўлнинг узоклигини ҳам, ҳатто Чироқчидага режалаштирилган расмий тадбирни ҳам ўйламади. Жийдага ўзи кириши шарт эди. Чунки унинг учун ҳар қандай ибратли инсоннинг дийдори айрича қимматлидир. Яккабоғлик халқ таълими фидойисининг дийдорини ҳам у худди шундай азиз билганди!»

\* \* \*

1989 йилнинг июнида Ислом Каримов Ўзбекистоннинг раҳбари этиб сайланди.

— Бундан биз, қашқадарёликлар бошқалардан зиёд қувондик, — деганди Соиб ака, олимлар билан бўлган суҳбатларидан бирида. — Чунки вилоятдошларимизнинг барчаси бу мард, курашchan ва халқпарвар инсонни — Қашқадарёни адолатсизлик ва инқироз ботқоғидан олиб чиқиб, қаддини тиклаган, унинг обрўйини кўтарган улуф раҳбарни ўзларига мисоли тоғдек таянч деб биларди, ўзларининг туғишган акаси ёки укасидек дил-дилларидан яхши кўрарди ва хурмат қиласиз.

Ислом Абдуғаниевич эса Қашқадарё ва қашқадарёликларни айрича яхши кўрарди. У кишининг кейинчалик айтган, ёзган қуидаги сўзларини ўқисангиз, бу меҳру муҳаббат нечоғлик астойдил ва баланд бўлганлигига ўзингиз амин бўласиз:

«Тақдир деймизми, нон-насиба қўшилгани деймизми, ҳаётимнинг бир қисми Қашқадарёда кечди. Қизғин меҳнат, орзу-армон, интилишларга бой ўша йилларни ҳамиша миннатдорлик билан эслайман.

Мен бир ҳақиқатни кўп бор айтганман, яна тақрорламоқчиман: бу ёруғ дунёда шу кунгача мен нималарга эришган бўлсам, аввало, Худонинг инояти, ҳаётимнинг мураккаб кунларида Қашқадарё аҳлининг менга билдирган чексиз хурмат ва ишончи, қўллаб-кувватлашининг натижаси, деб биламан.

Мени ўз фарзандидай кўриб, нон-туз берган, меҳр-оқибат кўрсатган, яхши-ёмон қуналаримда ёнимда турган, раҳбар сифатида камолга етишимга сабаб бўлган меҳнаткаш, бағрикенг, оққўнгил Қашқадарё халқига бош эгиб, таъзим қиласан».

Ана шундай меҳру муҳаббат, эътироф-эъзоз соҳибининг шарофати туфайли оёққа турғазилган, ўнгланган, ривожланишнинг ойдин йўлига чиқиб олган вилоят учун курашмаслик мумкинмиди?! Биз шунинг учун хурсандмизки, вилоятимизнинг аксарият онгли кишилари, асл фарзандлари ана шу туйғуни аввал қалбларидан чуқур ҳис этдилар. Сўнг, Ислом Абдуғаниевичнинг тажрибаларига таяниб, берган маслаҳатлари, йўл-йўриклари ва кўрсатмаларига қаттиқ амал қилиб, қалбларида алоҳида бурчдорлик масъулиятини тууб, қолаверса, Ислом Абдуғаниевичнинг ибратидан илҳомланиб ишлай бошлидилар.

Бу борада айрича фаоллик кўрсатаётганларнинг олдинги сафида Соиб Усмонов ҳам бор эди. Шу боис 1990 йилнинг аввалида бўлган сайловда у кўпчилик овоз билан 210-Киров сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига депутат этиб сайланди.

Меҳнат фахрийси Раҳимжон Шарипов ҳикоя қиласди:

— Улуғ устознинг шогирдларидан бири бўлганим учун яхши биламан. Тўғриси, «Олий Кенгашга депутат бўлай» ёки «Олий Кенгашга депутат бўламан» деган ўй Соиб аканинг хаёлида йўқ эди. Чунки у киши шу мавзуда давраларда гап кетса, доим, ёшларга кўпроқ ишонч билдириш керак, деб турарди. Ўзлари аллақачон олтмишдан ошиб қолганди-да. Соиб аканинг номзодини Олий Кенгаш депутатлигига кўямиз, деган фикр халқдан, унинг пешволаридан чиқсан. Шунинг учун устоз «Майли, ўтолмасам ҳам, сизларнинг раъйиларингни қайтармайман» деб, номзодини кўрсатишга розилик берган.

Биласизми, Соиб ака сайловолди учрашувларида баъзиларга ўхшаб мени сайласаларинг ундай қиласман, бундай қиласман, деб қоп-қоп ваъдалар беришдан тийилган, катта гапиришлардан йироқ бўлган, ишончли вакилларни бўлар-бўлмасга югуртиравермаган. Сайловолди режаларини мавжуд ва кутилаётган имкониятлардан келиб чиқсан, маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда ўртоқлашган. Сайловчилар ҳам устозга ортиқча саволлар бериб ўтиришмаган.

Халқ — барибир зийрак, зукко-да. Кимнинг нималарга қодирлигини, қандай имкониятларга эгалигини, ўрнининг даражасию обрўйининг қанча тош босишигача билиш қулидан келади-да. Шунинг учун Соиб ака ортиқча ташвишларсиз, ташвиқот-тарғиботларсиз энг кўп овоз билан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига депутат қилиб сайланган.

Куни кечагидай эсимда. Устозни ғалаба — халқнинг юксак ишончи билан табрикладим. Шунда у киши фақат ўзига ярашадиган ёқимли табассум билан:

— Раҳимжон, бўёғи қандай бўларкан, қийналиб қолмасмиканман? — деди.

— Устоз, сизни халқ сайлади, сиз бир умр, эллик йил халқни деб келган инсонсиз. Шундай экан, халқ ҳам сизни қийнаб қўймаса керак. Ҳеч бўлмаганда, тилаги ва дуоси билан сизга ёрдамга келади, — дедим мен.

— Балли, Раҳимжон, энг асосий гапни айтдинг, халқнинг тилаги ва дуосидан қўймасин, — деб хурсанд бўлиб

кетди Соиб ака. Сүнг кулиб давом этди: — Лекин, укажон, «бир умр, эллик йил» деган гапингга қўшилмайман. Худога шукр, умрим давом этяпти. Халқимга умримнинг охирги дақиқаларигача хизмат қиласман!

Устоз — барибир устоз-да, дея у кишининг кичик тузатишини дилдан қабул қилдим.

Менинг фикримга кўпчилик қўшилишига ишонаман. Ёши улуғ Соиб Усмонов депутат қандай бўлиши кераклигини вилоятдагина эмас, балки, республика миқёсида ҳам кўрсатиб қўйди.

Қаршилик меҳнат фахрийсининг кейинги сўзлари баъзиларга эриш, ғалати туюлиши мумкин. Лекин Раҳимjon аканинг ўз устозидан беҳад фахрланганидан, қолаверса, ҳамон шу туйғу унга бегона эмаслигидан беихтиёр шундай деганини ҳам унутмаслик керак. Аслида, у киши Соиб ака ҳалқ ишончини юксак даражада оқлади, яъни депутатликни чинакамига бажарди, деган фикрни айтган эди. Бунга биз ҳам гувоҳмиз.

Маълумки, депутаттага ўз сайловчилардан биринчи навбатда яшаш-турмуш шароитларининг, йўл, ободонлаштириш ишларининг яхшиланишида бош-қош бўлиши, ёрдам уюштириб бериши сўралган наказлар тушади. Соиб ақага ҳам бундай илтимослар кўп бўлган ва у киши бу сўровларни ўз вақтида кутилганидай уддалаган. Масалан, Соиб ака ҳатто Қаршидан, туман марказидан анча олисда бўлган, шунинг учун кўпинча «одамнинг оёғи кам етадиган» деб таърифланаидиган, яъни бориш-келиш қийин бўлган тоғ гўшалари — Чит, Тотли, Тошбулоқ, Қоронқўл қишлоқларига чироқ, электр нури олиб чиққан!

— Бу — факт, буни тўрт қишлоқ аҳолиси, 250 дан ортиқ оила ҳеч қачон, жайдари тил билан айтганда, ўла-ўлгунча унутмайди, — дейди дехқонободлик фермер хўжалиги раҳбари Ҳамид Жалилов. — Чунки улар дўнгликлар, ўнқирчўнқирлар, тошлар оша қарийб ўттиз километрлик масофага электр симлари тортилиб боришига ишонишмасди. Тўғриси, бундай бўлишини хаёлларига ҳам келтиришмаганди. Шунинг учун улар ҳанузгача миннатдор бўлиб: «Соиб ака бизга нур улашган, у киши туфайли Тотлимиз нурли, Тошбулогимиз нурли булоқ, Қоронқўлимиз ёруғ кўл бўлди», дейишади. Элга бундан ортиқ яхшилик, эл хизматкорига эса бундан зиёда эътироф бўладими?!

Соиб аканинг шарофати билан у кишини ўзларига депутат қилиб сайлаган округлар (қаҳрамонимиз 1994 йилги сайловда яна Олий Кенгашга депутат этиб сайланганди) жойлашган ҳудудларда қанчадан-қанча тиббий ва маданий-маърифий масканлар таъмирланмади, янгидан қурилмади ёки кенгайтирилмади дейсиз.

Агар 1990 – 99 йилларда Қашқадарёда халқ турмуш тарзи, маориф, тиббиёт ва маданият янада яхшилангани ҳақида гап кетиб, бунга ҳисса қўшган Олий Кенгаш депутатларининг номлари тилга олинадиган бўлса, ишончимиз комилки, рўйхатнинг бошида Соиб Усмоновнинг ҳам исм-фамилияси туради!

Қаҳрамонимизнинг Олий Кенгашнинг анъанавий сессияларидаги фаоллигини, Ўзбекистон Мустақиллигини мустаҳкамлашга, туб иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий ислоҳотлар ўтказишга қаратилган қонунлар қабул қилишдаги ибратли иштирокини Қашқадарёдагина эмас, балки бутун республикада яхши билишади, десак ҳато қўлмаган булатмиз. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини белгилаш ва Олий нишон – «Олтин Юлдуз» медали таъсис этиш тўғрисида»ги қонунни муҳокама этган тарихий Ўн бешинчи сессияси (1994 йил 5 май) кўпчиликнинг ёдиди.

Ўшанда Соиб Усмонов бошқалардан олдин минбарга кўтарилиб, бу кутлуг унвон ва олий нишонни энг аввал Ўзбекистон Мустақиллигини эълон қилишда мислсиз жасорат кўрсатган, халқни уйғотган, юртни ривожланишнинг ойдин йўлига олиб чиқсан ва унинг янада юксалишида бетакрор фидойилик намойиш этаётган Президент Ислом Каримовга бериш тўғрисида таклиф киритганди.

Таклифни зал гулдурос қарсаклар билан кутиб олган. Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов «Соибjon аканинг бу таклифи йигирма беш миллионли халқимиз дилидаги гапнинг, фикрнинг, истакнинг ифодаси», дея уни биринчи бўлиб қўллаб-кувватлаган. И. Юсупов, В. Сигедин, А. Гуломмаҳмудов каби депутатлар ҳам ўз чиқишиларида Соиб Усмоновнинг фикрини гоятда адолатли, оқилона таклиф, деб баҳолашган ва унга бир овоздан, фаол қўшилишган. Шу тариқа, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгashi Ўн бешинчи сессияси «Суверен ва Мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар, демократик, хуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсат-

ганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуганиевич Каримовга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва Олий нишон – «Олтин Юлдуз» медали топширилсин» деган қарор қабул қилган.

Ўша тарихий сессияда депутат сифатида иштирок этган гузорлик шифокор Санобар Сафарова ҳикоясидан:

— Соиб ака барча сессияларда, аникроғи, унинг муҳокамаларида доимо бирдай фаол иштирок этарди. Ўта зийрак-зукко бўлганлиги учун кўпинча энг керакли, бўладиган гапларни айтарди. Нутқи, сўз уқтириши ёқимли ва ихчам бўларди. Шунинг учун кўпчилик депутатлар у кишини яхши кўришарди, айрича ҳурмат қилишарди. Водийлик сўзга чечан нишондошлиримиздан Соиб ака тўғрисида ҳатто «Сизларнинг ширин буваларинг», деган ҳавасли эътирофни ҳам эшитганмиз.

Шунинг учун, биласизми, Соиб ака Ўн бешинчи сессида кўпчиликнинг дилидаги гапни – таклифни айтгач, депутатлар у кишини янада яхши кўриб қолишган. Ўша тарихий унтилмас дамларда орамизда у кишига ҳавас қилмаган, у кишининг дадиллигидан, илфорлигидан илҳомланмаган, ибрат олмаган депутат қолмаган, десам ишонаверинг. Биз, қашқадарёлик депутатлар эса бошқа вилоятларнинг вакилларидан «Шундай ажойиб инсон, устоз билан ҳар қанча фахрлансан-гизлар арзийди», деган чин юрак сўзларини эшитганмиз. Мана, сизга яхши одамнинг ўрни, қиммати ва шарофати!

\* \* \*

1996 йилнинг декабрида уйга, Яккабоққа ўтаётib, Қаршида Соиб ака билан учрашдим.

Устознинг иш кабинетида, бир пиёла чой устида:

— Соиб ака, бу йил яхши йил бўлди, а? – дедим.

— Яхши ҳам гапми, укам, аъло бўлди, аъло! – деди бирдан у киши жўшиб. Сўнг шу кўтаринки кайфият билан дарров давом этди: – Биринчи марта миллатимиз фахри ва ифтихори, буюк Амир Темурнинг табаррук 660 йиллик тўйи нишонланган йилни кейинги тўрт-беш йилнинг қайсииниси билан тенглаштириб бўлади?! Президентимизнинг отасига раҳмат, у кишининг шарофати билан Соҳибқироннингномигина эмас, ўзи ҳам қайтди-ку, Юсуфжон. Ўзи асос солган, бунёд этган шаҳри Кешнинг қоқ марказида, Оқсаройи бағрида кўкрагини кериб, мағрут, голибона турибди-ку?!

Лекин, — Соиб ака шундай деб бирдан ҳүшёр тортди. Негадир жұшқын ҳолати ҳам сусайди.

Мен ҳеч нарсага тушунмай, «Нега лекин?» дейишга журыат этолмай, жим турдим.

Соиб ака мени тушунганди. Шунинг учун күп күттірмай, гапида давом этди:

— Лекин, афсуски, Соҳибқирон туғилган Хўжаилфор қишлоғига шу табаррук йилда ободонлашиш насиб этмади.

— Бунга ҳукумат ҳам, Президент ҳам айбдор эмас, ўзимиз айбдор, — дедим дарров Соиб аканинг ўзимга дардош, армондош эканлигини сезиб.

— Яшанг, укажон, чунки ҳамма нарсанинг белига тепган ўша «Темур бошқа жойда — Занжирсарой қишлоғида туғилган», деган фикрни пойтахтлик ёки чет эллик олимлар илгари суришмаган. Биз, қашқадарёликлар ўйлаб топғанмиз. Ҳалқимизнинг асрий орзуси амалга ошаётган, яъни давлатимиз раҳбарининг жасорати билан улуғ аждодимиз ниҳоят миллатимизга, юртимизга қайтаётган пайтда, шукр қилишнинг ўрнига, шундай «билағонлик», «топилма», қолаверса, баҳс шартмиди? Ибн Синонинг 1000 йиллиги нишонланаданда бухороликлар «буюк тиббиётчи Афшонадамас, бошқа қишлоқда туғилган», дейишмаганди-ку. Ҳозир Афшона ни ўзига хос Синоград (кичик шаҳар) дейсиз.

— Амир Темур хотирасига бағишлиб Яккабоғда иккита улоқ-кўпкари ўюнтириш шартмиди?

— Асло. Биттаси ҳам етарди. Иккинчисига аталган харатжатларни Хўжаилфор учун ишлатса, Соҳибқироннинг руҳи ранжирмиди? Улоқ-кўпкариникидан зиёд шод бўларди.

Соиб ака шундай деб, бироз жим қолди. Сўнг:

— Тўғриси, бизнинг айбимиз ҳам «билағонлар» ва «улоқчилар»ницидан кам эмас, — деди кулиб. — Бу — олимларнинг, тарихчиларнинг иши, бизга алоқаси йўқ ёки туман ҳокими истабдими, кучи етса қилаверсин-да, деб эътиборсиз, фирт томошабин бўлиб ўтираверғанмиз. Ҳолбуки, буюк Темур қадриятлари (яъни унинг номи, хотираси, туғилган жойидан тортиб, машҳур «Тузуклар»игача) кимлигимиздан, қайси соҳада ишлашимиздан қатъи назар, барчамизга бирдай тегишлидир. Уларни доимо эъзозлашга, ўрганишга, ободонлаштиришга, янглиштирмасликка ҳар биримиз масъулмиз. Афсуски, биз бундай дахлдорлик ва масъулиятни баъзида кеч англаймиз.

Шунинг учун мен бу йилни (фақат үзим учун) қатта мамнұннат вә кичик армон билан таъкидләяпман.

Ушбу дил сұzlарини тингларканман, Соиб акани мард ва күнгли тоза инсон сифатида янада чуқурроқ англадим.

\* \* \*

Соиб акада етмиш ёшимни баъзиларга үхшаб, қозон-қозон ош дамлатиб, карнай-сурнайларнинг овозини етти маҳаллага етказиб нишонлайман ёки нишонлатаман, деган режа йўқ эди. Дўст-биродарлари, шогирдлари шу мавзуда гап очиши, Мустақиллигимизнинг илк йирик тўйи – 10 йиллигини 2001 йили байрам қиласиз. Худо умр берса, кейинги йили, яни 2002 йили 75 ёшимни нишонлайман, деб қўярди.

Лекин Президентимизнинг «С. Усмоновни «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида» 1997 йил 27 октябрида имзо чеккан Фармони эълон қилиниши билан Қаршида, Ишчилар кучасидаги ҳовлида машҳур эл кайвонисининг қутлуг ёши тўйи бошланиб кетди. «Кўп йиллик самарали меҳнати, халқлар ўртасида тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлаш ишига кўшган ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун «Нуроний» жамғармасининг Қашқадарё вилояти бўлими раиси Соиб Усмонов «Дўстлик» ордени билан мукофотлансан» деган сўзлар унинг оиласи – фарзандларига ҳам, дўсту қадрдонларига ҳам, фахрийлару шогирдларига ҳам, хуллас, бутун Қашқадарё аҳлига бирдай қувонч ва фахр-ифтихор туҳфа этганди.

Тўйнинг асосий мезбонлари – маҳалладошлар, қадрдонлар ва ғузорлик қариндош-уруғларнинг қаторига тезда Бокижон Эргашев бошчилигидаги шаҳрисабзлик меҳмонлар келиб қушилиши. Муборакнинг «Муборак!»ин қабул этинг», дея ташриф буюрган газчилар даврани тўлдиришди. Бири тогим, бири чинорим, дея Соиб акани кутлашга интилган деҳқонободликлар келгандан сўнг ҳовли торлик қилиб қолди. Эл фарзандининг тўйига, уни шарафлаш давраларига бутун Қарши қучоқ очди...

Давраларда куй-қўшиққа, дил сўзлари шеърга уланди. Мана, ўша шеърлардан баъзилари:

## ШОШ ТАРАФДАН БАҲО КЕЛДИ

Юртим узра тўй-тўйлаган садо келди,  
Инсон қадрин мадҳ айлаган наво келди.

Фузор дарё даралари мағурланиб,  
Кўхна Кешнинг боғларидан сабо келди.

Қарши даштин хазон кўрмас гулзоридан  
Тақдир йўлин безаб турган жило келди.

Бугун чўлни чўл демакка тил айланмас,  
Шарбатга кон замин узра Ҳумо келди.

Таллимаржон чўл пойтахти — мардга макон,  
Устоз меҳри офтоб бўлиб зиё келди.

Етмиш баҳор йўлларига гуллар тўшаб,  
Бугун мағрур устоз Соиб бобо келди.

Кутламоққа насиб этсин юз ёшда ҳам,  
Устозларнинг қадрин билган фидо келди.

Юргбошимиз назарига ҳар ким тушмас,  
Кўкрагингиз безаб турган баҳо келди.

*Усмон Равшан, Рустам Очил,  
Таллимаржон*

## ЭЛ ДУОСИН ОЛГАН ДЎСТИМ

Соиб отага аatab ёздим кичик қасида,  
Ўзим учун бу ишни бурч деганман неча бор.  
Сўз айтайн ҳақиқий инсонлиги ҳақида,  
Фазилат, ибратларин қалдан этайин такрор.

Эслолмайман биронта яхшилик қилганимни,  
Лекин унинг ёрдамин мен олганман кўп бора.  
Кечиргандир баъзида жалҳор бўлганимни,  
У туфайли Қаршида бўлмаганман овора.

Соиб Усмон кабилар минглар аро биттадир,  
Давраларда ишини ҳамма мақтаб гапирав.  
Сўзларидан бол томар, фараз ундан четдадир,  
Йигинларда гапини ҳамма ёқлаб гапирав.

Катта вазифаларда у ишлади анча вақт,  
Мағрурланишни билмай, камтар бўлиб иш тутди.  
Камтарга камол дерлар, чиндан кулди унга баҳт,  
Оддий кишилар борса, ҳамиша илиқ кутди.

Етмиш ёшга кирса-да, комати тик йигитдай,  
Балки ҳалқнинг дуоси унга қувват баҳш этди.  
Мартаба осмонида парвоз қилди бургутдай,  
Топган шону шуҳрати узоқ-узоққа етди.

«Дўстлик» ордени билан тақдирлади Юртбоши,  
Ҳақиқатнинг тантана қилганидан бу дарак,  
Оққўнгил кишиларнинг доим ҳалолдир оши,  
Сафдошлар мукофотни қалдан қилди муборак.

Фахрланиб юраман шундай дўстим бор учун.  
Лекин бундай инсонлар, афсус, камдир дунёда.  
Яратганим янада ризқини қилсин бутун,  
«Нуроний» нурлисилининг умри бўлсин зиёда,

*Тўра Жуман,  
уруши ва меҳнат фахрийси, Шаҳрисабз*

## ҚУШЧИНОР

Соиб Усмонов билан Фармон Омоновнинг дўсту қадр-  
донлигига, ака-уқадек яқинлигига Қаршидагина эмас, бал-  
ки, бутун вилоятда ҳамма ҳавас қиласди. Чунки улар бир-  
бирини ниҳоятда яхши кўрар ва ҳурмат қиласди. Бир-бирла-  
рини ҳар куни (ҳеч бўлмагандан кунора) кўриб, нафас алма-  
шибтурмаса бўлмасди. Бирига иккинчисисиз бирон давра  
(гурунг, йиғилиш, меҳмондорчилик) ёқмасди ёки умуман  
татимасди. Бирон жiddий гап, муаммо, режа пайдо бўлса,  
дарров ўзаро фикрлашиб олишарди. Ҳатто фарзандларининг,  
невараларининг тўйларига ҳам бир-бирининг маслаҳатисиз  
киришмасди. Бири ўз муваффақиятини, шахсий ҳаётдами,  
ишдами — қатъи назар, иккинчисининг ёрдам-ҳиссасисиз  
тасаввур этмасди.

Яқинларни Яратган қўллайди, деганларидек, улар бир  
вақтда кетма-кет Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашин-  
га депутат бўлишди. Шунинг учун Тошкентга, Олий Кен-  
гашнинг сессияларига ҳам бир самолётда ёки бир вагонда  
бирга келишарди ва пойтахтда ҳам бир меҳмонхонада бирга

туришарди. Расмий давра йиғилишларидан бўш вақтда Тошкентни ҳам бирга айланишарди. Биз, вилоятдош ижодкорларни ҳам бирга йўқлашарди. Масалан, Абдулла Орипов Биринчи стационарда дам олаётган бўлса, у ерга — улуф шоирни кўргани, аҳволлашгани албатта бирга боришарди.

Улар ҳатто сиёсий жиҳатдан ҳам нуқтаи назардош, маслақдош, яъни Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фаол аъзоси эдилар. Иккови ҳам бир вақтда партия Марказий Кенгашининг аъзолигига сайланганди. Марказий қўмита Қашқадарёда бирон тадбир уюштирадиган бўлса, энг аввало уларнинг фикрини эшитарди, улар билан маслаҳатлашиб оларди.

Яқин дўстлар уларни ҳазиллашиб «икки қўмондон» деб аташарди. (Бири уруш ва меҳнат фахрийларининг, иккинчиси вилоят ҲДП чиларининг етакчилари бўлганликлари учун). Иккинчи яқин дўстлар давраси эса улар билан «Қаршининг кўшчинори» дея фахрланарди.

Икки қадрдан ўтирганда уларнинг ёнига учинчи суҳбатдош бўлиб кўшилсангиз, бамаъни гаплардан, гурунглардан, ҳатто самимий ҳазиллардан маза қиласдингиз.

Бир гал (1998 йил) ижодий сафардалигимда, ЎзҲДП вилоят бўлимининг йиғилишидан сўнг Фармон Омоновнинг тўртингчи қаватдаги ишхонаси кабинетида икки қадрдан билан озгина гурунглашиб қолдим. Лекин ана шу қисқа вақтда ҳам уларнинг пурмъально суҳбатидан кўп нарса олгандим. Соиб аканинг табаррук ёшдалиги эсимга тушиб, кетишга ҳозирланаётганини сезиб:

— Отахон ва онахонларнинг ташвишлари чарчатмаяптими, устоз? — дедим.

— Асло, — деди Соиб ака дарров. — Биринчидан, фахрийлар биздан ҳеч қачон дунё сўрамайди. Улардан эътибор дариф тутилмаса, бўлди. Асосийси — шу. Бунга, Худога шукр, улгуриб турибмиз. Иккинчидан, — устоз самимий кулди ва давом этди:

Ёнда бўлса Фармон Омон,  
Ишимиз ҳеч бўлмас ёмон!

Соиб акага қўшилиб Фармон Омонович ҳам дилдан кулиб юборди.

Мен Фармон аканинг шеъриятнинг, адабиётнинг ашаддий ишқибози эканлигини, қолаверса, сўзга чечанлигини билганим учун дарров у кишига қараб:

- Сиздан ҳам икки қатор эшитайлик, — дедим.
- Сиз профессионал ижодкорсиз, кулмайсизми? — деди Фармон Омонович менга қараб.
- Нега куламан, аксинча, хурсанд бұламан, — деди. Унда эшитинг:

Бизнинг устоз Соиб ака,  
Қачон күрманг ноиб ака!

Кичик даврамизда ҳақиқий қаҳқаҳа янгради.

- Фирт шоир экансиз-ку, биродар, — деди Соиб ака қадрдонининг ҳозиржавоблигига тан беріб.

Шу пайт кабинет телефони жириңглаб қолди. Фармон Омонович құнғироқ қилаёттан одамни эшитгач, «бүпти, ўзлари отланиб турувдилар, ҳозир етиб боради», деб гүшакни жойига құяркан, Соиб акага: — Ўринбосарингиз, меҳмонларингиз Муборакдан қайтишибди, — деди.

- Унда, менга рухсат, келишганимиздек, кечқурун күришиб, bemalol гурунглашамиз, — деди Соиб ака ўрнидан туриб.

Устозни кузатиб, кабинетта қайтиб кирдик. Столига ўтиргач, Фармон Омонович:

- Сиз, журналистларга ҳам қойил әмасман, — деди.
- Нега? — күтилмаган гапдан ҳайрон бұлдим.
- Шундай (Соиб ака демоқчи) ажайиб инсон ва арбоб етмиш ёшга тұлғанда у киши ҳақида 2-3 та мақола билан чекландингизлар. Республика ёки вилоят матбуотида бир дүрүстроқ очеркни үқий олмадик. Ҳолбуки, бундай одамлар ҳақида китоб ҳам ёзса арзиди.

Фармон Омоновичнинг эътирози мутлақо ўринли эди. Шунинг учун бирон нарса дейишиң жүрьят этолмадим. Фирнингизга құшиламан, дейиши билан кифояландым. Ўйлаб туриб, бу эътиrozдан кейин бирон нарса қилмаса бўлмайди, шунда асқотар, деган хаёл билан:

- Ёзганда, Соиб аканинг қайси жиҳатларига алоҳида эътибор бериш керак, деб ўйлайсиз? — дедим.

— Энг асосийси, Соиб ака — бир умр одамларга меҳрибон, меҳр улашишга ошиқманд, яхшилик қилишга интилувчи инсон. Бундай одам вилоятда иккита бўлса, биттаси, битта бўлса — ўзи. Бу ҳеч қачон инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқат ва буни асло ёддан чиқармаслик керак. Буёгини сўра-

сангиз, биз дўстлари, бошқалар ҳам у кишини «Яхшилик яловбардори» деймиз. Иккинчидан, бизда қалби дарёликда Соиб аканинг олдига тушадигани йўқ. Учинчидан, у киши ҳеч қачон одам ажратмайди. Шунинг учун ўзингиз ҳам гувоҳ бўлган бўлсангиз керак, Соиб аканинг душмани йўқ, яъни Қашқадарёда устозни ҳеч ким ёмон кўрмайди, аксинча, барча бирдай севади. Тўртинчидан, ниҳоятда шогирдпарвар, ёш кадрларни ҳимоя қўлмаса, рафбатлантирмаса туролмайди. Бешинчидан, одамни, унинг имкониятларини тез англайди ва тушунади. Энг муҳими, Соиб ака — юзларидан, кўзларидан доимо нур ёғилиб турадиган, бир сўз билан айтганда, энг юксак инсоний сифатларни ўзида мукаммал мужассамлаштирган ўзига хос бетакрор инсон.

Яна бир нарсага алоҳида эътибор беришингизни сўрайман. Биласизми, шундай катта вилоятда устознинг қадами етмаган бирон қишлоқ, гўша йўқ. Шунинг учун у киши Қашқадарёning қайси туманида, қайси бурчагида қандай имкониятлар борлигидан тортиб, у ердаги урувлар ва уларнинг пешвосигача беш қўлдай билади. Айни вақтда вилоядошларимизнинг ёши улуғидан тортиб, мактаб ўқувчисига, ча Соиб акани яхши танийди ва ҳурмат қилади. Мен сизга айтсам, ана шундай серибратлилик Соиб Усмонов муваффақиятларининг асосий омилидир!

Қаҳрамонимиз қадрдонининг фахр-ифтихор-ла йўғрилган ушбу чин юрак сўзларини эшитгач, қолаверса, аввалги кузатмаларимга асосланиб, «Соиб Усмонов муваффақиятлари илдизларидан яна бири у кишининг ёнида, атрофида, даврасида Фармон Омоновдай садоқатли, ҳам олим, ҳам арбоб инсонларнинг, дўстларнинг бўлганлигидир», деган хуносага бордим.

## МЕХР МАЛИКАСИ

Соиб Усмоновнинг шахсий ва ижтимоий ҳаётдаги муваффақиятлари илдизларидан бири унинг ибратли оиласида эди.

У кишининг умр йўлдоши Тошбиби ая оқила, камтар, меҳрибон, меҳнатсевар, оиласпарвар аёл. Садоқатли жуфти ҳалол. Бутун умрини, онгли ҳаётини тарбия ишига, халқ таълимига бағишлиган онахондир.

Соиб ака билан Тошбиби ая эллик уч йил бирга яшаган бўлса, ҳатто рўзгор юритиш, кун ўтказиш қийин бўлган,

яъни деярли ҳар бир ўзбек оиласи етишмовчиликни бошидан кечириб турган ўща оғир урушдан кейинги ва эллигинчи йилларда ҳам оилада бирон марта қўнгилхиралик содир бўлмаган ёки сан-манга борилмаган. Улар бир умр бир-бирини тушуниб, асраб-авайлаб, ўзгалар ҳавас қиласидиган дараҷада аҳил-тотув яшашган.

— Бу, энг аввало, бир-бирилизга муҳаббатимиз чинакамига зўрлигидан, бир-бирилизни деб яшашга қатъий аҳд қўлганимиздан эди, — дейди кулиб Тошбиби ая.— Иккинчидан, болаларни, уларнинг тарбиясини дил-дилдан ўйлаганмиз. Фарзандларнинг қандай ўсиб, вояга етиши, одам бўлиш-бўлмаслиги энг аввало оиласага, аниқроғи, эр-хотиннинг ўзаро муносабатига боғлиқлиги барчага аён ҳақиқат-ку.

Фарзандлар ҳам улар кутганидек, истаганидек, орзу қилганидек одоб-ахлоқли, ақлли ва ўқиш-изланишга ихлоси баланд бўлиб вояга етишди. Улар оз эмас — ўн нафар. Бугунги кунда ҳаммаси олий маълумотли. Кўшнилар, қариндошур углар, оиласи яқиндан билганлар бъузан (Соиб Усмонов ҳаётлигига) ҳазиллашиб: «Ё Тошбиби аяни икки марта Қаҳрамон она деб аташ керак ёки Соиб акани ҳам Қаҳрамон ота дейишимиз керак, ўн болани ҳеч нарсага зориқтирумай, ҳеч кимдан кам қилмай ўстириш, вояга етказиши, ўновини ҳам бирдай олий маълумотли қилиш ҳазилми, бу атрофда ким, қандай оила бундай ишнинг уддасидан чиқди?!» деб қўйишарди. Бу, аслида, ҳазил эмас, фарх эди!

Масалан, тўнғич фарзанд Аминахон қарийб қирқ йил бурун шифокорлик (жарроҳлик) дек улуғ қасбни танлаган эди. У бугунги кунда вилоят тиббиётининг таниқли намояндаларидан биридир. Ҳозирга қадар минглаб жарроҳлик амалиётларини муваффақиятли бажарди. Моҳир жарроҳ айни кунларда вилоят шифохонасида bemорлар ташвиши билан банд. Иккинчи фарзанд Ҳалимахоннинг муаллимлик стажи аллақачон ўттиз йилдан ошиб кетган. У Қарши шаҳрининг энг малакали, тажрибали ва иззатли ўқитувчиларидан ҳисобланади. Ҳалимахон айни кунларда шаҳардаги 20-мактаб жамоасига раҳбарлик қилмоқда.

Зояхон, Клараҳон, Розаҳон, Нодираҳон, Шоираҳонлар ҳам оналари ва Ҳалимахон изидан бориб, муаллимлик-тарбиячиликдек шарафли қасбни танлашган. Улар Қаршининг турли ўрта мактаблари ва болалар боғчаларида кичкинтолийлар, болалар тарбиясига ҳисса қўшишмокда. Нодираҳон дарс-

дан бүш вақтларида ҳатто ижод билан шуғулланишга, шеър машқ қилишга улгуради.

Раънохон эса олий мактабда — Қарши муҳандислик-икти-  
садиёт институтида катта ўқитувчи бўлиб ишлаяпти.

Соиб ака болалигига «Шавкатим—шарьним менинг!» деб эркалатиб суйган катта ўғил ҳозир бутун мамлакатга маълум ва машҳур «Шўргангаз» кимё мажмуасининг тиришқоқ, ҳара-  
катчан муҳандисларидан ҳисобланади. Кенжа фарзанд Собиржон эса Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармасида фаолият кўрсатмоқда.

— Адажонимизни яхши билганлар у кишини тириклиги-  
даёқ меҳрибонлик тимсоли деб таърифлаганларидан ва ҳозир  
ҳам шундай хурмат билан эслашларидан, ҳалқимиз айрича  
зукколигидан биз, фарзандлар бир умр фаҳрланамиз, — дейди  
Аминахон Усмонова.— Адам, қаерда, қандай вазифада иш-  
лашидан қатъи назар, падари бузрукворлигини аъло даражада  
бажарган. Баъзиларга ўхшаб, «мен муҳим давлат иши билан  
бандман» деб бизларни ҳеч қачон фақат онамга ташлаб  
кўймаган. Масалан, болалигимиизда иши тифиз, муҳим бўли-  
шидан қатъи назар, эркалатиш, суюшлардан тортиб, ўқиши-  
миз билан қизиқишишгача ўз вақтида улгуарди. Ишдан кеч  
қайтсалар, оқшомда улашолмаган меҳри ва дийдорини эрта-  
лаб, биз қатори туриб, нонушта пайтида барчамизга албатта  
улашарди. Айрим вазифадошларига ўхшаб, онамга «мен кеч  
келганман, чарчаганман, ухлашим керак, болаларнинг гапи  
бўлса, ўзинг ҳал қилиб жўнатавер, мени безовта қилманг-  
лар» демасдилар. Бизга доимо кўпроқ ўқиши, устозларнинг  
сабоқларига астойдил амал қилишни маслаҳат бераркан,  
яхши, машҳур аёлларнинг номини айтиб, силар ҳам шундай  
бўлишларинг керак, деб қўярди. «Ўқи, излан ва ҳавас қил!»  
— адамнинг бизга аталган энг яхши шиори эди.

Ҳалимахон:

— Фарзандлар, айниқса, биз, қизлар адам учун «жон» эдик.  
У кишидан, масалан, мен ҳеч қачон «Ҳалима» деган сўзни  
эшитмаганман. Адам доим, ҳар қандай шароитда, ҳар қандай  
кайфиятда ҳам «Ҳалимажон!» деб чақиравди. Ҳар биримизни  
«Бу дунёда меҳрибон ким десанг, доим қизим дерман» деб  
дилдан эркалаторди. Шундай пайтлардан бирида аям ҳазил-  
лашиб «Мен-чи?» деганда, «Сен— меҳрнинг мумтоз малика-  
сисан!» деб жавоб берганлар.

Раънохон:

— Адам оддийликни, камтарликни жуда яхши кўтарди.  
Масалан, юқори лавозимларда ишлаган пайтларида баъзи-

ларга ўхшаб «машинавоз»лик, «дачавоз»лик, «уйвоз»лик қиласа бўларди, қули бемалол етарди, имконияти ҳам бор эди. Лекин шундай қилмади. «Ишчилар» кўчасидаги кичкинагина ҳовлимизда яшаб, ўтиб кетдилар. Чунки адам эл қаториликни ёқтирарди. Элдан юқори ёки паст бўлиш у кишининг табиатига, умр шиорига мутлақо зид эди!

Соиб аканинг оиласи билан яна бир бор танишиб, турмуш ўртоғи Тошиби аянинг, фарзандларининг дил сўзларини тинглаб туриб, шундай ибратли, сарбонига садоқатли, меҳрибон, аҳил-тотув, фарзандлари муносиб оиланинг сардори шахсий ва ижтимоий ҳаётда ҳамиша ғолиб бўлади-да, деб ҳикоямиз аввалидаги холосага такрор амин бўлдик.

## ЭНГ СҮНГГИ ИНТЕРВЬЮ

Анъанавий Хотира ва Қадрлаш куни, Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Фалабанинг 55 йиллиги арафасида (2000 йил) вилоят Фаҳрийлар кенгаши ва «Нуроний» жамғармасининг раиси Соиб Усмонов ҳузурига маҳаллий журналист Ҳафиза Эгамбердиева ташриф буюриб, иккита санага атаб ўз газетаси учун у киши билан мулоқот ўтказишни сўради. Ижодкорларни айрича ҳурмат қиласидиган Соиб ака, сал маҳаси бўлмай турган бўлса ҳам, мухбирнинг илтимосига йўқ дейёлмади. Майли, қизим, саволларингизга жавоб бераман, тайёрлагач, ўзимга албатта ўқитиб оласиз, деб рози бўлди.

Биз ҳамкасбимизнинг ўша мулоқотини баъзи таҳрирлар билан эътиборингизга ҳавола қилдик.

«—Соиб Усмонович, бу йил Хотира ва Қадрлаш куни фашизм устидан қозонилган Фалабанинг 55 йиллиги сифатида ҳам нишонланади. Шунинг учунми, баъзи уруш фаҳрийларининг кўриниш-ҳаракатларида байрам кайфиятлари қаторида бироз ўйчанлик ҳолатини ҳам кузатяпмиз. Тўғрими?

— Тўғри фаҳмлабсиз. Улар айни кунларда 1941 — 45 йиллардаги машъум уруш хотираларига беихтиёр фарқ бўлади. Фашизм устидан қозонилган фалабанинг нечоғлик қимматга тушганлигини улардан-да яхшироқ биладиган борми? Улар бу қонли жангнинг иштирокчилари, гувоҳлари-ку.

Иккинчи жаҳон урушига вилоятимиздан 46 минг йигит кетган. Улардан 26 минг нафари қайтмаган. Бу армон эмасми? Урушдан қайтганларнинг, яъни улар қуролдошларининг атиги 3488 нафари ҳаёт ҳозир. Булар ўйлантиrmайдими? Кимдир ёшлигини, кимдир соғлигини, яна кимдир орзу-умиди-

ни жанггоҳларда қолдириб келган. Ҳудди шу армон, хотирапар ушбу санада фахрийларимизни хаёлга чўмдиради.

Урушнинг номи ўчсин. Фронт ортида ҳам миллионлаб кишилар қийинчилик шароитларида оғир меҳнат қилишга, етишмовчилик, очлик азобини тортишга мажбур бўлганлар. Вилоятимизда ҳозир фронт ортида меҳнат қилган 10 минг 318 киши бугунги шукуҳли кунларга мусассардирлар.

— Фахрийларнинг саломатлигини тиклаш, ҳимоя қилиш борасида вилоятда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида қисқача тұхталсангиз.

— Давлатимиз томонидан фахрийлар учун алоҳида имтиёзлар белгиланган. Улар бу ҳуқуқ-имкониятлардан доимий равишда фойдаланиб келишмоқда.

Саломатлик ва унинг ҳимояси тўғрисида гапирав эканмиз, энг аввало вилоятда 60 ўринли уруш ва меҳнат фахрийлари шифохонаси фаолият кўрсатаётганини айтиб ўтишим лозим. Улар бу масканда бепул дори-дармонлар, озиқовқат билан таъминланади. Масалан, ўтган йили бу ерда 800 дан ортиқ фахрий даволанди. 700 дан зиёд фахрийларга тури санаторийларга йўлланмалар берилди. Ҳар бир шифохонада улар учун 10-15 та маҳсус ўрин ажратилган.

— «Нуроний» жамғармаси маблағ масаласида қийналмаяптими?

— Йўқ. Биз, кексалар бирордан бир сўм сўрашни истамаймиз. Ўз муаммоларимизни ўзимиз ечамиз. Кичик корхоналаримиз, фермер хўжаликларимиз бор. Жамғарма турли солиқ тўловларидан озод этилган. Қисқаси, жамғарма бокиманда эмас. Олма пиш, оғзимга туш деб ўтириш бизга асло ярашмайди.

— Фахрийлар кенгаши ва «Нуроний» жамғармаси Хотира куни ва Falaba санасини қандай тайёргарлик билан кутиб олмоқда?

— Бу йил иккинчи бор 9 майни Хотира ва Қадрлаш куни сифатида нишонляяпмиз. Президентимизнинг ташаббуси билан жорий этилган ушбу сана шарофати билан юртимизда озмунча савобли ишлар қилинмаяптими?!

Пойтахтимиздан тортиб, шаҳар ва туманларнинг марказларигача Хотира боғлари бунёд этилди. Юртимизнинг Ватан ва озодлик йилида курбон бўлган ўнг минглаб фарзандларининг номлари тарих зарваракларига муҳрланди. Бу эзгу ишдан бизнинг вилоят ҳам четда қолгани йўқ.

Масалан, ўтган йили Хотира боғини бунёд этишга ултурмаган туманларимиз бу хайрли ишни айни кунларда ни-

ҳоясига етказмоқда. Фузор туманида эса жуда катта майдонда боғ яратилди. Бир нечта зиёратгоҳ ва ёдгорлик деярли қайта таъмирланиб, атрофи кўкаlamзорлаштириб бўлинди.

Байрам арафасида ўюштирилаётган учрашув ва турли тадбирларда фахрийларнинг иштирокини таъминлаш учун алоҳида гурухлар тузганмиз. Байрам муносабати билан иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига давлат томонидан беш минг сўмдан пул мукофоти ажратилган. Бу айёmdа йўқланмаган бирорта фахрий қолмайди. Ҳатто ўтганларнинг хонадонларига борилиб, уларнинг руҳларига тиловат қилиниб, оиласига, фарзандларига совғалар улашилади. Бу сарфу харажатлар учун кенгашимиз 400 минг сўмлик маблағ ажратган. Бу борада бизни қўллаб-куватлаган «Муборакгаз», «Қаршигермопласт» заводларининг раҳбарларидан мамнунмиз. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлеклари ҳам фахрийларимизни йўқлаш, рағбатлантириш, хурматини жойига кўйиш учун байрам тараддудини кўришяпти.

— Сўнгги савол: вилоятдаги барча фахрийларга тилакларингиз?

— Тилаклар кўп. Нафақат фахрийларни, балки бутун вилоят аҳлини бу саналар билан дилдан қутлашни истайман.

Фашизм устидан қозонилган Фалабага 55 йил тўлиши — бу ҳазилакам гап эмас. Бу — онгли инсониятнинг фалабаси. Тинчлик тантанаси!

Мустақил Ватанимиз осмони ҳамиша мусаффо бўлсин. Озод ўлқамизнинг мислсиз равнақини, камолини кўриш учун биз Юртбошимиз атрофида янада жипслашмоғимиз, яқдил бўлмоғимиз лозим. Айниқса, келажак эгалари қоқилмайдилар. Бу саналар тинчликни мустаҳкамлашга, Ватанини севишга, кексаларни, айниқса, уруш иштирокчиларини қадрлашга, меҳроқибатли бўлишга чорлови билан айрича қимматлидир.

Ўтганларнинг хотираси олдида бош эгамиз, қадри баланд қадрдонларимизга соғлиқ тилаймиз, барча юртдошларимизга эса Фалаба санаси муборак бўлсин, азизлар, деймиз».

Минг афсуски, бу — Соиб Усмоновнинг энг сўнгги интервьюси эди. Дўсту қадрдонларига, ўзи юрак-юрагидан (газетадан) айтган, билдирган охирги табриги ва тилаги эди. Кўп ўтмай у, яқин дўстлари, «Нуроний» жамғармасида бирга ишловчи қадрдонлари «аввал Хотира ва Қадрлаш кунини Қаршида ўтказиб олайлик, кейин у ёқقا бориб келарсиз, иккинчидан, сал мазангиз бўлмай тургандек кўринаяпсиз», дейишига ҳам, унамай, дехқонободлик кексалардан хабар олиб келиш учун Бошчорбоққа — тоғлар ва чинорлар гўшасига жўнаб кетди...

# ХОТИРАЛАР. ДИЛ СҮЗЛАРИ

## УНУТМАС УНИ БОГИ

ЭРКИН БОҚИБОЕВ,

Ўзбекистон фахрийларни қўллаб-қувватлаш  
«Нуроний» жамгармаси Марказий Кенгашининг раиси,  
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Ҳар бир элнинг, халқнинг фидойи фарзандлари бўлади. Уларга қараб, юртнинг қадди-басти, истиқболи, шарафини кўрамиз. Уларга тенглашишга, ибрат олишга интиламиз. Уларнинг жўшқин меҳнат, фидойилик, садоқат билан йўғрилган ҳаётлари киндик қони тўкилган ер тарихида алоҳида саҳифани ташкил этади. Шукроналар бўлсинки, Ўзбекистонимизда бундай қалби, меҳри дарё инсонлар жуда кўп. Уларнинг орасида Қашқадарё воҳасининг асл фарзанди Соиб Усмоновнинг ҳам унутилмас ўрни бор.

Соиб акада ўзига хос қобилияят, айрича ташкилотчилик, энг муҳими, ҳалоллик ва одамийлик кучли эди. Шу фазилатлар унинг олтмиш йиллик меҳнат фаолиятида йўлдош бўлди. Қашқадарё вилояти ёшлар қўмитасида котиб, Деҳқонобод туманида иккинчи, Қарши ва Шахрисабз туманида биринчи раҳбар, вилоят ижроия қўмитасида раис ўринbosари бўлиб ишлаганида ундаги бу фазилатлар янада яққолроқ кўзга ташланди. Одамларнинг ташвишларига шерик, дардларига малҳам, зарур бўлса, маслаҳатчи бўлди.

Инсоннинг бор қобилияти, нималарга қодирлиги ҳаётнинг маълум жабҳаларида очилади. Соиб Усмоновнинг умрида икки муҳим жабҳа борки, булар унинг барча истеъдод ва иқтидорини тўлалигича юзага чиқарди. Соиб ака 15 йил мобайнида Қарши чўлини ўзлаштиришда жонбозлик кўрсатди. Кўп миллатли, кўп минг кишилик чўлқуварлар жамоасининг маънавий раҳбари бўлди. Уларнинг бошини бир ерга қовуштириди. Ягона бир оиласадек жам бўлишига эришди. Ана шундай шижоаткорларнинг меҳнати туфайли Қарши чўли бугун озод Ватанимиз бағрида гулдек яшнаб турибди.

Қарши чұлини үзлаштирища иштирок этган йиллар Соиб ақа умрининг бир жабхаси бұлса, 12 йил, узлуксиз Қашқадарे вилояты фахрийларининг ташкилотига раҳбарлик даври унинг умрининг иккінчи жабхасидир. Айнан шу даврда Соиб аканинг инсоний фазилатлари янада тұқисроқ очилди. Серкірра фаолияти юксак поғонага құтарилди. У нуроний отахону онахонларнинг қадр-қимматини жойига қойишида чинакамига фидайилик ва ғамхұрлық қылды. Фахрийларнинг дил сұзларинигина тингламади, улардан құлидан келған марҳаматини ҳам аямади. Құпнинг дуоси – күл, дейди халқымиз. Соиб Усмонов худди шу даврда Үзбекистон Республикаси Олий Мажlisiga депутат этиб сайланды. Ҳали-ҳали ёдимда: у киши сессияларда бириңчи бұлиб сұзға чиқар, куйиб-ёниб сұзлар, дилидаги борини құпнинг кенгашиға ҳавола этарди. У айни пайтда ортиқча сұзламас эди, үз фикрини аниқ, лұнда қилиб изхөр қыларди. Мустақиллігимизни мустаҳкамлашта, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий истроҳотларға фаол қысса құшишни умрининг мазмуни деб биларди.

Соиб аканинг ғамхұр устоз, ватанпарвар, ёшларға жон-куярлигига күп бор амин бұлғанман. У киши Үзбекистон фахрийларни құллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши аuezоси бұлиб, үзининг қимматли маслаҳатлари билан ишимизға фаол ёрдам беріб келарди. Мана шу хислатлари Соиб акани нафақат Қашқадаре вилояти, балқи бутун Республикаға танитди. Құлларнинг иззат-икромига сазовор қылды. Бугун ҳам Қашқадаре воҳасида Соиб аканинг номи тилга олинғанда, унинг ҳурматига бош әгмайдыған инсон топилмайды, десам хато қилмаган бўламан. Шундай пайтда улар Соиб Усмоновни энг аввало имон-эътиқоди бутун, покдил, қалб қўри, кўз нурини ўз элига бағишилаган ажойиб инсон сифатида тасаввур қиласидилар.

Соиб аканинг мустақил Ватанимиз равнақи йўлидаги меҳнатлари юксак тақдирланди. У Президент Фармони билан «Дўстлик» ордени, «Шуҳрат» медали, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонига сазовор бўлди.

Инсон умри – оқар сув, дейдилар. Дарҳақиқат, етмиш-саксон йил кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. Номи барҳаёт-ликнинг мезони эса битта: яхшилик қилиб яшаш, Ватан учун яшаш, одамларнинг меҳру муҳаббатига сазовор бўлишидир. Ана шундай ибратли умр соҳиби бўлган ажойиб инсон ёдимизда. Юртбошимиз таъкидлаганидек: «Барчамиз учун ҳурматли бўлган Соибжон аканинг эл-юрт учун қилган хизматлари ҳеч қачон унугилмайди».

## НЕЧУН ФАХР ЭТМАЙИН

АБДУЛЛА ОРИПОВ.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси,  
Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси

Нечун фахр этмайин, у акам эди,  
Инсон сифатида чинакам эди.

Раҳматли Соиб Усмонов ҳақида ўйлаганимда, хаёлимга кенж шогирдларимдан бирининг ушбу сатрлари келади.

Ҳа, Қашқадарёниг асл фарзандларидан бири сифатида эътироф этилган, довруғ таратган бетакрор инсон, моҳир раҳбар, туғма кайвони Соиб Усмоновга мисли туғишган укадай яқин бўлганлигим билан у киши ҳаётлигидаёқ фахрлардим, ҳозир ҳам қалбимга шу эзгу туйғу бегона эмас.

Бизни, масалан, у кишининг бир-биридан юқори мансаблари ёки менинг таниқли шоирлигим яқинлаштирган эмас. Бизнинг ака-ука, дўст ва қадрдон бўлишимизга меҳр сабаб бўлган. Соиб акада ижодга муҳаббат, ижод аҳлига ҳурмат, меҳр ҳар қандай инсон боласи ҳавас қиласидиган даражада ўта кучли ва астойдил эди. Мен ана шу меҳрдан олтмишинчи йилларнинг бошларида, яъни илк шеърларим билан даврий матбуотда кўриниб юрган пайтларимда, ҳали биринчи назмий китобим нашрдан чиқмай туриб, баҳраманд бўлганман. (У вақтларда Соиб ака ҳам унчалик таниқли эмасди, туман раҳбариятида ишларди). Бундай муносабат ижодкорни илҳомлантиради-да, яъни унда ҳам ўз муҳлисига нисбатан меҳр пайдо қиласиди!

Бир-биrimизни тез-тез йўқлаб, дийдорлашиб турмасак, туролмасдик. Масалан, мен Қаршига қадам қўйсан, биринчилар қаторида Соиб ака билан саломлашишга интилардим. Соиб ака эса Тошкентга хизмат иши билан келадими, сессия, йиғилишларга ташриф буюрадими, қатъи назар, мени кўрмасдан кетмасди.

Бу фактни асло мақтаниш учун айтиётганим йўқ. Муддаомақсадим ушбу мисол воситасида Соиб аканинг инсон ва маданиятпарвар сифатида нечоғлик улуғлигини таъкидлаб ўтмоқдир.

1997 йилда Қаршида бўлган бир учрашувда Қашқадарёниг Ҳуррият йилларидағи муваффақиятлари ҳақида гап кетганда, мен «ютуқларнинг илдизини энг аввало бу ерда яратилган соғ-лом, барқарор муҳитдан қидирмоқ керак», деганман.

Соиб ака саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмида Президентимиз томонидан асос солинган ана шу шарофатли муҳитнинг чинакам жонкуяри, ҳимоячиси ва мустаҳкамловчиси эди!

Илгорлик, илфор фикрлилик, олдиндан кўра билишлик Соиб акани, унинг умрини, ҳәтини безаган қулгуга хислатлардир. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йилнинг 5 майида бўлган тарихий Ўн бешинчи сессияси кўпчиликнинг, халқимизнинг ёдида. Ўшанда, яъни «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва «Олтин Юлдуз» нишонини таъсис этиш масаласи муҳокама этилаётган пайтда, депутат Соиб Усмонов минбарга кутарилиб, бу табаррук унвон ва Олий нишонни энг аввало Мустақилигимизнинг асосчиси, мард ва жасоратли Юртбошимиз Ислом Каримовга беришимиз керак, деган таклифни ўртага ташлаганида, қарсаклардан, олқишдан зал ларзага келган. Телеэкран қаршисида сессиянинг боришини кузатиб ўтирган миллионлаб ватандошларимиз эса, у кишининг журъатига, дадиллигига, илфорлигига қойил қолишиб, бизнинг дилимиздагини айтди, дея таклиф соҳибига ғойибона тасаннолар айтишган. Тўғриси, биз, ижодкорлар ҳам ўшанда Соиб акага, у кишининг халқ билан нечоғлик яқин ҳамдиллигига ҳавас қўлганимиз.

Хулоса шуки, халқимизнинг асл фарзанди Соиб Усмонов ана шундай, яъни мазмунни илгорлик, яхцилик ва ибрат-ла йўғрилган ҳавасли ҳаёт кечирди. Бундай умр соҳиби эса, шак-шубҳасиз, мангуликка дахлдордир.



## ИЗЛАРИ ИБРАТЛИ

### ИСОМ ЖАЛИЛОВ,

*уруши ва меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда  
хизмат кўрсатган маданият ходими*

Соиб Усмонов ҳақида ҳар қанча фахрланиб гапирса ёки ёзса арзиди. Улкан ҳудудли Қашқадарёнинг бир эмас, тўртта гуманининг ривожида меҳнати сингган, Қарши деб аталмиш чўлистаннинг гулистон бўлишида роппа-роса ўн беш йил жонини жабборга бериб тер тўккан, шу тариқа, вилоятнинг иқтисадий қувватига баракали ҳисса қўшган қадрдонимиз ўтган аср саксонинчи йилларининг охирида Ислом Каримовнинг назарига тушганлиги, кейинчалик, у кишининг иззат-хурматига сазовор бўлганлиги билан ҳам ёддан чиқмайди.

Кўпчилик билади, мамлакатимизни ўн етти йилдан бери муваффақиятли бошқариб келаётган Президентимиз ғоятда доно, меҳрибон, самимий инсон ва айни вақтда ўта талабчан раҳбар ҳам. Ундей-бундай одам ҳадеганда ўзини у кишига тан олдиролмайди. Соиб Усмонов шундай давлат бошлигининг эътиборига сазовор бўлган ташкилотчи, вилоят миқёсидаги раҳбар эди. У, энг аввало, Қашқадарёнинг ҳақиқий жонкуяри эканлиги, одамийлиги, ҳалоллиги, қалби кенглиги, кайвонилик хислатлари ва бошқа кўп яхши фазилатлари билан бунга мұяссар бўлганди.

Ислом Абдуғаниевич Қаршига қадам қўйиши билан Соиб Усмоновни кўришни истарди ёки сўрарди. Вилоятда ўтадиган йиғилишларда Соиб Усмонович минбарга чиқса, сўзини алоҳида эътибор билан тингларди. Гапиришга ултурмай турган бўлса, албатта : «Қани, Соибжон ака, сиз нима дейсиз?» деб у кишини фикр билдиришга чорларди.

Бунга ҳавас қилмай, бундан (биз, С. Усмоновнинг қадрдонлари) фахрланмай бўладими?!

Юргашининг эътибор-эътирофини, хурматини қозонишдек омад, бахтга мушарраф бўлган шундай ажойиб инсонни 1948 йилдан бери биламан, 1951 йилдан бошлаб яқин дўст ва биродар бўлганмиз.

Биз, айниқса, ижтимоий ҳаётнинг уч жабҳасида айрича қалин ҳамнафас, ҳаммаслак ва ҳамташвиш фаолият кўрсат-

ганимиз. Ана шу жараёнларда мен Соиб Усмоновни ўзим учун инсон ва шахс сифатида такрор-такрор қашф қылғанман.

Масалан, 1951–53 йилларда Соибжон, Юсуф Хушвақтов (охиратлари обод бўлсин) учаламиз Тошкентда, ўша давр республика раҳбарияти ҳузуридаги икки йиллик олий мактабда бирга ўқиганмиз. Пойтахтда ўқирканмиз, кундалик дарс-машгулотлар тугаб, аудиториядан чиқишимиз билан Соибжон: «Ака, энди иккинчи аудиторияни нима қиласиз, у ёқقا ҳам борамизми?» деб туради. У интилиб, истаб турган «иккинчи аудитория» машхур одамлар давраси эди. Ўзбекистонимизнинг улуғ олимлари, ёзувчилар, маданият арбоблари билан Тошкентнинг қайси бурчагида, қандай масканда қачон ким билан учрашув бўлишини, кимнинг юбилей тантанаси ўтказилишини Соибжон олдиндан биларди ва бизни огоҳлантириб кўярди. Тўғри, уларнинг барчасига улгуролмасдик. Лекин энг зўрларига албатта боришга ҳаракат қиласидик.

Иккинчи ҳамнаfasлигимиз вилоят ижроия қўмитасида юз берган.

Мен у ерда раис, Соибжон эса, муовин бўлиб ишлаган. У ижтимоий масалалар билан шуғулланарди. Мен етти йил вилоят ижроия қўмитаси раиси вазифасида фаолият кўрсатган бўлсам, жуда кўп муовинлар билан ишлаганман. Улар ҳам ёмон одамлар эмасди. Ҳаммаси ўз ишини уddaлаган. Лекин Соиб Усмонов бошқача эди. Тўғрироғи, унинг билан ишлаш завқли эди. У «айтсанг, буюрсанг – қиласан», деб ўтирадиганларнинг хилиданмасди. Ўзи масъул соҳанинг долзарб муаммоларини биринчи раҳбардан олдин илғайдиган ва бу ҳақда уни ўз вақтида хабардор қиласидиган, муаммони қачон ва қандай бажариш хусусида ўзининг мустақил фикрини айтишга қодир, тайёр, янгиликка ўч, ташаббускор, энг муҳими, ўз ишини, соҳасини пухта биладиган раҳбар эди.

Туманларга чиқса албатта бир эзгу таклиф билан қайтарди. Бир гал «анув тумандаги ҳўжаликда бир нечта қишлоққа атиги битта тибпункт хизмат кўрсатаркан, ҳеч бўлмаганда яна битта тибпункт қуриб бермасак, одамлар қийналаб қолади», деб ҳузуримга кириб келса, иккинчи гал қайсири туманнинг қайсири қишлоғидаги мактабни таъмирлаб бериш ёки унинг ўрнида янгисини қуриб бериш масаласини ўргата кўярди. Шундай ташрифларининг бирида таклифини айтиб бўлгач, ҳазиллашиб:

— Соибжон, бошқалар туманга чиқса, меҳмонда бўлиб келишади, сиз эса, нуқул муаммо билан қайтиб келасиз? — дедим.

Шунда у ўзига ярашадиган табассум билан дарров:

— Ака, тўғри англабсиз, сиз айтган одамлар — туманнинг меҳмонлари, сиз билан биз эса бу дунёning меҳмонлари, бу дунёга келган одам бирон нарса қилиши керак-ку, — деб жавоб берган.

Шунинг учун Қашқадарё вилоятининг олтмишинчи йилларнинг иккинчи ярмида маданият, тиббиёт ва халқ таълими соҳасида эришган юксалиши ҳақида гап кетса, буни мен ҳеч иккиланмай, энг аввало, Соиб Усмоновнинг номи билан боғлайман!

Учинчи «ҳамузанги» лигимиз Қарши чўлида давом этди. Мен у ерда ўзбек ва рус тилларида чиқадиган «Чўл ўлкаси» газетасининг бош муҳаррири бўлиб ишладим. Соибjon эса «Қаршиқурилиш» бошқармасида маънавий ишлар бўйича бошлиқ муовини сифатида фаолият кўрсатди. Гапни чўзмай, бор гапни айта қолай. Қарши чўлини ўзлаштириш ва унга сув чиқариш, уни ободонлаштириш, экинзорларга, боғ-роғларга айлантиришдек тарихий вазифанинг голибона уддаланишида у ердаги яқдиллик, жипслик (турли миллат вакиллари ўртасидаги), соғлом, барқарор муҳит, қолаверса, яратилган шарт-шароитларнинг бекаму кўстлиги ҳам ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу ишларнинг бошида узлуксиз, ўн беш йил бизнинг дўстимиз, қадрдонимиз Соиб Усмонов турган эди!

Соибjon вилоят фахрийларига сардорлик қилган пайтида чинакам ўзбекона кайвонилик қандайлигини ва нималарга қодирлигини намойиш этди.

Оз эмас, олтмиш йил эл-юрга ана шундай садоқат билан хизмат қилган ажойиб инсонни бугун марҳум деб бўладими? Йўқ. Соибjon — ҳаёт. Ана, Қаршининг собиқ Ишчилар кўчасидан у голибона, юзларидан, кўзларидан нур ёғилиб чиқиб келяпти!



## ТҮЗОНЛАРДА БОРДЕК ҲАЛОВАТ

ҲАБИБУЛЛА ШОҒАЗАТОВ,  
мөхнат фахрийси, Ўзбекистонда  
хизмат кўрсатган механизатор

Соиб Усмоновни Шаҳрисабз туманининг биринчи раҳбари булиб ишлаётганида яқиндан таниганман ва билганман. Чўл ва унга, аниқроғи, чўлқуварларга хайриҳоҳлик, кўмак мавзуида Қаршида, Шаҳрисабзда, баъзида бизнинг ҳудудда у киши билан мулоқотда бўлар эканман, сухбатдан қониқиб, бевосита шундай кишилар билан бақамти иш олиб борилса, янада ютиш мумкин, деб кўярдим. Ниятнинг холислигини қарангки, кўп ўтмай, 1972 йилдан эътиборан Соиб Усмонов билан бир идорада, бир жамоада ишлайдиган бўлдик. Раҳбарларнинг тавсияси билан у киши мен етакчилик қилаётган «Қаршикурилиш» бошқармасига бошлиқ муовини қилиб юборилди.

У киши бизда расман иш бошлаган куни айтган гаплари ҳамон эсимда.

Мен Соиб аканинг сафимизга қўшилганидан хурсандлигимни такрор билдириб:

— Бизга ўтганингиз яхши бўлди-да, — дедим.

Шунда у киши:

— Ҳабибулла Абдумажидович, мен бу ерга олдинроқ келишим керак эди, — деди.— Сиз шунча олис ердан келиб, чўлда, иссиқда, чанг-тўзонлар мўл жойда ишляпсиз. Мен эса шу ернинг фарзанди бўла туриб, Шаҳрисабзда, кекса Оқсанойнинг панасида фаолият кўрсатиб ўтираверибман.

— Барибир Шаҳрисабзнинг «сабз»лигини янада оширишга ҳисса қўшишга улгурдингиз, Соиб ака,— деди муовинлардан бири.

— Энди Қарши чўли Қарширабзга айланмагунча бу ердан кетмайман.

Мен:

— Раҳмат, — дедим беихтиёр.

Соиб ака билан ишлай бошлаганимизда Қарши чўлини ўзлаштиришга киришилганига ўн йил бўлгани йўқ эди. Шунинг учун иш ҳажми ҳали катта, оғир эди. Масалан, ҳар куни 5-6 минг кубметр бетон қуйиларди. Шунга яраша қум ташиларди. Ана шундай мураккаб иш жараёнидаги бажарувчилар

оддий чүлқуварлар эди. Уларнинг иш шароитларидан тортиб, уй-яшаш шароитларигача хабардор булиш, яхшилаш, дам олишларининг мазмунли ўтишини уюштириш, соғликларини ҳимоя қилиш эса Соиб Усмоновнинг вазифасига кирарди. Ёшлар, кадрлар тарбияси, маънавий-маърифий дастурлар ижроси, энг муҳими, турли миллат вакиллари уюшган улкан жамоа даврасида соғлом, барқарор муҳитни сақлаш, янада мустаҳкамлаш у кишининг шу йўналишдаги энг асосий иши ҳисобланарди. Соиб ака бу масъулиятли вазифани илк кунларданоқ талаб қилинганидай, кутилганидай бекаму кўст бажариб, умум ишимизга баракали ҳисса кўшган.

Муваффақиятининг илдизлари қаерда эди, дерсиз. Биринчидан, Соиб акада одамни тушуниш ва англашда айрича, айтиш мумкинки, туфма қобилият бор эди. Биз, икки раҳбар бир-биримизни ярим оғиз гапдан тушунардик. Иккинчидан, у киши ўзи билмаган, кам таниш ихтисосликка ҳеч қачон аралашмасди. Аксинча, ўша соҳа эгасининг, мутахассиснинг кайфиятини кўтаришга, уни маънан рағбатлантиришга, қўллабкуватлашга, керак бўлса, ҳимоя этишга фаол аралашарди. Учинчидан, Соиб ака ҳеч қачон одам ажратмасди. Масалан, ўзига салом бериб, пешвоз чиқаётган одам бульдозерчими, экскаваторчими, усти чанг-тупроқ ёки мойми, у кишига фарқи йўқ эди. Барчаси билан қадрдонлардай кўл олишиб, кучоқлашиб, сўрашиб, ҳазиллашиб, чақ-чақлашиб кетаверарди. Тўртингидан (бу фактни устозни билган барча кишилар таъкидлашига ишонаман), Соиб акада ноёб меҳрибонлик хислати мавжуд эди. Масалан, ўзидан кичикка «жон», тенгқурига «хон» кўшимчасисиз мурожаат этмасди.

Бошқарма раҳбарларидан бири бўлган одам ўзини дарров тушуниб, касби, мутахассислигини хурмат қилиб, қора меҳнат кишиси экан, деб ажратмасдан, аксинча, унга меҳр кўрсатиб турганидан кейин ҳар қандай чўлқувар ҳам ўзида масъулият ҳис этади-да! Ундан ибрат олади ва раҳбар сифатида айтганларини сўзсиз бажаради-да!

Уч йил бирга ишлаган бўлсам, Соиб аканинг хузуримга бирон кишидан (масалан, трест бошлиғидан) шикоят қилиб кирганини эслолмайман. Айни вақтда кўп минг кишилик жамоанинг бирорта аъзосидан у киши ҳақида ёмон гап эшифтмаганман.

Мен 1975 йилнинг майидан бошқа ишга ўтиб кетдим. Лекин «Қаршикурилиш»даги дўстларим, жумладан, Соиб

Усмонов билан, умуман, Қарши чўлидаги қадрдонларим билан алоқани узганим йўқ. Соиб ака айтганининг устидан чиқди. Қарши чули Қаршиسابзга, яъни кўркамликка – экинзорлар ва боф-роғларга айлангунча у ерда мардана ишлади. Ўзи тез-тез севиб такрорлайдиган, шоир Тошпўлат Ҳамид шеъридан олинган:

Иссигингу чанг-тўзонинг ҳеч гапмас,  
Чўлим, сенда оби ҳаёт кўрсам бас! –

деган шиорига содик қолди.



---

## СОИБ АКА ҲАҚИДА ЎЙЛАГАНИМДА

ЭРКИН ТУРСУНОВ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор

Бу унугилмас инсон ҳақида ўйлаганимда хаёлимга энг аввал Юртбошимизнинг «Соибjon аканинг Қашқадарё вилояти равнақи, барқарорлиги борасидаги хизматларини юксак қадрлайман», деган ажойиб сўзлари келади.

Ҳақиқатан ҳам Соиб Усмонов жонажон вилояти учун асл фарзандга муносиб хизмат қилишга ултурган бетакрор инсон ва моҳир раҳбар эди. Тадқиқотчилар Қашқадарё вилоятининг кейинги ўттиз йил ичидаги, айниқса, Мустақиллик йилларидағи юксалиши ва равнақи ҳақида ёзганларида бундай муваффақиятда Соиб Усмоновнинг ҳиссаси ҳам катта бўлганлигини асло ёддан чиқармасликлари керак.

Масалан, мен Қашқадарёда, «Қаршиқурилиш» бошқармасида бошлиқ бўлиб ишлаган пайтимда Соиб аканинг ўз вилоятининг чинакам фидойи, садоқатли фарзанди эканлигига кўп бор амин бўлганман. У киши вилоят ва унинг имкониятларини, ерли аҳоли ва унинг давраларини ҳавас қиладиган даражада яхши биларди. Одамларга яқинлиқда ҳам Соиб акадан ибрат олиш мумкин эди. У кишининг минглаб шогирдлари борлигига ўзим гувоҳ бўлганман.

Соиб ака бошқармамизда ижтимоий масалалар бўйича муовин эди. Лекин ўзим ҳам, бошқалар ҳам у кишини биринчи ўринбосардай билардик. Чунки устоз ҳалол, қатъиятли, адолатли ва foйтда тажрибали раҳбар эди. Соиб акани вилоят раҳбариятидагилар ҳам айрича ҳурмат қилишарди. Улар билан боғлиқ муаммоларни қўпинча Соиб ака ҳал қиласарди. Шўро даври эмасми, баъзида Тошкент билан боғлиқ муаммо ҳам чиқиб туради. Шундай пайтларда ҳам Соиб акадан илтимос қиласардик. У киши пойтахтдаги «идоравоз»ни ширин муомласи ила мот қилиб, муаммони дарров ҳал этиб келарди. Вилоятдаги туманларнинг етакчилари ҳам Соиб ака нима деса, xўп дейишарди.

Ёнда шундай обрули, ўзи ўткир, сўзи кесар одам — таянч тургандан кейин иш юришмай, илгариламай қоладими?!

Устоз бошқарманингина эмас, чўлқуварларнинг ҳам таянчи эди. Улар учун астойдил курашарди. Улар билан ҳам-

нафасликни асло сусайтирмасди. Уларнинг тўйида ҳам, марьракасида ҳам бўлишга интиларди. Оддий чўлқуварнинг кўнглини олса, бехад хурсанд бўлиб кетарди. 30-40 ёшга тўлганларни уйига ёки иш жойига бориб, совғалар билан табриклаб келарди. 50-60 ёшлиларнинг юбилейларини ўзи бош бўлиб ўтказиб берарди. Бирон тарихий воқеа ёки анъанавий байрам муносабати билан давлат томонидан мукофотлар берилишини сезса, хабар келса, қисқа вақтда рўйхат ва тавсияларни тайёрларди. Бу гал ҳам иложи борича кўпроқ одамга унвон, орден ва медаль олиб беришга эришишимиз керак, Эркин Турсунович, деб туради.

У кишининг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида қанчадан-қанча чўлқуварларнинг уй-яшаш шароитлари яхшиланган, қанчадан-қанча ёш чўлқуварлар ўзларининг квартиralарига эга бўлишган. Таллимаржон, Дўстлик, ҳозирги «Ўзбекистон мустақиллиги» (собиқ «Аврора») шаҳарчаларининг замонавий қиёфага эга бўлишида Соиб Усмонов таклифи ва таҳрирларининг ўрни катта бўлди. Шуниси эътиборлики, ушбу чўл шаҳарчаларини бунёд этган қурувчилар ва архитекторларнинг аксарияти бевосита Соиб аканинг йўлланмаси, ёрдами билан олий мактабларда ўқиган маҳаллий ёшлар эди.

Мен бир ибратли фактни алоҳида таъкидлашни истайман. Бу чинакам фидойиликни исбот этувчи далил. Гап шундаки, Соиб ака қандли диабет касали бўлатуриб, бировга билдириб-бильдирмай даволаниб юриб, чўлда, даврнинг энг дол зарб ва энг масъулиятли иш жараёнида биз, соғлардай, йигитлардай фаолият кўрсатарди. Мана сизга ватанпарварлик. Мана сизга эл, умум ишига садоқат!

Биз, кўпинча, ибратли инсонга аталган энг яхши таърифни у киши узоклашгач, яъни ҳаётдан кўз юмгач ишлата-миз. Масалан, Соиб ака шундай фидойилик билан ишлаб юрган ўша етмишинчи йилларда у кишини «Чўл чинори», ҳатто «Чўл чинорларидан бири» дейишга журъят этолмасдик. Тўғриси, бу таъриф юқоридаги «акаҳонлар»имизга ёқмаслигини билиб, шундай қиломасдик. Яратганга шукрки, энди бундай сохта ёқтировчилардан холимиз.

Соиб ака ҳақида ўйлаганимда кўз олдимга энг аввал Қарши шаҳридаги чинор келади. Ҳа, меҳрибон, фидойи инсон, бетакрор устоз ва кайвони Соиб Усмонов ўзи тарбия қилган, қашф этган, оқ йўл тилаган фарзандлари ва шогирдлари тимсолида, дўстлари, қадрдонлари, ўзи бир умр ардоқла-ган эли дилида яшаяпти!

## МАМНУНИЯТ ВА МАСЬУЛИЯТ ЯНВАР ИНОЯТОВ,

*фаҳрийларни қўллаб-қувватлаш*

*«Нуроний» жамғармаси Қашқадарё вилоят кенгашининг раҳбари*

Дўстлар билан ўтириб қолганимизда гурунгда вилоятнинг сиймолари ҳақида гап кетса, «Соиб Усмоновнинг одамларга, элга яқинлигини ҳеч ким менчалик яхши билмайди», дея сўз бошлайман. Қадрдонларимнинг кўпчилиги мен нимага асослашиб гапираётганимни ёки гапиришимни билишади. Даврада «ахир, сиз у киши билан ҳеч қачон бир идорада, бир жамоада ишламагансиз-ку, қандай қилиб?» дегандай ҳайронлик, қизиқиши сезсан, дарров Соиб ака қойилмақом ишлаб кетган вазифаларда, аниқроғи, Фузор, Деҳқонобод, Шаҳрисабз туманлари раҳбариятларида кейинчалик мен ҳам ишлаганимни айтиб, изоҳ бераман. Шундай давраларнинг биттасида изоҳимдан олдин «билишингиз — табиий, чунки сиз Соиб ака билан бир ердансиз, яъни тумандошсиз», деган гап ҳам эшитганман.

Бир гал, устоз ҳаётлиги вақтида, у киши ҳам даврамизда иштирок этаётганда худди шу мавзуда гап бошланди ва мен худди шу сўзимни фаҳрланиб тақорладим. Шунда Соиб ака:

— Январжон, фақат изимдан юраверган экансиз-да, — деди ёқимли табассум билан.

Мен дарров:

— Куруқ юрганимиз йўқ, устоз, — дедим. — Сизнинг иш усулларингизни, у ердаги одамларга, айниқса, маҳаллий раҳбарларга аллақачон бағишлиб ултурған тажрибаларингизни ўргангандман, ўзлаштиргандман.

— Йўқ, укажон, мен сиздан у ерда йўл қўйган хатоларимни, камчиликларни пайқадингизми, пайқаган бўлсангиз, нега ўзимга айтмадингиз, деб сўрамоқчиман,— деди Соиб ака.

— Тўғриси, устоз, сизнинг ишда хато қилишингизни тасаввур ҳам қилмаганман. Шунинг учун пайқашга арзимайдиган нарсалар содир бўлган бўлса, уларни англамаганмизда. Бунинг учун узр, оқсоқол, — дедим.

Даврадаги дўстларимиз кулиб юборишиди.

Ҳа, Соиб ака ана шундай ўзига талабчан, очиқкўнгил, тўғрисузд, беғараз, қадрдонларига қалбан ишонадиган, шогирдларига ўта меҳрибон ажойиб инсон эди. У кишининг

ижтимоий шахс, яни раҳбар сиймо сифатидаги ибратлари ҳақида ҳар қанча гапирса ёки ёзса арзиди.

Масалан, мен у кишининг вилоят «Нуроний» жамғармасини кучайтириш, юксалтириш борасидаги хизматларини юксак қадрлайман. Жамғарма Соиб Усмонов давридагина ҳақиқий жамоат ташкилотига айланди. У Мустақил республикамиизда ўтказилаётган кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда, айниқса, уруш ва меҳнат фахрийларини, ногиронларни эъзозлаш, уларга зарур моддий, маънавий, тиббий ёрдам улашиш чоралари кўришда фаол қатнашиш, фахрийларнинг ҳақ-хуқуқ ва манфаатларини, эзгу қадриятларни ҳимоя қилишдек асосий мақсадига худди шу даврда қаттиқ, чинакамига амал қила бошлади. Фаолларининг таркиби эл орасида обрў қозонган, вилоят, туманларнинг ривожида меҳнати сингган кишилар ҳисобига кучайтирилди.

Жамғарма давр имкониятларидан фойдаланиб, ўзининг кичик корхоналарига, фермер ҳўжаликларига эга бўлди. Уруш ва меҳнат фахрийлари шифохонасига эътибор ҳар қачонгидан кучайтирилди. Бошқа ҳар бир шифохонада фахрийлар учун 10-15 тадан махсус ўрин ажратилди. Санаторийларга бериладиган йўлланмалар сони кескин оширилди. Энг муҳими, вилоят фахрийлари, хурматли кексаларимиз қисқа муддатда Соиб Усмонов ва унинг «Нуроний»си мисолида ўзларининг рисоладагидай, давлатимиз даъватидагидай, фаол жонкуяр ҳимоячисига эга бўлишиди.

Бу фаоллик ва жонкуярлик Соиб Усмонов ҳаётлигига янада кучайса кучайдики, лекин асло сусаймади.

Мен бир фактни алоҳида фахр билан эслаб ўтишни хоҳлайман: 90-йилларда вилоятларда «Нуроний» жамғармасини бошқарган кишилардан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига депутат бўлганлар ниҳоятда кам эди. Бизнинг Соиб ака эса, ўша даврда кетма-кет, яни икки марта Олий Кенгашга депутат этиб сайланган. Мана шу фактнинг ўзи ҳам Соиб Усмоновнинг одамларга, элга нечоғлик яқинлигини, у кишининг вилоятдаги обрўи ва ўрни қанчалик баландлигини, энг муҳими, устоз ҳаммавақт, ҳар қандай вазифада эл-юрга, унинг талабларига мос хизмат қилишга ғолибона ултурганини исбот этиб турибди.

Шундай ажойиб инсонга, раҳбарга қадрдон, шогирд бўлиш одамга қанчалик фахр-мамнунлик баҳш этса, ўрнида фаолият кўрсатиш зиммага шунчалик масъулият юклайди. Мақсадимиз устознинг ишларини муносиб давом эттириб, руҳларини доимо шод қилишдир.

## ҚИРҚ ЙИЛЛИК ҚУРДОШИМ

ҚАРОЛ МАҲМУДОВ,  
*уруши ва меҳнат фахрийси*

Турли йилларда Қашқадарё вилоятининг олтита туманида фаолият кўрсатганман. Ана шу даврлар ва давраларда жуда кўп кадрлар билан бирга ишлаганман. Собиқ ҳамжамоа ва ҳамнафасларимнинг аксарияти ўз ишини яхши биладиган, ҳозиржавоб, бажарувчан мутахассислар, яъни ёмон одамлар эмасди. Лекин уларнинг орасида уч-тўрттаси алоҳида ажralиб турарди. Мен уларга ўзимга ишонгандай ишонардим, уларни қаттиқ хурмат қиласардим, керак бўлганда маслаҳатларига ҳам таянардим. Соиб Усмонов худди шундай кишилардан бири эди.

Соиб Усмонов қирқ йиллик қадрдоним эди. Биз ўтган аср олтмишинчи йилларининг аввалида Дехқонбод туманида яқиндан танишганмиз, бирга ишлаганмиз. Мен туман раҳбари, у эса, туман ижроия қўмитасининг раиси эди. Мен ўша илк ҳамнафаслик, ҳаммаслаклик вақтидаёқ эндиғина ўттиздан ўтган Соибjon (ўзимдан беш ёш кичик бўлгани учунмас, ўзимга фоятда яқин тутганимдан баъзан шундай дейман)нинг қанчалик баркамол кадр, моҳир раҳбар эканлигига гувоҳ бўлганман.

Унда раҳбар учун биринчи навбатда зарур-шарт бўладиган қобилият, хислат — халқ билан тил топишиш маҳорати ҳавас қиласидан даражада кучли эди. Яширмайман. Урушда қатнашганим таъсириданми, ҳар хил сабаблар билан баъзан пайдо бўлиб қоладиган баҳсли давраларда бироз асабийлашиб кетишдан кўрқардим. Шундай пайтларда у ерга боришни Соиб Усмоновичдан илтимос қиласардим. У ҳеч қачон «туманинг биринчи раҳбарисиз, сиз боришингиз керак, мен ижроқўман-ку», демасди. Яъни аввал мени тушунарди, сўнг кўпчиликни. Охир-оқибатда кўпчилик уни тушунарди: баҳс-можаро дарров, тинчгина ҳал этиларди. Шу тариқа, тушуниб-тушумай, асосли-асоссиз юзага келган кичик муаммо Соиб Усмоновичнинг шарофати билан туман фойдасига якун топарди.

Бундай халқбилар, халқсевар таянч, тугма кайвони ёнида бўлган раҳбар, бошида турган эл кам бўлардими?! Асло!

Буни Соиб Усмонович Фузор туманида, вилоятда иж-роқўм раисининг ўринбосари, «Қаршиқурилиш» ҳудудий бошқармасининг бошлиқ мувонини бўлиб ишлаганида, Шаҳрисабз, Қарши туманларини бошқарганида тақрор ва тақрор исботлади.

Соиб Усмоновнинг фахрийларни кўллаб-куватлаш «Нуроний» жамғармасининг вилоят кенгашидаги фаолияти яна-да ибратли бўлди. У бу ерда бъази вазифадошларига ўхшаб номигагина хабарлашувчи, қўнгил сўровчи, қўнгил кўта-рувчи бўлиб қолмади. Аксинча, кексаларнинг, уруш ва меҳнат фахрийларининг, ногиронларнинг фаол, чинакам ҳимоячиси сифатида майдонга чиқди. Оқсоқолларнинг оқсоқоли қандай бўлишини намойиш этди. Халқ ишончига сазовор бўлиб, кетма-кет икки марта Республика Олий Кенгашига депутат этиб сайланганида эса худди 40—45 ёшлардагидай айричарайрат билан, гуркираб, ёниб ишлади. Тўғриси, худди шу даврда унга ҳавас қўймаган, ундан фахрланмаган қашқадарёлик қолмади!

Энг муҳими, бу дунёда яхши инсон бўлиб, элим деб, юртим деб ёниб яшаш нечоғлик улкан баҳт эканлигини Соиб Усмонов ўзининг ибратли ҳаёти мисолида ёрқин намойиш этиб кетди.

Сизни соғиниб яшаймиз, қадрдон!



---



## ЖАЙХУН ҲАМ ГУВОҲ

МУҲАММАДИ РЎЗИЕВ,  
Қашқадарё вилояти сув ҳўжалиги фахрийси

Раҳматли Соиб аканинг етакчи сифатидаги салоҳияти, мардлиги, ташкилотчилиги, ўз ишига, топширилган вазифага садоқати ҳақида ўйлаганимда, ўзим шоҳид бўлган учта кичик тарихий воқеа беихтиёр эсимга тушади.

Биринчиси. 1961 йилнинг 30 апрель тунида тоғли Дехқонобод туманида кутилмагандага қаттиқ, ниҳоятда кучли ёмғир ёғиб, у ердаги шифохонанинг бир қисмини сел олиб кетди. Табиий оғат натижасида касалхонага Тошкентдан, институтдан келиб амалиёт ўtkазаётган бўлажак врач қизлардан саккиз нафари ҳалок бўлди. Сел суви қўшни Фузор туманига ҳам жиддий зарар етказганди.

Ўша йиллари Соиб Усмонов ушбу туман ижроия қўмитасининг раиси бўлиб ишларди. Ана шу ташвишли дамларда у кишининг эгнига фуфайка, оёғига резина этик кийиб олиб, у ердан бир қадам узоқлашмай, тунни тонгга, тонгни тунга улаб, табиий оғат оқибатларини тугатиш учун курашганига, фавқулодда тузилган штабни моҳирона бошқариб, яна зарар етказилиши мумкин бўлган жойларни, энг муҳими, туманинг аҳоли яшайдиган қисмини сув тошқинидан омон сақлаб қолища бетакрор жасорат ва ташкилотчилик намойиш этганига гувоҳ бўлганман.

Иккинчиси – Соиб ака Шаҳрисабзда биринчи раҳбар бўлиб ишлаган йиллари (1968 – 72 йиллар) туманда сув ниҳоятда танқис эди. Шунинг учун у киши «Пахтакор» насос станцияси ва «Тошлоқсой» сув омборини қуриш масаласини ўртага қўйди. Раҳбарлар ва биз, сув мутасаддилари таклифга рози бўлдик. Мен ўша вақтда вилоят сув ҳўжалигининг бошлиғи бўлиб ишлардим. Иш ҳажми катта бўлганлиги учун қўшни туманлардан ҳам ёрдамга келишганди. Штабни шахсан Соиб Усмоновнинг ўзи бошқаргани, юксак ташкилотчилик, моҳирона раҳбарлик салоҳиятини намойиш этгани учун насос станцияси ва сув омбори ўз вақтида куриб битказилиб, сув танқислигига барҳам берилган.

Учинчиси. Соиб ака «Қаршиқурилиш» бошқармасига муовин бўлиб ишлаган йиллари Амударё ўзанидан Таллимаржон

сув омборигача бўлган олис масофада насос станцияларини қуриб битказиша жасорат кўрсатган. Мен ижтимоий масалалар бўйича бошлиқ ўринбосариман-ку, демасдан, у ерда ташкил этилган штабни моҳирона бошқариб, механизаторлар, қурувчилар ва ишчиларга эҳтиёждаги барча нарсаларни ўз вақтида бекаму кўст яратиб бериб, улар билан кечаю кундуз бирга бўлган. Баъзида бир ойда уйга бир бориб келган. Бу — асли лофт эмас. Бунга ҳаёт шарти ва рамзи — Жайхун гувоҳ!

Соиб aka иш одамигина эмасди. Мехрибон, дилкаш, даврасевар, хушчақчак, яъни ҳазилни яхши кўрадиган ажойиб инсон ҳам эди. Бирор билан ҳазиллашадиган бўлса, ҳеч қачон унинг кўнглига тегадиган гап қилмасди. Кўполликдан мутлақо узоқ бўларди. Кўпроқ ҳазил-мутойибани билган одамини, яъни унинг кайфиятини кўтаришни ўйларди. Масалан, бир гал менга:

— Ўртоқ Рўзиев, сиз билан эҳтиёт бўлиб гаплашиш керак, — деб қолди.

Мен изоҳи менинг зараримга бўлмаса керак, деган ўй билан дарров:

— Тинчликми, устоз. Шунчалик опасниманми? — дедим кулиб.

Шунда у киши:

— Чунки, биринчидан, сизнинг исмингиз — Муҳаммад, иккинчидан, сиз буюк Амир Темурга қишлоқдошсиз, яъни Соҳибқироннинг авлодидансиз! — деди.

Бу гапдан кейин иккаламиз мириқиб кулганмиз.

Соиб aka ана шундай соҳиби салоҳият эди. Бундай инсонларни унутиб бўладими?! Жойингиз жаннатда бўлсин, устоз!



## ҚАЛБ ҚАДРДОНИ

ФАЙЗУЛЛА НАБИЕВ,

*уруш ва меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда  
хизмат кўрсатган саноат ходими*

Мен Соиб Усмонов билан бир неча йил бирга ёнма-ён ишлаганман. Биз, бир-биримизни кўрмасак, туролмайдиган даражада қалин, яқин дўст-қадрдон бўлиб қолгандик. Шунинг учун у кишини яхши биламан, деб баралла айта оламан.

Вилоятда одамлар билан, эл билан гаплашишда Соиб Усмоновга етадиган раҳбар кам, десам хато қилмаган бўламан. Мисол. 1960 йили республика ҳукуматининг қарори билан Сурхондарё ва Қашқадарё вилояти кўшилди. Натижада Шеробод-Ангор туманларидағи қўриқ ерларни ўзлаштиришга оммавий равишда киришилди. Шунда вилоят раҳбари яти у ерга биз томондан, яъни Дехқонбоднинг тоғли зонасидан, Авжун, Яша, Бошчорбоғ қишлоқларидан ишчи кучи кўчириш лозим, деган қарорга келди. Кўчириш комиссияси тузилди. Комиссия уч қишлоқда кўчиришга бағишлиланган мажлислар ўтказишни бошлади. Авжун қишлоғи аҳолиси кўчмаймиз, деб туриб олди. Улар шовқин-сурон кўтаришиб, комиссия раиси ва туман биринчи раҳбарининг сўзларини деярли эшлишмади.

Шунда, туман ижроқўми раиси Соиб Усмонов ўртага чиқди. Биласизми, ўшанде у кишининг: «Азизлар, сизларни бошқа юргга, масалан, Афғонистонга кўчишга даъват қилмаяпмиз», дея ниҳоятда топиб айтган илк сўзларини эшлиши билан авжунилклар шовқин-суронни тўхтатишган. Соиб Усмонов улар ҳозир истиқомат қилаётган зона ҳатто бироз хавфилигини, бу ерда табиий кўчки содир бўлмаслигига ҳеч ким ҳеч қафон кафолат бермаслигини, кўчиб борадиган жойларнинг яшашга қулайлигини, афзаллигини айтиб, исботлаб, чин юракдан шундай халқона, чинакам кайвониларга хос гапларни гапирганки, бу сўзларни эшлитиб, йиғилганлар беихтиёр ўйланиб қолишган. Охир-оқибат, улар ўз қишлоқларидан 150 хўжалик (оила)нинг кўчишига розилик билдирган.

Орадан йиллар ўтиб, Қарши чўлини ўзлаштириш авж олган пайтларда вилоят раҳбари яти олдида яна кўчириш му-

аммоси пайдо бўлди. Чўлда шаҳар типида бунёд этилган кўргонларда яшаб, долзарб умумхалқ ишига ёрдам берадиган янги ишчи кучларини тоғ қишлоқларидан кўчиришга қарор қилиди. Бу ишга раҳбарлик қилиш бошлиқ муовини Соиб Усмонов зиммасига юклатилди. У киши бу вазифани ҳам аъло даражада бажарди. Тоғларда жойлашган Тошкўрғон, Зармас, Вори, Қизилтом, Кўкабулоқ қишлоқларининг аҳолиси ҳеч қандай шовқин-суронсиз, можаросиз янги чўл хўжаликларига кўчиб ўтди.

Мана сизга, одамларнинг, элнинг қалбига кира билишнинг, керакли жойда керакли сўз топа олишнинг, ҳар қандай вазиятдан ғолибона чиқиб кетишнинг, энг муҳими, чинакам ўзбекона кайвонилик или йўғрилган раҳбарликнинг мисоли ва исботи!

Шундай моҳир етакчининг вилоят ривожи ва равнақидаги ҳиссаси катта бўлмаслиги мумкинми?!

Соиб Усмонов меҳрибон, зукко инсон сифатида ҳам таҳсинга лойиқ эди. Масалан, мен пенсияга чиқиб, дам олиб юрган кунларимнинг бирида (1996 йил июль) у киши ҳузурига чақириб, уйда ётаверасизми, келинг, бирга ишлаймиз, деб мени уруш ва меҳнат фахрийлари Қарши шаҳар кенгаши раисининг ўринбосари вазифасига тайинлаган. Соиб Усмоновнинг ўша куни кабинетида самимий кулиб: «Биродар, олти ёш бўлсангиз (Хурриятга ишора эди) ҳам, ишлайдиган замон келди. Иккинчидан, ҳар биримизни кўпчиликнинг, элнинг дийдоридан, нафасидан кўймасин!» дея айтган фоятда пурмаъно сўzlари қулоқларим тагида ҳамон жаранглаб турибди.

Дўстим, қадрдоним, даврадошим Соиб Усмонов ҳаётлиги вақтида доимо элга талпинарди, элга хизмат қилишга ошиқарди. Эл ҳам ўзининг ана шундай садоқатли фарзандини ҳеч қачон унутмайди.



---

## БИР ОЁФИ ҚАМАШИДА БҮЛАРДИ

**ЭРКИН ЖАЛОЛОВ,**  
мөхнат фахрийси, иқтисод фанлари номзоди

Шўро даври мафкурасининг таъсириданми, инсонпарвар сўзини биз кўпинча даҳолар ва доҳийларга ишлатамиз. Бошқага шундай деб таъриф берсак, гўё уни «вожд» қилиб кўядигандек. Ҳолбуки, Яратганинг ҳар қандай онгли, ақсли-хушли бандасида шундай хислат қандайдир даражада албатта бўлади. Биз хурсандмизки, бундай сифатли одамлар вилоятимизда ҳам кам эмас. Соиб Усмоновда бу фазилат ниҳоятда кучли, ҳавас қиласидиган даражада баланд эди.

Масалан, Соиб Усмонов вилоятимизда ёрдамга муҳтоҷ, айниқса, ногирон инсонларни курсагина эмас, эшитса ҳам туролмасди. Дарров, бошқа расмий ёки шахсий ишларини вақтинча тўхтатиб бўлса ҳам, ундан хабар олишга, унга ёрдам беришга шошиларди, интиларди. Буни асло расмият учун ёки бошқаларга ўхшаб, вазифадорлиги боис қиласди.

Мисол учун Қамаши туманининг Жартепа қишлоғида туғилган, иккинчи жаҳон уруши фронтларида фашизмга қарши мардона курашаётib, икки кўзидан ажралган Соатов ва унинг оиласидан Соиб Усмонов узоқ йиллар меҳру муҳаббатини, ёрдамини аямаганини, ногиронли оиласининг бир аъзосидай, жигарбандидай уларга қарашганини жуда кўлчилик билади. Биз, Соиб Усмоновнинг дўстлари эса тинчлик учун ёниб турган икки кўзини берган собиқ жангчининг «Соиб ота – саҳоватнинг сара соҳиби!» деган миннатдорчилик сўзларини эшитганимизда, қандай ажойиб қадрдонимиз борлигидан фахрланганмиз.

Соиб Усмонов яна бир собиқ жангчи – Шаҳрисабз шаҳрида яшайдиган, тўшакка михланиб қолган Аҳмаджон Арзикулов ва унинг оиласининг ҳам қадрдони эди. Дўстимизни баъзан «Аҳмаджон акага бир дори керак эди», деб марказий дорихона ёнида турганини учратсан, баъзан улуғ айём яқинлашяпти, тақаб бормасдан, акахонларнинг хузурига олдинроқ ўтиб, табриклаб, хабарлашиб келай дея Қамаши, Шаҳрисабз томонга отланаётганида кўриб қолардим.

Умуман, Қамашидан Соиб Усмоновнинг бир оёғи узилмасди. Чунки у ерда ногирон болалар уйи бор эди. Ҳеч иккимай, аксинча, фахрланиб айтиш мумкинки, бу маскан

Соиб Усмонов ҳаётлиги вақтида бирор нарсага зориққан ёки бирор нарсадан қийналган эмас. Доимо у кишининг назоратида бўлган. Соиб Усмонович бу маскан учун ҳатто Тошкентнинг имкониятларидан ҳам фаол фойдаланаарди. Шу боисдан бўлса керак, бир гал Қамашидаги мазкур масканни, тан берибми ёки фахрланибми, «Соиб Усмоновнинг уйи» дейишганини ҳам эшитганмиз. Чинакам меҳрибонликнинг, ҳақиқий инсонпарварликнинг тасдиғи бундан ортиқ бўладими?!

Соиб Усмонов учун, айниқса, тўй ва таъзияда ҳамма тенг эди. Агар таклиф қилса, дўстлари билан оддий эшик-боннинг тўйига ҳам бораверарди. Асло раҳбар бўлганим учун номига айтган-да, уларнинг ўз давраси бор, деб ўтирмасди. Бошқа миллат вакилларидан бирортаси жигарини сўнгги йўлга кузатишда қийналиб қолса, айримларга ўхшаб, каттаман, доми, маҳалласи бор, деб кўриб-кўрмасликка олмасди, унга дарров керакли ёрдамни уюштириб берарди.

Дўстимиз камтарликда Қаршида битта эди, десам ҳеч ким эътироz билдиrmайди. Масалан, Ишчилар кўчасидаги торгина ҳовлидан кенгроқ жойга ўting, оилангиз катта десак, бизга бўлади, деб унамаган. Кичкина ҳовлисидаги қўшимча меҳмонхонани ҳам биз, яқин қадрдонлари зўрлаб курдирганимиз.

Соиб Усмонов шундай ибратлари, айрича инсонпарварлиги билан ҳам ёдимииздан чиқмайди.



---

## БИРИ «УСТОЗ» ДЕРДИ, БИРИСИ «ОФА»

ТОХИР ЭРГАШЕВ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор

Яқин дўстларим менга баъзан «Сиз энг омадли одамсиз» деган ҳавасли сўзлар айтишади. Лекин мен лотереядан «Нексия» ютганим ёки иккинчи марта фахрий унвонга эришганим йўқ. Менга Қашқадарёнинг икки асл фарзанди, икки улуғ инсон — Чўли Бегимкулов ва Соиб Усмоновга шогирд бўлиш омади насиб этган! Тўгриси, тақдирнинг бундай сийлови билан ҳамиша фахрланаман ва бунинг учун доимо шукр қиласман.

Масалан, қишлоқдошим, хўжалигимиз раиси, афсона вий халқ ирригатори Чўли ота мени ўз касбига ҳаваслантирган, орзу-ниятимни эшитгач, беҳад курсанд бўлиб, чин юракдан шу ўқишга (институтга) оқ йўл тилаган, каниқулга келган пайтларимда тажрибаларидан келиб чиқиб, амалий маслаҳатлар берган.

Соиб ака эса институтни битириб, Қарши чўлида ишлайдиганимда бизга ўн беш йил маънавий раҳбар бўлган. Ана шу ҳамнафаслик даврида мен у кишидан кўп нарса ўргандим. Айниқса, «Қаршиқурилиш» бошқармасига бош муҳандисликдек фоятда масъулиятли вазифада ишлайдиганимда Соиб ака даъватли, файрат баҳш этувчи сўзлари, маслаҳатлари, йўл-йўриқлари билан ёрдам берган, фаол қўллаб-куватлаган. Айни вақтда, баъзида беғараз танбеҳларини ҳам эшитганиман, ҳимояларига муюссар бўлганман. Бир сўз билан айтганда, Қарши чўлини ўзлаштириш жараёнидаги муваффақиятли иш фаолиятимда у кишининг кўмаги катта бўлган.

Аслида Соиб ака Қарши чўлида фақат менинггина эмас, балки, бошқа юзлаб, минглаб инсонларнинг ҳам устози эди. Чунки у киши, юқорида таъкидлаганимдек, «Қаршиқурилиш»дек фоятда йирик ташкилотда маънавий раҳбар вазифасини бажаарди. Турли миллат вакилларидан иборат кўп минг кишилик жамоанинг бошини қовуштиришда, уларни ягона оиласадек жам этиб, бош мақсад сари қудратли кучга айлантиришда асосий бош-қош эди. «Қаршиқурилиш» давраларидаги, худудидаги соғлом, барқарор мухитнинг асосий ижодкори ҳам, мустаҳкамловчиси ҳам, ҳимоячиси ҳам энг аввало Соиб ака саналарди.

Соиб ака чўлкуварларнинг чинақам меҳрибони эди. Уларнинг шарт-шароитларини ўрнига қўйиш, янада яхшилаш учун тиним билмасди. Масалан, Таллимаржон шаҳарчасининг чинақам замонавий қиёфа касб этишида Соиб Усмоновнинг хизмати катта бўлган. Бу ерда қисқа муддатда 28 минг квадрат метрлик тураржой, 960 ўринли мактаб, 280 ўринли боловлалар боғчаси, 840 ўринли маданият саройи, 76 км. узунликдаги водопровод тармоғи барпо этилиб, ишга туширилган. Янги шаҳарчадаги илк никоҳ тўйлари Соиб ака бошлигидаги ўтган. Электрпайвандчи А.Кравченко оиласида Таллимаржоннинг биринчи йигитчаси дунёга келганида унга Соиб аканинг тавсияси билан исм қўйилган.

Устоз ғамхўрлиги, ўз ишига садоқат билан ёндашганлиги учун ҳам чўлкуварларга ана шундай яқин, қадрдан ва ҳурматли эди. Чўлкуварларнинг бири уни чин юракдан «устоз» деб эъзозласа, иккинчиси айрича меҳр билан «оға» дерди. У киши узрли сабаб билан бирор йигилишда қатнашмаётган бўлса, айниқса, мутахассислар ва бригадирлар дарров: «Ие, Соиб Усмонович кўринмаяпти-ку?» деб туришарди.

Соиб ака чўлда ишлаганидагинамас, Фузор, Дехқонобод, Қарши, Шаҳрисабз туманларида, Қарши шаҳрида бир-биридан масъулиятли вазифаларда фаолият қўрсатганида ҳам одамларнинг, элнинг шундай эътибори, ҳурмати ва эъзозига сазовор бўлганди. Шунинг учун Қарши шаҳар раҳбарияти у кишининг номини абадийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилганида, бу холосани чўлкуварлар ёки фахрийларгина эмас, балки бутун вилоят аҳли алоҳида мамнуният билан кутиб олди.

Ҳа, ибратли ижтимоий фаолияти билан Қашқадарёйизнинг ривожи-равнақига, ажойиб инсоний сифатлари или вилоятдошларимизнинг маънавий камолига ҳисса қўшган Соиб Усмонов мангаликка дахлдордир!



## ФАЙЗ КИРИБ КЕЛАРДИ

АБДУРАҲМОН ХУДОЙНАЗАРОВ,  
Қашқадарё вилояти «Агроводаканал»  
корхонасининг бўлим бошлиги

Халқимизда азал-азалдан «файзли одам» деган сифат ва таъриф мавжуд. Бу ҳамма даврларда ва давраларда шундай ажойиб инсонлар бўлганлигидан далолатдир. Бизнинг даврамизда ана шундай улуг таъриф-сифат билан эъзозланадиган кишилардан бири раҳматли Соиб aka эди.

У киши ташриф буюрган хонадонга, даврага файз кириб келарди. Яқинлик, самимилик, дилкашлик, очиқлик, ба-ланд рух-кайфият, хушчақчақлик, бегараз ҳазил-мугойиба бу шарофатнинг асосий мазмунини ташкил этарди. Ўтирганлар, йигилганлар Соиб аканинг «Азизлар», дея бошланадиган меҳрли, ёқимли сўзларини айрича интиқлик билан кутиб туришарди. У киши баъзиларга ӯхшаб, яъни сўзимга қизиқётган бўлсаларинг, эшитасилар-да, дегандай кўп гапирмасди. Аксинча, ихчам, чиройли, ижодкорона, гоятда мазмундор лутф қиласарди. Даврада бошқа одам гапираётганда уни эътибор билан тингларди. Ундан бирон теша тегмаган, характерли сўз эшитса, дарров «Яшанг!» дея рағбатлантирарди.

Соиб aka иштирок этадиган ўтириш-гурунгни биз, қадр-донлари баъзан фаҳрланиб, «Ҳикматли давра» ҳам дердик. Чунки устоз ана шундай дийдорлашувларда бизларни улуғларнинг ҳикматлари, халқ мақоллари, сўз санъаткорларининг шеърий сатрлари билан сийларди. Адабиётга, шоирларга яқин бўлганлиги учун ўзидан ҳам баъзан кутилмаган ажойиб гапларни эшитиб қолардик.

Бир гал, қайсиdir биродаримизнинг тўй дастурхони атрофида овқатдан кейин гурунглашиб ўтирганимизда, Соиб aka тарелқадан бир дона олма олди-да, киссасини ковлай бошлади. Мен, устоз, ҳозир айтамиз, пичоқ опкелишади, дедим. Шунда Соиб aka, йўқ, Абдураҳмонжон, ҳеч кимни овора қилманг, йигит одамнинг ёнида пичоги бўлиши керак деди-да, ўзимда бор, деб чўнтағидан пичоқни олди. Даврадагилар беихтиёр кулиб юборишиди. Устоз бундан илҳомланиб, олмани арчий туриб, менга қараб, шундай деди: Биродар, Чархий домла шундай ёзганлар:

Бўлмаса ҳам тароғингиз,  
Ёнда бўлсин яроғингиз.

Даврадошларимиз «Қойил!» дея яна кулиб юбориши.

Устоз ўзганинг қувончидан ҳам завқ туюдиган, ўзининг қувончини дўстлари, қадрдонлари билан дарров баҳам кўрмаса туролмайдиган ажойиб инсон сифатида ҳам ажралиб турарди.

1965 йили эди, янглишмасам. Тунги соат тўртларда уй телефони жиринглаб қолди. Гўшакни кўтарсам, Соиб аканинг овози: «Абдураҳмонжон, мен ўғилли бўлдим!» – деб турибди.

Телефондаги табрик бошқа, юзма-юз қуришиб табриклаган бошқа, дедим-да, тонг отар-отмас устознинг ҳузурига югурдим. Иккинчидан, Соиб aka кетма-кет, етти қиздан кейин биринчи ўғилга мұяссар бўлганди.

Шу ерда Соиб аканинг суратини чизишда муҳим аҳамият касб этиши мумкин бўлган бир факт беихтиёр эсимга тушади. Устоз ўта камтар, оддийликни, оддий эл қаториликни айрича хуш кўрадиган, сохта чиранишни, ўзини кўрсатишга ишқибозликни асло ёқтирмайдиган, ниҳоятда тоза, ҳалол одам эди. Масалан, ўша тилаб олган ўғилга аталган уйни 16 йил деганда қуриб битказган.

Мен бу дунё саодатининг соҳиби Соиб Усмонов иккичи дунёнинг саодатига ҳам мушарраф бўлганлигига асло шубҳа қилмайман.



## КҮПНИ КҮРГАН КАЙВОНИ

ЭСОН РАЖАБОВ,

*Қашқадарё вилояти касаба уюшмалари кенгашининг раиси*

Халқимиз тилидан «Инсонни ўрни билан берган бўлсин», «Ҳаётда бўлса ўрни, ҳавас-ла севгил уни» каби қайдлар ва ҳикматли сўзларни кўп эшитганмиз. Мен ушбу ҳаёт шартлари ва ҳақиқатлари ҳақида ўйлаганимда, хаёлимга беихтиёр устоз Соиб Усмонов келади ва у кишининг ўз иш жойида, давраларимизда, умуман, вилоятда ўрни нечоғлик катта бўлганлигига яна бир бор амин бўламан.

Масалан, у киши 1964 – 68 йиллари вилоят ижроия қўмитаси раисининг ижтимоий масалалар бўйича муовини бўлиб ишлаган. Сўнг Шаҳрисабзда биринчи раҳбар сифатида фаолият кўрсата бошлаган. Ўшанда бутун вилоят тиббиётчилари, маорифчилари ва маданиятчилари: «Соиб ака шу лавозимда ишлайвериши керак эди-да. Энди бу вазифага келадиган одам бизнинг соҳани у кишидай бошқара олмайди», дея бир овоздан дилдан ачиниб қолишганига ўзим гувоҳман. Чунки мен ўша йиллари институтни битириб келиб, Қаршидаги политехникада ишлардим. Бу армонли сўзларни ижтимоий соҳа кишиларидан кейинчалик ҳам «агар Соиб Усмонов бўлганидами» шаклида кўп бор эшитганман.

Соиб ака 1972 иили «Қаршиқурилиш» бошлигининг маънавий-маърифий ва маданий ишлар бўйича муовини(сиёсий раҳбар) бўлиб кўтарилиб борганида мен бошқармада штаб бошлифи эдим. Шунда, яъни устоз у ерда ўз фаолиятини бошлаши билан бошқарма давраларида, масканларида, улкан худудида маънавий-маърифий ишлар шунақсанги гуркираб кетганки, натижада бундан хурсанд бўлмаган, ҳайратланмаган, ҳавас қилмаган одам қолмаган.

Мана, сизга одамнинг ўрни, ўрин яратиши! Тўғри, вилоят ижроия қўмитасида ижтимоий масалалар бўйича Соиб акага қадар ҳам, у кишидан кейин ҳам муовинлар ишлаган. Жумладан, «Қаршиқурилиш»да ҳам ўринбосарлар фаолият кўрсатган. Улар ҳам яхши одамлар эди. Лекин ўша масъулиятли лавозимларда ишлаганларнинг бирортаси Соиб Усмо-

новдан ўтганман, деёлмайди. Бу — ҳақиқат. Бу — фақат менинг эмас, вилоятда жуда кўпчиликнинг фикри, хулосаси!

Икки конкрет мисолдан сўнгги мана шу хулосаларга асосланиб, умуман Соиб аканинг вилоятдаги ўрни ҳақида тўхтамга келиш қийин эмас. Ҳа, вилоятда устознинг ўрни баланд эди. Шунинг учун ҳам ҳалқимиз у кишини Мустақиллик йилларида кетма-кет Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига депутат этиб сайлади. Биз худди шу даврда «Қашқадарёнинг бош кайвониси», «Қашқадарёнинг биринчи рақамли оқсоқоли» деган эътироф, эъзозларни ҳатто қўши вилоятлардаги дўстларимиздан эшитганмиз.

Шахс, сиймо сифатида эл даврасида ҳурмат қозонган шундай ажойиб инсон ва раҳбарга шогирд бўлганлигимдан ҳамиша фаҳрланаман. Мен, айниқса, вилоят ёшлар ташкилотида, Қарши шаҳар раҳбариятида, касаба уюшмаларида ишлаганимда у кишидан кўп нарса ўргангандман. Вилоят раҳбарлари орасида Соиб aka ёш кадрлар ва шогирдлар билан ишлаш борасида ўзига хос мактаб яратган устоз эди, десам хато қилмаган бўламан. Мактабдошларимнинг аксарияти бугунги кунда йирик ташкилотларни, идораларни, ҳатто туманларни муваффақиятли бошқариб, вилоятимизнинг янада юксалишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Шогирдларига ҳам ҳаётда барқарор ўрин топишларида фаол кўмаклашиб кетган устознинг охиратлари обод бўлсин!



---



## КАДР КАМОЛИН КҮРСА

МАҲМУД ХУДОЙҚУЛОВ,  
тарих фанлари доктори, профессор

«Қашқадарёлик ёш кадрнинг камолини кўрганимда бе-  
ихтиёр яйраб кетаман, теримга сифмайман!» Бу — раҳматли  
Соиб Усмоновнинг чин юрак сўзи эди. Бу сўзни мен у ки-  
шидан бир неча бор эшитганман. Шунинг учун Соиб ака  
ёшларга, ёш кадрларга, бўлажак кадрлар тайёрланадиган мас-  
канларга алоҳида эътибор берарди. Масалан, у киши «Қар-  
шикурилиш» бошқармасида маънавий ишлар бўйича бошлиқ  
муовини бўлиб ишлаган пайтида бошқарма ихтиёридаги по-  
литехникум (Қарши шаҳридаги), қишлоқ хўжалигини меха-  
низациялаш техникуми (Шахрисабз) ва вилоят марказидаги  
ўқув комбинатига эътибор ниҳоятда кучайтирилган. Ушбу  
ўқув юртларининг ҳар бири мутахассис кадрлар тайёрлайди-  
ган ҳақиқий масканга айлантирилган. Мавжуд кадрларнинг  
малакасини мунтазам равишда ошириб бориш қатъий гра-  
фик асосида йўлга кўйилган. Мен бунга ўша йиллари вилоят  
раҳбариятида мафкура ишлари бўйича шуғулланган котиб  
сифатида гувоҳман.

Соиб Усмонов кадрларнигина эмас, вилоятда уларга илм  
улашадиган, қолаверса, тадқиқот билан шугулланадиган илм  
масканларини кўпайтиришни ҳам ўйларди. Пахтачилик инсти-  
тутининг Муғлонда очилган филиали ана шу эзгу ҳаракатнинг  
илк самараси бўлганди. Чўлкуварлар учун мутахассис кадрлар  
тайёрлаб беришда қулийликка эришиш мақсадида ташкил этил-  
ган иккинчли филиалнинг ташаббускори ҳам Соиб ака эди. Тош-  
кентдаги муҳандис-ирригаторлар институтининг мазкур фили-  
алига вилоят марказидан дарров 65 гектар ер ажратиб берилди.  
Филиал учун маҳсус бино қуришга киришилди. Янги бино-  
нинг қурилиш штабини Соиб Усмоновнинг ўзи бошқарди.

Саксонинчи йилларнинг охирида республикада дабду-  
рустдан, ўйловсиз филиалларни тугатиш бошланди. Шунда,  
биз — Соиб Усмонов иккаламиз филиални тугатмасдан сақ-  
лаб қолишни сўраб, ўша вақтларда вилоятимизга эндиғина  
биринчи раҳбар бўлиб келган Ислом Каримов ҳузурига кир-  
дик. У киши филиални тугаттирмаймиз, иложи бўлса, уни

кейинчалик мустақил институтга айлантирамиз, деди. Сұнг, шу заҳоти Тошкентта, институт ректори О.Салимовға телефон қилиб, гаплашди. Шу тариқа, вилоят янги раҳбарининг шарофати билан филиални сақлаб қолғанмиз.

И.Каримов Ўзбекистоннинг раҳбари бўлиб ишлай бошлагач, Соиб Усмонович у кишининг қабулида Олий Кенгаш депутати сифатида бўлиб, филиални институтга айлантириб беришни илтимос қилди. Давлатимиз раҳбари бу эзгу ниятни қўллаб-қувватлади: Вилоятимизда мустақил Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти ташкил этилди. Бу илм маскани бугунги кунда республикамизда энг яхши олий ўқув юртлари қаторида туради.

Раҳматли Соиб Усмонов ана шундай ташаббускор, илм-фаннынг моҳиятини ниҳоятда теран тушунадиган, вилоятдошлиари, аниқроғи, ёшлар унинг шарофатларидан янада кўпроқ баҳраманд бўлишларини астойдил истаган беназир кадрпарвар ҳам эди. Шулар ҳақида ўйлаганимда, қандай ажойиб инсонларга маслакдош ва қадрдон бўлганлигимдан яйраб кетаман.

Муҳтарам зотни Аллоҳ ўз раҳматига олгани рост бўлсин.



---

## ЕД ЭТАМИЗ ЮРАКДАН

МУХИДДИН ҲИКМАТОВ,  
*мөхнат фахрийси*

Мен устоз Соиб акани у киши Шаҳрисабз туманида биринчи раҳбар бўлиб ишлай бошлаган йиллардан яхши билардим.

Олтмишинчи йилларнинг охирларига келиб ривожланиш йўлига чиқиб олган Шаҳрисабз Соиб Усмонов даврида чинакамига гуркираб ўсган, юксалган. Муваффақиятда туман биринчи раҳбарининг халқ билан фоятда яқинлиги асосий роль ўйнаган. Қачон қараманг, устозни эл билан ҳамнафасликда, ишбошилар, мутахассислар ва кайвонилар даврасида кўриш мумкин эди. Шаҳарнинг саноат корхоналари ҳам худди шу даврдан эътиборан туманнинг биринчи раҳбари тез-тез хабар олиб турадиган масканларга айланган.

Соиб аканинг халқ билан яқинлиги у киши «Қаршикурилиш» бошқармасига маънавий-мафкуравий ишлар бўйича бошлиқ муовини бўлиб ишлаган даврда ҳам фаол давом этганига гувоҳмиз. Одатда, баъзи иш жойларига, ҳузурларига раҳбар келиб қолса, ишловчилар ҳаяжонланиб, ҳатто қўрқиб – ваҳимага тушиб қолардилар. Соиб аканинг ташрифи эса хурсандчиликка сабаб бўларди. Чўлқуварлар, курувчиilar устознинг эъзозли эътиборини, меҳр-ла йўғирилган муомалаларини, рағбатларини фоятда севишарди. Масалан, у кишининг чин юракдан чиқадиган «Эргашжон, чарчамаяпсизми, камчилик йўқми?» деган бир оғиз сўзи ёки «Менинг чўл чинорим» (илғорларга нисбатан) деган дил эътирофи уларни руҳлантирибгина қолмасди, уларга куч ҳам улашарди.

1993 йилдан Соиб аканинг бевосита ёнида, вилоят фахрийлар корхоналари бирлашмасининг раҳбари бўлиб ишлай бошлагач, у кишини моҳир ташкилотчи, беназир кайвони, оқсоқол сифатида янада чуқурроқ кашф этдим. Шу вақтларда вилоят «Нуроний» жамғармаси қошида саноқли корхоналар бор эди. Соиб аканинг жонқуярлиги, ишбилармонлиги, ёрдами туфайли бир йил ичida қарийб 20 та ташкилот тузганмиз. 100 дан ортиқ иш ўрни яратилган. Умуман, фахрийлар корхоналари бирлашмасининг муваффақиятли фаолиятида устознинг ҳиссаси алоҳида бўлган.

Устоз вилоятнинг ҳақиқий оқсоқоли эди. Ёши улуф булишига, саломатлиги тобора ёмонлашиб бораётганига қарамай, туманларни айланиб, вилоятнинг ривожланишига ўз ҳиссалирини қўшган, пенсияда бўлган кишиларни, шунингдек, ногиронларни йўқлаб туришни асло канда қилмасди. Айни пайтда муттасил равишда вилоятда жойлашган ҳарбий қисмларга бориб, аскар ва офицерларнинг шарт-шароитлари билан танишиб турарди. Сафарлари пайтида бирон муаммо ёки камчиликка дуч келса, масалани дарров вилоят ҳокимлиги ёки тегишли мутсаддилар олдига қўярди ва уни кечиктирмай ҳал этиб берарди.

Шундай. Соиб Усмонов қаерда фаолият кўрсатмасин кўпроқ одамларни ўйлаб яшади ва ишлади. Шу боис, ул зот одамларнинг ўй-хаёлидан, хотирасидан узоклашмаган. Шоир ёзганидек:

Эл хизматин эъзозлади юракдан,  
Эл ҳам уни ёд этади юракдан!



## ҲАМ ҚАРЗ, ҲАМ ФАРЗ

ШУХРАТ ТУРСУНОВ,

*Қарши шаҳри ҳокими*

Бизнинг авлод вилоят ривожи ва равнақига бетакрор ҳисса қўшган кишилар — Соиб Усмонов авлодининг ёрқин сиймолари га ҳавас қилиб вояга етгани билан ўзини омадли ҳисоблади.

Масалан, мен Соиб ака билан бевосита бирга ишламаган бўлсанда, ўзимни у кишининг шогирди деб биламан. Чунки ана шу ажойиб инсон ва моҳир раҳбар билан иш юзасидан бўлган мулоқотларда, йиғилишларда чиқишиларини, нутқ-маърузаларини тинглаганимда, кўпчилик, яъни халқ даврасида ҳозиржавоблик или билдирган, айтган сўзларини эшитганимда, у кишидан кўп нарса ўрганганман.

Кўпчилик эътироф этганидек, Соиб ака киришимлиликнинг, халқ дилига йўл топа билишнинг ўзига хос мумтоз намояндаси эди. Устознинг сұхбатига илк бор мұяссар бўлган одам у киши билан такрор мулоқотда бўлишни истаб қоларди. Ана шундай одамни учратганингизда, сиз ҳам ҳазил, ҳам ҳавас билан, «Шунчаликми?» десангиз, у албатта, «чунки сұхбатларидан ҳузур қилдим ва анча бойидим», деб жавоб берарди.

Биз, ёш кадрларнинг мана шундай инсонлардан, устозлардан, раҳбарлардан йироқ юришимиз мумкинмиди?!

Ибратнинг, шогирдпарварликнинг зўрлигини қарангки, «Нуроний»да ишлаётган пайтида бизни кўпинча Соиб аканинг ўзлари ёнларига чорлаб, маслаҳатлар бериб турарди ёки вақти-вақти билан иш жойларимизга маҳсус ташриф буюриб, ҳол-аҳволлашиб кетарди.

Соиб ака ўшлар, талабалар билан бўладиган мулоқотни айрича ёқтиради. Учрашувларда ўз сўзини чин юракдан, айрича меҳр ила «Болажонларим!» деб бошларди. «Сизларга ҳавас қиласман, чунки сизлар — Ҳуррият даврининг ўшларисиз, Мустақил Ўзбекистонимизнинг бўлажак кадрларисиз», деб давом этаркан, йиғилганларни энг аввал мана шундай фоятда қутлуг имкониятга муносиб бўлишга, Истиқлол иқболининг қадрини баланд тутишга, элим деб, юртим деб ёниб яшашга даъват этарди. Сўзининг охирида фақат ўзига ярашадиган, ўта меҳрли табассум ила шоирнинг «Оҳ, сенинг

ёшлигинг менда бўлсайди» деган машхур сатрларини такрорлаб, ёшларни эркалаторди.

Мен шу уринда бир фактни алоҳида таъкидлаб ўтишни хоҳлайман. Соиб ака ёшлар, талабалар даврасида уларни муносибликка чорларди. Ёши катталар, кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари билан бўлган учрашувларда эса уларни албатта шукроналикка даъват этарди.

Устоз Қарши шаҳрининг асл фарзанди бўлиш баробарида унинг чинакам жонқуяри ҳам эди. Вилоят марказининг янада чирой очишида, ҳақиқий замонавийлик касб этишида, ободонлашишида Соиб аканинг хизмат-ҳиссаси катта бўлганлигини кўпчилик билади. Бу хизмат-ҳисса у киши «Қаршикурилиш» бошқармасининг раҳбарларидан бири бўлиб ишлаб турган йилларда айрича салмоқли бўлганди.

Мен яна бир фактни алоҳида таъкидлаб ўтишни истайман. Тарихчи олимларни, археологларни Қаршининг ёшини аниқлаб беришга фаол даъват этган устозлардан бири ҳам Соиб Усмонов эди.

Ҳа, Соиб ака ана шундай фидойи, юртпарвар, элпарвар инсон ва раҳбар эди. У кишининг ҳавасли ҳаёти ва бетакрор ибратлари ҳақида бугунги кун ёшларига турли шаклларда ҳикоя қилиб туриш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Қаршиликлар Соиб Усмоновга ҳамشاҳар бўлганликлари, унинг номи билан аталағиган қўчада яшайдиганликлари билан фахрланадилар. Эл унутмаган ва унутмайдиган устозимизнинг охиратлари обод бўлсин!



## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

Ислом Каримов. «Маънавий юксалиш йўлида» Т., «Ўзбекистон», 1998.

Ислом Каримов. «Ҳалқ ишончи — олий масъулият». Т., «Ўзбекистон», 2000.

Абдулла Орипов. Танланган асарлар. Биринчи жилд. Т., F.Ғулом номидаги нашриёт - матбаа ижодий уйи, 2000.

Жуманиёз Жабборов. «Ҳайрат олами». Т., «Шарқ» НМАК бош таҳририяти, 2004.

Поён Равшанов. «Қашқадарё: Истиқлол арафасида». Т., «Маънавият», 2003.

Бойназар Йўлдошев. «Қашқадарё бадиияти». Т., «Шарқ» НМАК бош таҳририяти, 1997.

«Безавол умр», «Суратли лавҳалар». Қарши шаҳри, 2000.

«Ҳалқ сўзи» газетаси, 1990-2000 й.й.

«Қашқадарё ҳақиқати» газетаси. 1988-2000 й.й.

Шаҳрисабз туман газетаси. 1969-1971 й.й.

«Чўл ўлкаси» газетаси. 1972-1986 й.й.



## МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Юсуф Бердиев Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидаги Галамула қишлоғида таваллуд топган. Ҳозирги Мирзо Улугбек номидаги миллий университетни битирган. Ўзбекистон журналистлари орасида ўзига хос услуби ва овозига эга, ҳаётнинг энг долзарб мавзуларида қалам тебратиб келаётган ижодкор.

Мустақиллик ва унинг самара-ларини ёрқин мисолларда тасвирилаш, ўзбек халқининг фидокорона ва бунёдкорлик ишларини тараннум этиш — миллий бадиий публицистикамиизда ўзининг алоҳида ўрнини топган асарларида асосий мавзу-мундарижани ташкил этади. Ўзбекистон Қаҳрамонларига бағишиланган очеркларини эса ҳақли равишда ўзбек қаҳрамонномасини яратиш йўлидаги қаттиқ изланиш самараси деб баҳолаш керак. «Ёниб яшайтган одамлар», «Сиз ҳамиша мукаррамсиз» (Қаҳрамон ўзбек аёллари), «Қашқадарё Қаҳрамонлари» китоблари унинг қаҳрамоннома туркумини ташкил этади.

Журналист адабнинг «Жаҳонгир қўшиғи», «Пойтахтга яқин одамлар», «Чифатой Оқтепадаги чинор», «Ҳикматли дунё», «Монолог Сахибиридан» тўпламлари, шунингдек, замондошлиар мавзуидаги кўтлаб очерк ва публицистик мақолалари ҳам ўкувчиларга яхши таниш.

Юсуф Бердиев Ўзбекистон Журналистлар ва Театр арбоблари уюшмаларининг аъзоси. Бир неча бор ижодий уюшмалар ва даврий нашрлар танловларининг голиби бўлган. Жумладан, 2000 йилда Ёзувчилар, Журналистлар ва «Тасвирий ойина» ижодий уюшмалари «Энг улуғ, энг азиз» танловининг бош соврини билан тақдирланган.

## **МУНДАРИЖА**

<b>Н.Зайнев. Ҳикматли умр (Сұзбоши).....</b>	<b>3</b>
<b>Муқаддима.....</b>	<b>5</b>
<b>Биринчи боб</b>	
<b>Фузор, сенсан--илк устозим.....</b>	<b>8</b>
<b>Иккинчи боб</b>	
<b>Мен нечун севаман чинор, тоғларни.....</b>	<b>31</b>
<b>Учинчи боб</b>	
<b>Күчоқ очиб келдим сизга.....</b>	<b>55</b>
<b>Түртінчи боб</b>	
<b>Шахрисабз йиллари.....</b>	<b>73</b>
<b>Бешинчи боб</b>	
<b>Эй чүл, сенинг турфа гулингдан!.....</b>	<b>94</b>
<b>Олтінчи боб</b>	
<b>«Нур» исмли давра бу.....</b>	<b>124</b>

## **Хотиralар. Дил сұзлари**

<i>Э.Боқибоев.</i> Унутмас уни боғи.....	153
<i>А.Орипов.</i> Нечун фахр этмайин.....	155
<i>И.Жалилов.</i> Излари ибратли.....	157
<i>Ҳ.Шоғазатов.</i> Тұзонларда бордек ҳаловат.....	160
<i>Ә.Тұрсунов.</i> Соиб ака ҳақида ўйлаганимда.....	163
<i>Я.Иноятов.</i> Мамнуният ва масъулият.....	165
<i>Қ.Махмудов.</i> Қирқ ииллик қурдошим.....	167
<i>М.Рұзиеv.</i> Жайхун ҳам гувоҳ.....	169
<i>Ф.Набиев.</i> Қалб қадрдони.....	171
<i>Ә.Жалолов.</i> Бир оёғи Қамашида бўларди.....	173
<i>Т.Эргашев.</i> Бири «устоз» дерди, бириси «оға».....	175
<i>А.Худойназаров.</i> Файз кириб келарди.....	177
<i>Ә.Ражабов.</i> Кўпни деган кайвони.....	179
<i>М.Худойқулов.</i> Кадр камолин кўрса.....	181
<i>М.Ҳикматов.</i> Ёд этамиз юракдан.....	183
<i>Ш.Тұрсунов.</i> Ҳам қарз, ҳам фарз.....	185
Фойдаланилган адабиётлар.....	187

Адабий-бадиий нашр

**ЮСУФ БЕРДИЕВ**

**АЖАБ САОДАТ**

ёхуд Соиб Усмоновнинг  
ибратли ҳаёти қиссаси

Мухаррир *Жонибек Субҳон*

Мусаввир *Д. Жалилов*

Кичик мұхаррир *Н. Фозилова*

Техник мұхаррир *Т. Смирнова*

Мусаҳих *Б. Абдусалом қизи*

Босишига 26.04.2006 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32.  
Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоқ 10,8.  
Нашр табоби 12,0. Жами 1000 нусхада. 388 рақамли буюртма.  
M-248 нашриёт рақами. Баҳоси шартнома асосида.

ЎзФА «Фан» нашриёти: 100047. Тошкент, акад. Я. Фуло-  
мов кўчаси, 70.

«MERIYUS» XHMK. Тошкент шаҳар, ген. Узоқов кўча-  
си, 2 «A»-уй.

65.32(5У)

Б 56

Бердиев Юсуф.

Б 56                   Ажаб саодат ёхуд Соиб Усмоновнинг ибратли ҳаёти қиссаси /Ю.Бердиев; Сўз боши Н.Зайниевники. –Т.: «Фан», 2006. -192 б.

ББК 65.32(5У)

Қашқадарёнинг асл фарзандлари кўп. Турли йилларда вилоятнинг бир нечта туманига муваффақиятли раҳбарлик қилиб, Қарши чўлини ўзлаштирувчиларнинг етакчиларидан бири сифатида фидойилик кўрсатиб, Жанубий воҳданинг ривожи – равнақига муносаб ҳисса қўшган, истиқлол йилларида ҳалқ ишончига сазовор бўлиб, кетма-кет икки марта Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига депутат этиб сайланган Соиб Усмонов ҳудди шундай кишилар сирасига киради. Мазкур китобда ана шу комил инсон, моҳир раҳбар, ҳақиқий эл кайвонисининг ҳаёти ва ибратлари ҳақида ҳикоя қилинади.

